



Бобокулов И.И.
Умаров Х.П.


ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ

Ўқув қўлланма

ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

И.И. БОБОКУЛОВ, Х.П. УМАРОВ

**ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ
Ўқув қўлланма**



Тошкент-2011

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 20 йилигига бағишиланади

Бобокулов И.И., Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув
қўлланма.–Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия
университети, 2011.–160 б.

Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил
ва истиқболни белгилаш олий мактаби илмий кенгаши
йигилишида нашрга тавсия этилган (21 сентябр 2010 йил 57-сонли
баённомаси).

Ўқув қўлланма муллифлари:

Бобокулов И.И., юридик фанлар номзоди – I, III
ва IV бўлимлар.

Умаров Х.П. сиёсий фанлар номзоди,
доцент – II бўлим.

Тақризчилар: Мўминов А., сиёсий фанлар
доктори
Якубов Ш., юридик фанлари
номзоди

Ўқув қўлланмада хавфсизлик масалалари – хавфсизлик тадқ-
иқотларининг юзага келиш сабаблари, хавфсизлик соҳалари ҳамда
миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик хусусиятлари илмий-
назарий нуқтаи назардан ёритиб берилган. Шунингдек, Ўқув
қўлланмада замонавий халқаро муносабатлар тизимида мавжуд
муаммолар, уларга нисбатан янгича ёндашувлар ёритиб берил-
ган. Ўқув қўлланма Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томо-
нидан белгилаб берилган талаблар асосида тайёрланди.

Ўқув қўлланма сиёсий фанлар, хусусан халқаро муносабатлар
ҳамда халқаро ҳуқуқ йўналишларида таҳсил олаётган талабалар,
бу борада фаолият олиб бораётган мутахассислар ва умуман маз-
кур масала билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

© И.Бобокулов, Х. Умаров, 2011 й.

© Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011 й.

МУНДАРИЖА

I БҮЛİM. ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИГА КИРИШ	5
1-мавзу. Хавфсизлик тадқиқотларининг эволюцияси	5
2-мавзу. Хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳияти	20
3-мавзу. Миллий хавфсизлик тушунчаси ва асосий категориялари	42
II БҮЛİM. ХАВФСИЗЛИК СОҲАЛАРИ	55
4-мавзу. Сиёсий хавфсизлик: тушунчаси, обьекти ва субъектлари	55
5-мавзу. Геосиёсий хавфсизлик – миллий хавфсизликнинг таркибий қисми	67
6-мавзу. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий жиҳатлари	83
III БҮЛİM. МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК	104
7-мавзу. Минтақавий хавфсизликнинг асосий жиҳатлари	104
8-мавзу. Минтақавий ташкилотларнинг шаклланиши ва ривожланишининг халқаро-ҳуқуқий асослари	116
IV БҮЛİM. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК	127
9-мавзу. Халқаро хавфсизликни таъминловчи замонавий кўптомонлама механизmlар	127
10-мавзу. Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг институционал-ҳуқуқий асослари	136
11-мавзу. Халқаро муносабатларда куч ишлатишни ҳуқуқий тартибга солиш	147

ҚИСҚАРТМА СҮЗЛАР ИЗОХИ

АДТ	- Америка Давлатлари Ташкилоти
АИ	- Африка Иттифоқи
АБТ	- Африка Бирлиги Ташкилоти
АНЗЮС	- Австралия, Янги Зеландия ва Америка Қўшма Штатлари
АСЕАН	- Жанубий-шарқий Осиё Давлатлари Ташкилоти
БМТ	- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
ЕИ	- Европа Иттифоқи
ЕХХТ	- Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича Ташкилот
КХШТ	- Коллектив Хавфсизлик тўғрисидаги Шартнома Ташкилоти
МДХ	- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
МДХ АТМ	- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Аксилтеррор маркази
НАТО	- Шимолий Атлантика Шартномаси Ташкилоти
ОАВ	- Оммавий ахборот воситалари
ОҚҲЖ	- Оролни Қутқариш Ҳалқаро Жамғармаси
ОЎҲИЧ БК	- Осиёда Ўзаро Ҳамкорлик ва Ишонч Чоралари бўйича Кенгаш
ССМТИ	- Стокгольм сиёсий ва минтақавий тадқиқотлар институти
ТАСИС	- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги учун техник ёрдам
ШХТ	- Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти
ШХТ МАТТ	- Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузулмаси
ЮНЕСКО	- Бирлашга Миллатлар Ташкилотининг Фан, Маданият ва Таълим бўйича Ташкилоти
FEI	- Европа Иттифоқи

I БҮЛİM. ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИГА КИРИШ

1-мавзу. Хавфсизлик тадқиқотларининг эволюцияси

Таянч атамалар:

хавфсизлик, хавфсизлик муаммолари, «стратегик тадқиқотлар», «хавфсизлик тадқиқотлари», «хавфсизлик вакууми», тизим (тизимли ёндашув), «ақлий марказлар», глобаллашув

1.1. Хавфсизлик түғрисидаги фаннинг предмети ва вазифалари.

1.2. «Стратегик тадқиқотлар»нинг («Strategic Studies») асосий жиҳатлари.

1.3. «Хавфсизлик тадқиқотлари»нинг («Security Studies») ўзига хос жиҳатлари ва ривожланишининг ҳозирги замон тенденциялари.

«... ҳар бир инсон тинчликка эришиши даркор.

Бунда бирламчи ва энг муҳим табиий
қонун мужассам этилган»

Томас Гоббс

1.1. Хавфсизлик түғрисидаги фаннинг предмети ва вазифалари

Хавфсизлик инсонлар, жамиятлар, давлатлар ва халқларнинг объектив эҳтиёжи, улар фаолиятининг бош омили ва мавжудлигининг зарурий шартидир. Ижтимоий муносабатларнинг моҳияти, хавфсизликнинг обьект ва субъекти, соҳа ва тизими, хавф ва таҳдидлар каби ҳодисаларнинг сиёсий-ҳуқуқий табиатини англаб етишда хавфсизлик бошланғич нуқта бўлиб хизмат қиласди. Хавфсизликни таъминлашга бўлган интилиш давлатларнинг бирлашишига, қуролли кучлар ва ҳарбий иттифоқларнинг вужудга келишига, халқаро ташкилотларнинг таъсис этилишига замин яратади. Шу боис миллий ва халқаро тизимда хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизми, куч ва воситаларининг яратилиши устувор йўналиш ҳисобланади.

Жамият ва давлатнинг хавфсизликка бўлган объектив эҳтиёжи, ўз навбатида, хавфсизлик муаммоларини назарий жиҳатдан тадқиқ этишни, яъни таҳдид ва хавфларни ўрганиш, мунта-

зам равишда мониторинг олиб бориш ва баҳолашни тақозо этади. Бу эса муайян фан доирасида амалга оширилиши лозим. Бироқ яқин вақтгача хавфсизлик масалалари тизим ости аҳамият касб этиб, маълум бир фанлар доирасида ўрганиб келинган. Хавфсизлик муаммоларини ўрганишнинг бугунги ҳолати хавфсизлик тўғрисидаги билимлар «предмет олди» ҳолатдан чиқиб, ўз тадқиқот предметига эга бўлиб бораётганлигини тасдиқлашга асос бўла олади.

Фанда янги йўналишни юзага келишига хизмат қилувчи асосий омиллар сифатида қўйидагиларни қайд қилиб ўтиш мумкин:

биринчидан, хавфсизликнинг назарий муаммоларини комплекс ва тизими тарзда ўрганиш зарурияти;

иккинчидан, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид ва хавфларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, уларга қарши курашиш ва олдини олиш йўллари ва механизmlарини ишлаб чиқиш;

учинчидан, хавфсизлик субъектларининг - давлат органдари, сиёсий партиялар, ноҳукумат ва халқаро ташкилотлар, индивид ва бошқаларни – хавфсизликни таъминлаш жараёнида тутган ўрнини тадқиқ этиш;

тўртингчидан, хавфсизликнинг даража ва соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсир масалаларини ўрганиш;

бешинчидан, хавфсизлик тизими, унинг асосий таркибий қисмлари шаклланишининг сиёсий-ҳуқуқий муаммоларини тадқиқ этиш ва бошқалар.

Ушбу вазифаларни бажаришни ўз олдига қўйган фаннинг номи ҳам муайян илмий мунозарага сабаб бўлиши мумкин. Чунки уни номлашда турли қарашлар мавжуд. Энг кенг тарқалган номланиш сифатида «Стратегик тадқиқотлар» ёки «Хавфсизлик тадқиқотлари»ни келтириш мумкин. «Стратегик тадқиқотлар», одатда, ҳарбий ёки хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий тадқиқотлари тарзида ишлатиб келинган. Шунинг учун мазкур ўкув қўлланмаси доирасида кенгроқ мазмун касб этувчи «хавфсизлик тадқиқотлари» ёки «хавфсизлик тўғрисидаги фан» тушунчалари ишлатилади.

Хавфсизлик тўғрисидаги фан предметлараро хусусиятга эга. Мазкур фанга оид асосий тушунчалар турли ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ҳам тадқиқ этилади. Хусусан, ҳарбий, сиёсий, озиқ-овқат, экологик ва бошқа шу каби хавфсизлик соҳаларининг асосий категориялари хавфсизлик тадқиқотлари билан бир қаторда, сиёсатшунослик, иқтисодиёт, эко-

логия каби фанлари доирасида ҳам ўрганилади. Шунинг учун ҳам улар хавфсизлик муаммоларининг умумназарий жиҳатларини ишлаб чиқиша ўз ўрнига эга. Бу маънода хавфсизлик тўғрисидаги фанни мавжуд ижтимоий фанларнинг ўзига хос синтези сифатида кўриш мумкин. Бироқ у хавфсизлик каби мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-хуқуқий ҳодисани ўрганишда комплекс ёндашувнинг мавжудлиги билан бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан фарқ қиласди.

Хавфсизлик тўғрисидаги фаннинг предметини - миллий, минтақавий ва ҳалқаро даражада хавфсизликни таъминлаш борасида хавфсизлик субъектларининг ўзаро муносабатлари ташкил этади. Хавфсизлик тўғрисидаги фан, биринчи навбатда, шахс, жамият ва давлат, уларнинг ҳаётий муҳим манфаатлари, хавф ва таҳдидлар, хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи куч ва воситаларни ҳамда уларни яратиш билан боғлиқ жараёнларни ўрганади.

Хавфсизлик тўғрисидаги фаннинг мақсади - хавфсизлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, унинг предмети ҳақида объектив билимларни эгаллаш ҳамда уларни назарий жиҳатдан умумлаштириш ва тизимга солиш орқали хавфсизлик муаммоларини ҳал этишининг назарий ва амалий ечимини бериш ҳисобланади.

Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, хавфсизлик тўғрисидаги фаннинг вазифалари сифатида қўйидагиларни белгилаш мумкин:

- ♦ хавфсизликнинг асосий тушунчалари моҳиятини очиб бериш;
- ♦ шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ўрганиш;
- ♦ хавф ва таҳдидларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва бартараф этиш борасида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- ♦ хавфсизлик тизимининг энг мақбул тузилиши ҳамда фолиятининг умумий тамойил ва услубларини ишлаб чиқиш;
- ♦ хавфсизлик даражаси ва соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари ва ўзаро мутаносиблигини очиб бериш;
- ♦ хавфсизлик тадқиқотларининг ҳозирги замон тенденцияларини таҳлил этиш ва бошқалар.

Тизимли ёндашув хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишининг асосий тамойили ҳисобланади. Мазкур ёндашувга кўра, алоҳида олинган кишилик жамияти муайян мухитда мавжуд бўлиб, у ёки бу даражада барқарор тузилмалар кўринишига эга. Хавфсизлик нуқтаи-назаридан, хавфсизлик бўлинмас ҳоди-

са ва унинг соҳа ва даражалари ўзаро боғлиқликка асосланган. У қисмларга ажратилиб таҳлил этилиши мумкин бўлган ўзаро боғлиқ ва таъсирдаги элементлар мажмуидан иборат яхлит тизим сифатида тавсифланади. Ҳар қандай тизим уни ташқи муҳитдан ажратиб турувчи, у ёки бу даражада аниқ белгиланган чегараларга эга. Тизимнинг яна бир муҳим жиҳати – бу унинг ички мувозанатни таъминлаш хусусиятига эгалигидир. Тизим – умумий мақсадга эришишга қаратилган ўзаро боғлиқ элементлар мажмуидир.

1.2. «Стратегик тадқиқотлар»нинг («Strategic Studies») асосий жиҳатлари

ХХ асрнинг сўнгигида икки кутбли дунёning барҳам топиши халқаро муносабатлар назарияси ва унинг тармоғи ҳисобланган «хавфсизлик тадқиқотлари»да кескин ўзгаришларга сабаб бўлди. «Совуқ уруш» билан боғлиқ ғоя ва қарашлар жиддий танқидга учради. Давлатлараро муносабатларнинг ўзаги ҳисобланган хавфсизлик омили академик доираларда ва сиёsatчилар ўртасида жиддий мунозараларга сабаб бўлди. Энг кескин тортишувлар хавфсизликнинг замонавий талқини ҳамда Иккинчи жаҳон урушидан кейин устувор аҳамият касб этиб келган хавфсизлик концепциясининг постбиполяр халқаро муносабатларнинг янги воқелигига мос келиши атрофида кечди.

Икки кутбли дунёning барҳам топиши хавфсизликнинг кенг қамровли ва комплекс характерини очиб берди. Хавфсизлик тадқиқотларида этатик ёндашувнинг емирилиши ҳамда унинг замонавий талабларга у қадар мос келмаслигини тасдиқловчи янги жиҳатлар намоён бўлди. Айрим тадқиқотчилар СССР тимсолида ҳарбий таҳдиднинг барҳам топиши «хавфсизлик вакууми»ни вужудга келганлигини таъкидласалар, иккинчи бирлари, аксинча, «совуқ уруш»нинг тугаши эксперtlар ҳамжамияти учун хавфсизлик ва у юзага келаётган дунё ҳақидаги анъанавий қарашларни қайта кўриб чиқиш учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратганлигига ургу берадилар.

Хавфсизлик предметини тушунишга нисбатан талабнинг ортиши давлат ва жамиятнинг ҳам назарий ҳам амалий эҳтиёjlари билан изоҳланади. Чунки, нисбатан янги халқаро муҳитда давлат институтларининг сиёсий қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ зарурий эҳтиёjlари ҳам «хавфсизлик» тушунчасини қайта баҳолаш ва мушоҳада этишни тақозо этди. Ушбу ўринда халқаро муносабатларда шахс ва жамият аҳамиятини ўсиб бораётганлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Шунингдек, бу каби ҳолат халқаро муносабатлар тизими ва халқаро хавфсизлик

муҳитига кескин таъсир кўрсатган геосиёсий ўзгаришлар оқибати билан ҳам боғлиқ. Зеро, «темир парда» ўрнатилган вақтдан бошлаб, Фарб ва Шарқ қарама-қаршилиги халқаро муносабатларнинг мазмуни ва структуравий ўзгаришларни белгилаб берувчи муҳим омил бўлиб келди.

Тадқиқотчилар хавфсизликни анъанавий тушунишга нисбатан «стратегик тадқиқотлар» (*«strategic studies»*) ёки «хавфсизликнинг анъанавий тадқиқотлари» атамаларини кенг қўллаб келишган. Мазкур тушунча XX асрнинг 40-50-йилларида хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларини ўзида мужассам этган категория сифатида муомалага кирди.

«Стратегик тадқиқотлар»нинг ривожланган даври 1945-1960 йилларга тўғри келиб, мазкур давр тадқиқотчилар томонидан унинг «олтин даври» сифатида баҳоланади. «Стратегик тадқиқотлар» доирасида ҳарбий соҳа хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишнинг устувор йўналиши, ҳарбий куч эса – миллий хавфсизликни таъминлашнинг ягона самарали воситаси (куроли) сифатида қаралган. Шу боис, «душман тимсоли» ва (ташқи) ҳарбий таҳдиднинг мавжудлиги хавфсизликнинг бошлангич элементи бўлиб хизмат қилган. Назарий ва амалий маънода хавфсизлик таҳдидларни бошқариш билан уйғун тарзда кўрилган. Хавфсизлик субъектлари тизимида суверен давлат марказий ўринни эгаллаган. Инглиз тадқиқотчиси Б.Бузан «стратегик тадқиқотлар»ни «куч инструментларининг халқаро муносабатларга таъсири» сифатида таърифлаган бўлса, К.Буз ва Э.Херринглар «стратегик тадқиқотлар»нинг асосий фокуси – бу «халқаро муносабатларда ҳарбий ўлчамнинг тушунилиши», дея изоҳлаганлар.

Ҳарбий таҳдид – хавфсизликка анъанавий қарашнинг асосий элементи ҳисобланади. Халқаро муносабатларни душман қиёфаси, унинг тажовузи ва таҳдидларисиз тасаввур қилиш қийин бўлган. Адабиётларда бундай ҳолат «хавфсизлик вакууми» сифатида талқин этилади. Б.Максвини традиционалистлар ёндашувини ифода этиб, қуйидаги фикрни келтиради: «агар жунгли сифатида таърифланаётган дунёда белгиланган душман мавжуд бўлмаса, ёки реал дунё бизнинг онгимизда ҳосил бўлган дунёдан фарқли бўлса, у ҳолда унинг ноҳавфсизлигини (*insecurity*) белгиловчи таҳдидлар қайтадан яратилиши даркор...».

Шундай қилиб, «стратегик тадқиқотлар» – миллий хавфсизлик концепциясининг устуворлигига асосланган тадқиқотлар бўлиб, индивидуал «давлат миқёсида давлат томонидан давлатнинг ҳарбий кудрати орқали эришиладиган давлатнинг ҳолати»ни (К.Уолтс) англатувчи хавфсизлик назариясидир.

Традиционалистлар ўз қарашибарыда «оқ доғлар»нинг мавжудлигини инкор этмайдилар. Уларнинг энг муҳимлари сифатида күйидагилар ажратиб кўрсатилади:

бириңчидан, мавхум таҳдид назариясига алоҳида эътибор берилиши ҳамда уни ўзаро конфликтларнинг барча жиҳатларига нисбатан кўлланилиши;

иккинчидан, ноҳарбий миссияларга (хусусан, тинчликпарварлик операциялар, гуманитар ёрдам ва бошқаларга) етарли даражада эътибор берилмаслиги;

учинчидан, «стратегик тадқиқотлар»ни, биринчи навбатда, АҚШ, Европа ва собиқ СССРга қаратилган тадқиқотлар эканлиги. Шу боис, халқаро хавфсизлик нуқтаи-назаридан бошқа минтақаларга етарли эътиборнинг қаратилмаганлиги;

тўргинчидан, трансмиллий ахборот ва маданий дастурлар, таъсир кўрсатишнинг сиёсий кампанияси ва тарғибот, иқтисодий сиёсат, молиявий институтлар ҳамда шу каби ноҳарбий куч ва таъсир инструментларини етарли даражада ўрганилмаганлиги ва бошқ.

Хавфсизликтининг анъанавий ёки «тор» концепцияси, аввало, АҚШ сиёсий фанларида устувор бўлиб келган реализмнинг кучли таъсири остида ривожланди. Яқин кунларгача хавфсизлик соҳаси Иккинчи жаҳон урушидан кейин Фарбнинг курдатли давлати сиёсати эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи «фавкулодда Америка лойиҳаси» сифатида қараб келинган. Гап шундаки, айнан хавфсизлик соҳасидаги тадқиқот натижаларига нисбатан тегишли давлат институтларининг амалий эҳтиёжи тадқиқот лойиҳалари ва «ақлий марказлар» фаолияти учун катта миқдордаги молиявий маблағларнинг ажратилишига сабаб бўлган.

Хозирда АҚШда 2 мингдан ортиқ таҳлил марказлари мавжуд. Уларнинг фаолият кўлами, молия манбалари ҳамда вазифалари бир-биридан фарқланади. Айримлари ҳам ички ҳам ташқи сиёсатнинг муайян соҳаларига, бошқалари эса маълум бир минтақа муаммоларини ўрганишга ихтисослашган. АҚШ «ақлий марказлари» фаолияти икки хил йўл билан - хусусий тартибда ҳамда ҳукумат муассасалари орқали тушадиган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади. Масалан, мамлакатдаги таҳлил институтлари орасида РЭНД корпорацияси энг кўп йиллик бюджетга эга бўлиб, ўз маблағининг қарийб ярмини давлат (ассосан Пентагон), қолган қисмини эса хусусий сектор буюртмаларини бажариш орқали топади.

Бугунги кунда «ақлий марказлар» сиёсат соҳасида кўлланилиши лозим бўлган билимларга эга бўлиш ҳамда бу йўналишда тадқиқотлар олиб бориш мақсадида ташкил этилган

институтларни назарда тутади. Уларнинг асосий функцияси – фоялар ва уларни амалга оширишда объектив равишда юзага келадиган бўшлиқларни тўлдиришдан иборат. «Стратегик» марказлар фаолияти доирасига кенг миқёсда тадқиқотлар ўтказиш орқали ташқи сиёсий истиқболни белгилаш, геосиёсий сценарийларни тузиш, хавфсизлик соҳасида амалий тавсиялар ишлаб чиқиш, ноҳукумат ва халқаро ташкилотлар, йирик бизнес ва трансмиллий компанияларнинг буюртмаларини бажариш киради.

Ушбу институтлар таркибига ноҳарбий ёки фуқаролик ихтиносслигига эга бўлган шахсларни жалб этилиши истиқболда хавфсизлик муаммоларини ўрганишга ижобий таъсир кўрсатди. АҚШ ҳарбий идоралари раҳнамолигида ташкил этилган таҳлил муассасаларида малакали мутахассислар кўпчиликни ташкил қила бошлади. Табиийки, тадқиқот предметининг ҳарбий-сиёсий соҳадан чиқиб, хавфсизликнинг бошқа жиҳатларини ҳам қамраб олишида ушбу омилнинг ўз ўрни бор.

1.3. «Хавфсизлик тадқиқотлари»нинг («Security Studies») ўзига хос жиҳатлари ва ривожланишининг ҳозирги замон тенденциялари

XX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб, хавфсизликка оид қарашлар тизими турли халқаро ва минтақавий воқеа/ҳодисалар таъсирида кескин ўзгаришларга юз тутди. Хусусан, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлигининг ўсиб бориши, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб аҳамият касб этиши, илмий-техникавий тараққиётнинг давлатлараро муносабатларга таъсирининг кучайиши ва бошқаларни көлтириш мумкин. Уларнинг таъсирида хавфсизлик фокусини, традиционалистлар фикрича, «юқори сиёсат»дан, яъни ҳарбий соҳадан халқаро ҳаётнинг бошқа жабҳаларини, биринчи галда, иқтисодиёт ва атроф-муҳитни қамраб олувчи «қўйи сиёсат»га қараб ўзгаришини кузатиш мумкин. Хавфсизлик чегарасининг ижобий кенгайиши мазмун жиҳатдан кенг – «хавфсизлик тадқиқотлари» («security studies») тушунчасининг вужудга келишига турткى бўлди.

«Хавфсизлик тадқиқотлари» мазмуни ва тузилишига кўра «стратегик тадқиқотлар»дан тубдан фарқ қиласди. «Хавфсизлик тадқиқотлари»да миллий хавфсизлик ва ҳарбий соҳа билан бир қаторда хавфсизликнинг бошқа даражалари – минтақавий, халқаро, глобал ҳамда соҳалари – иқтисодий, экологик, ижтимоий, гуманитар ва бошқалар илмий билишнинг муҳим объектлари сифатида тан олинади. Унинг доирасида субъектлар/актор-

лар сон ва сифат жиҳатидан ўзгарди ва халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар, трансмиллий акторлар, жамоат ташкилотлари ва индивидлар ҳисобига кенгайди.

Боз устига, хавфсизликнинг куч ва воситалари кенгайди. Қуролли кучлар билан бир қаторда халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар, оммавий ахборот воситалари, инвестиция киритиш ва бошқалар хавфсизликни таъминлашнинг муҳим инструментлари сифатида эътироф этила бошланди. Шунинг учун ҳам хавфсизликка оид адабиётларда давлатнинг марказий ўрни ва миллий хавфсизлик ғоясининг устуворлиги адолатли танқидга учради. Сезиларли бурилиш минтақавий ва халқаро хавфсизлик томон амалга оширилди. «Инсон ўлчами» хавфсизлик тадқиқотларида сезиларли ўрин эгаллай бошлади.

Суверен давлатлар хавфсизлигининг ўзаро боғликлиги ва ўзаро таъсирда бўлиши халқаро ҳаёт глобаллашувининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бугунги муракаб дунёда алоҳида олинган давлатнинг, у қай даражада қурдатли бўлмасин, ўз хавфсизлигини якка ҳолда таъминлай олмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда. Шунинг учун ҳозирги даврда хавфсизлик институтларининг ўзаро ҳамкорлиги ва интеграцияси, «умумий хавфсизлик»ни таъминлашда миллий стратегияларни мувофиқлаштириш муҳим ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида халқаро ташкилотларнинг аҳамияти сезиларли даражада ортди. Суверен давлатларнинг миллий манбаатларини амалга ошириш механизми сифатида тузилган мазкур институтлар тобора халқаро сиёsatда ўз «сўзи»га эга бўлган акторлар сифатида намоён бўлмоқда. Бугунги кунда хавфсизлик ва мудофаа соҳасида ҳамкорликнинг сиёсий-ҳукуқий асосларини яратиш асосан халқаро ташкилотлар доирасида амалга оширилмоқда. Ҳозирда улар бевосита давлатларнинг ички ишлари деб ҳисоблаб келинган ваколатлар доирасига кириб бормоқда (мисол учун, «гуманитар интервенция», инсон ҳукуқлари, атроф-мухитни ҳимоя қилиш каби соҳаларни келтириб ўтиш мумкин).

Минтақавий ёндашув ҳозирги замон хавфсизлик тадқиқотларининг муҳим жиҳатига айланди. Ички ва ташқи таҳдидлар ўртасидаги чегараларнинг ювилиб кетиши, трансчегаравий таҳдидларнинг пайдо бўлиши, янги мустақил давлатлар ҳамда улар муносабатларини мувофиқлаштирувчи кўптомонлама институтларнинг яратилишини хавфсизликнинг минтақалашувини кучайишига туртки бўлаётган омиллар сифатида баҳолаш мумкин. Минтақавий ёндашувнинг энг муҳим шарти бўлиб, минтақа давлатларининг географик жиҳатданбир-бирига яқинлиги ҳисоб-

ланади. Муйаян бир географик маконда жойлашган давлатларнинг муаммо, таҳдид ва манфаатларининг умумийлиги ҳамда уларни ҳал этиш билан боғлиқ эҳтиёж минтақавий институтлар, норма ва қоидаларнинг яратилишини талаб этди.

ХХ асрнинг иккинчи ярмида минтақавий ёндашув асосини ташкил этган қатор хавфсизлик концепциялари ишлаб чиқилди. Хусусан, «умумий хавфсизлик» («common security»), «хавфсизлик комплекси» («security complex»), «ҳамжамият хавфсизлиги» («security community») ва бошқалар. Мазкур концепцияларда минтақа ва минтақавий жараёнлар давлат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омиллари сифатида белгиланди.

Трансмиллий акторлар ва трансмиллий таҳдидларнинг пайдо бўлиши хавфсизлик концепцияси чегараларини кенгайишига олиб келди. Трансмиллий алоқалар: а) жисмоний объекслар, жумладан, шахслар; б) ахборот ва ғоялар; в) капитал ва бошқа моддий бойликлар ҳаракати натижасида юзага келади (С. Хантингтон). Замонавий давлатлараро муносабатларда трансмиллий компонентнинг кучайишида транспорт коммуникациялари ва технологияларининг ривожи ҳамда давлатлараро алоқаларнинг ўсиши муҳим аҳамият касб этди.

Трансмиллий акторлар – халқаро муносабатларда нисбатан янги ҳодиса бўлиб, ўз таркибига кенг доирадаги иштирокчиларни қамраб олади. Хусусан, трансмиллий корпорациялар, халқаро ноҳукумат ташкилотлар, миллий-озодлик ҳаракатлари ва бошқ. Трансмиллий акторлар халқаро ҳаётнинг таркибий қисми бўлиб, давлатлараро амалиёт ривожининг табиий ва муқаррар натижаси сифатида кўрилади. Қатор трансмиллий акторлар, масалан, террористик ташкилотлар, қаршилик кўрсатиш ёки миллий-озодлик ҳаракатлари асосан икки мафкуравий тизимнинг ўзаро қарама-қаршилиги ҳамда мустамлака тизимишнинг емирилиши натижасида вужудга келди. «Совуқ уруш» даврида асосий мафкуравий рақиблар - АҚШ ва СССР – улардан ўз ташки сиёсатининг инструменти сифатида фойдаландилар. Молиявий, моддий-техникавий ва бошқа турдаги ёрдамни олиб турган трансмиллий акторлар, ўз навбатида, ҳомийларининг миллий манфаатларини амалга оширишган. Айни пайтда ушбу акторларнинг фаолияти қурдатли давлатларнинг манфаатлари доирасида ушлаб турилган ва уларнинг назорати остида бўлган. Бироқ, СССРнинг парчаланиб кетиши билан «тийиб туриш доктринаси» ўзининг аввалги мавқеини йўқотди. Оқибатда миллий ҳукumatларга бўйсунмайдиган кучлар юзага келди.

Боз устига, таъкидлаб ўтилган кучлар томонидан амалга оширилиб келинаётган «паст даражадаги конфликтлар» анъа-

навий урушлардан тубдан фарқ қилди. Натижада мавжуд назария ва амалиёт, таҳдид ва хавфларни бартараф этиш услугува инструментлари бу каби конфликтларга нисбатан самарасиз бўлиб қолди. Ушбу маънода трансмиллий акторлар фаолиятини хавфсизликнинг анъанавий ёндашувига берилган зарба сифатида кўрилиши мумкин. С.Хантингтон трансмиллий акторлар фаолиятини таҳлил қилас экан, уларга хос уч мезонни ажратиб кўрсатди: ички жиҳатдан мураккаб, функционал жиҳатдан ўзига хос ва давлатлараво чегараларни тан олмайдиган акторлар.

Трансчегарашибий таҳдидлар – хавфсизлик назариясида нисбатан янги ҳодиса. Хавф субъекти ва манбаларини, ҳаракатни содир этиш услугува инструментларини («жиноят куроли»ни) аввалдан аниқлашнинг қийинлиги, ҳаракатларнинг экстерриториаллиги ва бошқалар трансчегарашибий таҳдидларни анъанавий (харбий) таҳдидлардан фарқлаб турувчи хусусиятлар ҳисобланади. Одатда, ушбу гурӯхга ҳалқаро терроризм, наркотикларнинг ноқонуний савдоси, диний экстремизм, одам савдоси каби таҳдидларни киритиш мумкин. Айни пайтда трансчегарашибий таҳдидлар ва акторлар ҳодисасининг ҳалқаро муносабатлардаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Мустамлака тузумининг барҳам топиши, янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши, икки кутбли дунёнинг барҳам топиши натижаси ўлароқ миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий қадрияtlар ва маданиятларнинг тикланиши, ўз миллий ва этник илдизларига мурожаат хавфсизлик концепцияси ривожига янги босқич бўлиб кирди. Бу эса, ўз навбатида, давлатларнинг ташқи ва хавфсизлик сиёсатида ички омиллар аҳамиятининг кучайишига олиб келди.

«Стратегик тадқиқотлар»да инсон омили иккинчи даражали ўринни эгаллаб келган. Бироқ, 70-йиллардан бошлаб, ҳалқаро сиёсатда шахс ролиға нисбатан маълум маънода «иликлиқ» кузатила бошланди. Ҳалқаро ҳаётда шахс «солиштирма оғирлиги»нинг ортишига, биринчи навбатда, давлатлараро алоқаларнинг ривожи турткни бўлди. Оилавий муносабатлар, интеллектуал мулк масалаларининг ривожланиши, экологик муаммолар, юз бераётган фавқулодда вазиятлар шахс аҳамиятини ортишини белгиловчи омиллардир. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро муносабатларда шахснинг манфаатлари ва иштирокини таъминнлаб берди. Хавфсизлик тадқиқотларида давлатлараро ҳамкорликнинг ноҳарбий сектори олдинги ўринга чиқди. Ҳалқаро ташкилотлар фаолиятида гуманитар мавзу марказий ўрин тута бошлади. Ҳалқаро ҳукуқда «инсон ўлчами» ривожланди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгашнинг Якунловчи актида (1975 й.) халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойили – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишнинг мустаҳкамлаб қўйилиши бу йўналишдаги энг муҳим ютуқ бўлди.

Халқаро ҳаёт билан ҳамоҳанг тарзда **миллий хавфсизлик соҳалари ҳам кенгайиб, ихтисослашиб борди**. Ҳимоя қилиниши лозим бўлган хавфсизлик обьектлари - миллий манфаатлар - сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги хавфсизлик субъектлари манфаатлари ҳисобига бойиди. Бундай тенденция хавфсизлик ҳодисасини тизимли ва комплекс равишда тушуниш ва ўрганиш эҳтиёжини ошириди. Миллий хавфсизликни таркибий қисмларга «ажратилиши» мутахассислар томонидан глобаллашувнинг замонавий таҳдидларига ўринли жавоб сифатида баҳоланади.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари, шубҳасиз, хавфсизлик борасидаги қарашларни жиддий ўзгаришига сабаб бўлди. Мазкур воқеадан бир йил ўтиб эълон қилинган АҚШ Миллий хавфсизлик стратегиясида (2002 сентябрь) «эндиликда, шахсларнинг яширин тармоқлари хаос келтириб чиқариши ва жиддий зарар етказиши учун битта танкни сотиб олишга ҳам кетмайдиган маблағ етарли» деб таъкидланади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, ҳозирги замон хавфсизлик тадқиқотларига хос қуйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ◆ хавсизликнинг комплекс ва тизимли табиатини англаб этишининг ўсиб бориши;
- ◆ хавфсизликнинг ноҳарбий жиҳатлари аҳамиятининг ортиши;
- ◆ хавфсизлик муносабатларининг ихтисослашуви;
- ◆ трансмиллий таҳдидларнинг вужудга келиши ҳамда ички ва ташқи таҳдидлар орасидаги чегаранинг ювилиб кетиши;
- ◆ янги таҳдидлар қархисида «суверен жавоб»нинг самарасизлиги ва алоҳида олинган давлат хавфсизлигини таъминлашда коллектив чоралар аҳамиятининг ўсиши ва бошк.

Бироқ, «стратегик тадқиқотлар» тарафдорлари фикрига кўра, хавфсизлик чегарасининг кенгайиши негизида «совук уруш»нинг тугаши билан боғлиқ «эйфория» ётибди. Қуролли кучнинг давлат хавфсизлик сиёсатининг муҳим инструменти сифатидаги аҳамиятини шубҳа остига қўйган ушбу ҳолат биринчи маротаба юзага келаётгани йўқ. Бундай ҳолатлар жаҳон урушларидан кейинги даврда ҳам юзага келган ҳамда сиёсатшунос ва тадқиқотчилар қарашларида устувор бўлган. Шу боис, Фарб-Шарқ қарама-қаршилигининг тугаши давлатлараро антагониз-

мнинг ҳам барҳам топғанлигини англатмайди. Ҳатто, қуролли конфлікт мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам давлатлар ўртасидағи қуролли кучлар мувозанати хавфсизликни идрок этишда муҳим детерминант бўлиб хизмат қиласи (Ж. Най).

Ушбу ўринда анъанавийчилар фойдасига салмоқли аргумент сифатида дунёning қудратли давлатлари ҳарбий бюджетининг ўсиб бораётғанлигини келтириш мумкин. Ҳусусан, АҚШ-нинг ҳарбий бюджети 2010 йилда 700 млрд. долларни ёки ички ялпи маҳсулотнинг таҳминан 5 %ини ташкил этди. Бу каби тенденция Австралия, Жанубий Корея, Истроил, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларга ҳам хос. Алоҳида олинган давлатларга нисбатан ҳарбий таҳдиднинг мавжудлиги (масалан, Жанубий Корея ёки Япония учун Шимолий Кореяning ядрорий дастури), Истроилнинг аксарият қўшни давлатлар томонидан тан олинмаганлиги, ҳарбий ёки терроризм хавфининг мавжудлиги ҳамда баъзи давлатларнинг дунёда якка ҳукмронлигини саклаб қолишга бўлган интилишлари қуролли кучлар ва ҳарбий-сиёсий хавфсизликнинг муҳимлигини изоҳлайди.

Шунингдек, анъанавийчилар хавфсизлик концепциясининг кенг талқин қилинишини танқид остига оладилар. Уларнинг фикрича, хавфсизлик муаммоларининг сиёсий-ҳарбий доирадан ташқарига чиқиши хавфсизлик чегараларининг ювилиб кетишига ва табиийки, унинг самараасизлигига сабаб бўлиши мумкин. Гап қурғоқчилик, очарчилик, ишсизлик, турли хил қасалликларнинг тарқалиши, ҳокимиятни суниистеъмол қилиш каби «иккинчи даражали» аҳамият касб этувчи муаммолар тўғрисида бормоқда.

Реалистлар «совуқ уруш»нинг тугаши ва глобаллашув жараёни миллий ва ҳалқаро хавфсизлик концепцияларини идрок этишда кескин ўзгаришларга олиб келмаганлигига ишонадилар. Чунки давлатлараро тизимнинг фундаментал асослари сезиларли ўзгаришларга учрамади: ҳалқаро муносабатларнинг анархик табиати ва давлатнинг етакчи акторлик мақоми сакланиб қолмоқда. Шунингдек, ҳар қандай давлатнинг бош мақсади - мавжуд бўлиб қолиш ҳамон долзарб. Бунинг устига, ҳалқаро майдонда ҳамжамият аъзолари хавфсизлигини таъминлашга қодир давлатлардан устун турувчи ҳокимият мавжуд эмас; давлатлараро конфронтация ва рақобат замонавий муносабатлар характерини белгилаб берувчи омиллар бўлиб қолмоқда. Ҳалқаро сиёсатда ворисийлик кузатилмоқда ва қудратли давлатлар тенглар ичида етакчилигини саклаб қолмоқда.

Шундай қилиб, XX аср хавфсизлик тадқиқотлари ёки хавфсизлик тўғрисидаги фан - бу хавфсизлик назариясида давлат

манфаатларининг хукмронлик ва шу билан бирга хавфсизлик концепциясининг ривожланиб ва кенгайиб бориш давридир. Тадқиқотчилар таъкидлаганидек, «хавфсизлик саҳнасида ҳам ворисийлик ҳам ўзгаришлар мавжуд. Айни чоғда биз давом этаётган, ўзгараётган ва юзага келаётган хавфсизлик муаммолари орасида фарқларни белгилай оламиз... биз хавфсизлик кун тартибиға хавфсизлик истиқболига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни киритамиз. Айни вақтда биз хавфсизлик маконини нисбатан аҳамиятсиз сиёсий муаммолар ҳисобига кенгайтирмаслигимиз лозим» (М. Браун).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белов П. Кризис теории национальной безопасности // <http://www.netda.ru/belka/texty/imper/imp-bel.htm>
2. Зотова Л.В. Безопасность народа и государства как главная политическая ценность в учении Томаса Гоббса // Вестник Российской университета дружбы народов. - Сер.: Политология. – Москва, 2003. - № 4. – С. 55-64.
3. Першин А. К вопросу о категориально-понятийном аппарате теории национальной безопасности // Власть. – Москва, 2004. - №6. – С. 48-55.
4. Ярочкин В.И. Секьюритология – наука о безопасности жизнедеятельности. – М.: Ось-89, 2000. – 400 с.
5. Michael E. Brown. Grave New World: Security Challenges in the 21st Century. - Washington, DC: Georgetown University Press, 2003.
6. Richard H. Shultz, Jr. Roy Godson, George H. Quester. Security Studies for the 21st Century. – Washington-London: Brassey's, 1996.
7. Ken Booth, Steve Smith (eds.). International Relations Theory Today. – Cambridge: Polity press, 1995.
8. Bill McSweeney. Security, identity and interests: a sociology of international relations. – Cambridge: Cambridge University press, 1999.
9. Buzan B. Security: a New Framework for Analysis /by Barry Buzan, Ole Waever, and Jaap de Wilde. – London: Lynne Rienner Publishers, 1998.
10. Ken Booth, Eric Herring. Key Guide to Information Sources in Strategic Studies. – London: Mansell, 1994.
11. Stephen M. Walt. The Renaissance of Security Studies // International Studies Quarterly. – Indiana, 1991. – 35 p.
12. Joseph S. Nye. The Contribution of Strategic Studies: Future Challengers // Adelphi Papers. – London: International Institute of Strategic Studies, 1989. – 235 p.

13. Huntington S.P. Transnational Organizations in World Politics // World Politics. – 1973, August, 25 (3). - P. 333-368.
- 14. Richard Ullman. Redefining Security // International Security, 1983. - №8 (summer). – P. 129 53.

Тестлар:

1. Хавфсизлик түғрисидаги фаннинг предметини:

- а) давлат ва унинг ҳаёттй мұхим миллий манфаатлари, хавф ва таҳдидлар, глобал даражада хавфсизликни таъминлаш, субъектлар фаолияти ташкил этади
- б) миллий, минтақавий ва халқаро даражада хавфсизликни таъминлаш борасида шахс, жамият, давлат, халқаро ҳукуматлараро ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ташкил этади
- в) халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш ташкил этади
- г) шахс ва унинг ҳаёттй мұхим манфаатлари ва бу борадаги фаолияти ташкил этади

2. Тизим - бу:

- а) муайян фактларнинг бир бирига ўзаро боғлиқлиги
- б) эмпирик маълумотларни саралаш ва қайта ишлаш
- в) умумий мақсадга эришишга қаратилган ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсирда бўлган элементлар мажмую
- г) экстраполяцион тадқиқотлар олиб бориш

3. Хавфсизликка анъанавий қарашнинг бошланғич нұктаси, мантикий занжирнинг марказий ўрнини эгаллаб турувчи халқа – бу:

- а) хавфсизлик идоралари
- б) суверен давлат
- в) давлат органлари
- г) халқаро ташкилотлар

4. «Стратегик тадқиқотлар»да давлатлар хавфсизлигига асосий таҳдидни нима ташкил этади?

- а) бозор-пул муносабатлари
- б) мағкуравий тазиик
- в) наркотиклар ва диний экстремизм
- г) ҳарбий таҳдид

5. «Хавфсизлик тадқиқотлари» доирасида иштирокчилар қайси бандда түғри кўрсатиб берилган

- а) миллий-озодлик ҳаракатлари, террористик групкалар, лобби групкалари

- б) давлат, ҳалқаро, минтақавий ва трансмиллий ташкилотлар, ННТлар, шахслар ва бошқ.
- в) БМТ ва минтақавий ташкилотлар
- г) илмий-тадқиқот марказлари, «ақлий марказлар», президент маслаҳатчилари

6. Трансмиллий алоқалар нималар натижасида юзага келади?

- а) жисмоний объектлар, жумладан шахслар ҳаракати
- б) ахборот ва ғоялар ҳаракати
- в) капитал ва бошқа моддий бойликлар ҳаракати
- г) барча жавоблар түфри

Топширикклар

1. Инглиз тадқиқотчи Б.Бузаннинг «стратегик тадқиқотлар-»ни «куч инструментларининг ҳалқаро муносабатларга таъсири» ҳамда К.Буз ва Э.Херрингларнинг «стратегик тадқиқотлар-»нинг асосий фокуси – бу ҳалқаро муносабатларда ҳарбий ўлчамнинг тушунилиши ва изоҳланиши» деган фикрларини қандай изоҳлайсиз?

2. Традиционалистлар қарашларидаги «оқ доғлар»нинг мавжудлиги борасидаги қарашларни ўрганиб чиқинг. Келтирилган фикрларнинг қайси бири бугунги кунга мос келади, қай силари ўз долзарблигини йўқотган. Фикрингизни ёзма равиша ифода этинг.

3. Маъруза матнидаги «...давлатлараро ҳамкорликнинг кенгайиши ... ўз навбатида, ўзаро муносабатларда шахснинг манфаатлари ва иштирокини таъминлаб берди» деган фикрни қандай изоҳлайсиз?

4. «Ақлий марказлар», түғрисидаги маълумотларни илмий адабиётлардан ҳамда Интернет тармоғидан излаб топинг ва улар фаолиятининг асосий йўналишларини солиширинг.

Тест жавоблари:

- | | | | | | |
|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| 1.
б) | 2.
в) | 3.
б) | 4.
г) | 5.
б) | 6.
г) |
|----------|----------|----------|----------|----------|----------|

2-мавзу. Хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳияти

Таянч атамалар:

хавфсизлик, хавфсизликнинг обьект ва субъектлари, хавфсизлик концепциялари, «секьюритизация», таҳдидлар, хавфсизликнинг соҳа ва даражалари

- 2.1. Хавфсизликнинг анъанавий таърифи**
- 2.2. Хавфсизликка оид замонавий қарашлар**
 - 2.2.1. Хавфсизлик ижтимоий ҳодиса сифатида**
 - 2.2.2. Хавфсизлик - «моҳиятан мунозарали» ёки «моҳиятан ҳосила» ҳодисами?**
 - 2.2.3. «Секьюритизация» («Securitization») концепциясининг асосий жиҳатлари**
- 2.3. Хавфсизликнинг соҳа ва даражалари**
- 2.4. Хавфсизлик субъекти тушунчасининг мазмун ва моҳияти**
- 2.5. Хавфсизлик обьекти тушунчаси ва таснифи**
- 2.6. Хавф ва таҳдидлар**

2.1. Хавфсизликнинг анъанавий таърифи

Хавфсизлик ёки хавфсизликни таъминлашга оид ижтимоий муносабатлар жамият ва давлат ривожини белгилаб берувчи қадрият ва усутвор йўналиш сифатида эътироф этилади. Шу боис ҳам хавфсизлик тадқиқотларида у ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган марказий тушунча, деб тавсифланади. Авваломбор, хавфсизлик мазкур соҳадаги ижтимоий муносабатлар моҳиятини, шунингдек, хавф ва таҳдид, обьект ва субъект, хавфсизлик соҳаси ва тизими каби тушунчаларнинг сиёсий-хуқуқий табиатини тушуниш ва талқин этишда асос бўлиб хизмат қиласди. Бу ҳолат кўпроқ унинг назарий жиҳатларига тегишли.

Амалий нуктаи-назардан хавфсизлик ҳодисасининг мураккаб табиатини идрок этиш изчил хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда унинг норматив-хуқуқий асосини яратишда муҳим омил ҳисобланади. Одатда, давлатнинг хавфсизлик сиёсати ва қонунчилигининг мазмuni хавфсизлик субъектлари томонидан қабул қилинадиган ва хуқуқий хужжатларда ўз тасдини топадиган хавфсизлик тушунчаси таърифидан келиб чиқади. Чунки хавфсизликни қай тарзда, яъни тор ёки кенг маънода тушуниш, жамият ва давлат тараққиётida ҳамда инсон фаолияти соҳаларининг ўзаро мувозанатини таъминлашда ўз

таъсирига эга. Хавфсизликка ёндашувда ҳарбий таҳдид(лар)-нинг бирламчи роли аксарият ҳолатларда моддий ва молиявий тақсимотда номутаносибликларга сабаб бўлиб, жамиятнинг ижтимоий соҳаларига нисбатан эътиборни сусайишига олиб келиши мумкин. Ушбу ўринда яна бир аҳамиятга молик жиҳатни қайд этиб ўтиш лозим. Гап шундаки, моддий ва маънавий неъматларнинг тақсимланиши, инсон ва жамият манфаатларига хизмат қилувчи ижтимоий-иқтисодий, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва шу каби соҳаларга эътиборни қаратишда давлатда ҳукмрон бўлган сиёсий режим (авторитар, тоталитар, демократик), реал ташқи ҳарбий таҳдидларнинг мавжудлиги ва бошқаларнинг ҳам таъсир кўрсатишини инобатга олиш лозим.

Хавфсизлик «таъриф берилиши мураккаб атама» сифатида тавсифланади. Унинг мураккаб табиати, тадқиқотчиларнинг фикрича, «дунё ягона, бироқ воқеликлар турфа хил» тезисига жо бўлади. Хавфсизликнинг ҳаддан ташқари амалий аҳамиятга эгаллиги, унга нисбатан универсал, умумэътироф этилган таърифни ишлаб чиқишига тўқсиналиқ қилувчи омил ҳисобланади.

Хавфсизлик тўғрисида сўз боргандга анъанавий тарзда хавфнинг мавжуд эмаслиги тушунилади. Хавфсизлик ҳодисасининг кўпроқ луғавий маъносини англатувчи бу изоҳ деярли барча сиёсий ва дипломатик луғатларда учрайди. Бироқ, бу хавфсизликка нисбатан тадқиқотчиларнинг ёндашуви бир хил деган маънони англатадими? Албатта йўқ. Мазкур масала юзасидан салмоқли илмий изланишларнинг мавжуд бўлишига қарамай, хавфсизлик тушунчасига нисбатан ягона таърифнинг мавжудлиги тўғрисида сўз юритишига эрта.

Давлат ва ҳарбий соҳанинг устунлигига, табиийки, ҳарбий таҳдидларга таянувчи хавфсизликнинг анъанавий тушунчаси узоқ муддат давомида ҳукмрон мавқе касб этиб келди. Хавфсизлик эса ҳам концептуал ҳам амалий жиҳатдан таҳдидларни бошқариш тарзида тушунидан. Бироқ, XX асрнинг сўнгги чораги, айниқса, якуний ўн йиллигига юз берган тарихий воқеалар натижасида хавфсизлик назариясида ягона концепциянинг монополиясига путур етди. Шу даврдан бошлаб, хавфсизлик «ҳам бўйига, ҳам энига», яъни ҳам мазмунан ҳам шаклан кенгайди. Бироқ улар ҳозирги замон ҳалқаро муносабатларининг туб моҳияти билан боғлиқ бўлган жиҳатларни тўлиқ бартараф эта олмади.

Хавфсизлик тадқиқотларида анъанавий ёндашувнинг кучли таъсири ҳамон сақланиб қолмоқда. Мазкур тадқиқотларда ворисийлик ва изчиллик ҳолатлари яққол намоён бўлмоқда. Айрим тадқиқотчилар ўз илмий изланишларида «стратегик тадқи-

қотлар» категорияларини бевосита қўллайдилар. Уларнинг фикрича, ҳарбий ўлчам давлат хавфсизлиги тизимининг асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолмоқда. Иккинчи бир гуруҳ тадқиқотчилар хавфсизлик муаммоларида (миллий) хавфсизликнинг секторлари ёки соҳалари, нодавлат акторлар ҳамда ноанъанавий (ноҳарбий) таҳдидлар ролининг ўсиб бораётганлигини тан олсалар-да, уларнинг таърифларида анъанавий ёндашувнинг асосий таркибий қисми ҳисобланган таҳдид омили марказий ўрин эгаллади: у тизим яратувчи омил сифатида намоён бўлади.

Хусусан, бугунги кунда МДХ давлатларининг миллий хавфсизликка оид концепция, доктрина ва қонунларида «хавфсизлик – шахс, жамият ва давлат ҳаётий мухим манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати» тарзида таърифланади. Бундай ҳолат замонавий илмий тафаккурнинг норматив-хукуқий хужжатларда ифода этилишининг ўзига хос намойишидир. Мазкур таъриф мазмунини таҳлил этган ҳолда унинг қўйидаги таркибий элементларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ◆ ҳимояланганлик ҳолати (чора-тадбирлар мажмуи);
- ◆ ҳаётий мухим манфаатлар (хавфсизлик обьектлари);
- ◆ шахс, жамият ва давлат (хавфсизлик субъектлари);
- ◆ ҳамда ташқи ва ички таҳдидлар (харакатлантирувчи куч).

Мазкур элементлар ўзаро боғлиқликда ва ўзаро таъсирда бўлиб, ягона хавфсизлик тизимини ташкил қиласди. Мазкур тизимда таҳдид харакатлантирувчи куч сифатида намоён бўлади. Зоро, хавфсизлик обьектига йўналтирилган хавф, яъни қонунга қарши ва бузғунчи характердаги ҳаракат ёки ҳаракатсизлик, мазкур жараёнга унинг иштирокчиларини – хавфсизлик субъектларини бевосита жалб этгани ҳолда мавжуд механизмни ҳаракатга келтиради (мисол учун, уруш ёки фавқулодда ҳолат, умумий ҳарбий сафарбарликнинг эълон қилиниши, муайян таҳдидлар хавфи остида мудофаа ва хавфсизлик идоралари иш режимининг кучайтирилиши ва бошк.).

Мазкур мантиқий занжирда «яқуний аккорд» хавфсизлик субъектлари томонидан хавф ва таҳдидларни олдини олиш ва уларга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар мажмууни англатувчи «ҳимояланганлик ҳолати»га тегишли. Хавфсизликка нисбатан келтирилган таърифнинг мазмуни мазкур чора-тадбирларнинг бош мақсади реал ёки потенциал таҳдидларга қарши курашни англатади. Одатда улар бевосита хавф ва таҳдидларнинг юзага келишини бартараф этишга қаратилган тегишли шарт-шароитларни яратишни назарда тутмайди, яъни «ҳимояланганлик ҳолати» - хавфсизлик - хавф ва таҳдидларни

келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш орқали эмас, балки бевосита таҳдидларнинг ўзи билан курашиш орқали яратилади. Шундай қилиб, анъанавий таърифнинг мазмуни бевосита миллий қадриятлар, манфаатлар ва мақсадларни таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Мавжудликни сақлаб қолиш хавфсизликка эришилганликнинг муҳим кўрсаткичи ва энг муҳим жиҳати сифатида намоён бўлади.

2.2. Хавфсизликка оид замонавий қарашлар

2.2.1. Хавфсизлик ижтимоий ҳодиса сифатида

Тадқиқотларида «этатик ёндашув», яъни хавфсизликни давлат манфаатлари нуқтаи-назаридан тушуниш ва таҳдидга тадқиқотнинг муҳим обьекти сифатида қараш танқидга учрамоқда. Қатор тадқиқотларда асосий ургу хавфсизликнинг «ижтимоий табиатига» қаратилмоқда. Хусусан, россиялик тадқиқотчи Г.В.Иващенко «Хавфсизлик тушунчаси ҳақида»¹ деб номланган мақоласида хавфсизлик моҳиятини таҳлил қиласр экан, тизимли-фаолият ёндашувидан келиб чиқиб, унинг мазмунини қўйидаги тезисда ифодалайди: «фаолият ҳар қандай ижтимоий мавжудотнинг яшаб қолишини таъминловчи усул, ... ва унинг туб моҳиятини англатувчи омилдир. Ижтимоий ҳаётда фаолиятнинг у ёки бу жиҳатини намоён этмайдиган бирорта ҳам ҳодиса мавжуд эмас».

Хавфсизлик, аввало, ижтимоий ҳодисадир. Бу унинг туб моҳиятини, яъни кишилик жамиятини ўраб турган дунёга, мавжудлик шартлари ва хавфсизлик обьектига муносабатнинг ўзгармас асосини фаолият ташкил этишини англатади. Ўз на-вбатида фаолият бирор-бир натижага эришишни якуний мақсад қилиб қўйган босқичма-босқич, изчил амалга оширилувчи жараённинг намоён бўлишидир. Бу маънода хавфсизлик муайян жараённинг якуний мақсади - хавфсизлик субъектлари фаолиятининг натижаси, маҳсулидир.

Хавфсизлик субъекти фаолиятининг мазмунини манфаат ташкил этади. Ҳаётий муҳим миллий манфаатлар – хавфсизлик обьектлари - эҳтиёжлар билан бевосита алоқадорликдана мавжуд бўлиши мумкин. Аниқроқ айтганда, ҳаётий муҳим миллий манфаатлар хавфсизлик субъектларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг шаклланишида/белгиланишида ўзига хос материя, «ижтимоий асос» бўлиб хизмат қиласди. Эҳтиёжлар ўз табиатига кўра обьектив, яъни уларнинг мавжудлиги доим ҳам субъектлар хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас. Манфаат эса фаолият субъектлари томонидан ўзларининг обьектив эҳти-

¹ Адабиётлар рўйхатига қаранг.

ёжларини англаб етиши натижасида шакллантирилади ва тегишли ҳужжатларда белгилаб қўйилади. Ҳаётий муҳим миллий манфаатлар объектив эҳтиёжларни қондириш услугуб ва воситаларини ўзида мужассам этган хавфсизлик борасидаги давлат сиёсатининг мазмун ва йўналишларини белгилаб беради. Хулоса ўрнида айтиш лозимки, хавфсизлик субъектлари томонидан объектив эҳтиёжларни аниқлаш ва уларни англаб етиш субъектларнинг мақсадга, яъни хавфсизликка эришишга қаратилган босқичма-босқич ҳаракатининг ибтидоси ҳисобланади.

Демак, хавфсизлик субъектлари фаолиятини объектив эҳтиёжларни қондириш ва субъектив манфаатларга эришиш билан боғлиқ жараён тарзида тавсифлаш мумкин. Субъектлар фаолиятининг самарадорлиги уларнинг манфаатларини амалга ошириш учун зарур бўлган муайян шарт-шароитларнинг мавжудлигига боғлиқ. Мазкур шароитлар субъектлар томонидан шакллантирилиб, ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва бошқа кўринишда бўлиши мумкин. Одатда, фаолият тизимида мазкур компонентнинг мавжуд бўлмаслиги, унда муайян бўшлиқни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам уни бартараф этиш/бўшлиқни тўлдириш фаолиятнинг муҳим босқичи ва иштирокчиларнинг устувор вазифаси сифатида қаралади. Мазкур ўринда субъект хавфсизлиги, унинг фаолияти хавфсизлиги тадқиқотчилар томонидан «мавжуд бўлиш шарт-шароитларининг мажмуюи» сифатида кўрилиб, хавфсизлик «субъект манфаатларнинг ҳимояланганлик ҳолати эмас, балки субъект мавжудлигининг шарт-шароитлари» тарзида таърифланади.

П.Г.Белов (миллий) хавфсизликни «миллатнинг бугунги ва келажак авлоднинг асосий қадриятларига минимал риск билан мавжуд бўлиб, кўпайиш ва такомиллашиш учун зарур бўлган эҳтиёжларини қондириш қобилияти» сифатида таърифлайди. Бу ҳолатда асосий қадриятлар сифатида этногеоэтосистема атамаси билан ифодаланувчи учлик: «мамлакат ҳудуди-халқлар-уларнинг турмуш тарзи» сифатида белгиланади.

Муаллиф хавфсизлик субъектлари ва объектлари ҳақидағи анъанавий тасаввурларни кескин танқид остига олади. Унинг фикрича, мавжуд (миллий) хавфсизлик субъектлари тизими – шахс, жамият ва давлат – «мавхум ва мужмал, манфаатлар эса кескин равишда индивидуаллашган, ўта субъектив, ажратиш мураккаб, ва одатда, бир-бирига қарама-қарши. Ва, аксинча, ўз таркибиға халқлар, мамлакатлар, уларнинг ҳудудлари ва турмуш тарзини қамраб олган этногеоэтосистема аник ва уникалdir». Манфаатларнинг субъективлиги ва фавқулодда ўзгарувчанлиги сабабли уларни юридик амалиётда талаб эти-

ладиган тарзда аниқ белгилаш мушкул вазифа. Шунинг учун, муаллифнинг таъкидлашича, хавфсизликнинг асосий обьекти норматив-хукуқий ҳужжатларда акс эттирилган «шахс, жамият ва давлат манфаатлари» эмас, балки ўз турмуш тарзи ва ҳудудига эга фуқаролар бўлиши керак. Бироқ мазкур ўринда эътиroz сифатида айнан шахс манфаатлари, унинг хукуқ ва эркинликлари (қонуний манфаатлари) давлатнинг асосий қонуни ва бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаб, аксинча «турмуш тарзи» тушунчасининг хукуқий таърифини ишлаб чиқиш анчайин мураккаб эканлигини айтиб ўтиш лозим. Хавфсизлик субъектларига тегишли манфаатларнинг тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилиши, аввало, уларни таъминлашнинг хукуқий шарт-шароитлари мавжудлигидан далолат берса, иккинчидан, хавфсизлик субъектлари фаолиятини енгиллаштиради.

Хавфсизлик категориялари қисқа, лўнда ва аниқ таърифга эга бўлиши лозим. Чунки улар норматив-хукуқий ҳужжатларда қайд этилади ва хавфсизлик субъектлари фаолиятини белгилаб берувчи ҳамда улар амал қилиши лозим бўлган хукуқий категорияларга айланади. Юридик амалиётдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, шахс, жамият ва давлат тушунчалари юридик аҳамиятга эга, кенг тан олинган хукуқий категориялар ҳисобланади.

Айрим тадқиқотчилар томонидан хавфсизликнинг асосий субъекти сифатида кўрилаётган миллатга оид қарашлар анчайин мунозаралидир. Унинг хавфсизлик соҳасида бевосита ва амалий иштирокчи бўла олиши шубҳа остига олинади.

Биринчидан, бугунги кунда дунёдаги ҳар қандай давлат полиэтник бўлиб, муайян бир миллатни хавфсизлик тизимида алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун ҳам миллий хавфсизлик тўғрисида сўз кетганида, муайян бир давлатда истиқомат қилаётган миллати, тили ва динидан қатъий назар барча фуқаролар инобатга олинади.

Иккинчидан, хавфсизликни таъминлаш борасидаги бевосита амалиёт миллат ёки халқнинг мустақил элементлари индивидлар ҳамда ташкилий-хукуқий шаклларга эга – давлат органлари, ноҳукумат/жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, ижтимоий институтлар (мисол учун, маҳалла) ва бошқалар томонидан амалга оширилади.

2.2.2. Хавфсизлик - «моҳиятан мунозарали» ёки «моҳиятан ҳосила» ҳодисами?

У.Галли ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида муайян категориялар «моҳиятан мунозарали тушунчалар» («essentially

contested concepts») деган фикрни илгари суради. Фоя муаллифининг фикрига кўра, унинг мазмуни муайян тушунча таърифи борасида ягона фикрга келишнинг мураккаблигини тасдиқлаш билан эмас, балки ижтимоий фанлар тизимида шундай тушунчалар борки, уларнинг мазмуни борасида бетараф таърифнинг берилиши мумкин эмаслиги билан изохланади. Шу боис, улар доимо мазмун академик баҳснинг предмети бўлиб қолади.

Ушбу қарашнинг тарафдорларидан бири инглиз олими Б.Бузан «бундай тушунчалар, сўзсиз, уларнинг моҳияти ва қўлланилиши борасида ечиб бўлмайдиган баҳсларга сабаб бўлади», деб таъкидлайди. Б.Максвини эса бу фикрни янада ривожлантириб, хавфсизликнинг мунозарали табиатини жиддий равишда инкор қилмагани ҳолда, Б.Бузаннинг фикрини икки сабаб асосида танқид қилади. Унинг фикрича, биринчидан, Б.Бузан хавфсизликни ижтимоий категориялар тизимида ягона (алоҳида) ҳолат сифатида кўриб чиқади. *Иккинчидан*, у иборанинг аҳлоқий жиҳатини муҳокама қилинишини инкор этади. Таъкидлаш жоизки, иккинчи жиҳат Б.Максвини қарашларида алоҳида аҳамият касб этади. Унинг фикрича, ижтимоий категорияларнинг энг муҳим фарқли жиҳати – бу уларга хос бўлган аҳлоқий мазмундир. Шу сабабли, улар «фактик» ёки «объектив тарзда ўлчаниши» мумкин бўлган тушунчалар сифатида қаралмаслиги· керак. Хуроса ўрнида у кўйидагини таъкидлайди, «ижтимоий тартибга хос барча тушунчалар мунозарали ҳисобланади».

Б.Максвинидан фарқли ўлароқ, Б.Бузан хавфсизликнинг мунозарали табиатини очиб беришда унинг мъянавий/аҳлоқий жиҳатига эмас, балки мафкуравий мазмунига эътиборни қаратади. У ўз фикрини асослашда Ричард Литллнинг «мазкур баҳслар ўз ечимиға эга эмас, чунки ушбу тушунчалар мафкуравий элемент касб этади. Айнан ушбу мафкуравий элемент мазкур тушунчаларни «моҳиятан мунозарали» эканлигини исботлаб беради», деган тезисини келтиради.

Бошқа бир ёндашув доирасида хавфсизлик «моҳиятан ҳосила тушунча» («essentially derivative concept») сифатида талқин этилади. Ушбу ёндашув К.Буз таҳрири остида чоп этилган «Хавфсизликнинг танқидий тадқиқотлари ва жаҳон сиёсати»² номли монографиянинг асосий ғоясини ташкил этади. Мазкур рисолада муаллифлар хавфсизликнинг сиёсат ва иқтисод билан бевосита алоқадорлигига ургу берадилар. Хавфсизлик, уларнинг фикрича, давлат сиёсати, турли сиёсий гуруҳ ва ташкилотларнинг фаол ҳамкорлиги ва ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Ўз навбатида, уларнинг қарашлари турли сиё-

² Адабиётлар рўйхатига қаранг.

сий назариялар асосида шаклланади. Шунинг учун, хавфсизлик муаммолари ким томонидан, сиёсий реалист, марксист, феминист ёки либерал интернационалист томонидан тадқиқ этилишига боғлиқ. Ваҳоланки, уларнинг барчаси хавфсизлик обьекти, таҳдид турлари ва субъектларига нисбатан турлича ёндашувга эга. Демак, хавфсизлик «сиёсат нима ва у қандай бўлиши кераклигини турлича англаш маҳсули сифатида» қабул қилиниши керак. Улар бугунги кунда сиёсатдан холи, барча назарий мактаблар вакиллари қабул қиласидаган, ҳамма учун мақбул бўлган хавфсизлик таърифининг мавжуд бўлиши эҳтимолини шубҳа остига оладилар.

Бироқ, К.Буз хавфсизлик тушунчасига ўз таърифини беришга уриниб кўрди. Унинг фикрича, инсонлар ва ҳамжамиятлар томонидан қабул қилинадиган таҳдидлар мавжуд эмаслигини белгиловчи реал шарт-шароитларни хавфсизлик таърифининг бошланғич нұқтаси сифатида кўриш мумкин. К.Бузнинг таъкидлашича, маълум даражадаги хавфнинг мавжудлиги ижтимоий ҳаётнинг зарурий шарти сифатида умум қабул қилинган ҳолат бўлиши лозим. Маълум бир даражагача индивид, гурух хавфсиз ҳолатда эмас, маълум даражагача уларда танлаш ва имконият мавжуд эмас. Ушбу маънода нохавфсизлик ва белгиланган (амалий) ҳаёт ўртасидаги табиий алоқадорликнинг натижаси ҳаётий имкониятларни яратиб берувчи хавфсизлик ҳолати ҳисобланади. Шунинг учун хавфсизлик кишилар ҳаётида пайдо бўлаётган макон (имконият) сифатида тушунилиши лозим. Хавфсизлик яшаб қолиш/мавжуд бўлиб қолиш тушунчаси билан бир хил эмас. Хавфсизлик инсонга унинг мавжудлигига таъсир кўрсатувчи таҳдидлар билан эмас, балки ўзга бир машғулотлар билан банд бўла олиш имкониятини беради. Демак, хавфсизлик - доимо нисбий ҳолатдир. Унинг муайян даражасига эришиш индивид ва гуруҳларга маълум вақт ва энергия, фаолият юритиш ва танлаш учун имконият яратади.

2.2.3. «Секьюритизация» («Securitization») концепциясининг асосий жиҳатлари

«Хавфсизлик: таҳлил учун янги структура»³ монографиясининг муаллифлари, хавфсизлик унинг таҳлилий ёки фалсафий тавсифи ёки инсонларнинг у тўғрисида нима ўйлаётганликларидан эмас, балки унинг (сўёсиз, амалий) қўлланилишидан келтириб чиқарилади, деб таъкидлайдилар. Тадқиқотчилар ижтимоий муаммоларни таҳлил қиласар эканлар, улар мазкур тизимда хавфсизлик субъектининг мавжудлигига таҳдид

³ Адабиётлар рўйхатига каранг.

(«existential threat») сифатида баҳоланиши мумкин бўлган муаммоларни ажратиб кўрсатадилар. Бундай муаммолар айни пайтда давлат ва жамиятдаги мавжуд бошқа муаммоларга нисбатан ўта муҳим аҳамият касб этганлиги боис хавфсизлик доирасига киритилади.

Бироқ, айнан таҳдиднинг мавжудлиги хавфсизлик ҳодисаси мазмунини тўлиқ очиб бериш учун етарли эмас. Бу хавфсизликни англаш билан боғлиқ жараённинг ибтидосидир. Сабаб таҳдид объектив ҳодиса эмас, балки субъектив фаолиятнинг, яъни хавфсизлик муносабатлари иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги маҳсули ҳисобланади. Секьюритизация – дикурсив (ақл-идрок билан боғлиқ) жараён бўлиб, муайян ҳодиса, воқеа ёки вазият/ҳолатнинг, бошқача айтганда ижтимоий муаммонинг муҳимлиги, жамият аъзоларининг аксарият қисми томонидан тан олинган тақдирдагина, *мавжудликка таҳдидга айланиши мумкин*.

Секьюритизация деганда, одатий сиёсий жараён чегарасидан чикувчи чора-тадбирларни қўлланилишини оқловчи *сиёсатни амалга оширишнинг кескин шакли тушунилади*. Хусусан, «маҳфийлик» остида сиёсатни амалга ошириш, муайян ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши, жамият ва давлатга тегишли куч ва воситаларнинг маҳсус вазифаларни бажаришга сафарбар этилиши ва бошқалар. Фавқулодда чораларни қўллаш зарурияти мавжуд муаммоларнинг ўзига хос табиати билан изохланади.

Таъкидланганидек, мазкур концепция доирасида таҳдиднинг объектив табиати инкор этилади ва у субъектлараро фаолиятнинг маҳсули сифатида баҳоланади. Муҳими хавфсизлик объектига «реал» хавф солиб турган қандайдир объектив таҳдидни баҳолаш эмас, балки таҳдид сифатида нимани тушуниш ва унга колектив жавоб қайтариш борасида хавфсизлик субъектларининг умумий келишуви шакланишини идрок этишдир.

Шундай қилиб, мазкур ёндашувнинг ички мантиғи жараёнда мужассам этилган, яъни хавфсизлик – жамият учун энг муҳим муаммони ажратиб олиш, уни аудитория томонидан тан олиниши натижасида мавжудликка таҳдидга айланиши ҳамда фавқулодда ёки маҳсус чоралар қўлланилиш босқичларидан иборат муайян жараён ҳисобланади⁴. Шу боис, мазкур концепция тарафдорлари фикрига кўра, хавфсизлик «на объексларда ва на субъектларда, балки субъектлар ўртасида ётадиган» ҳодиса сифатида таърифланади.

⁴ Десекьюритизация – сиёсий ҳамжамиятнинг бирор-бир воқеа, ҳодиса ёки вазият/ҳолатни хавфсизлик объекти мавжудлигига таҳдид сифатида кўриш ҳамда уларга нисбатан қатъий ва фавқулодда чораларни қўллашдан воз кечишни англатувчи жараёндир.

2.3. Хавфсизлик субъекти тушунчасининг мазмун ва моҳияти

Хавфсизликнинг яна бир муҳим таркибий қисми – бу хавфсизлик фаолияти субъектлариридир.

Умумфалсафий таърифга кўра, субъект – бу муайян ижтимоий муносабат иштирокчисидир. Субъект ўз фаолияти билан обьектга, яъни предмет, ҳодиса, жараёнга таъсир кўрсатади. Субъект – бу муайян фаолият турининг иштирокчиси бўлиб, уни амалга ошириш жараёнида мустақил ишлаб чиқилган режаларни амалга оширади ва унинг натижалари билан ўз эҳтиёжларини қондиради.

Юқорида келтирилган фикрдан келиб чиқиб, хавфсизлик субъектига қуйидаги таъриф бериш мумкин: хавфсизлик субъекти – бу хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатлар иштирокчиси бўлиб, унинг фаол ҳаракати обьектнинг хавфсизлигини таъминлаш, яъни ҳимояланганлик ҳолатини ёки унинг доимий ва самарали фаолият олиб бориши учун зарурый шартшароитларни яратишга қаратилган. Хавфсизлик субъекти фаолиятининг мақсади хавфсизлик обьектини ҳимоя қилишда наамоён бўлади. Хавфсизлик субъектининг хатти-ҳаракатлари мазмуни халқаро ташкилотларни таъсис этиш, норматив-хуқуқий асосни шакллантириш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, тинчликпарвар операцияларни амалга ошириш ва бошқалар билан изоҳланади. Айтиш мумкинки, хавфсизлик субъектининг фаолиятига яратувчанлик ва бунёдкорлик хос.

Сўнгги жумла академик мақсадларда яна бир тушунчага тұхталиб ўтиш заруриятини белгилайди – бу хавф ёки таҳдид субъекти тушунчаси. Гап шундаки, бази тадқиқотчилар хавфсизлик субъектини муайян *хавф ва таҳдидлар тарқатувчиси* сифатида ҳам таърифлашади (мисол учун, В.И. Ярочкин). Бироқ агрессор давлат ва агрессияга учраган давлатни ёхуд террористик гурӯҳ ва конституциявий тузуми таҳдидга учраган давлатни бир ном билан аташ мақсадга мувофиқ эмас. Ваҳоланки, ҳар иккисининг фаолияти айнан бир мақсадга хавфсизлик обьектига йўналтирилган. Бироқ, бирининг (хавфсизлик субъектининг) фаолияти яратувчанлик ва ҳимоя қилишга қаратилган бўлса, иккинчисининг (хавф субъектининг) фаолияти бузғунчиликка асосланган. Бирининг хулқ-автори қонун доирасида, иккинчисини қонунга хилоф. Шу боис ҳам бу икки тушунча ўртасида маълум фарқни ўtkазиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хавфсизлик субъектларини шартли равишда икки гурӯҳга ажратиш мумкин: асосий (бирламчи) ва ҳосила (иккиласи). Бирламчи хавфсизлик субъектларига, мисол учун, давлатни,

хосила субъектига эса универсал ва минтақавий ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва бошқаларни кири-тиш мумкин. Ҳосила субъектлар асосий субъектларнинг иро-даси натижаси ўлароқ яратилади. Бирламчи субъектлар хавф-сизлик соҳасидаги муносабатларнинг *ipso facto* иштирокчилари бўлиб, улар ўз навбатида, бошқа субъектларнинг яратувчи-си, таъсисчиси ва асосчиси саналади.

Таъкидлаш жоизки, хавфсизлик назариясида субъектлар билан бир қаторда актор атамаси ҳам кенг қўлланилади. Икки тушунча ўртасида муайян фарқнинг мавжудлигини айтиб ўтиш лозим. Хавфсизлик субъектлари, таъкидланганидек, хавфсиз-лик соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг бевосита ишти-рокчилари ҳисобланади. Уларнинг фаолияти муайян объекти-нинг хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган. Ушбу ишти-рокчиларнинг фаолият йўналишлари ва уларнинг ҳукуқий ма-коми норматив-ҳукуқий ҳужжатларда, жумладан, миллий хав-фсизлик тўғрисидаги қонунларда, халқаро ташкилот низомида белгилаб қўйилади.

Акторлар ҳам хавфсизлик сиёсатига, хавсизлик объекти ҳамда унинг мазмуни ва тузилишига таъсир кўрсата олиш қоби-лиятига эга бўлган иштирокчилардир. Уларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги хавфсизлик объектига ҳам ижобий ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ таъкидлаш муҳимки, улар-нинг фаолияти ҳимоя аҳамиятини касб этмайди, яъни улар бе-восита хавфсизлик объектини муҳофаза қилишни, тегишли шарт-шароитлар яратишни ўз фаолиятларининг мазмун ва мақ-сади сифатида кўрмайди. Актор умумлашма тушунча бўлиб, одатда, у давлатлар, халқаро ташкилотлар ва органлар, халқа-ро молиявий институтлар, трансмиллий компаниялар ва шу кабиларга нисбатан қўлланиши мумкин.

Юқорида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда хавфсизлик субъектларининг қўйидаги ўзига хос жиҳатларини ажратиб кўрсатиши мумкин: 1) улар фаолиятига яратувчанлик-нинг хослиги; 2) субъектлар доираси ҳамда ваколатларининг тегишли қонунчилик ва халқаро-ҳукуқий ҳужжатларда мустаҳ-камланиб қўйилиши; 3) уларнинг тинчлик ва хавфсизликни таъ-минлаш мақсадида барча ташкилий-ҳукуқий воситалар, шу жум-ладан, қонуний тарзда куч ишлатиш ваколатига эга эканлиги ва бошқалар.

Хавфсизлик субъектлари, шунингдек, субъектив, макон ва соҳа белгиларига кўра таснифланади. Субъектив белгиларига кўра, улар шахс, жамият ва давлатга ажратилади. Макон бел-гиси хавфсизлик даражаларига мувофиқ келиб, уларни мил-лий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик субъектлари деб ном-

лаш мумкин. Бошқача айтганда, бу хавфсизлик субъектларининг вертикал таснифидир. Масалан, минтақавий хавфсизлик субъектларига давлатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, минтақавий партияларни (мисол учун, Европадаги «Яшиллар» партиясини) киритиш мумкин. Бирок, бу билан хавфсизлик субъектлари(фаолияти)ни фақатгина муайян хавфсизлик даражаси билан чеклаб қўйиш мақсаддага мувофиқ эмас. Сабаб хавфсизликнинг у ёки бу субъекти бир пайтнинг ўзида бир неча хавфсизлик даражаси доирасида фаолият юритиши мумкин. Хусусан, суверен давлат хавфсизлик субъектлари тизимидаги барча хавфсизлик даражалари ва соҳаларида фаолият олиб бориш «ваколатига» эга бўлган иштирокчи ҳисобланади.

Хавфсизлик субъектлари орасида давлат марказий ўринни эгаллади. Давлат – объектив равишда алоҳида сиёсий-хукуқий хусусият, яъни ҳудудий устуворлик ва халқаро муносабатларда суверенитет соҳиби эканлиги билан ажralиб турди. Сувренлигидан келиб чиқиб, давлат *ipso facto* халқаро хукуқнинг субъекти ҳисобланади. Давлат халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизлик тизимларида етакчи ўринни эгаллади. Зоро, хавфсизликнинг ташкилий-хукуқий асосини, куч ва воситаларини яратиш, хавфсизлик сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш унинг ваколати доирасини ташкил этади. Шунинг учун давлатни ички давлат ва халқаро муносабатларда тизим яратувчи (*системообразующий*) элемент сифатида таърифлаш мумкин.

Халқаро муносабатлар иштирокчилари доирасининг кенгайиб боришига карамасдан халқаро хукуқ ва халқаро муносабатларнинг суверен субъектлари, ялпи хавфсизликни таъминланишига таъсир кўрсатишнинг реал механизmlарига эга бўлган давлатлар де-факто ҳам миллий ва минтақавий, ҳам халқаро хавфсизликни таъминлашда ўзларининг етакчилик мақомини сақлаб қолмоқдалар. Хавфсизликнинг моҳияти тегишли сиёсий-хукуқий ҳужжатларда норматив жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган манфаатларни ҳимоя қилишда намоён бўлади. Воқелик шундайки, *миллий манфаат суверен давлатгагина хос жиҳатдир*. У хавфсизлик соҳасидаги муносабатларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида халқаро муносабатларнинг ўзга иштирокчилари манфаатларига нисбатан реал устунликка эга.

Ўрта аср мутафаккирлари ҳам хавфсизлик масалаларида давлатнинг ҳал қилувчи ролини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Бу борада инглиз мутафаккири Т.Гоббснинг асаллари алоҳида аҳамият касб этади. Унинг қарашларида давлат мұхим сиёсий қадрият сифатида таърифланади. Т.Гоббс кучли давлат ҳоки-

мияти тарафдори бўлиб, давлатни жамият аъзоларининг ўзаро шартномаси асосида уларнинг тинчлиги ва умумий ҳимояси учун жамиятга тегишли барча куч ва воситалардан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга маъсул бўлган «ягона шахс» тимсолида таърифлайди.

Левиафан - «сунъий инсон» - давлатнинг биринчи навбатдаги вазифаси - бу хавфсизликни таъминлашdir. Унинг фикрича, «токи кишилар уларни қўркувда тутиб турувчи умумий ҳокимиятсиз яшар эканлар, улар уруш деб аталмиш ҳолатда, яъни барчанинг барчага қарши уруши ҳолатида бўлади». Бу ҳолат, Гоббс таъбири билан айтганда, «табиий ҳолат». Ўзликни сақлаб қолиш ва фаровон ҳаёт кечириш, яъни хавфсизлик тўғрисида қайгуриш, давлат ҳокимияти остида ўзаро ҳаёт кечиришнинг асосий сабаби ва мақсади ҳисобланади.

2.4. Хавфсизликнинг соҳа ва даражалари

Хавфсизлик соҳаси – хавфсизликнинг нисбатан мустақил йўналиши. Хавфсизлик соҳасининг алоҳидалиги ва автономлигини белгиловчи муҳим жиҳат - бу унга хос бўлган элементлар йиғиндинсинг мавжудлигидир. Уларга қўйидагилар киради: хавфсизликнинг ўзига хос муносабатлари тизими ва уларни тартибга солувчи сиёсий-хуқуқий нормаларнинг; алоҳида олинган обьект ва субъектлар; хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари; қадрият ва мезонларнинг мавжудлиги. Ушбу элеменatlарнинг ҳар бири хавфсизлик соҳасини таснифлашда ўзига хос ўринни эгаллайди. Бироқ, хавфсизликни алоҳида мустақил ўлчам/кесимга «ажратиш»да «ўзаро алоқадорликнинг аниқланаидиган специфик турлари» муҳим ўрин тутади (Б.Бузан, 1998 й.). Сиёсий соҳада – бу ҳокимият (иродавий) муносабатлари; ҳарбий соҳада – куч ишлатишга оид муносабатлар (мудофаа ёки ҳужум қилиш мақсадида); иқтисодий соҳада – моддий неъматлар тақсимоти ва мулкка оид муносабатлар ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган омиллардан келиб чиқиб, хавфсизликнинг қўйидаги соҳаларини келтириш мумкин: иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий ва бошқалар. Ушбу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, жамият ҳаётининг тез ўзгариши ҳамда мураккаб кўриниш касб этиб бориши натижасида хавфсизликнинг алоҳида соҳалари доирасида соҳаости тизимлари шаклланмоқда. Хусусан, бугунги кунда иқтисодий хавфсизлик соҳасидан ажраб чиқиб, алоҳида бир мазмун касб этиб бораётган банк, солик, энергетика хавфсизлиги каби мустақил йўналишларни келтириш мумкин. Хавфсизликни соҳаларга ажратиш уни таҳлил қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади. Бир бутунни (яъни миллий хавфсизликни) алоҳида хусусий қисмларга ажратиш

дан мақсад ушбу тизимнинг таркибий элементларининг мураккаб муносабатларини тушунишда ойдинликни таъминлашдир.

Хавфсизлик даражаси – хавфсизликнинг нисбатан мустақил ва автоном «кесим»и. Ўзига хос гуруҳни ташкил этувчи миллий (маҳаллий), минтақавий (субмінтақавий), халқаро ва глобал хавфсизлик даражаларига бўлинади. Хавфсизликнинг ҳар бир даражаси барқарор, аҳамиятли ҳамда моҳиятан мустақил бўлган хавфсизлик муаммоларига эга. Хавфсизлик динамикаси, яъни муайян хавфсизлик даражаси доирасидаги ривожланиш ва ўзгариш, улар учун хусусиятли бўлган омиллар таъсири остида юз беради. Бироқ, нисбатан алоҳидалик бошқа хавфсизлик даражаларидан мутлақ мустақил ёки ажратилганликни англашмайди. Хавфсизлик – бир-бирига боғлиқ (кардош) ҳодисадир, яъни муайян бир давлатнинг хавфсизлиги минтақавий ва/ёки халқаро хавфсизликдан айри ҳолда тушунилиши ва самарали таъмин этилиши мумкин эмас.

Хавфсизлик динамикаси горизонтал кечадиган (субординациявий бўлмаган) хавфсизлик соҳаларидан фарқли ўлароқ, хавфсизлик даражаси иерархик кўринишга эга. Хавфсизлик даражаларининг марказида универсал ташкилот – БМТ ётади ва у хавфсизликнинг умумий тизимини шакллантиради.

Хавфсизлик турлари ёки миллий хавфсизликнинг тизим ости элементлари. Хавфсизлик таснифининг бу кўриниши ўзига хос бўлиб, унинг асосий мезони сифатида хавфсизликнинг уч фундаментал субъектлари – шахс, жамият ва давлат - олинган. Бундан келиб чиқиб, хавфсизлик турлари сифатида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини кўрсатиш мумкин.

Шахс хавфсизлиги – шахснинг ҳукуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминловчи шарт-шароитлар мажмуюи; ёки шахснинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати сифатида таърифланади. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизликка оид қонунчилигига мувофиқ, шахснинг ҳукуқ ва эркинликлари унинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташкил этади.

Жамият хавфсизлиги – бу жамиятнинг маънавий ва моддий бойликлари/қадриятларини сақланишини/муҳофаза этилишини таъминловчи шарт-шароитлар мажмуудир. Жамият хавфсизлиги жамоат ташкилотлари, ҳукуқий нормалар ҳамда тегишли шарт-шароитларнинг шаклланишини кафолатловчи тараққий топган ижтимоий онгни тақозо ётади. Хавфсизлик субъектлари учлигига – шахс, жамият ва давлат – ҳамда уларнинг манфаатлари тизимида жамият хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг нисбатан субъектив/индивидуал ва асосан колектив элементи сифатида намоён бўлади.

Давлат хавфсизлиги. Ушбу атама икки хил маъно касб этади. Ҳозирги замон хавфсизлик тадқиқотларида давлат хавфсизлиги тор маънода, яъни миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида тушунилади. Ушбу мазмунда давлат ва унинг хавфсизлиги, шахс ва жамият хавфсизлиги билан бир қаторда, миллий хавфсизликнинг асосий уч элементидан бири сифатида белгиланади ҳамда у суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузум (давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари)-нинг ташқи ва ички хавфлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида таърифланади. Кенг маънода давлат хавфсизлиги атамаси давлатнинг умумий хавфсизлигини англатади ва «миллий хавфсизлик» тушунчасининг синоними сифатида қўлланилади.

2.4. Хавфсизлик объекти тушунчаси ва таснифи

Хавфсизлик объекти – хавфсизликнинг муҳим элементи ҳисобланади. Хавфсизлик объекти миллий манфаатлар кўришида концепция ва стратегияларда, шунингдек, тегишли ҳалқаро шартномаларда юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилади. Хавфсизлик объекти миллий хавфсизликнинг негизини ташкил этиб, у миллий хавфсизлик сиёсати мақсад ва вазифаларини белгилашда бошланғич нуқта ҳамда таҳлил воситаси бўлиб хизмат қиласи. Миллий манфаатлар ёки ҳаётий муҳим миллий манфаатлар шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим манфаатларининг йиғиндисини ташкил этади.

Демак, хавфсизлик объекти – бу хавфсизлик субъекти эга бўлган ёки эга бўлиши лозим бўлган манфаатлар тизимири. Айнан мазкур манфаатлар хавфсизлик субъекти ҳимояси остида бўлади. Субъект томонидан хавфсизлик объектини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли қонунчилик, ташкилий ва бошқа характердаги чора-тадбирлар амалга оширилади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, расмий тарзда тегишли норматив-хуқуқий хужжатларда белгилаб қўйилган манфаатларгина хавфсизлик объектини ташкил қиласи.

Тадқиқотчилар ўртасида энг муҳим манфаатлар – бу мустақиллик, миллат фаровонлиги ва ўзлигини сақлаб қолиш ҳисобланади деган фикр мавжуд. Улар фундаментал қадриятлар бўлиб, хавфсизлик объектларининг «ўзаги» ҳисобланади. Сиёсий реализм вакиллари фикрига кўра, мазкур манфаатлар барча мавжуд воситалар ёрдамида ва доимо ҳимоя қилиниши керак бўлган манфаатлардир.

Хавфсизлик объекти таснифи субъектив хусусият, соҳа, макон каби мезонлардан келиб чиқиб амалга оширилади. Бундан ташқари, тизимишлик тамойилига биноан, ҳар бир соҳа ичига объектни тасниф этиш мумкин.

Хавфсизликнинг бирламчи субъектлари - шахс, жамият ва давлатга қўйидаги манфаатлар хос: инсон учун - унинг ҳуқуқ ва эркинликлари; жамият учун - унинг барқарорлиги, моддий ва маънавий бойликлари; давлат учун - унинг суверенитети, худудий яхлитлиги ва конституциявий тузуми.

Хавфсизлик обьектини белгилашда «миллий манфаатлар ким томонидан ва қандай ифода этилади?» деган савол муҳим.

Миллий манфаатлар ёки ҳаётий муҳим миллий манфаатлар шахс, жамият ва давлатнинг обьектив эҳтиёжларидан келиб чиқиб, биринчи навбатда, сиёsat субъектлари томонидан белгилаб берилади. Шунинг учун ҳам унга субъектив аҳамият касб этувчи ҳодиса сифатида қараш лозим. Бу борада манфаатларни белгилашнинг энг ишончли манбаи давлат раҳбари томонидан ифода этилган ҳамда миллий хавфсизлик борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қайд этилган миллий манфаатлар тизими ҳисобланади. Бунинг яна бир афзал жиҳати шундаки, улар тегишли ҳужжатларда етарли даражада моддий ёки предмет кўринишига эга бўлади. Акс ҳолда, «миллий манфаатлар концепцияси жамиятнинг барча муаммоларини қайд этиш дафтарига айланиб қолар эди» (А.Бэттер).

2.5. Хавф ва таҳдидлар

Хавфсизлик тушунчасига берилган анъанавий таърифда хавф ва таҳдидлар унинг асосини ташкил этиши айтилади. Улар шахс, жамият, давлат ва ҳалқаро ҳамжамият ривожининг доимий йўлдоши ҳисобланади. Шу боис ушбу ҳодисалар ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабабларга ўз вақтида ва етарли даражада эътиборни қаратмаслик, миллатлараро зиддиятлар, ҳокимиятга ишончсизлик, давлатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг таъсирини ошиб кетиши ва шу каби бошқа кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хавф ва таҳдидларнинг таснифи.

Хавф ва таҳдидларни келтириб чиқарувчи манбаларнинг ранг-баранглиги муайян таснифни талаб этади. Хавф ва таҳдидларни қўйидаги белгилари бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ◆ таъсир кўрсатиш обьектларига нисбатан - ташқи ва ички;
- ◆ хавфсизлик соҳалари бўйича (экологик, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва х.к.);
- ◆ макон ёки кўламига кўра (глобал, ҳалқаро, минтақавий, миллий, маҳаллий);

- ♦ намоён бўлиш услуби ва шаклларига кўра (баёнот, кела-жакда хавф тугдириши мумкин бўлган ва ҳимоя чоралари кўрилишини талаб қилувчи шарт-шароитлар мажмуи, аниқ ҳаракатлар);

- ♦ манбалари ва ҳаракатлантирувчи кучларига кўра (табиий, инсон фаолияти билан боғлиқ ва бошқ.);

- ♦ ижтимоий хавфлилилк даражасига қараб (риск, таҳлика, хавф ва таҳдид) ва бошқалар.

Кўйида ижтимоий хавфлилилк даражасига қараб таснифланган хавф турларига тўхталиб ўтилади. Улар ривожланиб бориши ёки хавфсизлик субъектлари манфаатларига нисбатан хавфлилилк даражасига қараб, қўйидаги кетма-кетликда жойлаштирилган: риск-таҳлика-хавф-таҳдид.

Риск – одатда хавфсизлик субъектларининг бевосита фаолияти натижасида вужудга келадиган ноқулай ва кўнгилсиз вазиятларни англатувчи хавфнинг энг кичик кўриниши/тури ҳисобланади. Риск доимо қандайдир эҳтимоллилкдир, субъектнинг (субъектларнинг) бирор-бир ҳаракати/ҳаракатсизлиги ёки вужудга келган янги шарт-шароитлар таъсирида у ёки бу ҳолатга ўтиши мумкин.

Риск, одатда, муайян қарорнинг натижаси бўлиб, нафақат танлаш, балки истиқболдаги воқеалар ривожи ва у билан боғлиқ йўқотишларни ҳам баҳолаш субъект билан боғлиқ. Мисол учун, атом электростанциясини (АЭС) қуриш масаласида расмий ҳукумат (хавфсизлик субъекти) олиниши кутилаётган иқтисодий, сиёсий фойда (дивиденд) билан турли сабаблар натижасида АЭС келтириши мумкин бўлган эҳтимолдаги зарарни қиёсий таҳлил этиш орқали уни қуриш ёки қурмаслик борасида сиёсий қарорни қабул қиласи. Шунинг учун хавфнинг мазкур турини хавфсизлик субъектининг «онгли фаолияти» маҳсулли сифатида кўриш мумкин. Иккинчи томондан, ўзга субъект ва акторларнинг фаолияти ҳам риск сифатида баҳоланиши мумкин.

Таҳлика (вызов) – бевосита муайян таҳдид ҳарактерига эга бўлмасада, бироқ, шубҳасиз равишда бартараф этувчи ва олдини оловчи чора-тадбирларни амалга оширилишини талаб этувчи ҳолат/ҳодиса/вазият ёки уларнинг мажмуидир. Таҳликани бартараф этиш учун узоқ мuddатли иқтисодий, ташкилий-ҳукукий, ижтимоий, гуманитар ва бошқа шу каби комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади. Ишсизлик алоҳида ижтимоий ҳодиса тарзидаги таҳликага мисол бўлиши мумкин. Хавфлилилк даражасидан келиб чиқиб, ишсизлик, наркомания, коррупция каби ижтимоий ҳодиса ва иллатларнинг йиғиндисини ҳам хавфнинг мазкур турига киритиш мумкин.

Хавф – шахснинг ҳуқук ва эркинликларининг жиддий ва мунтазам равишда бузилиши, жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятларининг емириш, давлатнинг ҳаётий мухим манфаатларига жиддий зарар етказиш қобилиятига эга эҳтимолдаги (ёки реал) воқеа/ходиса/жараён ёки ҳолатдир. Хавф – бу маълум бир зарар етказиш, яъни хавфсизлик обьекти структураси ёки бошқа хусусиятларини ўзгартириш орқали унинг чидамлилик ва рақобатбардошлилик салоҳиятини камайтириш эҳтимолидир.

Таҳдид – хавфнинг энг олий даражаси бўлиб, унда нафакат яққол ният, балки хавфсизлик обьектига бевосита зиён етказиш қобилияти ва тайёргарлик намоён бўлади. Хавфнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, миллий хавфсизлик концепцияларида фақатгина таҳдидлар белгилаб қўйилади. Бу ҳолат мазкур тур хавфларнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади.

Таҳдид - хавфнинг аниқ ва бевосита шаклидир. Унинг предмет характеристига эга эканлигига яққол мисол таҳдидларнинг жиноят қонунчилигига ўз аксини топишидир. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида агрессия, терроризм, коррупция каби жамият ва давлат учун ўта хавфли бўлган жиноятлар қайд этилган.

Зарар – тизимнинг туб моҳиятини белгиловчи хусусиятлар ҳамда тизим мавжудлигининг шарт-шароитлари ўзгариши натижасида унинг барқарорлиги ёки чидамлилигининг сусайиши ҳисобланади.

Бардошлилик (чидамлилик) – тизимнинг турли вайронкор омиллар таъсирига қарамасдан, кўнгилсиз оқибатларнинг камайтирилишини келтириб чиқарувчи аксил таъсир чораларни ишга солиш йўли билан, ёки кўнгилсиз ташки таъсирларга нисбатан табиий қаршилик натижасида ўзининг асосий хусусиятларини сақлаб қолиш қобилияти.

Барқарорлик – тизимга нисбатан сезиларли салбий таъсирларнинг мавжуд эмаслиги, ёки узоқ муддат мобайнида бундай таъсирларга нисбатан унинг бардошлилиги таъминланиши натижасида муайян вақт давомида тизимнинг мухим хусусиятлари сақланиб қолиши ҳолати.

Авваламбор, шахс, жамият ва давлатга раҳна солувчи хавф ва таҳдидлар ҳамда уларни келтириб чиқарувчи бирламчи сабабларга аниқлик киритиб олиш зарур. Ушбу масаланинг долзарблиги ҳуқукни муҳофаза қилувчи органларнинг одатий амалиёти таҳдидларни келтириб чиқарувчи сабабларга эмас, балки бевосита таҳдидларнинг ўзига қарши қаратилганлиги боис ниҳояси йўқ занжирни пайдо бўлаётгани билан тушунтирилади.

Агар хавф ва таҳдидларга жамиятда мавжуд бўлган зидди-ятларнинг маҳсали сифатида қаралса, хавфсизликка раҳна солувчи таҳдидлар билан курашда уларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлашнинг муҳимлиги намоён бўлади. Уларни аниқлаб олмасдан ва бартараф этмасдан туриб, хавфсизликни самарали таъминлаш мумкин эмас. Зиддиятлар муқим ҳолатда эмас, балки улар турли ички ва ташки омиллар таъсирида ўз моҳияти ва йўналишини ўзгартириб туради.

Бевосита, таҳдидлар билан кураш – уларнинг оқибатлари билан кураш демакдир. У фақатгина вақтинча самара беради, муаммоларни қисман ечимини таъминлайди. Сақланиб қолган хавф манбаи бир мунча вақтдан сўнг, қулай шарт-шароитлар натижасида, янги хавфларни келтириб чиқаради ва маълум омиллар таъсирида бу хавфлар жуда тез суръатларда таҳдидлар даражасигача ўсиб боради. Шу муносабат билан хавфсизликни таъминлашнинг иқтисодий ва ижтимоий усул ва воситалари хавфнинг манбаларини бартараф этишда ва хавфсизликни самарали таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади. Тахдидларга қарши кураш – бу асосан мудофаа, уларнинг манбаларига қарши кураш эса стратегик ҳужумдир (А. Першин). Хавф манбалари ва уларнинг намоён бўлиш шаклларини бир бутун үйғунликда ва тизим сифатида кўришгина уларга қарши курашда самара бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белов П.Г. Методологические основы национальной безопасности России. – С.-П.б.: Изд. СпГПУ, 2004.
2. Белов П.Г. Кризис теории национальной безопасности // <http://www.netda.ru/belka/texty/imper/imp-bel.htm>.
3. Бэттер А. Национальные интересы, национальная и международная безопасность // Полис. – Москва, 2002. - №4. – С. 146-159.
4. Иващенко Г.В. О понятии безопасности //http://www.inetlib.com/philosophy/inetlib_show_archives.php?subaction=showfull&id=1108062853&archive=0215&start_from=&ucat=1&.
5. Першин А. К вопросу о категориально-понятийном аппарате теории национальной безопасности // Власть. – Москва, 2004. - №6. – С. 48-55.
6. Ярочкин В.И. Секьюритология – наука о безопасности жизнедеятельности. – М.: Ось-89, 2000.
7. Baldwin A.David The Concept of Security //Review of International Studies, Vol. 23. 1997.
8. Bill McSweeney. Security, Identity and Interests: a Sociology of International Relations. – Cambridge University press, 1999.

9. Critical Security Studies and World Politics /Ken Booth, ed.
- London: Lynne Rienner Publishers, 2005.
10. Gallie W.B. Essentially Contested Concepts //In: Max Black, ed. The Importance of Language. - New Jersey, Englewood Cliffs, 1962.
11. Roy Godson. Transstate Security //Security Studies for the 21st Century. - Washington-London: Brassey's, 1996.
12. Security: a New Framework for Analysis /by Barry Buzan, Ole Waever, and Jaap de Wilde. -- London: Lynne Rienner Publishers, 1998.

Тестлар:

1. Хавфсизликнинг ҳамма учун мақбул таърифини ишлаб чиқишига тўсқинлиқ қилувчи омил – бу:

- а) тадқиқотчилар орасида устунлик учун олиб борилаётган рақобат
- б) хавфсизликнинг ҳаддан ташқари амалий мазмун касб этиши
- в) янги қутбларнинг шаклланиши
- г) «совуқ уруш»нинг тугаганлиги

2. Миллий хавфсизлик борасидаги аксарият концепциялар, доктриналар ва қонунларда хавфсизликнинг қандай таърифи келтирилади?

- а) хавфсизлик – шахс, жамият ва давлат ҳаётий мухим манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати
- б) хавфсизлик – давлат суверенитети ва иқтисодий ҳолатининг ҳимояланганлик ҳолати
- в) хавфсизлик – инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг тажовузлардан ҳимояланганлик ҳолати
- г) хавфсизлик – жамият ва давлат манфаатларининг турли таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати

3. Хавфсизлик субъектларининг хавфсизликка эришиш бўйича босқичма-босқич ҳаракатининг бошланғич фазаси – бу:

- а) иқтисодий ва молиявий ҳолатни яхшилаб олиш
- б) ўз мақсадларига эришишда ишончли шахсларни топиш ва жамоа тузиш
- в) хавфсизлик субъектлари томонидан эҳтиёжларни аниклаб олиш
- г) керакли вақтда, керакли жойда, керакли шахс ёнида бўлишга интилиш

4. Хавфсизлик субъектлари фаолиятининг муҳим таркибий қисмини топинг.

- а) хоҳиш, ирода
- б) таҳдидларга қарши кураш
- в) қатъият
- г) манфаат

5. Этногеоэтосистема атамаси билан ифодаланувчи учлик – бу:

- а) мамлакат ҳудуди – ҳалқи – уларнинг турмуш тарзи
- б) давлат чегаралари – аҳолиси – иқтисодий кўрсаткичлари
- в) миллий қадриятлар – миллатлараро муносабатлар – қадриятлар
- г) геосиёсат – геоиктисодиёт – миллий қадриятлар

6. Хавфсизлик категориялари қисқа ва лўнда бўлиши лозим. Чунки улар:

- а) тадқиқотчиларга тушунарли бўлиши лозим
- б) норматив-хуқуқий ҳужжатларда қайд этилади
- в) илмий билиш жараёни билан боғлиқ
- г) душман томонни чалғитиши учун

7. Хавфсизликнинг асосий субъектларини топинг:

- а) жамият, сиёсий партиялар, ТМК (ТНК)
- б) давлат ва унинг органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари
- в) шахс, жамият ва давлат
- г) шахс, жамият ва уларнинг ҳаётий муҳим манфаатлари

8. Хавфсизликнинг ҳосила субъектлари – бу:

- а) ҳукумат идоралари, ОАВ, шахс ва унинг манфаатлари
- б) ноҳукумат ташкилотлари, сиёсий партиялар, ҳалқаро ташкилотлар
- в) давлат, ҳалқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар
- г) ҳалқаро ва минтақавий ташкилотлар, давлат ва шахс

9. Риск – бу:

- а) субъектнинг фаолияти натижасида нокулай ва кўнгилсиз вазият/ҳолатларнинг юзага келиши эҳтимоли
- б) муайян таҳдид аҳамиятига эга бўлмаган, бироқ, уларни сўзсиз эътиборга олишни талаб этувчи ҳолатлар мажмуи
- в) хавфнинг нисбатан муайян ва бевосита шакли ёки фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларига хавф гуфдирувчи шароитлар ва омиллар мажмуи

г) у ёки бу даражада нафақат ошкора интилиш, балки хавфсизлик обьектига бевосита зарар етказишга қобилият ва тайёрлик ифода этилган хавфсизликнинг юқори даражаси

10. Хавф – бу:

- а) субъект фаолияти учун нокулай ва номақбул вазиятларнинг юзага келиш эҳтимоли
б) муайян таҳдид характерига эга бўлмаган, бироқ, шубҳасиз уларга нисбатан жавоб қайтаришни талаб қилувчи вазият ёки вазиятлар мажмуми
в) инсон, ижтимоий гурӯҳ, жамият, давлат ва жаҳон ҳамжамиятига зиён етказиши, моддий ва маънавий қадриятларнинг емиришига, инқирознинг юзага келишига, тараққиёт йўлининг беркилишига олиб келиши мумкин бўлган эҳтимолий (ёки реал) ҳодиса, воқеа ва жараён
г) хавфнинг энг олий даражаси

Топшириқлар:

1. Матндағи «ХХ асрнинг охирида халқаро муносабатлар конъюнктураси ўзгариши назариясида ягона концепциянинг монополияси бартараф этилди. Шу пайтдан бошлаб у «ҳам бўйига, ҳам энига» кенгайди» деган фикрни Сиз қандай тушунасиз.

2. Миллий хавфсизликни таъминлашда шахснинг ўрни ва роли нималардан иборат? Сизнинг назарингизда шахс ва давлат манбаатларидан қайси бири устувор аҳамият касб этади? Бу борадаги қарашларингизни асослаб беринг.

3. Г.В.Иващенконинг «Хавфсизлик тушунчаси ҳақида» мақоласи билан танишиб чиқинг. Унинг асосий жиҳатларини ўзаро муҳокама қилинг.

4. Хавфсизлик назариясида «субъект» ва «актор» атамаларининг ўзаро мутаносиблигини таҳлил қилинг.

5. «Бир вақтнинг ўзида шахс, жамият ва давлат хавф ва таҳдидларнинг субъекти ва обьекти бўлиши мумкин», деган тезисни Сиз қандай тушунасиз? Уни изоҳлаб беришга ҳаракат қилинг.

Тест жавоблари:

- | | | | | | | | | | |
|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|------------|
| 1. | 2. | 3. | 4. | 5. | 6. | 7. | 8. | 9. | 10. |
| б) | а) | в) | г) | а) | б) | в) | б) | а) | в) |

3-мавзу. Миллий хавфсизлик тушунчаси ва асосий категориялари

Таянч атамалар:

миллий хавфсизлик, миллий хавфсизлик сиёсати,
хавфсизлик концепцияси, стратегия, доктрина,
«олдини олувчи ёки бартараф этувчи зарбалар»

3.1. Миллий хавфсизлик концепцияси тушунчаси.

3.2. Хавфсизлик концепциясининг асосий категориялари.

. 3.3. АҚШнинг миллий хавфсизлик стратегия ва доктриналари.

3.4. Франция миллий хавфсизлик концепциясининг асосий жиҳатлари.

3.1. Миллий хавфсизлик концепцияси тушунчаси

Хавфсизлик концепцияси тушунчаси турли хил мазмун касб этади. Амалий ёки норматив нуқтаи-назардан уни давлат миллий хавфсизлик сиёсатининг мақсадлари, вазифалари, характеристери ва уни амалга ошириш йўлларини белгилаб берувчи расмий қарашлар тизими ҳамда мазкур тизимни белгилаб берувчи расмий хужжатнинг номи (масалан, Миллий хавфсизлик концепцияси) сифатида талқин қилиш мумкин. Назарий жиҳатдан хавфсизлик концепцияси хавфсизлик муаммоларига оид илмий асарнинг етакчи тоғасини ифода этади (масалан, К.Дойчининг «хавфсизлик ҳамжамияти», Р. Жервиснинг «хавфсизлик режими» ва бошк.).

Миллий хавфсизлик концепциясининг бош вазифаси - хавфсизлик соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ушбу маънода у мазкур сиёсатни амалга оширишнинг сиёсий-хукуқий асосини ташкил этади. Хавфсизлик сиёсати, ва умуман олганда, давлат сиёсатининг асосий мақсади давлат ва жамиятнинг фундаментал манфаат ва қадриятларини ташки ва ички таҳдид ва хавфлардан ҳимоя қилиш ёки манфаатларни амалга оширишнинг шарт-шароитларини яратишдан иборат. Белгиланган вазифа ва мақсадга эришиш хавфсизлини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиши назарда тутади.

Хаётый муҳим миллий манфаатлар, реал ва потенциал таҳдидлар, устувор (стратегик ва тактик) йўналишлар ва миллий хавфсизликни таъминлаш вазифалари ва бошқалар – миллий хавфсизлик концепция/стратегияларида ўз аксини топади. Хавфсизлик концепцияси маълум ички ва ташки омиллар асоси-

да/таъсирида шаклланади. Хусусан, ташки сиёсат, объектив эҳтиёжлар, геосиёсий омиллар (давлатнинг географик ҳолати, иқтисодий ва ҳарбий имкониятлари, табиий ресурслари ва ҳ.к.), халқаро ҳуқуқ ва бошқалар миллий хавфсизлик концепциясини яратишнинг назарий ва амалий асосларини белгилаб берувчи омиллар ҳисобланади.

Миллий хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишининг бир нечта вазифа ёки босқичларини келтириш мумкин: биринчидан, объектив эҳтиёжлар асосида миллий манфаатлар (мақсадлар) аниқлаб олинади; иккинчидан, ушбу манфаатларга зарар келтириши мумкин бўлган таҳдидлар аниқланади; учинчидан, таҳдидларни олдини олиш, тегишли шарт-шароитларни яратишга оид вазифалар белгиланади.

Хавфсизлик субъектлари хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишида марказий ўринни эгаллайди. Мазкур занжирнинг муҳим бўғини – бу хавфсизлик сиёсатининг норматив-ҳуқуқий ва ташкилий асосларини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи омилларни хавфсизлик субъектлари томонидан таҳлил этиш ҳисобланади. Бироқ, хавфсизлик субъектларининг фаолияти объектив эҳтиёжларни, хавф ва таҳдидларни, минтақавий ва халқаро воқеиликни англаб этиш ва унинг негизида миллий манфаатларни белгилаб олиш билан чекланиб қолмайди. Улар манфаатларни амалга оширишга қаратилган, асосланган, босқичма-босқич фаолият юргизиш орқали хавфсизлик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари керак бўлади. Мазкур ҳужжатни ишлаб чиқишида давлат бошлигининг қарашлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Концепциянинг амал қилиш муддати мувакқат аҳамият касб этиб, минтақа ва жаҳонда юз бераётган воқеалар ҳамда миллий манфаат ва хавфсизликка таҳдидларнинг ўзгариши таъсирида мазкур ҳужжат қайта кўриб чиқилиши ва янги таҳрирда қабул қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, миллий хавфсизлик концепцияси – бу хавфсизлик субъектларининг ҳаётий муҳим манфаатларини белгилаш, асосий (ички ва ташки) таҳдидларни аниқлаш, устувор йўналишларни ишлаб чиқиш, уларни таъминловчи тизим ва принципларни белгилаш орқали шакллантирилувчи, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган расмий қарашлар тизимиdir.

Ушбу ўринда яна бир муҳим тушунча – бу хавфсизлик доктринасидир. Одатда, хавфсизликнинг муайян соҳасида давлат сиёсатининг мақсадлари, вазифалари, характеристери ва уни амалга ошириш йўлларини белгилаб берувчи расмий қарашлар тизи-

ми ҳамда мазкур тизимни белгилаб берувчи ҳужжатнинг номи (масалан, Ҳарбий доктрина, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш доктринаси ва ҳ.к.) сифатида таърифланади. Хавфсизлик доктринаси миллий хавфсизликни таъминлашнинг раҳбарий сиёсий принципи сифатида ҳам тушунилади. Мазкур ҳолатда хавфсизлик доктринаси давлат сиёсатининг назарий-тарғибот асоси сифатида намоён бўлиб, муайян тарихий даврда давлатнинг расмий нуқтаи-назари ҳамда ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг бош йўналишини белгилаб беради (масалан, Монро доктринаси). Хавфсизлик доктриналарининг таҳлили муайян давлат ташқи ва миллий хавфсизлик сиёсатини чуқурроқ тушунишга кўмак беради.

3.2. Хавфсизлик концепциясининг асосий категориялари

Миллий манфаатлар (фундаментал). Одатда мазкур тушунча давлатнинг ҳалқаро муносабатларда сиёсий бирлик сифатида мавжуд бўлиб қолишини англатади. Ушбу мақсад ҳудудий даҳлисизлик, суверенитет ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш орқали таъминланади. Бу тур манфаатларни доимий, маълум маънода ўзгармас, энг муҳим сиёсий-ҳуқуқий қадриятлар деб таърифлаш мумкин. Уларга келтириладиган зарар хавфсизлик объектигининг туб моҳиятини ўзгартириб юбориши, давлатнинг инқирозига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун улар ҳаётий муҳим миллий манфаатлар тизимида устувор мазмун касб этиб, давлат ва жамият ихтиёрида бўлган ҳар қандай куч ва воситалар ёрдамида уларни ҳимоя қилиш ўринли деб ҳисобланади.

Хавфсизликни таъминлашда фундаментал манфаатлар/қадриятлар билан бирга стратегик ва тактик манфаатларга ҳам алоҳида ургу берилади. Улар динамик ва ўзгарувчан характерга эга бўлиб, вазиятнинг ривожланишига қараб мунтазам равишда тегишли ўзгартиришлар киритиб турилади. Уларнинг амалга оширилиши фундаментал манфаатларни таъминланиш даражасини мустаҳкамланишига олиб келади.

Миллий манфаатларнинг давлат ва жамиятнинг энг муҳим эҳтиёжларидан келиб чиқиб тўғри белгиланиши ҳамда уларнинг самарали таъминланиши мазкур фаолият билан шуғулланувчи ваколатли шахсларнинг малакасига боғлиқ. Ҳолбуки, миллий манфаатлар моҳиятини тўғри англаш ягона давлат сиёсатини муваффақиятли ишлаб чиқишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Одатда шахс, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжлари «субъективлашиш» босқичидан, яъни хавфсизлик субъектлари томонидан англаниш жараёнидан ўтгач, манфаат шаклини қабул

қилади. Бошқача айтганда, манфаат – бу шахс, жамият ва давлат объектив эҳтиёжларининг субъектив шаклда намоён бўлишидир. Аммо, манфаат ўз ҳолича сиёсатда намоён бўлолмайди. Сиёсат манфаатнинг мақсадга айланиши натижасида юзага келади. Манфаат ва мақсад ўртасидаги умумийлик шундаки, уларнинг ҳар иккаласи жамиятнинг объектив эҳтиёжларини ифодалайди. Уларнинг ўртасидаги фарқ шундаки, биринчиси (манфаат) англаниладиган/идрок этиладиган, иккинчиси (мақсад) мавжуд институционал механизмлар воситасида амалга ошириладиган субъектив фаолиятни назарда тутади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, «мақсад – бу ҳаракатдаги манфаатдир» (А.Бэттер).

Манфаатлар объектив бўла оладими? Ҳақиқатнинг ўлчови, мезони – амалиёт ва вақтдир. Таъкидлаш жоизки, хавфсизлик субъекти ўз фаолиятида муайян бир вақтда (шу давр эҳтиёжларидан келиб чиқиб) англаб этиладиган манфаатларга таянади. Айнан мазкур манфаатлар унинг учун тўғри, мақбул ва бўлиши лозим бўлган деб қабул қилинади. Шунинг учун ҳам хавфсизлик сиёсати субъектининг малакаси, билим даражаси, масъулияти, ҳалоллиги ва бошқа сифатлари манфаатларнинг «объективлик даражаси»ни ортишида ҳал қилувчи шартшароитлар ҳисобланади.

Миллий манфаатлар миллий хавфсизлик концепцияси шаклланишида ҳамда суверен давлатнинг ўз ташқи сиёсатини амалга оширишида муҳим элемент бўлиб хизмат қилади. Халқаро муносабатлардаги мавжуд воқеилик умуминсоний манфаатларнинг миллий манфаатлардан устунлигини тасдиқлашга имкон бермайди.

Демак, ҳаётий муҳим миллий манфаатлар – хавфсизлик (сиёсати) субъектлари томонидан англаб этиладиган, тизимга солинадиган, тегишли сиёсий-хукукий хужжатларда белгилаб қўйиладиган, маълум тарихий даврда давлатнинг мавжуд бўлиб қолиши, фаровонлиги ва тараққиётининг зарур ҳамда ҳимоя қилиниши шарт бўлган шахс, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжларидир.

Миллий хавфсизлик – хавфсизликнинг фундаментал субъектлари – шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги ҳолатини англатувчи ибора. Миллий хавфсизлик сиёсий категория сифатида миллий манфаатларни таъминлашнинг усуслари, воситалари ва шаклларини англатади. Постсовет макони давлатларининг миллий қонунчилигига миллий хавфсизликнинг қўйидаги таърифи мустаҳкамлаб қўйилган: «миллий хавфсизлик – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати». Миллий хавфсиз-

ликни самарали таъминлаш, аввало, мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий имкониятларига боғлиқ. Бироқ ушбу ўринда унинг маданий ва маънавий компонентлари аҳамиятини ҳам эсдан чиқармаслик лозим.

Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизликнинг ўзаро мутаносиблиги. Миллий манфаатлар – бу базис (моддий асос), миллий хавфсизлик эса – устқурмадир. Мазкур категориялар ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсирда ривожланувчи хавфсизлик сиёсатининг икки босқичини акс эттиради: 1) сиёсат (манфаат)ни шакллантириш ва ифода этиш ҳамда 2) уни амалга ошириш босқичлари. Манфаат категорияси биринчи, хавфсизлик – иккинчи- босқичга тегишилдири. Ушбу маънода миллий хавфсизлик – бу ҳаётий муҳим миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишга йўналтирилган сиёсатдир.

Тадқиқотчилар «миллий хавфсизлик» тушунчасининг замонавий талқини муаллифи сифатида АҚШ Президенти Т.Рузвельтни келтирадилар (1904 й.). 1947 йилда АҚШда «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ҳужжатда миллий хавфсизлик ички, ташқи ва ҳарбий сиёсат масалаларининг интеграцияси сифатида изоҳланди. Умуммиллий мақсадлар миллий манфаатлар тизимида муҳим ўрин тутади. Миллий хавфсизлик тушунчасининг кенглиги давлат ҳокимиятининг амалга ошириш учун катта имкониятлар очиб берди. Америкалик генерал М.Тейлорнинг таъбири билан айтганда, миллий хавфсизлик сиёсати ягона ҳужжат шаклида бўлмаган Англия конституциясини эслатади, яъни уни ҳар сафар президент баёнотлари, сайловолди ваъдалари, халқаро битимлардан келтириб чиқариш зарур бўлади.

Миллий хавфсизлик тизими тушунчаси хавфсизлик тадқиқотларининг таянч категорияларидан бири ҳисобланади. Умумфалсафий маънода тизим ўзаро алоқадорлик ва таъсирда бўлган, муайян бирликни ташкил этувчи элементлар мажмуи сифатида таърифланади. У яхлитлик, тизимлилик, тизим ва муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги каби принциплар асосида мавжуд бўлади. Тизим фаолиятини ташкил этишда «ўзаро тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш» принципи муҳим ўрин тутади. Мазкур принцип тизимнинг барқарорлигини таъминлаб берувчи омил ҳисобланади. Хавфсизлик тизими хавфсизликнинг ички тузилиши ва ташкил этилишини белгилайди. Хавфсизлик тизими нинг функционал мақсади – хавфсизлик сиёсатини – миллий манфаатларни - амалга ошириш ҳисобланади.

Хавфсизликка тегишли яна бир тушунча – бу хавфсизлик хукуқидир. Хавфсизлик хукуқи хавфсизликни таъминлашга оид

ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилувчи норма ва принциплар мажмуи ҳисобланади. Хавфсизликнинг ҳар бир даражаси ўзига хос норма ва принципларга эга. Шунинг учун ҳам миллий хавфсизлик ҳуқуқи, ҳалқаро хавфсизлик ҳуқуқи (ҳалқаро ҳуқуқ соҳаси), минтақавий хавфсизлик ҳуқуқи (ҳалқаро хавфсизлик ҳуқуқининг соҳа ости) тўғрисида сўз юритиш ўринлидир. Ҳалқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва принциплари, давлатнинг ҳалқаро шартномалари, конституция ва хавфсизликка оид бошқа қонунчилик ҳужжатлари миллий хавфсизлик концепциясининг норматив асосини ташкил этади.

3.3. АҚШнинг миллий хавфсизлик стратегия ва доктриналари.

1986 йилда қабул қилингандан Мудофаани қайта ташкил этиш тўғрисидаги (Голдуотер-Николс) қонунга мувофиқ, АҚШ президенти маъмурияти ҳар йили Конгрессга Оқ уйнинг расмий қарашлари ўз аксини топган «Миллий хавфсизлик стратегияси»ни тақдим этиши лозим. У миллий хавфсизлик масалалари борасидаги муҳтасар расмий ҳужжат ҳисобланади.

Одатда стратегия интеллектуал фаолият маҳсулни бўлиб, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда реал ва башорат қилинадиган тенденция ва таҳдидларни бошқариш соҳасидаги ўзаро боғлиқ фикрлар мажмуи ҳисобланади. АҚШ стратегиялари яратилишининг ўзига хослиги, биринчи навбатда, уни ишлаб чиқишида хусусий қарашлар, манфаатлар ва мақсадга эга бўлган иштирокчилар - субъектлар - сонининг кўплиги билан изоҳланади. Уларни президент «командаси», давлат мусассалари, лобби (манфаат) гурӯхлари, тижорат ва нодавлат ташкилотлар ва бошқалар ташкил этади.

Миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнини белгилаб берувчи асосий омилларга ташки хавфнинг аниклик даражаси, президентнинг сиёсий роли, партиялараро кураш даражаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Ташки хавф даражаси ортган сари миллий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқиш жараёни марказлашиб боради ва президент томонидан назорат кучайтирилади ҳамда миллий хавфсизлик тушунчаси шиор эмас, балки ҳаракат дастурига айлантирилади. Конгресс ва таъсир гурӯхлари иккинчи даражага тушиб қолади.

Таҳдиднинг хавфлилик даражаси қанчалик кам бўлса, миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш даражаси ҳам шунчалик кам марказлашган бўлади. Мазкур жараёнда Конгресс, таъсир гурӯхлари, ОАВ иштироки кузатилади. Бу даврда

миллий хавфсизлик стратегиясининг ишлаб чиқилган вариантларида турфа хиллик ва қарама-қаршилик Конгресс аъзоларининг манфаатларини, биринчи навбатда, сайловчилар гурухлари манфаатларини қондиришга қаратилади.

АҚШнинг миллий хавфсизлик борасидаги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда «ақлий марказлар»нинг ўрни муҳим. Асосий истеъмолчилари Миллий хавфсизлик кенгаши, Давлат департаменти ва Мудофаа вазирлиги (Пентагон) ҳисобланган мазкур гурухга мамлакатдаги кўзга кўринган «ақлий марказлар» - РЭНД корпорацияси, Мерос фонди, Брукингс институти, Карнеги халқаро тинчлик фондини киритиш мумкин.

Таҳлил марказлари Конгресс маъмурияти ва аппаратида ишлайдиган юқори малакали кадрларни етиштириб беради. Америка Кўшма Штатларига хос бундай ҳолат, яъни расмий шахсларнинг таҳлилий марказлардаги ўз ҳамкаслари билан алмашиб орқали келиб-кетишлари, ҳокимият тизимида янги ғояларни жорий этилишининг муҳим манбани ташкил этади ҳамда ташки сиёсат ва хавфсизлик соҳаси билан боғлиқ турли касб вакиллари орасида профессионализмнинг ўсишида сизларли роль ўйнайди.

«Совуқ уруш» тугаганидан сўнг АҚШ учун қарши томондан акс таъсир этиш даражаси камайди ва унинг манфаатларига мос келадиган жаҳон тартиботини яратиш ўзак мақсад сифатида мустаҳкамланиб борди. Бироқ, таъкидлаб ўтиш жоизки, АҚШ манфаатларини таҳлил этишда икки муқобилликнинг ўзаро кесишувини ташкил этувчи тўрт асосий гуруҳ мавжуд. Булар: 1) изоляционизм (танлаш асосида иштирок этиш); 2) халқаро муаммоларга глобал миқёсда жалб этилганлик; 3) ўз кучига таяниш («бир томонламачилар»); ҳамда 4) халқаро ташкилотлар ва иттифоқчиларга таяниш («кўп томонламачилар»).

АҚШда миллий хавфсизлик стратегияси доктринал характерга эга. Стратегиянинг асосий қоидалари, принциплари, устувор йўналиш ва инструментлари давлат бошлиғи томонидан белгиланади. Шунингдек, аксарият стратегияларда президентнинг алоҳида олинган муаммога оид қарашлари ташки ва хавфсизлик сиёсатининг раҳбарий сиёсий принципига айланиб, узоқ муддат давомида АҚШ ташки сиёсатини белгилаб берувчи ва ҳаракатга келтирувчи куч (доктрина) сифатида ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Бу ўринда мазкур доктриналарининг вақтлар ўтишига қарамасдан тегишли стратегияларда ўз аксини топиши уларнинг ворисийлигини ва сиёсатнинг давомийлигини англаатади. Мисол учун, Монро, Вильсон, Трумэн ва бошқа доктриналар. Куйида уларнинг айримлари тўғрисида маълумот берилади.

Вильсон доктринаси – Марказий ва Жанубий Америка давлатлари ички ишларига аралашиш сиёсатини ифода этувчи ташқи сиёсий доктрина. 1913 йилда АҚШ президенти Вудро Вильсон: «Биз ўз шахсий манфаат ва амбицияларини қондириш мақсадида ўз ҳокимиятини ўрнатувчи шахсларга қарши миз ... Биз лотин-америкаликларга тўғри инсонни танлашларига кўмак беришимиз лозим» деган гояни илгари суради. Унинг мазмунидан келиб чиқиб, 1914 йил 21 апрель куни В.Вильсон Мексикага ҳарбий интервенцияни амалга ошириш ҳақида буйруқ беради. Вильсон доктринасини Т.Рузвельт ва Ж.Монро сиёсатларининг ўзига хос мантиқий давоми сифатида кўриш мумкин.

Монро доктринаси – АҚШ президенти Ж.Монро томонидан 1823 йилда илгари сурилган «Америка америкаликлар учун» тезиси ушбу ташқи сиёсий доктринанинг моҳиятини белгилаб беради. Монро доктринаси, моҳиятан, Европа давлатларига қаратилган мурожаат бўлиб, Лотин Америкасининг янги давлатлари ички ишларига аралашмасликка чақирувчи огоҳлантириш эди. Бундай аралашиш АҚШга нисбатан нодўстона муносабат сифатида баҳоланган. Бироқ кейинчалик Монро доктринаси ўзгача маъно касб этиб бориб, АҚШнинг Farbий ярим шарда жойлашган давлатлар ички ишларига аралашиш ҳукуқини англата бошлади. Монро доктринаси ҳозирги кунгача АҚШ ташқи ва хавфсизлик сиёсатини белгилаб берувчи муҳим принциплардан бири бўлиб қолмоқда.

Трумэн доктринаси – АҚШ президенти Гарри Трумэн томонидан 1947 йил 12 марта илгари сурилган ва Американинг «совуқ уруш» декларацияси номини олган ташқи сиёсий доктрина. Трумэн тинчлик даврида энг катта икки томонлама ҳукумат ёрдами дастурини амалга оширган (у Конгрессдан Греция ва Туркия учун ёрдам тариқасида 400 млн. АҚШ долл. сўраган). Бундан ташқари, Европага ҳарбий контингент юборилишини таъминлаш учун ҳам маблаг ажратилишига эришган. Мазкур доктрина АҚШнинг анъанавий изоляционистик сиёсатига жиддий зарба бериб, бутун дунёда унинг иқтисодий ва ҳарбий соҳадаги кўмак дастурларини амалга оширишда ўзига хос прецедентни яратди. Трумэн доктринасига мувофиқ, АҚШ ҳар томонлама коммунизмнинг ёйилишига қарши туришга ҳаракат қилди. Трумэн ўз маърузасида асосан Греция ва Туркияга тўхталиб ўтган бўлишига қарамасдан, доктрина муайян географик чегаралар билан чекланмайди. Халқаро майдонда коммунизмни тийиб туришга қаратилган мазкур стратегиянинг иқтисодий ўлчами Маршалл режаси орқали таъминланди. Трумэн доктринасининг сиёсий ва иқтисодий жиҳатлари «бир ёнгоқнинг икки томони» сифатида таърифланади.

3.4. Франция миллий хавфсизлик концепциясининг асосий жиҳатлари

Миллий хавфсизликка нисбатан француз миллий анъаналари ўзининг мағкуравий ранг-баранглиги билан АҚШ амалиётига ўхшаб кетади. Бу француз дипломатиясининг анъанавий тарихий мероси (Руссо, Вольтер, Стендаль ва бошқаларнинг) ҳамда мамлакатнинг тарихий инқилобий анъаналари билан изоҳланади.

Миллий хавфсизлик соҳасида президент маҳсус, қарийб мутлақ ваколатларга эга. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари ягона ва мақсадли ҳужжат кўринишига эга эмас. Одатда, миллий хавфсизлик соҳасига оид дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқишида президент Елисей саройи қошидаги президент девони маслаҳатчиларига таянади. Уларни ишлаб чиқишида ижроия ҳокимият тизимидағи бошқа бўғинларнинг иштироки нисбатан суст. Шу билан бирга бош вазир ва ҳукумат бу борада муайян ваколатларга эга. Мудофаа масалалари борасида ўз мақомига кўра АҚШнинг Миллий хавфсизлик кенгашига ўхшаш бўлган Миллий мудофаа бош котибияти (ММБК) бош вазирга бўйсунишини алоҳида қайд этиш керак. Бундан ташқари, ММБКга хавфсизлик борасида таҳлилни амалга ошириш ҳам юклатилган. Сиёсий партиялар ва вакиллик органларининг мамлакат миллий хавфсизлик сиёсатини белгилашдаги роли конституция билан чеклаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, хусусий сектор, университет ҳамда илмий-тадқиқот марказларининг давлат сектори билан узвий боғлиқлигини кузатиш мумкин. Бу каби ҳолат миллий хавфсизлик йўналишида ҳам намоён бўлади. Натижада, давлатнинг миллий хавфсизлик сиёсатини шакллантиришга таъсир қилувчи ҳамда давлат ва хусусий сектор қараашларини бириктирадиган, уйғунлаштирадиган манфаатлар гурӯҳи вужудга келади.

Шарль де Голл миллий доктрина асосига «миллий истиқлол» ва «Франциянинг буюклиги» шиорини кўйди. Миллат ғояси мутлақ қадриятларга тенглаштириб қўйилди. «Франция биринчи қаторда тургандагина ҳақиқий Франция бўлади», деб шакллантирилган голлистик анъана ҳам айнан шуни назарда тулади. Де Голл Франция кўп кутбли дунё тартиботини кўллаб-кувватлашини ёқлаб чиқди ва дунёнинг икки кутбга бўлинишини тубдан қоралади. Франция миллий хавфсизликни кўп кутбли дунёни яратиш ва унда буюк давлатларнинг мувозанати орқали эришиш мумкин деб ҳисоблади.

Голлизм – Шарль де Голлнинг сиёсий мероси, Францияни Европа ва жаҳон сиёсатида тутган мустақил ўрнига алоҳида

урғу беради. Европада интеграциявий жараёнларни жадаллаштириш шароитида Голлизм давлатлардан устун турувчи ваколатли институтлар ҳамда Европа давлатлари ички ишларига АҚШнинг фаол аралашувига қарши туриб, Европа давлатларининг конфедератив муносабатларини ривожлантиришни ёқлаб чиқади.

Франциянинг етарли иқтисодий қудратга эга эмаслиги, голлистларнинг фикрича, ғарбий дунёда унинг мустақиллигини таъминлаб бера олмади. Бу эса ўз навбатида, мамлакатнинг нафақат дипломатик, сиёсий ва маънавий заҳираларини, балки яровий кучини қатъий равишда намойиш этиш заруратини келтириб чиқарди: «Франциянинг миллий яровий қуролга эгалиги Европа ривожланишининг асосий омили бўлади».

Демак, голлизм Франциянинг яровий мақомини қўллаб-кувватлайди. 1966 йилда Франция НАТОнинг ҳарбий тузилмасидан чиқиш, мазкур ташкилотга тегишли унинг ҳудудида жойлашган барча ҳарбий базаларни ва ташкилотнинг Париждаги қароргоҳини (штаб-квартирасини) ёпиш ҳақидаги қарорни қабул қилди. 2009 йилда НАТОнинг 60 йиллик юбилей саммитида амалдаги Франция президенти Н.Саркози мамлакатни НАТОнинг бирлашган ҳарбий қўмондонлиги таркибиغا қайтарди. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Франциянинг қуролли кучлари НАТО қўмондонлиги остида Афғонистондаги ҳарбий операцияларда иштирок этиш учун юборилди.

Де Голлдан кейин ҳокимият тепасига келган Ж. Помпиду (1969-1974 йиллар) миллий доктринага «ворисийлик ва янгиланиш» формуласини киритди. Унинг асосида аввалгидек, биринчи ўринда Франциянинг миллий манфаатлари ва унинг Европада, шунингдек, Ўрта ер денгизи ва Яқин Шарқдаги обрўсини мустаҳкамлаш ётар эди.

«Совуқ уруш»нинг тугаши ва Германиянинг бирлашишидан кейин евроцентризм тоғаси асосида Франция ЕИни тузиш (Мастрихт 1991 йил) жараёнида умумевропа етакчилигини ўз қўлига олишга ҳаракат қилди.

Сўнгги йилларда Франция миллий хавфсизлик сиёсатининг асосий устувор йўналишлари сифатида: 1) ўзининг мустақил мақомини ядро қуроли ва маълум ҳарбий кучга эга бўлиш орқали тасдиқлаш; 2) валюта уюшмаси (евро), франко-герман ўзаро таъсири ва EXXT орқали ЕИни мустаҳкамлаш; 3) жиддий ўзгаришларга юз тутган НАТОга таяниш ва Европада «тўрт томонлама етакчилик» моделини шакллантириш кабиларни кўрсатиб ўтиш жоиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
2. Бэттлер А. Национальные интересы, национальная и международная безопасность //Полис. – Москва, 2002. - №4. – С. 146-159.
3. Виллем ван Экелен. Повестка дня в области безопасности на 1996г. Предпосылки и предложения //Центр исследований европейской политики. – Гармиш-Партеркирхен, 1995. - №94.
4. Джозеф Йоффе. Коллективная безопасность и будущее Европы: не сбывающиеся мечты и туники //Survival, 1992. – Spring. – Р. 36-50.
5. Коликов Н. Россия в контексте глобальных перемен //Свободная мысль. – Москва, 1994. - №3.
6. Концепция национальной безопасности Российской Федерации утверждена Указом Президента РФ от 17 декабря 1997 г. № 1300.
7. Наринский М.М., Мальгин А.В. Проблемы развития СНГ на современном этапе //МГИМО МИД РФ <http://www.arctogaia.com/public/europol.html>.
8. Рахманов А.Р. Проблемы безопасности: на национальном, региональном и глобальном уровнях (международно-правовые аспекты). – Т.: Узбекистон миллий энциклопедияси, 2001.
9. Стратегия национальной безопасности США. http://www.intelros.org/lib/doklady/usa_nss_2006.html.
10. Шаваев А. Национальная безопасность и национальные интересы //Власть. – Москва, 2004. - №3. - С. 39-46.

Тестлар:

- 1. Хавфсизлик борасида давлат сиёсатини амалга оширишнинг сиёсий-хукукий асоси – бу:**
 - а) мамлакат конституцияси
 - б) хавфсизлик концепцияси
 - в) президент қарорлари ва фармонлари
 - г) жавобларнинг барчаси тўғри
- 2. Хавфсизлик концепциясини ёки хавфсизлик сиёсатини шакллантириш жараёнида қайси омил марказий ўринни эгаллайди?**
 - а) хавфсизлик субъекти
 - б) хавф ва таҳдидлар
 - в) миллий манфаатлар

г) жавобларнинг барчаси тўғри

3. «Хавфсизлик доктринаси (тор маънода)» - бу:

- а) сиёсий фаолият мезони
- б) мудофаа фаолияти мезони
- в) хавфсизлик фаолияти мезони
- г) раҳбарий сиёсий тамойил

4. Концепция – бу:

- а) исбот талаб қилмайдиган қараш
- б) қарашлар тизими
- в) норматив-хуқуқий асос
- г) илмий назария

5. Хавфсизлик концепциясининг асосий вазифаси – бу:

- а) мамлакат хавфсизлигини таъминлаш
- б) хавфсизлик органлари фаолиятини мувофиқлаштириш
- в) хавфсизликнинг асосий тенденцияларини кўрсатиб бериш
- г) хавфсизлик соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш

6. Ҳаракатда ифода этилган манфаат – бу:

- а) мақсад
- б) эҳтиёж
- в) концепция
- г) хавфсизлик қарашлари

7. «Миллий хавфсизлик» ибораси биринчи маротаба қачон ва ким томонидан муюмалага киритилган?

- а) 1947 йил Г. Трумэн томонидан
- б) 1939 йил Д. Эйзенхауэр томонидан
- в) 1904 йил Т. Рузвелт томонидан
- г) 1980 йил Р. Рейган томонидан

8. Замонавий хавфсизлик тадқиқотларида хавфсизлик-нинг қайси субъектига алоҳида эътибор берилмоқда?

- а) давлат
- б) миллат
- в) сиёсий партия
- г) шахс

9. АҚШда миллий хавфсизлик концепцияси масаласи борасидаги қарашлар қандай характерга эга?

- а) академик
- б) доктринал

- в) миллий
- г) назарий

10. Францияда сиёсий партиялар ва вакиллик органларининг мамлакат миллий хавфсизлик сиёсатини белгилашдаги роли конституция томонидан...

- а) чеклаб қўйилган
- б) мустаҳкамлаб қўйилган
- в) кенг ваколатлар берилган
- г) кўрсатиб берилмаган

Топшириқлар:

1. Матнданги «Хавфсизлик сиёсатининг асосий вазифаси давлатнинг фундаментал манфаатлари ва қадриятларини ташки ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишдир» тезисини Сиз қандай тушунасиз? «Фундаментал манфаатлар ва қадриятлар», «ташки ва ички таҳдидлар» тушунчаларини қандай изоҳлайсиз?

2. «Хавфсизлик субъектлари» деганда нимани тушунасиз? Улар фаолиятининг асосий жиҳатлари нималардан иборат? Агар Сиз бу борада масъул бўлсангиз асосий урғуни нимага қаратган бўлар эдингиз?

3. Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатлари нималардан иборатлигини аниқланг. Агар уларга ўзгартиришлар киритиш лозим бўлса, Сиз нималарни киритган ва уларни қандай талқин қилган бўлар эдингиз?

4. Хавфсизлик муаммосига замонавий ёндашувларнинг фарқли жиҳатларини алоҳида белгилаб олинг ва ҳар бир ҳолати учун муайян мисоллар келтиришга ҳаракат қилинг. Сизнингча улар масалани тўлиқ очиб бера оладими? Ўз фикрларингизни асослаб беришга ҳаракат қилинг.

5. «Замонавий хавфсизлик концепцияларида биринчи даражали таҳдидлар билан бир қаторда маҳаллий характерга эга бўлган иккинчи даражали таҳдидлар ҳам акс эттирилмоқда» деган фикрни Сиз қандай тушунасиз? Таҳдидларни биринчи даражали ёки иккинчи даражаларга ажратиш тўғрими?

6. АҚШ ва Франция миллий хавфсизлик концепцияларини солиштириб кўринг. Улардаги ўхшашиблик ва фарқлар нималардан иборат? Асосий жиҳатларини конспект қилиб олинг.

Тест жавоблари:

- | | | | | | | | | | |
|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|------------|
| 1. | 2. | 3. | 4. | 5. | 6. | 7. | 8. | 9. | 10. |
| б) | г) | г) | б) | г) | а) | в) | г) | б) | а) |

II БҮЛİM. ХАВФСИЗЛИК СОҲАЛАРИ

4-мавзу. Сиёсий хавфсизлик: тушунчаси, объекти ва субъектлари

Таянч атамалар:

сиёсий хавфсизлик, интеграция, хавфсизлик ва сиёсатнинг ўзаро мутаносиблиги, сиёсий тизим, сиёсий хавфсизлик объекти ва субъекти, давлат хавфсизлиги

4.1. Сиёсат ва хавфсизликнинг ўзаро мутаносиблиги

4.2. Сиёсий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси сифатида

4.3. Давлат хавфсизлигининг асосий жиҳатлари

4.1. Сиёсат ва хавфсизликнинг ўзаро мутаносиблиги

Сиёсат мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. Ушбу жараён ҳокимият механизмларини турли даражаларда қўллаш орқали ижтимоий тараққиёт жараёнларини бошқариш ҳамда сиёсий кучларнинг мазкур механизмлар устидан ўз назоратларини ўрнатишга интилиши ҳисобланади. Сиёсатда сиёсий ҳокимият масаласи, яъни у кимга тегишли, ким унга даъвогар, у кимдан кимга ўтиши мумкинлиги энг муҳим масалалар саналади.

Сиёсат – жамият, давлат ва ҳар бир фуқаро ҳаётий фаолиятининг муҳим соҳаси. У муайян шахслар ва уларнинг гурухлари, синфлар, миллатлар ижтимоий ҳаётининг деярли барча жабҳаларини (иши, кундалик турмуши, дам олиши, маънавий дунёси, ҳокимиядда иштирок этиши ва ҳ.к.ни) қамраб олади. Сайловларда иштирок этиш, сиёсий масалаларни муҳокама этиш, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиш, фуқаро, депутат, элчи ваколатларини ўз зиммасига олиш орқали шахс у ёки бу даражада сиёсатни амалга ошириш механизmlariга таъсир кўрсатиб, сиёсат дунёсига кириб боради.

Сиёсатнинг энг муҳим хусусияти ва негизини **ҳокимият** ташкил этади. Ҳокимият, сиёсий дунёнинг ўзига хос жиҳатини ифодалаш билан бирга, сиёсатни амалга ошириш – ижтимоий гурухларнинг интеграцияси, уларнинг манфаатларини таъминлаш ҳамда можароларни бартараф этиш воситаси ҳисобланади.

Қатор мутафаккирлар давлатни эмас, балки унинг элементларидан бири – ҳокимиятнинг юзага келишини аниқлашга ҳарарат қилганлар. Масалан, Арасту: «Давлат умумий ҳаёт кечириши шакли, инсон эса табиатига кўра сиёсий (ижтимоий) маҳ-

лукот», деб айтган. Цицерон инсоннинг умумий ҳаёт кечириш шакли чегарасини кенгайтириб, унинг оиласдан тортиб, то инсон наслигача бўлган бир неча босқичини кўрсатиб ўтган.

Ташкил этиш ва интеграция сиёсатнинг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Платон сиёсатнинг асл моҳиятини ҳамжиҳатликда яшаш санъатида деб билгани бежиз эмас. Ҳамжиҳатликда яшай билиш – сиёсий ҳаётнинг ўзига хос жиҳатларидан бирини намоён қилувчи интегратив, бирлаштирувчи хусусиятдир.

Н.Макиавелли инсон фаолиятининг ўзига хос соҳаси сифатида сиёсат шакли ҳақида илк бор (у ёки бу даражада аниқроқ бўлган) фикрни билдирган. Ҳусусан, у қатъий давлат ҳокимиётини ҳар қандай воситалар орқали, «мақсад – воситаларни оқлайди»ғояси билан йўғрилган ҳолда ҳеч қандай ахлоқий меъёрларга қарамай, барпо этиш сиёсий санъатини ишлаб чиқсан. Бу йўналишда ривожлантирувчи муҳим қадамни рационализм вакиллари Т.Гоббс, Р.Декарт. Ж.Локк ва бошқалар қўйдилар. Улар давлат моҳиятини унинг фойдалилиги ва ўз Фуқароларига хавфсизлик ва тинчликни таъминлаб бера олиш қобилияти билан ифодаланишини таъкидлайдилар.

Миллий хавфсизлик унинг барча соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, яъни шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим миллий манфаатларига нисбатан таҳдидларга жавоб тариқасида иқтисодий, сиёсий ва ташкилий аҳамиятга эга чора тадбирлар тизими орқали эришилади.

Миллий хавфсизлик тизими уни ташкил этувчи компонентларнинг узвий ва доимий ҳамкорлиги, давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида берилувчи ахборот билан таъминланганлиги, хавфсизлик соҳасида қарорлар қабул қилувчи масъул шахсларнинг касбий маҳоратга эга эканлиги асосида фаолият юритади.

Хавфсизлик муаммоларини назарий жиҳатдан комплекс тадқиқ этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири уларнинг сиёсий таҳлили ҳисобланади. Сиёсий нуқтаи-назардан хавфсизлик масалаларини кўриб чиқишининг асосий жиҳати **ижтимоий тизимнинг ички ва ташқи мухитнинг нокулай таъсирига қарамасдан сиёсий бошқариш инструментлари ёрдамида динамик барқарорлик ҳолатини сақлаб қолиш қобилиятини аниqlаш ҳисобланади.**

Ижтимоий тизим – кенг маънода умуман жамият, яъни шахслар ўртасида тартибга солинган ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Ижтимоий тизим ижтимоий ҳаёт фаолиятининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади.

Сиёсий тизим – сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи сиёсий институтлар, меъёрлар, қадриятлар, ғоялар ва муносабатлар мажмуи. Бирор-бир элементдаги ўзгариш бутун сиёсий тизимдаги ўзгаришларга олиб келади.

Сиёсий тизим функцияларига қуидагилар киради: жамият ривожи йўлининг мақсади ва вазифаларини белгилаш; моддий бойликларни тақсимлаш; шахс, жамият ва давлатнинг турли манбаатларини мувофиқлаштириш; ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш; жамият хаётининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Кишилар ҳамжамияти хавфсизлигига таҳдид бирга ҳаёт кечиришни онгли тарзда ташкил этиш заруриятини кун тартибига кўяди. Сиёсат ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш, мавжуд бўлиб қолиш, ҳимоя қилиш, ички ва ташқи таҳдидларни бартараф этишнинг ўзига хос воситаси ҳисобланади.

Сиёсатда хавфсизлик ўзини нафақат асосий эҳтиёж, балки энг муҳим қадрият сифатида ҳам намоён этади. Қадриятларга, одатда, умумий меъёр ҳамда инсон фаолиятининг ориентири сифатида қаралади. Сиёсий қадриятлар сиёсий фаолиятнинг құдратли рағбати ва йўналтирувчиси сифатида намоён бўлади. Сиёсатнинг фундаментал ёки олий қадриятлари тизимиға: хавфсизлик ва мустақиллик, фаровонлик ва тараққиёт, эркинлик ва конституциявий тузумни киритиш мумкин. Айтиш мумкинки, бу борада хавфсизлик устувор аҳамият касб этади ва маълум маънода сиёсатнинг шаклланиши ва амалга оширилиши жараёнига таъсир кўрсатади.

Сиёсий барқарорлик ва етарли даражада хавфсизликнинг мавжудлиги шароитида инсон фаровонлигининг ўсиши билан боғлик бўлган қадриятлар фаоллашади. Шу билан бирга хавф ва таҳдидлар юзага келганда хавфсизлик, тартиб, мустақиллик ва шу кабиларга тегишли бўлган қадриятларга аҳамият каратиш керак бўлади. Томас Гоббснинг фикрига кўра, сиёсий қадриятларни тушунишда тинчлик ва хавфсизлик табиии ҳуқуқнинг биринчи қонуни ҳисобланади. Барча бошқа қадриятлар эса, факат тинчликка эришиш воситаси сифатида ишлатилиши лозим. Табиии ҳуқуқнинг иккинчи қонуни «тинчлик ва хавфсизликка» шахс эркинлиги каби сиёсий қадриятни бўйсундиради. Ҳар бир кимса тинчлик ва хавфсизлик манбаатлари талаб қилган даражада ўз ҳуқуқларидан воз кечиши керак бўлади. Давлат тинчлик ва хавфсизлик воситаси сифатида қаралади.

Шу нуқтаи-назардан қараладиган бўлса, ҳокимият *primo ratio*, яъни құдратли ва кучга таянган ҳолда эмас, балки *ultima ratio*,

яъни жамият аъзолари хақида қайғуриш, уларнинг хавфсизлиги ва ўзларини ифода эта олишларининг оптимал шароитлари яратилгандагина қудратли ва лаёқатли бўлади. Ҳокимиятни суистеъмол қилиш, фуқаролар эркинликларини бостириш ҳокимиятнинг моҳиятида эмас, балки унинг асоссиз ва сабабсиз равишда бир қўлда тўпланиб қолганлиги асосида ётади. Бу борада сиёsat – бу нафақат зўравонлик ёки куч ишлатиш орқали таҳдид қилиш, жазолаш ва можаро, балки ваъда бериш, тақдирлаш, ҳамкорлик, алмашиниш ва ҳоказолар эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Методологик жиҳатдан ҳокимият, икки ёки ундан ортиқ шериклар орасидаги муносабат сифатида, мазкур жамиятда умумэтироф этилган ёки юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган, ижтимоий ва сиёсий муносабатлар тизимида ҳам муайян шахс, ҳам ижтимоий гурухлар ўрни, роли ва функцияларини белгилаб берувчи ва мувофиқлаштириб турувчи қадриятлар ва тамойилларга таянади.

Хавфсизлик сиёsatнинг обьекти сифатида чиқиб, ўзида унинг йўналтирилганлигини, мазмунини ва самарадорлигини жо қилади. Маълум маънода шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги ҳолати бўйича умуман сиёsatнинг муҳим тавсифи ҳақида Фикр юритиш мумкин.

Шундай қилиб, сиёsat ва хавфсизликнинг ички генетик алоқаси ўзининг ифодасини сиёсий фаолиятнинг турли ҳолатларида, унинг йўналиши ва мазмунида топади. Хавфсизликдағи шахсий ва колектив эҳтиёжлар билан боғлиқ қадриятлар ва манфаатлар сиёsatнинг муҳим функцияларини маълум (айрим ҳолларда – ҳал қилувчи) даражада белгилаб беради.

Миллий хавфсизлик стратегияси. Андре Бофре стратегияга қўйидагича таъриф беради: “Стратегия - бу кучни шундай қўллаш санъати-ки, у бошланган сиёсий курсни самарали равишида охиригача олиб борилишига кўмак бериши керак бўлади... Мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали сиёsat томонидан қўйилган мақсадларни бажариш стратегиянинг мақсади ҳисобланади... Стратегия санъати қўл остида мавжуд бўлган энг мақбул услубларни танлаб олиш, эришилган натижаларни қўллаш ҳамда маънавий самарага эришиш учун лозим бўлган психологик босим кўрсата олиш билан ифодаланади”.

Джон Коллинзнинг фикрича, “миллий стратегия ҳам тинчлик ҳам уруш пайтида миллий манфаатлар ва миллий мақсадларга эришиш йўлида миллатнинг барча кучини бирлаштиради. Бу борада ҳалқаро ва ички муаммоларни бартараф этишга қаратилган умумқамровга эга сиёсий стратегия, ҳам хорижий ҳам ички давлат иқтисодий стратегияси, миллий ҳарбий стра-

тегия, ва шу кабилар мавжуд. Ҳар бир таркибий қисм миллий хавфсизликка ё бевосита, ёки билвосита таъсир кўрсатади".

Хавфсизлик соҳаси сиёsat майдони сингари можароли ҳолат билан белгиланади ва бунда улар таянувчи ижтимоий макон бирлиги юзага келади. Сиёsat майдони ва хавфсизлик соҳаси қўйидаги ўлчамлар бўйича умумий координатларга эга бўладилар: а) жамият ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ этилади; б) можароли муҳитни, можароли ижтимоий таъсир соҳасини қамраб олади.

Уларнинг мос келмайдиган (фарқланадиган) жихатлари қўйидагиларда ифодаланади:

а) хавфсизлик соҳаси ижтимоий маконнинг барча қисмини эмас, балки шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим миллий манфаатлари тизимини шакллантирувчи фундаментал ижтимоий қадриятларни ифодаловчи соҳаларини қамраб олади;

б) сиёsat маконига, биринчи навбатда, ҳукмрон иродавий муносабатлар соҳаси тегишли.

Ижтимоий муносабатлар тизимида хавфсизликни таъминлашга оид фаолият ўз моҳиятига кўра сиёsatнинг энг муҳим функцияси сифатида намоён бўлади. Хавфсизлик сиёsatи, аввало, бутун тизимнинг ижтимоий-сиёsий барқарорлиги ва тургунлигини таъминлаб берувчи фундаментал ижтимоий қадриятлар ва турмуш тарзининг асосий шарт-шароитларини самарали ҳимоя қилишни таъминловчи механизmlарини жорий этилишини талаб этади. Мазкур ҳолат сиёsий қарорлар қабул қилиш жараёнинг мукаммаллиги билан ифода этилади.

4.2. Сиёsий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси сифатида

Ҳар бир давлат барқарор ички сиёsий муҳитнинг таъминланганлигидан, яъни жамият ва шахс фаолиятининг барча соҳалари ривожланишига кўмак берувчи ички муҳитни яратишдан манфаатдор.

Сиёsий хавфсизликнинг моҳияти мустақил ички ва ташқи сиёsatни юритиш имконияти билан белгиланади. Давлатнинг ҳалқаро майдондаги барқарор ҳолати ҳам ички сиёsий барқарорлик билан белгиланади.

Сиёsий хавфсизликнинг мақсади бевосита давлатнинг сиёsий режимига (демократик, авторитар ва ҳ.к.) боғлиқ. Шу асосдан келиб чиқиб, мамлакатда фуқаролик институтларини яратиш ва қўллаб-қуватлаш, инсон ҳукуқ ва эркинликларини таъминлаш устувор мақсад қилиб белгиланади ёки манфаатлар мувозанати давлат институтлари фойдасига ҳал этилади.

Сиёсий хавфсизликнинг мезонлари сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жумладан, мухолифатдаги партияларнинг мавжудлиги, ахолининг сиёсий фаоллиги, оммавий ахборот воситалари тизимнинг мустақиллиги ва ҳ.к. ҳисобланади. Мазкур мезонларнинг асосий вазифаси мавжуд сиёсий тизимнинг нормал ва самарали фаолият юритишини таъминлашда ўз ифодасини топади. Уларнинг мавжудлиги сиёсий хавфсизлик субъектлари манфаатларини таъминлаш учун тегишли шарт-шароитларнинг яратилганлиги ва улар ўртасида ўзаро мувозанатнинг мавжудлигидан далолат беради.

Анъанавий ёндашувга кўра, сиёсий хавфсизликнинг обьекти – бу, аввало, шахс, жамият ва давлатнинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади.

Институционал мазмунда сиёсий хавфсизликнинг обьекти, биринчи навбатда, сиёсий институтлар, меъёрлар, қадриятлар ва сиёсий муносабатлар ҳисобланади. Бошқача айтганда, сиёсий тизимнинг барқарорлиги сиёсий хавфсизликнинг таъминланганлиги даражасини белгилаб берувчи асосий омилдир.

Давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоғи (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари), сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, ташкилотлар ва шахс сиёсий хавфсизликнинг субъектлари ҳисобланади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу субъектлар тизимида давлат органлари ва сиёсий партияларнинг ўрни ўзгача. Чунки улар сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг энг муҳим иштирокчилари ҳисобланади.

Хавф ва таҳдидлар нуқтаи-назаридан ҳам сиёсий хавфсизлик соҳасига оид ўзига хос ички ва ташқи хавфлар тизими мавжуд. Стокгольм сиёсий ва минтақавий тадқиқотлар институти томонидан ўтказилган тадқиқотлардан бирида кўрилаётган мавзуга оид қатор омилларга тўхтаб ўтилади:

- ♦ этник, миллий, диний ва тил гуруҳларининг, янги муаммоларни ҳал қила олиш қобилиятига эга демократик институтлар ва ўз-ўзини бошқариш тузилмаларнинг мавжуд эмаслиги ва бу билан боғлиқ холда миллатлараро ва диний можароларнинг қайта намоён бўлиши. Масалан, сепаратистик ҳаракатлар Европанинг айрим давлатларида мавжуд, бироқ сиёсий плюрализм ва демократик институтлар бўлмаган ёки ривожланишнинг бошланғич даврида бўлган мамлакатларда ушбу муаммо алоҳида аҳамият касб этади;

- ♦ тоталитар, бир партиявий тизимдан қонун устуворлиги таъминланган плюралистик демократияга ўтиш билан боғлиқ бўлган сиёсий бекарорлик. Масалан, назорат ва қонуний чек-

ловларга бўйсунмайдиган гурӯҳлар томонидан ҳокимиятнинг суюистеъмол қилиниши, фуқаровий ва демократик назоратнинг йўқлиги, полиция ва қуролли кучлар фаолиятининг чекланмаганилиги;

- марказлаштирилган режали хўжаликдан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш вақтида юзага келувчи ижтимоий кескинлик. Масалан, оммавий ишсизлик, ижтимоий таъминот тизимининг кучсизланиши ва минтақаларнинг нотекис ривожланиши оз бўлсада ижтимоий фаровонлик, тиббий ёрдам ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа шакллари давлат ҳисобидан таъминланган аввалги авторитар тузумнинг қўмсалишига олиб келиши мумкин ва бошқалар.

4.3. Давлат хавфсизлигининг асосий жиҳатлари

Давлат – объектив равища алоҳида сиёсий-хуқуқий хусусият, яъни худудий устуворлик ва ҳалқаро муносабатларда мустақилликни белгилаб берувчи суверенитет соҳиби эканлиги билан ажralиб туради. Суверенлигидан келиб чиқиб, давлат *ipso facto* ҳалқаро хуқуқнинг субъекти ҳисобланади. Давлат ҳалқаро хавфсизлик тизимида етакчи ўринни эгаллади. Зоро, хавфсизликнинг ташкилий-хуқуқий асосини, куч ва воситаларини яратиш, хавфсизлик сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш унинг ваколати доирасига киради.

Ҳалқаро муносабатлар иштирокчилари доирасининг кенгайиб бориши ҳолатини инобатга олган ҳолда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳалқаро хуқуқ ва ҳалқаро муносабатларнинг суверен субъектлари, ялпи хавфсизликнинг таъминланишига таъсир кўрсатишнинг реал механизmlарига эга бўлган давлатлар де-факто ҳам миллий ва минтақавий, ҳам ҳалқаро хавфсизликни таъминлашда ўзларининг етакчилик мақомини сақлаб қолмоқдалар. Хавфсизликнинг моҳияти тегишли сиёсий-хуқуқий ҳужжатларда меъёрий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган манфаатларни ҳимоя қилишда намоён бўлади. Вокелик шундайки, миллий манфаат суверен давлатгагина хос жиҳатdir. У хавфсизлик соҳасидаги муносабатларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида ҳалқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари манфаатларига нисбатан реал устунликка эга.

Давлатнинг асосий белгилари сифатида маҳсус бошқарув ва мажбурлов аппаратига (армия, полиция, суд, солик ва бошқ.) ҳамда хуқуқий тасарруфи (судлов хукуки, юрисдикцияси) жорий этилган худудга эгалик; давлат органлари томонидан бажарилиши таъминланадиган мажбурий хуқуқий нормаларни ўрнатиш кабиларни келтириш мумкин. Давлат ҳокими-

яти универсал характерга эга бўлиб, унинг юрисдикцияси фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, ташкилот ва корхоналар, давлат ва жамоат ташкилотларига тааллуклидир.

Демак, давлат – 1) сиёсий тизимнинг асосий элементи бўлиб, унинг расмий вакили, мажбурлов восита ва чораларига таянувчи институт; 2) мамлакат миқёсида фаолият олиб борувчи ҳукуматнинг расмий органлари мажмуаси; 3) халқаро муносабатлар иштирокчиси – халқаро ҳуқук субъектидир.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришиш ҳамда умумравнақи йўлида хизмат қилиш **давлатнинг бош ички функцияси** ҳисобланади. Сиёсий манфаатлар тўқнашган ҳолларда давлат бош арбитр сифатида иштирок этиб, ижтимоий конфликтларни кескинлаштирумаслик ва уларни тинч йўл билан ҳал этишга интилади.

Давлатнинг ташки функцияси халқаро майдонда ўз манфаат ва мақсадларини амалга оширишга қаратилади. Улар ичидаги энг асосийлари миллий ҳавфсизликни таъминлаш, халқаро муносабатларда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда иштирок этиш ҳисобланади.

Давлат ҳавфсизлиги – бу суверенитет, худудий яхлитлик ва конституциявий тузум (давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари)нинг ташки ва ички ҳавфлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида таърифланади. Ушбу мазмунда давлат ва унинг ҳавфсизлиги, шахс ва жамият ҳавфсизлиги билан бир қаторда, миллий ҳавфсизликнинг асосий уч элементидан бири сифатида белгиланади.

Давлат ҳавфсизлигининг асосий объектларига – конституциявий тузум, суверенитет ва худудий яхлитлик киради.

Конституциявий тузум – конституция ва конституциявий ҳукуқий актлар билан ўрнатиладиган ва ҳимоя қилинадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳукуқий муносабатлар тизими.

Давлат суверенитети – бу давлатнинг бутун худудида қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятининг тўлақонли ҳукмронлиги ва ушбу худудда бошқа ҳар қандай ҳокимиятнинг мавжуд эмаслиги. Сиёсий суверенитет – давлатнинг ажralmas хусусиятларидан бири. Халқаро соҳада давлат суверенитети халқаро муносабатларда мустақил қатнашиш ҳукуқидир. Мазкур фикрларни қўйидагича умумлаштириш мумкин: давлат суверенитети – бу ички муносабатлардаги устунлик ва ташки муносабатлардаги мустақилликдир.

Давлатнинг худудий яхлитлиги тамойили – замонавий халқаро ҳукуқнинг умумэтироф этилган тамойилидир. Баъзан

давлат ҳудудининг яхлитлиги тамойили, бошқа ҳолатларда давлат ҳудудининг дахлсизлиги тамойили деб юритилсада, бироқ моҳиятнан бир маънони – бошқа давлат ҳудудининг зўравонлик, яъни куч ишлатиш йўли билан босиб олиниши, қўшиб олиниши ёки парчаланиши таъқиқланишини англатади. Ҳудудий яхлитлик ва дахлсизликка оид қоидалар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияда ўз ифодасини топган.

Давлат хавфсизлиги хавфсизликни таъминлаш борасидағи ягона давлат сиёсатини ўтказиш, шахс, жамият ва давлатнинг туб манфаатларига нисбатан таҳдидларга жавоб тариқасида иқтисодий, сиёсий, ташкилий, маъмурий ва бошқа турдаги мос чораларни қўллаш орқали амалга оширилади. Шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини бевосита таъминлаш мақсадида ижро этувчи ҳокимият тизимида давлат органлари ташкил этилади.

Хавфсизлик объектларининг зарурий ҳимояланганлик дарражасини барпо этиш ва ушлаб туриш мақсадида хавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар тизими ишлаб чиқиласида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг асосий йўналишлари аниқланади, хавфсизликни таъминлаш органлари ва уларнинг фаолияти устидан назорат олиб борувчи механизmlар шакллантирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326-б.
2. Гаджиев К.С. Политическая наука. – М.: Международные отношения, 1995. – 325 с.
3. Даниленко И.С. Политическая безопасность (К разработке методологии и практики вопроса) // Безопасность. Информационный сборник. – Москва, 1993. - №3. – С. 63-78
4. Зотова Л.В. Безопасность народа и государства как главная политическая ценность в учении Томаса Гоббса // Вестник Российской университета дружбы народов . - Сер.: Политология. – Москва, 2003. - № 4. - С. 55-64.
5. Макеев А.В. Политика и безопасность.– М.: Изд-во «Щит-М», 1998. – 270 с.
6. Мангейм Дж., Рич Р. Политология. Методы исследования. – М.: Наука, 1997. – 346 с.

7. Политология. Учебное пособие. Составители: Бирюков С.В., Ивлев С.В., Батурина Т.В., Мельниченко Е.В. – М.: Наука, 2001. – 278 с.
8. Политическая энциклопедия. В 2-х т. / Рук. проекта Г.Ю.-Семигин. – М.: Мысль, 2000. Т.1. – 250 с.
9. Политическая энциклопедия. В 2 т. / Рук. проекта Г.Ю.-Семигин. – М.: Мысль, 2000. Т.2. – 203с.
10. Семигин Г.Ю. Политическая стабильность и безопасность // Социально-политический журнал. – Москва, 1996. - №3. – С. 42-56
11. Шилов В.Н. Политические ценности и их специфика // Право и политика. – Москва, 2003. - №4. – С. 7-21.
12. Morgenthau Hans J. Politics Among Nations. The Struggle for Power and Peace. Second Edition, Alfred A. Knopf. – New York: 1955. – 477 р.
13. Pal L. Public Policy Analisys: An Introduction. – Scarborough: 1992. – 247 р.
14. Rotfeld, Adam Daniel. Security Risks in the Post-cold War World. Presentation made at the George C. Marshall Center, 31 October 1996, pp. 2-13
15. Yarger, Richard H., and George F. Barber. The US Army War College Methodology for Determining Interests and Levels of Intensity. Carlisle Barracks, PA: US Army War College, 1997. – Р. 5-6

Тестлар:

1. Сиёсатнинг марказий элементини нима ташкил этади?

- а) ҳокимият
- б) маблағ (мoliaвий ва бошқа ресурслар)
- в) хавфсизлик
- г) конфликт

2. Сиёсат субъектлари – бу:

- а) лидерлар, партия фаоллари, ҳокимият ва давлат органдары
- б) шахс, ижтимоий гурухлар, ташкилотлар
- в) миллатлар (этнослар), партия фаоллари, босим күрсатувчи гурухлар
- г) ҳукмрон элита вакиллари, жамоат ташкилотлари, таҳлил марказлари

3. Сиёсий хавфсизликнинг объекти – бу:

а) давлатнинг иқтисодий тизими

б) сиёсий институтлар, меъёрлар, қадриятлар ва сиёсий муносабатлар

в) мамлакат фуқаролари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари

г) давлат тизими ва чегараларининг дахлсизлиги

4. Сиёсий хавфсизлик мезонларини кўрсатиб беринг:

а) сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жумладан, мухолифатдаги партияларнинг мавжудлиги

б) аҳолининг сиёсий фаоллиги ва ОАВнинг мустақиллиги

в) а ва б жавоблар тўғри

г) тўғри жавоб йўқ

5. Сиёсий тизим – бу:

а) сиёсий институтлар, меъёрлар, қадриятлар, ғоялар ва муносабатлар мажмуи

б) ички ва ташқи сиёсатни амалга оширувчи давлат институтлари

в) жамият, яъни инсонлараро муносабатларнинг тартибга солинган мажмуи ва улар ўртасидаги ўзаро муносабат

г) мажбуров механизмларини ўзида мужассам этган давлат органи

6. Миллий сиёсат стратегияси – бу:

а) миллий қадриятларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи

б) кам сонли миллатларни титул миллатга сингдириб юборишига қаратилган сиёсат

в) миллий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида уруш ва тинчлик вақтида давлат ҳокимиятининг барча элементларини қўллай олиш санъати ва таълимоти

г) давлат ташқи сиёсатини самарали амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи

7. Давлат хавфсизлигининг асосий обьектлари – бу:

а) ижро этувчи ва суд ҳокимияти

б) давлат чегараларининг дахлсизлиги ва суверенитет

в) сиёсий институтлар

г) конституциявий тузум, суверенитет ва ҳудудий яхлитлик

Топшириқлар:

1. «Ҳокимият ... сиёсатни амалга ошириш ... воситаси ҳисобланади» деганда нимани тушунасиз? Умуман «ҳокимият» тушунчасига Сиз қандай таъриф берган бўлар әдингиз? Фикрингизни асослаб беришга ҳаракат қилинг.
2. Н.Макиавеллининг «Хукмдор» («Государь») асари билан танишиб чиқинг ва унинг асосий мазмунини ўзлаштириб олинг. Н.Макиавеллининг «Мақсад – воситаларини оқлади» гоясига қўшиласизми? Сиёсат ва маънавият ўзаро яқин тушунчаларми? Жавобингизни асослаб беришга ҳаракат қилинг.
3. «Замонавий жамиятда ҳукмрон функцияларни амалга оширишда оммавий ҳокимият органи бўлган давлат алоҳида ролни ўйнайди» жумласини Сиз қандай тушунасиз? Ўз фикрингизни бугунги глобаллашув даврида, яъни трансмиллий хавф ва таҳдидлар юзага келаётган бир пайтда кечаётган воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ равишда ифодалашга ҳаракат қилинг.
4. Сиёсий (яъни давлат) ҳокимиятнинг асосий жиҳатлари ва жамиятнинг ўзида ҳокимиятга таъсири кўрсатиш воситаларини дикқат билан ўрганиб чиқинг. Уларнинг асосий ғояларини конспект қилиб олинг.
5. «Ҳавфсизлик масалаларини кўриб чиқишининг асосий жиҳати ижтимоий тизимнинг ички ва ташки муҳитнинг ноқулай таъсирига қарамасдан сиёсий бошқариш инструментлари ёрдамида динамик барқарорлик ҳолатини сақлаб қолиш қобилиятини аниқлаш ҳисобланади» жумласини қандай тушунасиз?
6. «Ҳар бир кимса тинчлик ва ҳавфсизлик манфаатлари талаб қилган даражада ўз ҳукуқларидан воз кечиши керак бўлади» жумласини изоҳлаб беринг. Нима сабабдан ҳар бир кимса «ўз ҳукуқларидан воз кечиши керак»? Бу ҳолат инсон ҳукуқлари тамойилларига зид эмасми?
7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси ташки сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Конун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиқинг ва улардаги асосий жиҳатларни конспект қилиб олинг.

Тест жавоблари:

- | | | | | | | |
|----|----|----|----|----|----|----|
| 1. | 2. | 3. | 4. | 5. | 6. | 7. |
| a) | б) | б) | в) | а) | в) | г) |

5-мавзу. Геосиёсий хавфсизлик – миллий хавфсизликнинг таркибий қисми

Таянч атамалар:

геосиёсат, геосиёсий хавфсизлик, геосиёсий омиллар, кучлар мувозанати, манфаатлар мувозанати, куч омили, сиёсий реализм, хавфсизлик дилеммаси

5.1. Хавфсизлик муаммоларини геосиёсий таҳлил қилишнинг хусусиятлари

5.2. Геосиёсий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг мухим соҳаси сифатида

5.3. Кучлар/манфаатлар мувозанати ва хавфсизликни таъминлаш масалалари

«... дунёда маънавият ҳам ҳалқаро ҳуқуқ ҳам эмас, балки куч ҳукмронлик қиласди»
А.Бэттер

«..икки тенг ҳуқуқлар учрашса, бунда куч ҳал қилувчи бўлади»
К.Маркс

5.1. Хавфсизлик муаммоларини геосиёсий таҳлил қилишнинг хусусиятлари

Геосиёсат хавфсизлик тадқиқотларининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Инсонлар ва ҳалқлар ўртасидаги муносабатларнинг, ижтимоий жараёнларнинг глобал феномен даражасигача кўтарилишига қарамасдан, геосиёсий омиллар суверен давлатларнинг ташқи ва миллий хавфсизлик сиёсатини, унинг вазифа ва йўналишларини белгилашда ўзининг ҳал қилувчи аҳамиятини саклаб қолмоқда. Шу боис ҳам геосиёсий омиллар ва хавфсизлик муаммоларининг ўзаро алоқадорлиги ва таъсир этишини назарий жиҳатдан таҳлил этиш хавфсизликни таъминлашга оид давлат сиёсатининг моҳиятини тушунишда мухим аҳамият касб этади.

Геосиёсатнинг деярли барча масалалари давлат хавфсизлиги билан боғлиқ. Геосиёсий тадқиқотларнинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, сиёсий ҳолатларни тадқиқ этишда геосиёсат йирик миқёсдаги географик-макон категорияларни қўллаб, макросиёсий жараёнларни ўрганиши ҳамда узоқ муддатли омиллар билан боғлиқ масалаларни очиб беришга уриниши билан белгиланади. Таҳлилнинг бундай босқичи хавфсизликнинг ташқи сиёсий жиҳатларини, унинг ҳарбий-стратегик компонентларини тадқиқ этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, қатор гарб давлатларида ташқи сиёсат ва хавфсизлик борасидаги давлат сиёсати ўртасида катта фарқ кўрилмайди. Ташқи сиёсатда географиянинг роли тўғрисида Наполеон «ўз географиясини билиш - ўз ташқи сиёсатини билишдир» деган эди. АҚШлик машхур тадқиқотчи Зб.Бжезинскийнинг фикрича, «географик жойлашув давлат-миллатларнинг ташқи сиёсий йўналишларини белгилашда ҳанузгача таянч нуқтаси бўлиб қолмоқда, миллий ҳудуд ўлчамлари эса мақом ва кучнинг энг муҳим мезони сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолмоқда». Ҳисобнинг дастлабки нуқтаси сифатида белгилаб олинган айнан бош, «таянч нуқталар»нинг доимиyllиги, геосиёсатга ҳам ташқи сиёсат соҳасида, ҳам хавфсизлик борасида давлат стратегиясини максимал самарадорлик билан шакллантириш имкониятини беради. Давлат ҳаётининг бошқа барча таркибий қисмлари эса шу нуқтаи-назардан ўта муҳим деб тан олинсада, шунга қарамай аввалгисига бўйсундирилган. Ушбу мазмунда геосиёсий хавфсизликни давлатнинг ташқи сиёсий хавфсизлиги тарзида ҳам баҳолаш мумкин.

Геосиёсат нафақат мамлакат хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг ташқи манбаларини аниқлашнинг асосий йўналишларини кўрсатиб, эҳтимолий иттифоқчилар ва шерикларни аниқлашга ёрдам беради, балки қуролли мудофаани ташкиллаштириш тамойилларини ишлаб чиқилишига кўмаклашиб, самарали хавфсизлик тизимини яратиш учун инобатга олиниши зарур бўлган асосий географик-макон омилларини ажратиб кўрсатади.

Шу муносабат билан, Геродотнинг «Тарих» асари тарих географик жиҳатдан, география эса тарихий жиҳатдан талқин этилиши керак, деган қадимий фикр билан мос келади. Геродотнинг **география** – **«тарих хизматкори»** иборасини айнан шу ҳолат билан изоҳлаш мумкин.

Геосиёсий омилларни ҳар томонлама инобатга олган ҳолда геосиёсий таҳлилни амалга ошириш мумкин. Омил – бу бирор-бир жараён ёки ҳолатнинг хусусиятлари, айрим жиҳатлари, мақсадли йўналишларини ифода этиб, уни ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Геосиёсий тадқиқотларнинг ўзига хослиги, биринчи навбатда, хавфсизлик ҳолатларини тадқик этишда географик, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва бошқа омилларнинг инобатга олинишида намоён бўлади.

Ўз навбатида, зикр этиб ўтилган ҳар бир омил ўзининг таркибий қисмларига эга. Хусусан, географик омиллар сирасига қўйидаги макон ўлчамлари киради: ҳудуднинг кўлами, ландшафти, чегараларнинг узунлиги, бошқа давлатларга нисбатан жойлашиш хусусиятлари, денгизга чиқиш йўллари, иклими ва

х.к. Иқтисодий омилларга ахоли түрмуш тарзини күрсатиб берувчи омиллар, хусусан, саноат ва қишлоқ хўжалигининг имкониятлари, ҳарбий-саноат комплекси, транспорт тизими ва шу кабилар киради.

Хавфсизлик соҳасидаги сиёsat миллий ва халқаро хавфсизликнинг муҳим омили бўлган давлатнинг кудрати ёки кучи билан ифодаланади ва амалга оширилади. Мазкур геосиёсий омил давлатнинг халқаро муносабатларда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш салоҳиятини күрсатиб беради ва мамлакат ичкарисида тинчлик ва барқарорликни таъминлашда сезиларли роль ўйнайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, геосиёsat назариясида доимий ва ўзгарувчан ўлчов омиллари муҳим услубий масала ҳисобланади. Геосиёsat учун доимий барқарор тартибот тавсифи муҳим аҳамиятга эга: айнан геосиёсий константлар глобал вазиятни, у ёки бу мамлакатнинг дунёдаги ҳолати, унинг хавфсизлик билан боғлиқ потенциал ва реал имкониятларини баҳолашда бош мезон бўлиб хизмат қиласди.

Хавфсизликнинг мазмуни ва асосий йўналишларини белгилашда муҳим роль ўйнайдиган геосиёsatнинг доимий омилларига, биринчи навбатда, давлатнинг географик жойлашуви, давлат худудининг кўлами, коммуникациявий тармоқлари, ландшафти, иқлими ва шу кабилар киради.

Иккинчи гуруҳ геосиёсий омиллар ўзгарувчан омиллар бўлиб, уларга ахоли (унинг сони, этник ва диний таркиби, ижтимоий таркиби), ресурслар (молиявий, иқтисодий, моддий) ва ҳ.к.ни киритиш мумкин.

Айтиш жоизки, сўнгги пайтларда геосиёсий қарашларга нисбатан айрим ўзгартиришлар киритилмоқда. Миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик барқарор тартиботнинг узоқ муддатли омили сифатида ҳозирги замон геосиёсий тадқиқотларида цивилизациявий омилнинг ролига алоҳида эътибор қартилмоқда. «Цивилизациялар тўқнашуви» асарининг муаллифи америкалик социолог С.Хантингтоннинг таъкидлашича, «цивилизацион тафовутлар келажакда йўқ бўлиб кетмайди», чунки «улар сиёсий мафкуралар ва сиёсий режимлар ўртасидаги тафовутларга қараганда анча фундаментал ҳисобланади».

Шунингдек, қайд этилган геосиёсий константлар **миллий хавфсизлик** концепциясини ишлаб чиқиш ва уни ҳар томонлама асослаш учун зарурий омиллар ҳисобланади. Ўзида тарих (геосиёsatда – гео/тарих/сиёsat-тарихни чукур ўрганиш энг муҳим ва ҳал қилувчи роль ўйнайди (О.В.Зотов)), сиёsat ва географияга оид билимларни мужассамлаштирган геосиёсий таҳлилсиз миллий хавфсизлик асосларини шакллантириб

бўлмайди. Геосиёсат, биринчи навбатда, ўзак ҳисобланаган стратегиянинг қобигидир. Бошқача айтганда, стратегия география, тарих ва сиёсатнинг бирлиги ҳисобланади.

Геосиёсий таҳлил бир қатор йўналишлар бўйича хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ишлаб чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, геосиёсий нуқтаи-назардан сиёсий ҳодисаларни тадқиқ қилиш, бир томондан, макросиёсий жараёнларни тадқиқ қилиш, иккинчи томондан эса хавфсизлик манфаатларида стратегик башорат этиш соҳасида янги имкониятларни очиб беради.

Иккинчидан, геосиёсий чизмалардан фойдаланиш ташки сиёсий хавфсизлик муаммоларини (айниқса глобал ва минтақавий муаммоларни) бир томонлама талқин қилишни енгиги ўтишга имконият яратиб беради, чунки геосиёсат сиёсатнинг ташки ва ички жиҳатларини ягона бирлиқда боғлайди.

Учинчидан, геосиёсий таҳлил минтақа ва халқаро майдондаги потенциал кескинликларни тадқиқ этишга йўналтиради. Халқаро муносабатлар тизимида потенциал ва реал таҳдидларни ўрганиш хавфсизликнинг ҳарбий-стратегик жиҳатларини таҳлил этишда алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий манфаатларни амалга оширишга йўналтирилган, геосиёсий нуқтаи-назардан аниқ ишлаб чиқилган сиёсий саъй-ҳаракатлар давлатнинг халқаро майдондаги фаолияти ва унинг хавфсизлигини мустаҳкамлашда самарадорликни оширади. Ва аксинча, нотўғри/ноаниқ геосиёсий йўналиш, ҳамда ҳаддан ортиқ сиёсий ва ҳарбий амбициялар қурдатли давлатни ҳам инқирозга учрашига, иқтисодий ресурслар ва миллатнинг маънавий-сиёсий куч-кудратини заифлашишга олиб келиши мумкин.

5.2. Геосиёсий хавфсизлик хавфсизликнинг муҳим соҳаси сифатида

Хозирги кунда халқаро майдондаги вазият кўп қутбли дунё шаклланиши тенденцияларининг кучайиши билан тавсифланмоқда. Бу ўз навбатида, аксарият давлатлар ва уларнинг интеграциявий бирлашмалари иқтисодий ва сиёсий қурдатининг кучайиши, халқаро сиёсий, иқтисодий, молиявий ва ахборот жараёнларини кўп томонлама бошқариш механизmlарининг такомиллашувида намоён бўлмоқда. Айни пайтда табиий, технологик, ахборот ресурслари ва бозорлар устидан назорат ўрнатишга қаратилган халқаро рақобат авж олиб бормоқда.

Бирок, урушдан кейинги даврда шаклланган икки қурдатли давлат ва ҳарбий-сиёсий блокнинг қарама-қаршилигига асосланган икки қутбли дунёдан кўп қутбли дунёга ўтиш халқаро

сиёсатда куч компонентининг роли сезиларли равишда камайиб, турли давлатларнинг манфаатлари мувозанатига ўз ўрнини бўшатиб берганлигини англатмайди.

Шу муносабат билан, геосиёсат нуқтаи-назаридан, давлатларни икки тоифага ажратиш мумкин: 1. Фаол геостратегик иштирокчилар. 2. Геосиёсий марказлар.

1. «*Фаол геостратегик иштирокчилар*» - ўз чегараларидан ташқарида хукмронлик қилувчи ёки мавжуд геосиёсий ҳолатни ўзгартира олиш йўлида қобилият ва миллий иродага эга бўлган давлатлардир. Улар салоҳият ва геосиёсий жиҳатдан беқарорликка мойиллиги билан ажралиб туради. Яъни миллий буюклиқ, мафкуравий татбиқлик, ўз динини ёйиши ёинки иқтисодий қудрат орқали минтақада етакчи кучга айланишга, дунё миқёсида ўз мавқеини янада оширишга интилади. Бу йўл билан ҳар бир давлат ўзга давлат салоҳиятига танқидий ёндошиш орқали ўз манфаатларининг шу давлат манфаатлари билан қай мезонларда мос келиши ёки келмаслигини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқади.

2. «*Геосиёсий марказлар*» - бу шундай давлатларки, уларнинг аҳамияти уларнинг салоҳияти ёки мазмунидан эмас, балки мазкур давлатларнинг жойлашуви ҳамда табиий юзага келадиган потенциал заифлик оқибатида геостратегик иштирокчиларга имконият туғдириб берадиган омиллар билан белгиланади. Кўпинча геосиёсий марказлар ўзларининг географик ҳолатларига боғлиқ бўлиб, ё муҳим минтақаларга элтувчи йўл устидан назорат ўрнатиш, ёинки геостратегик иштирокчиларга ресурсларга эга бўлишларида тўсқинлик қилиш имконияти билан белгиланади. Ўзга ҳолларда эса геосиёсий марказлар геосиёсий доирада муҳим аҳамият касб этувчи минтақа ёки давлат учун «қалқон» (буфер) бўлиб хизмат қилиши мумкин. Баъзи ҳолларда эса геосиёсий марказлар мавжудлигининг ўзи ҳам атрофдаги фаол геостратегик иштирокчиларга сиёсий ва маданий жиҳатдан сезиларли таъсир кўрсатади.

Зб.Бжезинскийнинг фикрига кўра, «...геостратегик иштирокчиларнинг аксарият қисми қудратли давлатлар ҳисобланади. Бироқ қудратли давлатларнинг ҳаммаси ҳам геостратегик иштирокчилар қаторидан ўрин ололмайди. Геостратегик иштирокчи шахсларни ажратиш нисбатан осон бўлган пайтда, бундайлар рўйхатидан бирор давлатнинг тушиб қолишини асослаш керак бўлади».

Ўз фикрини давом эттирад экан, Зб.Бжезинский бугунги кунда жаҳонда камида бешта асосий геостратегик иштирокчи ва шу сондаги геосиёсий марказлар Евросиёнинг сиёсий харитасида аниқланмоқда, деб таъкидлайди. Унинг фикрича,

Франция, Германия, Россия, Хитой ва Ҳиндистон катта ва фаол акторлар ҳисобланади, Буюк Британия, Япония ва Индонезия (аксарият фикрларга кўра, жуда муҳим мамлакатлар эса) бу тоифага кирмайди. Украина, Озарбайжон, Жанубий Корея, Туркия ва Эрон принципиал равишда муҳим геосиёсий марказлар ролини бажаради. Туркия ва Эрон бир вақтнинг ўзида муайян маънода – ўзларининг чекланган имкониятлари доирасида – геостратегик фаол мамлакатлар сирасига киради.

Геосиёсий хавфсизлик – бу геосиёсий манфаатларнинг ҳимояланганлиқ ҳолатидир.

Мамлакат геосиёсий манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш геосиёсий хавфсизликнинг **асосий мақсади** ҳисобланади.

Минтақавий ва ҳалқаро муносабатлардаги кучлар мувозанати геосиёсий хавфсизликнинг муҳим **мезонидир**.

Давлат геосиёсий хавфсизликнинг **асосий субъекти** сифатида фаолият юритади.

Геосиёсатда хавфсизлик масалаларини геосиёсий назария нуқтаи-назаридан ёндашган ҳолда талқин этувчи қуйидаги мактаблар мавжуд:

1. Атлантизм мактаби. Мазкур мактабнинг инструменти сифатида НАТО блоки ҳисобланади.

2. Европамарказчилик мактаби. Мазкур мактабнинг инструменти сифатида Европа Иттифоқи ҳисобланади.

3. Евросиёчиллик мактаби. Мазкур мактабнинг инструменти сифатида ЕвроСИХ, КХШТ ҳисобланади.

4. Хитой мактаби – «Zhong hua ren». Мазкур мактабнинг инструменти сифатида ШХТ ҳисобланади.

Атлантизм мактаби. А. Мәхәннинг фикрича, давлатларнинг мавқеи ва геосиёсий мақомини таҳлил қилишда қуйидаги 6 мезонга таяниш керак бўлади:

1. Давлатнинг географик жойлашиши, унинг денгизга тулашлиги, ўзга мамлакатлар билан денгиз коммуникацияларига эгалиги. Куруқликдаги чегаралари кўлами, стратегик муҳим минтақалар устидан назорат ўрнатганилиги. Ўз флоти билан рақиб худудига таҳдид сола олиш қобилияти.

2. Давлатнинг «физик (табиий) қиёфаси», яъни денгиз кирғоғи ва денгиз портлари конфигурацияси. Мазкур омил савдоning ривожланиши ва стратегик ҳимояланганлик масалалари билан боғлиқ.

3. Ҳудуд кўлами. Унинг қирғоқ чизигига тенглиги.

4. Аҳоли статистикаси миқдори. Бу давлатнинг кема куриш ва уларга хизмат кўрсатиш қобилиятини аниқлашда муҳим омилдир.

5. Миллий хусусият. Аҳолининг савдо-тижорат ишлари билан шуғулланиш қобилияти, зеро, денгиз қудрати кенг ва барқарор савдога таянади.

6. Давлат идорасининг сиёсий хусусиятлари. Бу эса ўз навбатида, қудратли денгиз кучларини яратишга энг яхши инсоний ва табиий ресурсларини йўналтира олиш билан боғлиқдир.

У «Жаҳон сиёсатида америка стратегияси» ва «Жаҳон географияси» асарларида давлатларнинг геосиёсий қудратлари ни аниқлашда кўмак берувчи 10 мезон хусусида тўхталиб ўтади. Улар қўйидагилардан иборат:

- 1) Худудининг юзаси;
- 2) Чегаралар табиати;
- 3) Аҳоли сони;
- 4) Фойдали қазилмаларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- 5) Иқтисодий ва технологик тараққиёти;
- 6) Молиявий қудрати;
- 7) Этник бир хиллик;
- 8) Ижтимоий интеграциялашганлик даражаси;
- 9) Сиёсий барқарорлик;
- 10) Миллий рұх.

Америкалик тадқиқотчи Сол Коэн ўзининг «Ажратилган дунёда география ва сиёсат» номли асарида геосиёсий реаликни «ядро» (nucleus) ва «дисконтинуал минтақа»га ажратиш орқали геосиёсатни таснифлаштиришнинг қўшимча методини киритишни таклиф этади. Унинг фикрича, сайёранинг ҳар бир муайян минтақасини 4 геосиёсий таркибий қисмга ажратиш мумкин:

1) савдо флоти ва портларга боғлиқ бўлган ташқи денгиз (сувлик) муҳити;

2) «Hinterland» («Қирғоқдан узоқда жойлашган ички минтақалар» маъносини англатувчи геосиёсий атама) билан айнан уйғун бўлган қитъавий ядро;

3) дисконтинуал минтақа (белбоғ) (қитъа ичкарисига йўналтирилган ёки ундан узоқлашувчи қирғоқ олди ҳудудлар);

4) геосиёсий жиҳатдан мазкур «гурух»га тобе минтақалар.

Европамарказчилик мактаби. X.Маккиндер «тарихнинг географик ўқи»нинг стратегик устуворлигини бутун жаҳон сиёсатида таъкидлаб ўтади ва геосиёсатнинг муҳим қонуниятларидан бирини қўйидагича ифодалайди:

«Кимки Шарқий Европа устидан назоратни ўрнатса, у «heartland»да устун бўлади; кимки «heartland»да устун бўлса, у Дунё Оролида устун бўлади; кимки Дунё Оролида устун бўлса, у дунёда етакчи бўлади («Демократик идеаллар ва реаллик»).

Стратегик маънода бу Россиянинг етакчилик ролини тан олишни англатади:

«Германия Европага нисбатан қандай бўлса, Россия ҳам дунёда шундай марказий стратегик позицияни эгаллади. Россия шимолдан ташқари ҳар бир томонга ҳужум қилиши ва ҳар томондан ҳужумга учраши мумкин». («Тарихнинг географик ўқи»).

К.Хаусхофер «Қитъавий блок» мақолосида ёзади:

«Евросиёнинг икки буюк халқлари - немислар ва руслар Крим ёки 1914 йил урушлари каби ўзаро зиддиятлардан ҳар томонлама тийилар эканлар Евроосиёни бўғиб бўлмайди: бу Европа сиёсати аксиомасидир». У мазкур асарида америкалик Гомер Лининг гапларини келтиради: «Немислар, руслар ва японлар бирлашган тақдирда хукмрон англосаксон сиёсати интихосига етади».

Евросиёчилик мактаби. П. Савицкийнинг асосий фояси Россиянинг «ўрталиқ» сифатига эга бўлган ўзига хос цивилизацион тузилма эканлигини илгари сурғанилигидадир. У ўзининг «Евросиёчиликнинг жўпрофий ва геосиёсий асослари» (1933) асарида «Хитойга нисбатан Россиянинг «Ўрта Давлат (中国)» (хитой тилидан «中 zhong» - «ўрта», «марказ», «国 Guo» - «давлат») деб аталишига кўпроқ асос бор», деб айтади.

П. Савицкийнинг яна бир фояси Турон билан боғлиқ. У Туронга нисбатан ижобий фикр билдириб, мўғул-татар асарида натижасида Россия ўз геосиёсий мустақиллигини ва маънавиятини агрессив роман-герман таҳдидидан сақлаб қолди дейди. Унинг бундай ёндашуви Россия-Евросиёни Европадан ажратишка, унинг маданиятини эса ўзига хослигини кўрсатиб беради. Турк дунёсига нисбатан бундай муносабат Россия-Евросиёни Европадан ва унинг тақдиридан ажратиб қўйиш, русларнинг ўзига хослигини асослаб бериш билан изоҳлаш мумкин.

П. Савицкийнинг «Дашт ва ўтроқлик» асарида «татаршина-сиз Россия бўлмас эди», деган Фикри Евросиёчиликнинг асосий формуласи бўлиб қолади. Бундан қуйидаги геосиёсий таъкид: «Айтиш мумкинки, жаҳон тарихи маконида денгизни ҳис қилишга қарама-қарши бўлса ҳам, мўғулларнинг қитъани ҳис қилиш туйғуси туради; шу боис рус тадқиқотчи сайёхларида, рус босқинчилиги ва ўзлаштиришларида айнан шу рух, қитъани ҳис қилиш туйғуси ётади».

Шунингдек, у «Дашт ва ўтроқлик» асарида шундай ёзади: «Россия буюк хонлар меъросхўри, Чингизхон ва Темур ишлари давомчиси ... Унда бир вақтнинг ўзида тарихий «ўтроқлик» ва «дашт» унсури намоёндир».

5.3. Кучлар/манфаатлар мувозанати ва ҳавфсизлик-ни таъминлаш масалалари

Ҳавфсизлик – бу, биринчи навбатда, «анаархия шароити»да давлатнинг яшаб қолишини таъминлаш ҳисобланади. «Яшаб қолиш»ни икки стратегия: устунлик/гегемония ёки кучлар мувозанати ҳисобига амалга ошириш мумкин. Айнан максимал даражада эҳтимолий барқарорликни таъминлашга қодир бўлган кучлар мувозанати ҳолатига афзалик берилади.

Ҳавфсизликнинг геосиёсий таҳлилида **кучлар ва манфаатлар мувозанати масаласи** муҳим категория ҳисобланади. Француз социологи Р.Ароннинг фикрича, «ташқи сиёсат - power politics, куч (кудрат) сиёсатидир. Шу сабабли «мувозанат» тушунчаси барча ҳалқаро тизимларга нисбатан қўлланилади». «Кучлар мувозанати» сиёсати – «бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил» (divide et impera) тамойилига бориб тақалади.

Ички сиёсатда **кучлар мувозанати** жамиятдаги бир неча гурухларнинг тенглигини, уларнинг нисбий мувозанати мавжудлигини англатади. Агар плюрализмга жамият тизими сифатида қаралса, у ҳолда кучлар мувозанатини жамиятда кучлар тенглигига эришишнинг асосий механизми сифатида баҳолаш мумкин. Давлат ҳокимиятининг мувозанати, масалан, ўзаро тийиб туриш ва мувозанатда саклаш тамойили орқали таъминлаб берилади.

Ҳалқаро муносабатларда мувозанат сиёсати давлатларнинг куч салоҳиятларини ошириш мақсадида коалицияларга бирлашган рақибларидан устун келишга қаратилган интилишларида мужассам бўлади. Ҳар қандай давлат унга нисбатан устунликни таъминлашга интилаётган давлат ёки давлатлар иттифоқига қарши чиқади. Р.Ароннинг фикрича, «ҳеч қачон, ҳеч бир давлат унга қўшни давлатлар бу давлатдан ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш қобилиятини йўқотадиган даражада кучга эга бўлмаслиги керак». Америкалик тадқиқотчи Мортон А.Капланнинг фикрича эса, «ҳар бир давлат тизимдаги миллий устунлик тамойилини илгари суришга интилаётган бошқа иштирокчиларни бир меъёрда ушлаб туриш учун ҳаракат қилиш керак».

«Кучлар мувозанати» назариясига биноан давлатлар ўз миллий қудратларини мустаҳкамлаб, иттифоқлар тузиш орқали бир бирини мувозанатда ушлаган тақдирдагина тинчлик бўлади. «Кучлар мувозанати» назариясига кўра, нисбатан тинч бўлган муддатлар – 1648 йилдаги Вестфаль тинчлик шартномаси билан Француз инқилоби (1798-1814) натижасида юзага келган урушлар орасидаги, сўнгра 1815 йилдан то Биринчи Жаҳон уруши (1914) бошлангунга қадар бўлган давлардада Европа давлатлари бир бирларини мувозанатда саклаб турғанлар. Мувозанат бузилган тақдирда уруш бошланган.

«Кучлар мувозанати» сиёсатининг қўлланилишига ёрқин мисол сифатида Британия империяси гуллаб-яшнаган даврда Европа давлатлари орасида мавжуд бўлган зиддиятларни айрим ҳолларда уларни яратган ҳолда ҳалқаро ишларда «арбитр» ролини йўнашга муваффақ бўлганлигига кўришимиз мумкин. «Европа мувозанати»ни саклаш баҳонасида Англия заиф томонни қўллаб-куватлаб, у ёки бу давлатлар гурӯҳи томонига навлбати билан ўтиб турган. Бундай сиёсатнинг моҳиятини XIX асрдаги машҳур инглиз сиёсий арбоби лорд Пальмерстоннинг: «Бизнинг на доимий иттифоқчиларимиз ва на доимий душманларимиз бор. Бизнинг доимий манфаатларимиз бор ва биз уларга риоя қилишимиз даркор», деган ибораси яққол кўрсатиб беради.

Ҳалқаро муносабатлардаги жараёнларни *Si vis pacem para bellum* (Тинчликни хоҳласанг, урушга тайёргарлик кўр) ва «Душманимнинг душмани – менинг дўстим» қабилидаги мақоллар билан изоҳлаш мумкин. Сиёсий лидерлар автоматик равишда миллий манфаатлар ва ҳокимиятни ҳис этади ва уни мустаҳкамлашга ҳаракат қиласди.

Малакали таҳлилчилар кучлар мувозанатини квадратдаги муаммо деб атайди. Зоро, куч масштабини ҳисоблаш шунчалик мураккабки, кучлар тенглигини қачон ва қаерда амалга ошириш мумкинлигини билиш ниҳоятда қийин. Айрим мутахассислар кучлар мувозанатга келган пайтларда, давлатлар кучга нисбатан иерархик тартибда жойлашганида тинчлик даврлари бўлганлигини таъкидлайди. Ўтиш даврида, мавжуд иерархия бузилган пайтда давлатлар орасида урушлар келиб чиқкан. Катта уруш тугаб, кучлар мутаносиблиги яққол намоён бўлганидан сўнг тинчлик ўрнатилади. Агар мазкур назария тўғри бўлса, аниқ кучлар мувозанатига эришишга уриниш мутлақо нотўғри бўлади: иштирок этаётган давлатлар уларда қулай имконият мавжуд деб ўйлашлари натижасида уруш юзага келиши мумкин бўлади.

Геосиёсий вазиятнинг кескин ўзгариши ёки «постконфронтацион дунёning янги геосиёсий воқеилилари» (С. Хантингтон) натижасида ўтган асрнинг 80-90-йилларида кучлар мувозанати концепцияси маълум ўзгаришларга учради. А.В. Макеев мазкур муаммога нисбатан ёндашувларни қайта кўриб чиқиб, «янгича тафаккур»нинг зарурияти, «янгича фикрлаш парадигмаси»га эга бўлиш, миллий хавфсизликни таъминлашда анъанавий ёндашувлардан воз кечиш каби машҳур тезисларни асос сифатида олиб қарайди. Бу янгиликларнинг моҳияти ташки сиёсий хавфсизликнинг вазифаларини белгилашда «кучлар мувозанати концепциясидан манфаатлар мувозанати концепциясига» foясида ўз ифодасини топди. Мазкур концепция асосномасида бугунги кунда амалда бўлган конфронтацион турдаги

хавфсизлик концепциялари ва тузилмаларини ҳамкорликка асосланган хавфсизлик концепциялари ва тузилмаларига айлантириш ғояси ўз аксини топган. Бошқача айтганды, геосиёсий ҳолатни ва ундан келиб чиқадиган хавфсизлик муаммоларини күч марказлари ўртасидаги муносабатлар асосида эмас, балки ўзаро манфаатларни инобатта олиш асосида таҳлил қилиш лозим бўлади.

Максимум хавфсизликда етакчи мақомни қўлга киритишга уринаётган давлат оқибатда «хавфсизлик дилеммаси»га дуч келиши мумкин. Бир давлат хавфсизлигининг юқори даражага кўтарилиши, жаҳон ҳамжамиятида ушбу давлат фаолиятига нисбатан хавфсираш пайдо бўлишига олиб келади ва эҳтимолдаги рақибга ҳарбий жиҳатдан қарши турувчи иттифоқларга ўюшишларига туртки бўлади. Охир оқибатда «Хавфсизлик дилеммаси» ҳалқаро муносабатларда кескинликнинг ортишига ва, табиийки, ҳалқаро хавфсизликнинг пасайишига сабаб бўлади.

Шу муносабат билан АҚШ сиёсий арбоби Генри Киссинжер: «Бир мамлакат учун мутлақ хавфсизлик бошқалари учун мутлақ заифликни англатади», деб таъкидлайди.

Тизимдаги кучлар мувозанати давлатларнинг бош мақсади хавфсизликни таъминлашдан манфаатдорлик билан бевосита боғланган бўлади.

Ҳалқаро муносабатларнинг асосий элементи давлатларнинг миллий-давлат манфаатлари ҳисобланади. Манфаатлар – бу сиёсий қарор ва фаолиятларни мухокама қилиш, баҳолаш мумкин бўлган узок муддатли мезон ҳисобланади. Манфаатлар ва миллий давлатлар орасидаги замонавий алоқалар – бу тарихий жараён маҳсулидир ва, табиийки, ўз суратини ўзgartириши мумкин. Шу муносабат билан қўйидагиларни инобатга олиш зарур.

Миллий-давлат манфаатлари – объектив категория. Бироқ, унинг ўзига хослиги манфаат умуман ва хусусан давлат манфаати – субъектга тегишли категория, яъни манфаатнинг соҳиби доимо муайян субъект – шахс, миллат, ҳалқ ва ҳ.к. бўлади. Миллий-давлат манфаатлари миллат ва ҳалқларнинг ички тараққиёт реал шароитларини туғдириб, бошқа миллат ва ҳалқлар билан ўзаро алоқаларига таъсир кўрсатади.

Миллий-давлат манфаатлари-тарихий категория. Миллий-давлат манфаатлари ўз миллий давлатлари ёки кўп миллатли тузилмаларда истиқомат қилувчи ажратилган жамоаларга инсониятнинг тарихан тарқалиши билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Давлатлар ва миллатлар бўлмаган тақдирда миллий-давлат манфаатлари ҳам бўлмас эди. Улар давлатлараро мулоқот соҳасида, яъни ҳалқаро муносабатлар сифатида намоён бўлувчи соҳада реалликка айланади. Миллий-давлат манфаатларининг

тариҳийлиги уларнинг ўзгармаслигига бўлиб, улар фақат мамлакат ички ва халқаро шароити ўзгариши билан сезиларли эволюцияни бошдан кечиради. Шунингдек, миллий-давлат манфаатлари ҳам доимий эмас: то миллатлар ва давлатлар, уларнинг манфаатлари ва фаолиятлари бор экан улар мавжуд бўлади.

Миллий-давлат манфаатлари – ижтимоий-сиёсий муносабатлар билан узвий равишда боғлиқ бўлган категория, чунки унда ҳам мамлакат ташқарисида, ҳам мамлакат ичкарисида сиёсатни шакллантирувчи ҳокимият тепасида турган ижтимоий-сиёсий кучлар манфаатлари негизида шакл ўзгартирувчи миллат, мамлакат манфаатлари ифода этилади ва намоён бўлади. Бундан ташқари, мамлакатда кучларнинг умумий жойлашви ва унинг ўзгариши ҳам муҳим аҳамият касб этади, бу эса халқаро муносабатлар соҳасига ҳам таъсир кўрсатади.

. Миллий-давлат манфаатлари – ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларини қамраб олувчи компонентлар тизимини ўз ичига олувчи серқирра категориядир. Буларга, биринчи навбатда, ушбу мамлакат, унинг аҳолиси ривожи учун қулагай шароит яратиш билан боғлиқ сиёсий ва иқтисодий манфаатлар киради. Миллий-давлат манфаатларини ифода этишнинг ҳосила шакллари: ҳарбий-стратегик, дипломатик манфаатлар ва шу кабилар ҳам сезиларли аҳамият касб этади.

Хозирги кунда миллий хавфсизликни таъминлаш ва халқаро масалаларни ечишда кучга етакчи компонент сифатида қаралётганини қатор давлатларнинг миллий хавфсизлик концепцияларида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, АҚШ Миллий Хавфсизлик стратегиясида (Б.Клинтон маъмуриятида) «буғун жаҳонда миллий хавфсизликнинг ички ва ташқи таҳдидлари ўртасидаги фарқлар тобора ажralmas бўлиб бормоқда, ички ва ташқи сиёсат ўртасидаги ажратувчи чизик, муаммоларни ички ва ташқига ажратиш йўқолиб кетмоқда. Манбалари мамлакатимиздан ташқарида бўлган муаммолар ички муаммоларга айланиб бораётганилиги сабабли, Американинг дунёдаги етакчилиги ҳамда дунё ишларига жалб этилганлиги ҳозирда ҳар доимгидан ҳам муҳимроқ бўлиши керак», деб кўрсатилади. Президент Ж.Бушнинг янги АҚШ Миллий Хавфсизлик стратегиясида АҚШ улкан салоҳиятли ҳарбий қудрат ҳамда юқори даражада иқтисодий ва сиёсий таъсирга эга эканлиги таъкидланади. Бу мамлакатнинг улкан қудратидан кучлар мувозанатини барпо этишда фойдаланиш зарур. Америка ўз стратегиясини кучлар мувозанатини мустаҳкамлашга қодир ва шунга интилаётган кенг қамровли, реал коалициялар тузиш орқали амалга оширади.

Ҳар бир суверен давлатнинг халқаро майдондаги ҳаракатларининг асоси ва мезонларини миллий манфаат ташкил қила-

ди. Факат күчгина уни ўз миллати, ўз халқининг манфаатларини амалга ошириш мажбуриятидан воз кечишига мажбур қилиши мумкин. Мос келмайдиган ёки қарама-қарши миллий-давлат манфаатлари түқнаш келганда айнан куч (харбий, иқтисодий, сиёсий, маънавий) баҳсада ҳал қилувчи аргумент бўлиб хизмат қиласди. Кучнинг ўсиши миллий манфаатлар тизимида ўзгаришларни вужудга келтиради, кучнинг ҳажми эса уларни геосиёсий масштабда самарали амалга ошиш имкониятларини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326-б.
2. Стратегия национальной безопасности США. 2006 г.
3. Концепция национальной безопасности Российской Федерации.
4. Макеев А.В. Политика и безопасность. – М.: Изд-во «Щит-М», 1998. – 270 с.
5. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций? // Политические исследования. – Москва, 1994. - №1. – С. 47-53.
6. Бжезинский Зб. Великая шахматная доска. Господство Америки и его геостратегические императивы. – М.: Международные отношения, 1999. – 256 с.
7. Дипломатический словарь. Под ред. А.А.Громыко, А.Г.-Ковалева, П.П.Севостьянова, С.Л.Тихвинского. В 3-х т. - М.: Наука, 1985. Т.1. – 239 с.
8. Политическая энциклопедия. В 2-х т. Рук. проекта Г.Ю.-Семигин. – М.: Мысль, 2000. Т.1. – 750 с.
9. Политическая энциклопедия. В 2-х т. Рук. проекта Г.Ю.-Семигин. – М.: Мысль, 2000. Т.2. – 701 с.
10. Фукидид. История. – Л.: Наука, 1981. – 481 с.
11. Jeffrey W. Taliaferro. Security Seeking Under Anarchy. Defensive Realism Revisited // International Security, Vol 25, Issue 3, 2000/2001.
12. Janeen M. Klinger. International Relations Theory and the Transformation of the International System // International Politics, Vol 34, December, 1997.
13. Edward Newman. Human Security and Constructivism // International Studies Perspectives, Vol 2, 2001.
14. J. Ann Tickner. Gendering World Politics. – Columbia, 2001. – 345 p.
15. Walker R.B.J. One World, Many Worlds. Struggles for a Just World Peace. – L.: 1988. – 278 p.

Тестлар:

1. Геосиёсат – бу:

- а) географик омилларнинг мамлакатлар ташқи сиёсатла-рига таъсирини ўрганувчи фан
- б) мамлакат демографик ва географик омилларини биргаликда ўрганувчи фан
 - в) ҳокимият ва қитъалар ҳамда уларда истиқомат қилувчи ахолининг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фан
 - г) географик жиҳатдан стратегик позицияни эгаллаш ҳақидаги фан

2. Геосиёсатнинг нечта асосий қонуниятлари мавжуд?

- а) 1
- б) 2
- в) 3
- г) 4

3. Омил – бу:

- а) бирор-бир жараён ёки ҳолатнинг хусусиятлари, айрим жиҳатлари, мақсадли йўналишларини ифода этиб, уни ҳар-катга келтирувчи куч ҳисобланади
- б) бирор-бир жараёнга таъсир кўрсатиш орқали керакли йўналишга буриб юбориш ҳолати
- в) сиёсий ва ижтимоий жараёнларнинг асосий жиҳатлари-ни ифодалаб берувчи ҳолат
- г) сиёсат субъектлари интилишларини белгилаб берувчи ва уни шаклланишига таъсир кўрсатувчи куч

4. «Яшаб қолиш»ни қандай стратегиялар асосида амалга ошириш мумкин?

- а) устунлик/гегемония стратегияси
- б) кучлар мувозанати стратегияси
- в) а ва б жавоблар тўғри
- г) тўғри жавоб йўқ

5. Кучлар мувозанати – бу:

- а) максимал даражада иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали ўзга давлатлар/кучларни ушлаб туриш
- б) жамиятда/халқаро муносабатларда бир неча гурӯхлар/дав-латлар орасида тенглик ва нисбий мувозанатнинг мавжудлиги
- в) халқаро муносабатларда коалициялар тузиш орқали кучли давлатларни тийиб туриш
- г) халқаро муносабатларда ҳарбий жиҳатдан устунликни қўлга киритишга ҳаракат қилаётган давлатларга босим кўрса-тишни таъминлаш шакли

6. Бир давлат хавфсизлигининг юқори даражага кўтарилиши оқибатида жаҳон ҳамжамиятида ушбу давлат фоалиятига нисбатан хавфсирашнинг пайдо бўлишига олиб келувчи ва эҳтимолдаги рақибга ҳарбий жиҳатдан қарши турувчи иттифоқларга ўюшишига туртки бўлувчи омил – бу:

- а) хавфсизлик парадигмаси
- б) хавфсизлик омиллари
- в) хавфсизлик мезонлари
- г) хавфсизлик дилеммаси

7. Миллий-давлат манфаатлари – бу:

- а) объектив категория
- б) тарихий категория
- в) а ва б жавоблар тўғри
- г) тўғри жавоб йўқ

8. Ўз чегараларидан ташқарида хукмронлик қилувчи ёки мавжуд геосиёсий ҳолатни ўзгартира олиш йўлида қобилият ва миллий иродага эга бўлган давлатлар - ... дейилади.

- а) фаол геостратегик иштирокчилар
- б) геосиёсий марказлар
- в) қолоқ давлатлар
- г) қудратли давлатлар

9. Жойлашишлари ва табиий жиҳатдан юзага келадиган потенциал заифлик оқибатида геостратегик иштирокчиларга имконият туғдириб берадиган омиллар билан белгиланувчи давлатлар - ... дейилади.

- а) фаол геостратегик иштирокчилар
- б) геосиёсий марказлар
- в) қолоқ давлатлар
- г) қудратли давлатлар

10. Геосиёсий хавфсизлик – бу:

- а) давлат геостратегик манфаатларини таъминлаб берувчи ҳолат
- б) ташқи сиёсатда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни аниқлаб берувчи ҳолат
- в) миллий хавфсизликнинг хусусиятларини очиб берувчи ҳолат
- г) геосиёсий манфаатларнинг ҳимояланганлик ҳолати

Топшириқлар:

1. «Геосиёсий омиллар давлатларнинг ташқи сиёсати ва миллий хавфсизлигининг стратегик вазифалари ва йўналишларини белгилаб олишда ҳал қилувчи индикаторлар бўлиб қол-

мокда» ҳамда «геосиёсатнинг деярли барча масалалари давлат хавфсизлиги билан боғлиқ» жумлаларини қандай изоҳлайсиз?

2. Наполеоннинг «ўз географиясини билиш - ўз ташки сиёсатини билишдир», АҚШлик машхур тадқиқотчи Зб.Бзежинскийнинг «географик жойлашув давлат-миллатларнинг ташки сиёсий йўналишларини белгилашда ҳанузгача таянч нуқтаси бўлиб қолмоқда, миллий ҳудуд ўлчамлари эса мақом ва куннинг энг муҳим мезони сифатидаги аҳамиятини саклаб қолмоқда» деган фикрларини қандай тушунасиз? Сиз уларнинг фикрларига қўшиласизми?

3. С.Хантингтоннинг «Цивилизациялар тўқнашуви» мақоласи билан танишиб чиқинг ва унинг асосий жиҳатларини конспект қилиб олинг.

4. «Ўзида тарих, сиёсат ва географияга оид билимларни мужассамлаштирган геосиёсий таҳлилсиз миллий хавфсизлик асосларини ва концепциясини яратиб, шакллантириб бўлмайди» жумласини Сиз қандай шарҳлайсиз? Фикрларингизни асослаб беришга харакат қилинг.

5. Машхур инглиз сиёсий арбоби лорд Пальмерстоннинг: «Бизнинг на доимий иттифоқчиларимиз ва на доимий душманларимиз бор. Бизнинг доимий манфаатларимиз бор ва биз уларга риоя қилишимиз даркор», деган ибораси тўғрими? Сиз буни қандай тушунасиз?

6. АҚШ сиёсий арбоби Генри Киссинжернинг: «Бир мамлакат учун мутлақ хавфсизлик бошқалари учун мутлақ заифликинг англаради», деган фикрига қўшиласизми?

7. Тадқиқотчи олимларнинг «миллий хавфсизликни таъминлашда анъанавий ёндашувлардан воз кечиш», «кучлар мувозанати концепциясидан манфаатлар мувозанати концепциясига» ўтиш ғояларини шарҳлаб беринг. Бу ҳолатларни қандай амалга ошириш, ёки уларни қандай таъминлаш мумкин?

8. «АҚШ Миллий Хавфсизлик стратегияси» билан танишиб чиқинг ва ундаги асосий ғояларни конспект қилиб олинг. Агар шундай ҳужжатни тайёрлаш Сизнинг зиммангизга юклатилса, у ҳолда Сиз нималарга эътибор қаратган бўлар эдингиз? Фикрларингизни асослашга харакат қилинг.

9. «Ҳар бир суверен давлатнинг ҳалқаро майдондаги ҳаракатларининг асосини миллий манфаат ташкил қиласи. Фақат кучгина уни ўз миллати, ўз ҳалқининг манфаатларини амалга ошириш мажбуриятидан воз кечишига мажбур қилиши мумкин», деган жумлаларни Сиз қандай изоҳлайсиз? Бунда «манфаат» ёки «куч» бирламчими?

Тест жавоблари:

- | | | | | | | | | | |
|----|----|----|----|----|----|----|----|----|-----|
| 1. | 2. | 3. | 4. | 5. | 6. | 7. | 8. | 9. | 10. |
| в) | г) | а) | в) | б) | г) | в) | а) | б) | г) |

6-мавзу. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий жиҳатлари

Таянч атамалар:

ахборот, ахборот хавфсизлиги, ахборот ресурслари, ахборот қуроли, ягона ахборот макони, ахборот жарёнлари, ахборот тизими

6. 1. Ахборот хавфсизлиги – миллий хавфсизликнинг таркибий қисми

6. 2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг информацион-психологик ва ташкилий-техник жиҳатлари

6. 1. Ахборот хавфсизлиги – миллий хавфсизликнинг таркибий қисми

Замонавий илмий-техникавий инқилоб жамият ҳаётининг моддий асосларини радикал равишда тартибга солди. Халқларнинг турмуш даражасини худуд ёки ер ресурслари эмас, балки ахборот, интелектуал ёки маънавий салоҳият белгилаб бера бошлади. Булар эса муҳофазаланган ва самарали равишида фаолият кўрсатадиган давлатнинг ахборот муҳитида ташкил топади.

Сиёсий муҳитда куч эмас, балки ахборот омили тобора катта аҳамият касб эта бошлади. Ташқи сиёсий муваффақиятлар нафақат иқтисодий ва ҳарбий қудрат билан, балки жаҳонда кечеётган асосий ахборот ва маданий жараёнлар устидан назоратни ўрнатишга қаратилган демократия дастурлари ва оммавий демократия муваффақиятлари билан белгиланади.

«Информация» сўзи ўз маъноси чегарасини бир кенгайтириб, бир торайтириб эволюцион равишида ривожланди. Биринчи навбатда «информация» - «тасаввур», «тушунча», кейинчалик эса «хабар», «хабарни етказиши» деган маънони англатади.

Хорижий сўзлар луғатида «информация»га куйидаги таъриф берилади:

«Информация» - (лот. *Informatio* - тушунтириш, маълум қилиш) - кибернетиканинг асосий тушунчалардан бири бўлиб, кўрсаткичлар, маълумотлар, хабарларнинг мажмуи ва ҳ. к.

Информация - тасаввурнинг шаклига қарамасдан шахслар, воқеалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар⁵.

⁵ Закон Российской Федерации «Об информации, информатизации и защите информации» // <http://www.netoscope.ru/docs/2000/07/31/22.html>

Шахснинг информацион фаолияти. Инсоннинг ҳар бир фаолияти ахборот, яъни йигиш, қайта ишлаш, сақлаш ва етказиш билан боғлиқ.

Ҳар қандай маҳсулот сингари информация ҳам унга муҳтож бўлган истеъмолчиларга эга ва шу боис муайян истеъмол этилувчи сифатларга, ҳамда ўзининг эгалари ва ишлаб чикувчиларига эга.

Информацияга қуйидаги З зарурый белгилар хос:

- информация қонунда белгилаб қўйилган қонуний мақсадлар билан боғланиши керак;
- ◆ информациянинг ошкор этилиши ушбу мақсадларга сезиларли тъясир кўрсатиши керак;
- ◆ ушбу мақсадга етказилган зарап мазкур ахборотни маълум қилишга нисбатан қизиқишдан устун бўлиши керак.

Ҳар бир ахборот тизими қуйидаги уч вазифани ўзида мужассам этади:

- атрофдаги жараёнларни фаолиятни акс эттирувчи информацион ресурсни шакллантириш (дунё ахборот моделини шакллантириш);
- информацион ресурсларни ташки ва ички таҳдидлардан муҳофаза қилиш (информацион модельнинг барқарорлиги ва ишончлилигини таъминлаш);
- ◆ ташки муҳит билан хавфсиз ва самарали ахборот алмашувини ташкил этиш (жаҳон тараққиётига мос ахборот моделини ривожлантириш).

Ҳозирги вақтда инсон ижтимоий муҳитда фаолият олиб бориши учун доимий равишдаги ахборот оқимига эҳтиёж сезади. Ижтимоий субъект сифатида фаолият юритувчи атроф олам, ижтимоий муҳит билан доимий ахборот алоқаси нормал турмуш кечиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Турли оммавий коммуникация воситаларидағи доимий ахборот алоқаси ва доимий ахборот оқимларига эҳтиёж қуйидаги мақсадларни амалга ошириш учун керак бўлади:

- ◆ замонавий вазият ва ижтимоий муҳитда ўз ўрнини топиш, кенг миқёсда эса – жамиятда ижтимоийлашув (ушбу жамиятга хос бўлган қадриятлар, меъёрлар, кўрсатмалар, феълатворларни шахс томонидан ўзлаштирилиши);
- ◆ шахс интеллектуал даражасининг ошишига кўмак берувчи мунтазам таълим олиш жараёнининг ўрнини босувчи умумий дунёқарашни ривожлантириш;
- ◆ кундалик амалий муамоларни ҳал этиш (керакли нарсаларни қаерда харид қилиш мумкин, қаерга саёҳатга бориш мумкин, автомобилни кандай тузатиш мумкин, кандай қилиб әкинларни парваришлиш мумкин ва х. к.);

♦ профессионал даражасини ошириш (махсус даврий нашрлар ва бошқа оммавий коммуникацион воситалар ҳисобига).

Информацион риск деганда информация манбай бўлган субъектнинг ғаразли мақсадларда бирор-бир ижтимоий обьектга очик ёки яширин мақсадларда бекарорлаштириш ва бузиб талқин қилиш мақсадида амалга оширилувчи ҳатти-ҳаракати тушунилади.

Информацион таҳдид – ахборот субъектининг ижтимоий субъектга эҳтиёжлари, манфаатлари ва интилишларидан келиб чиқувчи ахборот таъсирининг реал таҳдиidi.

Информацион хавф - муайян бир ижтимоий тизимнинг барқарор ижобий ривожланишини бузиш ва деформациялашга қаратилган маълум бир сиёсий ва ижтимоий кучларнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларига реал информацион таъсири.

Информацион хавфсизлик – фуқаро, ташкилот, давлат манфаатларини шакллантириш, қўллаш ва ривожланишини таъминловчи жамият ахборот муҳитининг ҳимояланган ҳолати.

Ахборот технологиялари кескин ривожланиб бораётган шароитда ахборот хавфсизлиги шахс, жамият, давлат ҳаётий муҳим миллий манфаатларини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Шу боис Ахборот уруши ахборотнинг қўлланилиши, унинг жамиятдаги ўрни ва ролини белгилашга нисбатан янги ёндашувлардан келиб чиқади. «Ахборот хавфсизлиги» ёки «ахборот уруши» атамаси талқини унинг қўлланишидаги нисбатан икки – техник ва гуманитар – соҳалар моҳиятидан келиб чиқади.

Техник соҳада ахборот уруши муракаблиги ва кўпхаражатлилиги билан ажралиб туради ва қуйидаги йўналишларни ўз ичига қамраб олади:

1) давлат фаолиятини таъминлаб турувчи инфратузилмалар – телекоммуникация, транспорт тармоқлари, электростанциялар, банк тизими ва б.;

2) саноат шпионажи – патентланган маълумотларнинг ўғирланиши, алоҳида аҳамият касб этувчи маълумотлар, хизматларни бузиш/ўзгартириш ёки йўқотиш; рақиблар ҳақида кенг қамровли маълумотларини йиғиш ва х.к.;

3) VIP-шахсларнинг паролларини, идентификациявий ракамларини, банк ҳисобларини бузиш ва улардан фойдаланиш, ёпиқ аҳамият касб этувчи маълумотларга эга бўлиш, дезинформацияни тарқатиш;

4) ҳарбий обьект ва тизимлари қўмондонлиги ва бошқаруви жараёнларига электрон аралашув, «штаб урушлари», ҳарбий коммуникация тармоқларини издан чиқариш;

5) Интернет бутунжаҳон компьютер тармоғи (маълумотларга қараганда Интернет тармоғида ҳарбийларнинг 150.000 компъ-

ютерлари фаолият юритади ва ҳарбий алоқа линияларининг 95% очик телефон тармоқлари орқали ўтади)⁶.

Ахборот-психологик урушнинг асосий тамойиллари қуидагиларда намоён этилади:

1. Ахборот ассимметрияси тамойилини қўллаш, душман ахборот объектлари яқинида ассимметрик қурол учун заиф бўлган янги ассимметрик хусусиятларга эга ахборот макони тизими ни юзага келтириш.

2. Ахборот-психологик таъсирни амалга оширишда яширинлик ва анонимлик, уларни «бегона байроқ остида» ҳамда ахборот маконининг исталган нуқтасидан амалга ошира олиш имконияти.

3. Кенг доираларда бошқарилувчи информацион таъсирнинг бир-бирига оҳиста ўтиши, уларни амалга ошириш интенсивлиги ва давомийлиги: «шок», «зарба», «қамал»дан тортиб оҳиста кечувчи, латент, узоқ йиллар мобайнида оз-оздан таъсир кўрсатишга мўлжалланган ахборотни бошқариш.

4. Вақт ва маконда юқори даражада мувофиқлаштирилувчи таъсир қурсатишнинг кўпасспектлиги ва кўпобъектлилиги. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ахборот тизимлари ва технологиялари «таъсири»нинг ортиб бориши турли соҳалар, жараёнлар, мамлакатлар, объектлар, гуруҳлар, шахсларга таъсир кўрсатиш учун тегишли равишда қабул қилинган алгоритмга информацион таъсирни «тизимга солиш», «таъсир кўрсатиш кўлами»нинг босқичма-босқич ва турли йўналишларда амалга ошириш имкониятини яратиб беради.

5. «Кичкина» ахборот таъсирини кўрсатиш орқали якунида «катта» натижаларни қўлга киритиш қобилияти. Тенденцияларни аниқлаш ҳамда факат кечайдан жараёнларни эмас, балки улардан олдин юзага келувчи ўзгаришларни (тенденциялар) бошқариш имкониятини берувчи юқори даражада вазият ривожини моделлаштиришда информацион-психологик урушда иштирок этувчи давлатлар сарф-харажатлар билан бошқарувчан таъсир кўрсатиш қобилиятига эгалар.

6. Тутиб туриш функцияларини ахборот соҳасига ўтказиш. Дунёдаги етакчи давлатлар тийиб туриш функцияларини амалга оширишда привентив фаолиятга таянадилар. Ахборот устунлигига эришиш бунинг учун асос ва керакли бўлган шарт-шароитларни яратиб беради. Жаҳонда ядро қуролсизланишига эришилган тақдирда ахборот устунлиги жаҳон хавфсизлигини, жумладан куч аспектида ҳам етакчиликни ушлаб турувчи ва таъминлаб берувчи асосий механизм бўлиб қолиши мумкин.

⁶ Павлютенкова М.Ю. Информационная война: реальная угроза или современный миф? // Власть. – Москва, 2001 - №12. – С. 19-23.

7. Информатизациялашиш куч жиҳатдан (харбий) хатти-ҳаралатларнинг самарадорлигини оширишда асосий заҳира ҳисобланади. Америкалик мутахассисларнинг фикрига кўра, анъанавий қуроллар тизими қиймати аксарият мамлакатлар томонидан эришиб бўлинган «амалий жиҳатдан ривожланган нуқтаси»га эгалиги юқоридаги фикрлар исботи сифатида қаралиши мумкин.

8. Ахборот таъсири доирасига тушиб қолган соҳада бекорликни юзага келтириш ҳамда келгусида керакли натижалар олишнинг тамойилларидан бири сифатида уни бошқариш (ёки ундан фойдаланиш)⁷.

Россия Федерацияси Ахборот хавфсизлиги доктринасида «информацион хавфсизлик» деганда шахс, жамият ва давлатнинг мувозанатлашган манфаатлари мажмунини белгилаб берувчи ахборот соҳасида РФ миллий манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати тушунилади, деб кўрсатилади.

Украина президенти қошидаги Ахборотлаштириш масалалари бўйича миллий агентлик раиси ўринбосари А.Барановнинг таърифича: «Ахборот хавфсизлиги – шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим миллий манфаатларининг биринчидан, ахборотнинг тўлиқсиз, кечиккан ва ишончсизлиги ё салбий ахборот таъсирида, иккинчидан, ахборот технологияларининг салбий фаолияти, учинчидан, ахборотнинг рухсатсиз тарқатилиши натижасида етказилиши мумкин бўлган зарар қўламини минимал даражага тушириш орқали ҳимояланганлик даражаси». Шундай қилиб, унинг фикрича, информациявий муносабатларнинг шаклланмаганлиги, сифатсиз информацияни қўллаш ва ҳ.к. натижасида зарар етказилса, у ҳолда бу кимнингдир ҳуқук ва манфаатлари бузилганлиги, информацион хавфсизликнинг сусайганлигидан далолат беради.

АҚШ харбийлари информацион урушга – миллий стратегия манфаатлари йўлида ахборот устунлигига эришишга қаратилган ҳамда бир вақтнинг ўзида ўз ахбороти ва ахборот тизимларини ҳимоялаган ҳолда рақиб ахбороти ва ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш йўллари орқали амалга ошириладиган ҳаракат, деб таъриф беришади. Айни пайтда АҚШда З йўналишда – қуролли кучлар, маҳсус хизматлар ва миллий миқёсда тайёргарлик олиб борилмоқда.

Ахборот хавфсизлиги - бу ахборотнинг тўлиқсизлиги, ўз вақтида эмаслиги ва ишончсизлиги, ҳамда ахборотни санкциялаштирилмаган ҳолда тарқатиш натижасида юзага келувчи зарарни минимал даражага тушириш орқали шахс, жамият ва

⁷ Манойло А.В. Информационно-психологическая война: факторы, определяющие формат современного вооруженного конфликта // <http://psyfactor.org/lib/psywar35.htm>

давлат ҳаётий мұхим миллий манфаатларининг ҳимояланғанлик даражаси.

Шундай қилиб, ишончсиз информацион алоқаларнинг мұкаммал әмаслиги, сифатсиз информацияни құллаш асосида зарап етказилса, у ҳолда кимнингдир ҳуқық ва манфаатларига зарап етади ва бу информацион хавфсизликнинг сусайишидан далолат беради.

Бундай таърифлар орқали информацион хавфсизликда ҳал этилмаган қуйидаги муамоларни күриш мүмкін:

- ◆ илмий жиҳатдан асосланмаган ахборот сиёсати ва давлатда информацион хавфсизлик сиёсатининг мавжуд әмаслиги;
- ◆ информацион хавфсизлик ва информацион алоқаларда норматив-ҳуқықий асоснинг номукаммаллиги;
- ◆ давлат информацион инфратузилмаларининг номукаммаллиги;
- ◆ хорижий давлатларнинг мамлакат томонидан ахборот тарқатиш ва янги информацион технологиялар олишига чекловларнинг ўрнатилиши;
- ◆ давлат ва шахс информацион манбаатлар соҳасида мансабдор шахс, турли тузилма ва гурухларнинг ноқонуний фаолияти;
- ◆ информацион хавфсизликни таъминлаш буйича давлат тизимининг номукаммаллиги;
- ◆ информацион технологияни құллашга асосланған тизимлар, жараёнларда маълум бўлмаган, назарга илинмаган вазиятларнинг юзага келиш эҳтимоли.

Информацион хавфсизликни «фуқаро ва ташкилотлар манбаатлари йўлида шакланишини, құлланилишини ва ривожланишини таъминловчи жамият ижтимоий мұхитининг ҳимояланғанлик даражаси» деб таърифлаш орқали, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар, ушбу таҳдидларнинг манбалари, уларни амалга ошириш услублари ва мақсадлари, ҳамда хавфсизликка таъсир кўрсатувчи бошқа шарт-шароит ва хатти-харакатларни белгилаб олиш керак бўлади. Шу билан бирга, зиён етказишига олиб келувчи ноқонуний хатти-харакатлардан мухофаза қилиш усууларини хам кўриб чиқиш керак бўлади.

Назарий жиҳатдан қуйидаги ҳолатлар ахборот хавфсизлиги концептуал моделининг компонентлари бўлиши мүмкін:

- ◆ Таҳдид обьектлари;
- ◆ Таҳдидлар;
- ◆ Таҳдид манбалари;
- ◆ Душман томонидан уюштирилайдиган таҳдид мақсадлари;
- ◆ Ахборот манбалари;

- ♦ Ноқонуний йўллар орқали махфий ахборотни олиш (усуллари);
 - ♦ Ахборот муҳофазаси йўналишлари;
 - ♦ Ахборотни ҳимоялаш усуллари;
 - ♦ Ахборотни ҳимоялаш воситалари.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид обьекти бўлиб унинг таркиби, ҳолат ва фаолияти (персонал, моддий ва молиявий қадриятлар, ахборот ресурслари) ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади.

«Информация» ва «давлат органлари» тушунчалари кенг маънода қўлланилади.

«Информация» ўз ичига давлат органларига тегишли бўлган информацион маълумотлар (хужжатлар, кассета, электрон маълумотлар ва ҳ.к.), уларнинг манбай (давлат органи ёки бошқа орган томондан қабул килинганлиги), санасини қамраб олади. Бошқа барча информацияларга қўлланиладиган талабларни жорий этувчи тизимлаштирилган манбалар Қонун томонидан муҳофаза этилади.

Ахборот ошкоралигини таъминлаш мақсадида «давлат органи» тушунчаси, унинг номи ёки ташкилотнинг шаклидан эмас, балки тегишли органнинг вазифаларидан келиб чиқиши керак бўлади.

Шу мақсадда, «давлат органлари»га ҳокимиятнинг барча тармоқлари ва даражалари, жумладан, маҳаллий органлари, сайлов органлари, суд органлари, давлат корхоналари ва ташкилотлари, нохукумат-нотижорат ташкилотлар ҳамда давлат фаолиятининг таъминланиши билан шуғулланувчи хусусий мулкчиликдаги ташкилотлар (масалан, транспорт инфратузилмаси - авто йўллар ва темир йўллари фаолиятини сақлаб туриш ва таъминлаш) киради. Хусусий ташкилотлар ҳам, агар уларнинг қўлидаги информация ошкор этилганда асосий ижтимоий манфаатларга, масалан, атроф-муҳит ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларда мазкур тоифага киритилишлари зарур. Халқаро ташкилотлар ҳам ушбу ҳужжатда ифода этилган ахборот эркинлиги тамойиллари татбиқ этилувчи субъект бўлишлари мумкин.

Ахборот эркинлиги нафақат сўровга биноан давлат органларининг ахборот беришлари, балки мавжуд ресурс ва имкониятлардан келиб чиқсан ҳолда алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга ҳужжатларни нашр этади ва тарқатади. Нашрга тақдим этилувчи маълумот шакллари унга эгалик қилувчи давлат органлари хусусиятига боғлиқ. Қонун маълумотларни ошкор этиш мажбуриятини ҳамда ошкор этилиши лозим бўлган ахборотнинг асосий категорияларини белгилаб бериши лозим.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунининг “Ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги” деб номланган б-моддасида: “Ахборот очик ва ошкора бўлиши керак, маҳфий ахборот бундан мустасно”, - деб таъкидланади ва қуидагилар «Маҳфий ахборот”га кирмаслиги айтилади:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари;

экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда аҳолининг, аҳоли пунктларининг, ишлаб чиқариш обьектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар;

кутубхоналарнинг, архивларнинг ва Ўзбекистон Республикаси худудида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очик фондларида мавжуд маълумотлар.

Ахборот технологиялари кескин ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда ахборот хавфсизлиги шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим миллий манфатларини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Бу ҳолат қатор ривожланган мамлакатларнинг миллий конфиденциал ахборотини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бораётганлиги билан тасдиқланади.

«Ахборот уруши» атамаси биринчи маротаба АҚШ ҳарбий доираларида 1991 йилда қўлланила бошланди. Мазкур масала бўйича дастлабки расмий ҳужжат сифатида АҚШ мудофаа вазирининг 1992 йил 21 декабрдаги «Ахборот уруши» номли директивасини келтириш мумкин. Унда, хусусан, «душман билан қарама-қарши туриш шароитида ҳарбий кучлар ахборот ресурсларини ҳар томонлама инобатга олиш зарурияти» айтиб ўтилади. 1993 йилда Штаб Бошликлари Комитети директивасида информацион урушнинг асосий тамойиллари баён этилган.

Бироқ, 1948 йил 18 август куни АҚШ Миллий хавфсизлик кенгаши 20/1 рақамли «Россияга қарши урушда АҚШнинг мақсадлари» номли директивани қабул қилди. Мазкур сана АҚШнинг СССРга нисбатан ахборот уруши бошланган сана ҳисобланади. 20/1 рақамли директива АҚШда биринчи маротаба 1978 йилда «Тийиб туриш. 1945-1950 йилларга мўлжалланган Америка сиёсати ва стратегияси тўғрисидаги ҳужжатлар» номли тўпламда нашр этилади.

Айни пайтнинг ўзида МРБ (ЦРУ) томондан психологияк уруш операциялари ишлаб чиқилди. Бу тушунча Америка армиясининг низом хужжатида (№33-5 рақамли дастурда) куйидагича таърифланади: «душманнинг ғалабага бўлган иродаси йўқоти-луви, бу борада душманнинг сиёсий ва иқтисодий имкониятлари барбод қилинувчи; душман ўз иттифоқчилари ва бетарафлар томонидан қўллаб-куватланиши, ёрдам олиши ва хайриҳоҳлигидан маҳрум бўлиши ёки бундай қўллаб-куватланиши, ёрдам олиши ва хайриҳоҳликка эришишнинг олди олиниши; мамлакатимиз ҳалқи ва унинг иттифоқчилари орасида ғалабага интилишни юзага келтириш, қувватлаш ёки ошириш; нейтралларнинг қувватлаши, ёрдами ва хайриҳоҳлигига эга бўлиш, сақлаб туриш ва ошириш борасида барча воситаларини, жумладан маънавий ва жисмоний (мунтазам армиянинг ҳарбий операциялари бундан мустасно, бироқ уларнинг психологик натижаларидан фойдаланган ҳолда) мувофиқлаштириш ва қўллаш».

1996 йил июнь ойида АҚШ Конгресси Сенати қўмитасида бўлиб ўтган йиғилишда Америка ахборот ва телекоммуникацион тизимларини информацион тажовуздан муҳофаза қилиш мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашда муҳим таркибий қисмлардан бири ҳисобланиши таъкидланди. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш мақсадида АҚШ Миллий хавфсизлик агентлиги қошида информацион уруш олиб борувчи ва таҳдидларни бартараф этувчи маҳсус марказни ташкил этиш ҳақида таклиф илгари сурилади.

Ахборот урушининг мақсадлари куйидагилардан иборат:

1. Соф мағкуравий таъсир ўтказишга уриниш.
2. Мамлакат аҳолисига нотўғри маълумот бериш (давлат ва ҳукумат раҳбарларига нисбатан ишончсизликни уйғотиш, давлат сиёсатининг айрим йўналишларига норозилик кайфиятларини туғдириш, расмий тарғибот ва ахборот манбалари ва каналларига ишончни йўқотиш).
3. Фуқароларга психологик босим ўтказишга уриниш (Мишишлар тарқатиш, носоғлом кайфият туғдириш, турли ижтимоий гуруҳлар орасида душманона кайфиятларни – миллатчилик, расизм, диний экстремизм ва фанатизм уйғотиш).

Қуролли кучларда бу ўз ичига назарий, ташкилий ва моддий-техникавий тадбирларни қамраб олади. Армия, флот ва ҳарбий-ҳаво кучларида мазкур масалалар билан шуғулланувчи офицер лавозимлари жорий этилди. 1995 йил охирида Пентагон 1994-1995 йилларда ўндан ортиқ маҳфий равишда ўтказилган штаб ўйинларининг натижаларини умумлаштирги. Энг асосийси, АҚШ қуролли кучлари ракета-ядровий ва космик

дастурларга қараганда ахборот технологияларига катта маблағ сарфлаш орқали интенсив суръатларда Ахборот Қуроли билан таъминланмоқдалар.

Давлат информацион сиёсати ички бозорни ахборот қуроли яширин элементларининг кириб келишидан муҳофаза қилувчи ўз информацион технологияларини ривожлантиришга йўналтирилган протекционистик бўлишини талаб этади. Бу хорижий давлатлардан информацион воситаларининг катта миқдорда сотиб олиниши ҳамда уларнинг нафақат хусусий сектор, балки давлат муассасаларида қўлланилиши масалалари билан ҳам боғлиқ.

Махсус хизматларда ўзига хос равишда интенсив ишлар олиб борилмоқда. Миллий хафвсизлик агентлиги компьютер ва компьютер тизимларининг тасодифан «касалланиш» методикасини ҳамда компьютер вируслари ва мантикий бомбалар учун турли хил «кириб қолиш» схемаларини ишлаб чиқади. МРБда икки дастур бўйича фаолият олиб борилади. Уларнинг биринчиси, «Чипинг» - тинчлик даврида ҳарбий-саноат комплекси тизимларига керакли вақтда киритилиши назарда тутилган мантикий бомба ва вирусларни ёйишни назарда тутади.

Иккинчи дастур – мудофаа корхоналарида фаолият кўрсатадиган дастурчиларга нисбатан таъсир усусларни ишлаб чиқиш ва бу орқали кризис вазиятларда ушбу мутахассисларни мазкур корхоналар ахборот тизимларига мантикий бомба ва вирусларни сингдиришга жалб этишни назарда тутади.

АҚШнинг миллий миқёсда ахборот урушига тайёргарлик кўриши «миллий информацион инфратузилмани такомиллаштириш» масаласи билан боғлиқ. Бу эса, оммавий информацион-банк тизимининг барча электрон воситалари, алоқа, транспорт, энергетика, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳа тизимларини тартибга солиш орқали амалга оширилади.

АҚШда ахборот қуролининг турли тизимлари яратилган ва амалиётга татбиқ этилган. Ушбу тизимларни максади ва соҳалари (объект) бўйича қўйидаги З турга ёки синфларга ажратиш мумкин:

1. Давлат бошқаруви ва ҳарбий объекtlар, саноат, транспорт, алоқа, энергетика, банклар ва бошқа муассасаларнинг фаолиятини таъминловчи ахборот тизимлари ва тармоқларини ишдан ва издан чиқарувчи ахборот қуроллари.

2. Инсонлар руҳиятига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг ҳатти-ҳаракатларини бошқариш имконини берувчи ахборот қуроллари. Форс кўрфази урушидан кейин Пентагон илмийтадқиқот марказларида осмонда мусулмон валийлари голографик тасвирини яратувчи воситалар ишлаб чиқарилган: «са-

модан туриб улар ўз диндошларини қаршилик кўрсатиш бе-фойда эканлигига ундейдилар».

3. Радиоэлектрон босими – бу электромагнит ва инфрацизил тўлқинлар таъсири орқали душманинг электрон воситалари фаолиятини бузиш ёки унга тўскинлик қилишга қаратилган радиоэлектрон кураш тури.

Компьютер тизимларини «Ахборот қуроллари»дан муҳофаза қилиш - ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида янги йўналиш ҳисобланади. Ушбу масала сўнгги пайтларда хорижий давлатларда «информацион уруш» олиб бориш концепциялари ишлаб чиқилаётгандиги ҳақидаги маълумотлар сонининг ортиб бораётгандиги сабабли тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда «Ахборот қуроли» давлат ахборот хавфсизлигига амалда асосий таҳдидлардан бири саналади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим масалалари қўйидагилардан иборат:

- ♦ эркин ахборот олиш эҳтиёжи билан ахборотни тарқатиш борасида чегаралаш ўртасида зарурий мувозанатни таъминлаш;
- ♦ глобал ахборот маконида мамлакат миллий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида ахборот тизимини такомиллаштириш, янги ахборот технологиялари ривожини тезлатиш ва уларни оммалаштириш, излаш, ийфиш, сақлаш, қайта ишлаш ва ахборотни таҳлил қилиш воситаларини умумлаштириш;
- ♦ тегишли норматив-хуқуқий асосни яратиш.

Экспертларнинг фикрича, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида қўйидаги вазифаларни ҳал этишга эътиборни қаратиш керак бўлади:

- ♦ ахборот олиш борасида фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинликларига риоя этиш;
- ♦ миллий-маънавий кадриятларни муҳофаза қилиш;
- ♦ миллий-маданий меърос, ахлоқ меъёрлари ва ижтимоий қадриятларни тарғиб қилиш;
- ♦ ишончли ахборот олиш борасида фуқаролар хуқуқларини таъминлаш;
- ♦ мамлакат замонавий информацион-телекоммуникацион инфратузилмасини ривожлантириш.

Ахборотни самарали муҳофаза қилиш учун қўйидаги комплекс вазифаларни ҳал этиш имконини берувчи ривожланган методологик асосни ташкил этиш талаб қилинади:

- ♦ ахборот хавфсизлиги учун жавобгар органлар тизими-ни яратиш;
- ♦ ахборот хавфсизлигини таъминловчи назарий-методологик асосларни ишлаб чиқиш;

- ахборотни муҳофаза қилиш ва уни автоматлаштириш бошқаруви масаласини ҳал этиш;
 - ◆ ахборот хавфсизлигини таъминловчи масалалар ечи-мини белгилаб берувчи норматив-хуқуқий асосларни яратиш;
 - ◆ ахборотни муҳофаза этиш воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;
 - ◆ ахборотни муҳофаза қилувчи мутахассислар малакасини ошириш бўйича тавсия тайёрлаш;
 - ◆ ахборот технологиялари хавфсизлигини таъминлашнинг норматив-методик асосини тайёрлаш.

6.2. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг информацион-психологик ва ташкилий-техник жиҳатлари

«Информацион-психологик уруш» атамаси сиёсий соҳага АҚШ ҳарбий доиралари лугати орқали кириб келди. Мазкур атаманинг («information and psychological warfire») сўзма-сўз таржимаси инглиз тилидан олинган бўлиб, муайян расмий хужжат ёки илмий мақоладан келиб чиқсан ҳолда «информацион рақобат» ёки «информацион ва психологик уруш» деб таржима қилинади. Ушбу тушунчаларнинг маънолари бир хил бўлишига қарамасдан, россиялик олимлар орасида иккига - «информацион рақобат» ва «информацион уруш» тарафдорларига бўлиниш кўзга ташланмоқда.

«Информацион психологик уруш» атамасини муомалага киритар эканлар америкалик ҳам ҳарбий, ҳам ноҳарбий олимлар қисқа муддатли, бугунги кун манфаатлари билан эмас, балки яқин истиқбол манфаатларига йўналтирилган, Америка маданиятига хос бўлган прагматик мафкура анъаналарига риоя этадилар: «ахборот уруши» атамасини қўллар эканлар, улар хукумат доираларида ва жамият онгига муносабатларнинг ушбу шакллари истиқболда ривожланиб, самарали бўлиши, ҳамда анъанавий қуролли қарама-қаршиликни умуман сиқиб чиқарини назарда тутадилар.

Америка мутахассислари фикрига кўра, улар одам психологиясини шунчалик яхши тадқиқ этиб уни бошқаришни ўргандиларки, сўзсиз буйсунишни таъминлаш учун уларга энди «қаттиқ» кучни - армия ва полицияни ишлатишнинг ҳожати қолмади. Бўсундиришнинг худди шу усуллари бошқа ижтимоий тизимга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Уларнинг фикрича, агар ижтимоий тизим «ўз хоҳишига биноан» бўйсунишни истамаса, улар маҳфий информацион-психологик таъсир кўрсатувчи замонавий комплекс технологиялари ёрдамида мажбурлашлари мумкин, бунда бўйсунмаётган ижтимоий тизим учун

бундай қарама-қашилик натижаси урушда мағлуб бўлиш маъненинг англашади.

Россиялик эксперталар фикрича, америкаликлардаги информацион уруш мажароли ижтимоий-сиёсий муносабатлар ривожланишнинг замонавий фазасини англатувчи термин сифатида эмас, балки ташқи сиёсатнинг шаклланиш вектори, сиёсий курсни белгилаб олиш дастури ҳамда сиёсий бошқарув инструментлари эволюциясининг якуний мақсади сифатида ифодаланади. Шу боис, рус олимларининг замонавий информацион-сиёсий конфликтларни «информацион уруш» ёки «информацион қарама-қаршилик» атамаларини кўллаш мақсадга мувофиқлиги борасида олиб бораётган қизғин баҳслари, фикримизча, фан учун аҳамиятли бўлган натижаларга олиб келмайди.

Жамият фикрига мақсадли таъсир ўтказишга қаратилган сиёсат халқ оммаси руҳиятини, реал воқеликни билишни талаб этади. Шу боис, бир тарафдан, информацион-психологик таъсирни назорат остида бўлган барча каналлар орқали, иккинчидан эса, ижтимоий фикрни ҳар тарафлама ўрганиш керак бўлади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифалари:

- ◆ ахборот хавфсизлигига таҳдид манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш;
- ◆ ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш.

Қадриятларни тарғиб этишнинг анъанавий тарғиботи гарб журналистикасида «тарғиботнинг етти усули» остида маълум: «ёрлиқлар илиш» (name calling), «ёрқин мавҳумлик» (glittering generality), «гувоҳ беришлиқ» (testimonial), «ўз шерикларимиз» (plain folks), «умумий вагон» (band wagon), «нотӯғри талқин» (card stacking), «кўчириш» (transfer).

Информацион-психологик урушнинг асосий тамойиллари куйидагиларда намоён этилади:

1. Информацион ассимметрик тамойилини кўллаш, душман ахборот обьектлари яқинида ассимметрик қурол учун заиф бўлган янги ассимметрик хусусиятларга эга ахборот макони тизимини юзага келтириш.

2. Информацион-психологик таъсирни амалга оширишда яширинлик ва анонимлик, уларни «бегона байроқ остида» ҳамда ахборот маконининг исталган нуқтасидан амалга ошира олиш имконияти.

3. Кенг доираларда бошқарилувчи информацион таъсир бир-бирига оҳиста ўтиши, уларни амалга ошириш интенсивлиги ва давомийлиги: «шок», «зарба», «қамал»дан тортиб оҳиста кечувчи, латент, узоқ йиллар мобайнида оз-оздан таъсир кўрса-тишга мўлжалланган ахборотни бошқариш.

4. Вақт ва маконда юқори даражада мувофиқлаштирилувчи таъсир курсатишнинг кўп аспектлилиги ва кўп обьектлилиги. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига ахборот тизимлари ва технологиялари «таъсири»нинг ортиб бориши турли соҳалар, жараёнлар, мамлакатлар, обьектлар, гуруҳлар, шахсларга таъсир кўрсатиш учун тегишли равишда қабул қилинган алгоритмга информацион таъсирни «тизимга солиш», «таъсир курсатиш кўлами»нинг босқичма-босқич ва турли йўналишларда амалга ошириш имкониятини яратиб беради.

5. «Кичкина» информацион таъсир кўрсатиш орқали якунида «катта» натижаларни қўлга киритиш қобилияти. Тенденцияларни аниқлаш ҳамда фақат кечеётган жараёнларни эмас, балки улардан олдин юзага келувчи ўзгаришларни (тенденциялар) бошқариш имкониятини берувчи юқори даражада вазият ривожини моделлаштиришда информацион-психологик урушда иштирок этувчи давлатлар кичик ҳажмдаги сарф-харажатлар билан бошқарувчан таъсир кўрсатиш қобилиятига эгалар.

6. Ушлаб туриш функцияларини информацион соҳага ўтка-зиш. Дунёдаги етакчи давлатлар ушлаб туриш функцияларини амалга оширишда превентив фаолиятга таянадилар. Информацион устунликка эришиш бунинг учун асос ва керакли бўлган шарт-шароитларни яратиб беради. Жаҳонда ядро қуролсизла-нишига эришилган тақдирда информацион устунлик жаҳон хав-фсизлигини, жумладан куч аспектида ҳам етакчиликни ушлаб турувчи ва таъминлаб берувчи асосий механизм бўлиб қолиши мумкин.

7. Информатизациялашиш куч жиҳатдан (ҳарбий) хатти-ҳара-катларнинг самарадорлигини оширишда асосий захира ҳисобланади. Америкалик мутахассисларнинг фикрига кўра, анъана-вий қуроллар тизими қиймати аксарият мамлакатлар томонидан эришиб бўлинган «амалий жиҳатдан ривожланган нуқтаси»га эга-лиги юқоридаги фикрлар исботи сифатида қаралиши мумкин.

8. Информацион таъсир доирасига тушиб қолган соҳада бекарорликни юзага келтириш ҳамда келгусида керакли нати-жалар олиш тамойилларидан бири сифатида уни бошқариш (ёки ундан фойдаланиш).

Ҳозирги босқичда информацияни муҳофаза қилиш бора-сида давлат сиёсатининг йўналишларига қуидагилар киради:

1. Информацияни муҳофаза қилиш борасида фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш.

2. Техник айғоқчилик ва техник каналлар орқали инфомация чиқиб кетишининг олдини олувчи Давлат муҳофаза тизимини ривожлостириш.

3. Информацияни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этувчи, бошқариш принцип ва услубларини ҳамда бу соҳада давлат тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштиришга қаратилган концептуал ёндашув ва стратегияларни тақомиллаштириш.

4. Информацион қуролларнинг янги турлари, айғоқчиликнинг техник воситалари, уларни кўллаш усуллари ва оқибатларини таҳлил этиш ва башорат бериш, ушбу таҳдидларга мутаносиб ва аввалдан ҳаракат чоралари ва воситаларини ишлаб чиқиши.

5. Миллий информацион технологиялари, тизим ва воситалари, дастурий таъминотни ривожлантириш ва кўллаш, уларнинг хавфсизлиги, ишончлилиги, ҳаётйлиги, ҳимояланганлигини таъминлаш.

6. Информацияни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаштириш ҳамда информацияни муҳофаза қилиш воситаларини сертификациялаштиришни тақомиллаштириш.

7. Ахборотни муҳофаза қилиш тизим ва воситаларини ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини назорат қилиш.

8. Ахборотни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритувчи кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш.

9. "Internet" сингари ҳалқаро алоқа тармоғи орқали давлат ахборот тизимларига ҳамда ҳарбий ва фуқаровий мақсадлардаги ёпиқ компьютер тармоқларига четдан кириш имкониятларини бартараф этувчи чора-тадбирларни амалга ошириш.

Қуйидагилар информацион хавфсизлик тизимнинг асосий вазифалари бўлиши мумкин:

- Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, гуманитар, информацион, экологик, физиологик ва кишилик фаолиятининг бошқа соҳалардаги шахс ва жамият манбаатларни муҳофаза қилишга ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган хавфсизликнинг ижтимоий тузилмасининг шаклланишида иштирок этиш;

- Турли соҳаларда хавфсизлик масалаларини ҳал этишга йўналтирилган мавжуд иқтисодий ва ижтимоий субъектларнинг хавфсизликнинг ижтимоий тизимини ривожлантириш ҳамда ўзаро манбаатдорлик асосида унга интеграциялашув мақсадида ҳокимият органлари ва давлат бошқарувининг оммавий ахборот воситалари, конфессионал ўюшмалар, ижтимоий ва давлат органлари ва идоралари билан ҳамкорлиги;

- Фуқаровий тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришиш, соғлом маънавий-маърифий муҳитга, жамиятнинг ҳар бир вакили онгини оширишга, ижодкорликка, ташаббускорлигига йўналтирилган ижтимоий тафаккурни шакллантириш;
- Салбий ҳолатлар: коррупция, жиноятчилик, маънавий оғишлар ва ш.к.га қарши курашиш;
- Илмий салоҳият, фондлар, ассоциациялар, ноформал ташкилотлар ва ш.к.ларни жалб этган ҳолда ижтимоий хавф-сизлик концепция ва моделларини ишлаб чиқиш.

Информацион ресурслар - муайян ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг маълум мажмуи, ахборот тизимларидағи ҳужжатлар ва ҳужжатлар мажмуи (кутубхоналарда, архивларда, фондларда, ахборот мажмуиларида ва б.).

Информацион ресурслар ҳам давлатга тегишли бўлиши, ҳам нодавлат, яъни давлатга тегишли бўлмаслиги мумкин ва мулкнинг таркибий элементи сифатида фуқаролар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар ва ижтимоий уюшмалар ихтиёрида бўлади. Информацион ресурсларга эгалик ҳуқуқи тегишли фуқаровий қонунчилик орқали белгиланади.

Информацион жарёнлар - ахборотни йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш, излаш ва тарқатиш жараёнлари.

Информацион тизим - ҳужжатлар (ҳужжатлар тўплами) ва ахборот технологиялари мажмунининг, жумладан информацион жараёнларни амалга оширувчи ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларини қўллаган ҳолда тартибли тизимга солинганлиги.

Информатизация - информацион ресурсларни шакллантириш ва қўллаш асосида фуқаролар, давлат ҳокимияти органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, ташкилотлар, ижтимоий уюшмаларнинг информацион эҳтиёжларини қондириш ва ҳуқуқларини амалга оширишнинг оптимал шарт-шароитларини яратувчи ижтимоий-иктисодий ва илмий-техникавий ташкилий жараён.

Фуқаролар ҳақида ахборот (шахсий маълумотлар) - шахсни ўрганишга имкон берувчи унинг ҳаётидаги фактлар, воқеалар ва вазиятлар ҳақидаги маълумотлар.

Ҳужжатлаштирилган маълумот (ҳужжат) - моддий ташувчилярдаги уни аниқлаш имкониятини берувчи реквизитларга эга қайд этилган информация.

Информацион ресурслар, информацион тизимлар, технологиилар, уларни таъминловчи воситалар эгаси - мазкур объектларга эга ва улардан фойдаланувчи ҳамда қонун томонидан

белгилаб берилган асосда ўз ваколатларини амалга оширувчи субъект.

Информацияни истеъмол этувчи - зарур информацийни олиш ва ундан фойдаланиш мақсадида информацион тизим ёки воситачига мурожаат қилувчи субъект.

Субъектларнинг ягона ахборот маконидаги ўзаро ҳамкорлиги ҳуқуқий жиҳатлари билан бирга ахборотни ҳимоя қилишда ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга ошириш тақозо қилинади. Мазкур чора-тадбирлар ўз ичига қуидагиларни қабул қиласди:

- ♦ ахборотнинг чиқиб кетиши, йўқотилиши ёки қалбакилаштирилишининг олдини олиш;
- ♦ шахс, жамият, давлат ахборот хавфсизлигига таҳдидларни бартараф қилиш;
- ♦ ахборотни ноқонуний равишда йўқотиш, модификациялаш, ўзгартириш, нусха кўчириш, тўсиб қўйишнинг олдини олиш;
- ♦ ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига турли шаклда ноқонуний аралашибининг олдини олиш, ахборот ва ҳужжатларнинг хусусий обьект сифатида ҳуқуқий режимини таъминлаш;
- ♦ фуқароларнинг шахсий сирларини сақлаш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини ҳамда ахборот тизимларида мавжуд шахсларга оид махфий шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш;
- ♦ ҳужжатлаширилган ахборотнинг махфийлигини, яширинлигини сақлаш;
- ♦ ягона ахборот маконини яратишда қўлланилиши мумкин бўлган яратиладиган ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган восита ва тизимларни сертификациялаш;
- ♦ ахборот хавфсизлиги хизматини яратиш учун кадрларни тайёрлаш ва уларни ўқитиш;
- ♦ ахборот хавфсизлиги масалалари ҳамда ягона ахборот маконини ишлаб чиқиш ва яратишда иштирок этувчи ахборот-таҳлилий ташкилотлар бўйича ахборот-маълумот фондини яратиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Андреев Э.М., Миронов А.В. Социальные проблемы интеллектуальной уязвимости и информационной безопасности /Э.М.Андреев, А.В.Миронов // Социально-гуманитарные знания. – Москва, 2000. - №4. – С.169-179.
2. Гrimak L. Информациология гипноза // Прикладная психология и психоанализ. – Москва, 2000. - №2. - С.5-14.
3. Егоров А. Это должен знать каждый. Негативное информационно-психологическое воздействие // Журнал прикладной психологии. – Москва, 2002. - № 3. – С.52-55.

4. К вопросу о содержании показателей информационной безопасности/ А.Г. Остапенко, В.Г. Кулаков, А.Б. Андреев, С.И. Панарин / / Региональный вестник «Информация и безопасность». – Воронеж, 1998. - Вып. 3. - С.73-75.

5. Крюкова Э.П. О проблемах свободы слова и информационной безопасности // Управление защитой информации. – Москва, 2001. – Том 5. №2. - С.215-222.

6. Остапенко А.Г., Пентюхов В.В. Триединая задача обеспечения информационной безопасности // Региональный вестник «Информация и безопасность». – Воронеж, 1998. - Вып. 1. - С.73-75.

7. Силин А. Телевидение без берегов: Влияние телевидения на личность человека // Новый мир. – Москва, 1996. - №1. – С. 227-232.

8. Эпштейн М. Информационный взрыв и травма постмодерна / / Звезда. – Москва, 1999. - № 11. – С.216-227.

Тестлар:

1. «Информация» - бу:

а) «хабар»; «вазиятнинг ҳолати ёки бирор-бир шахснинг фаолияти, бирор-бир нарса ҳақида маълум қилувчи хабар»

б) кибернетиканинг асосий тушунчаларидан бири бўлиб, кўрсаткичлар, маълумотлар, хабарларнинг мажмуи ва ҳ. қ.

в) тасаввурнинг шаклига қарамасдан шахслар, воқеалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар

г) жавобларнинг барчаси тўғри

2. «Атрофдаги фаолиятни акс эттирувчи информацион ресурсни шакллантириш», «уларни ташки ва ички зиён етказувчи таҳдидлардан муҳофаза қилиш» ҳамда «ташки муҳит билан хавфсиз ва самарали ахборот алмашувини ташкил этиш» - бу:

а) информациянинг З зарурий белгилари

б) ахборот тизимининг вазифалари

в) доимий равишдаги ахборот оқими

г) ахборот хавфсизлиги аломатлари

3. Фуқаро, ташкилот, давлат манбаатларини шакллантириш, қўллаш ва ривожлантаришишни таъминловчи жамият ахборот муҳитининг ҳимояланган ҳолати – бу:

а) информацион хавфсизлик

б) информацион таҳдид

в) информацийий тизим

г) информацион хатар (вызов)

4. Таърифда тушириб қолдирилган жумлани топинг: «Информацион хавфсизлик - бу информациянинг тўлиқсизлиги, ўз вақтида эмаслиги ва ишончсизлиги, ҳамда натижасида юзага келувчи зарарни минимал даражага туширувчи шахс, жамият ва давлат ҳәётий мухим миллий манфаатларининг ҳимояланганлик даражаси.

- а) тегишли вақтда, тегишли равишда узатиш
- б) ахборотни санкциялаштирилмаган ҳолда тарқатиш
- в) ташқи хатарнинг ўз вақтида олди олинмаганлиги
- г) ахборот ресурслари етарли даражада таъминланмаганлиги

5. «Ахборот уруши» атамаси биринчи маротаба АҚШ ҳарбий доираларида нечанчи йилдан қўлланила бошланди?

- а) 1947 йилдан
- б) 1951 йилдан
- в) 1991 йилдан
- г) 1995 йилдан

6. Ахборот урушининг мақсадлари қайси бандларда тўғри кўрсатиб берилган:

- а) соғ мафкуравий таъсир ўтказишга уриниш. Мамлакат ахолисига нотўғри маълумот бериш. Фуқароларга психологик босим ўтказишга уриниш.
- б) давлат ва ҳукumat раҳбарларига ишончсизлик уйғотиш, давлат сиёсатининг айрим йўналишларига норозилик кайфиятларини туғдириш, расмий тарғибот ва ахборот манбалари ва каналларига ишончни йўқотиш
- в) миш-мишларни тарқатиш, носоғлом кайфият туғдириш, турли ижтимоий гурӯхлар орасида душманона кайфиятларни – миллатчилик, расизм, диний экстремизм ва фанатизмни юзага келтириш
- г) давлат ва ҳукumat раҳбарларига ишончсизлик уйғотиш, носоғлом кайфият туғдириш, расмий тарғибот ва ахборот манбалари ва каналларига ишончни йўқотиш

7. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий вазифаларини кўрсатиб беринг

- а) ахборот хавфсизлигига таҳдид манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш
- б) ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш

- в) түгри жавоблар а) ва б) бандларида берилган
- г) түгри жавоблар йўқ

8. Куйида келтирилган бандларнинг қайси бири «Информацияни муҳофаза қилиш борасида давлат сиёсатининг йўналишлари»га кирмайди?

а) техник айғоқчилик ва техник каналлар орқали информация чиқиб кетишининг олдини олувчи Давлат муҳофаза тизимини ривожлостириши.

б) ахборотни муҳофаза қилиш тизим ва воситаларини ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини назорат қилиш.

в) тарғибот-ташвиқот жараёнини техник воситалар билан таъминлаш

г) информацион қуролларнинг янги турлари, айғоқчиликнинг техник воситалари, уларни кўллаш усуллари ва оқибатларини таҳдил этиш ва башорат бериш, ушбу таҳдидларга мутаносиб ва аввалдан ҳаракат чоралари ва воситаларини ишлаб чиқиш.

9. Информацион ресурслар – бу:

- а) ахборот билан ишловчи муайян компютерлар тизими
- б) муайян ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг маълум мажмуи, ахборот тизимларидағи ҳужжатлар ва ҳужжатлар мажмуи
- в) ахборотни узатиш ва қабул қилиш воситалари
- г) ахборотни сақловчи техник жиҳозлар

10. Информацион жарёnlар – бу:

- а) ахборотни йиғиши, қайта ишлаш, сақлаш, излаш ва тарқатиш жараёнлари
- б) халққа таъсир кўрсатиш мақсадида ахборот босимини амалга ошириш жараёни
- в) давлат ва халқ орасида муносабатлар тизими
- г) ахборот билан ишловчи муайян компютерлар тизими

Топшириқлар:

1. «Сиёсий мұхитда күч әмас, балки ахборот омили тобора катта ақамият касб эта бошлади», жумласини Сиз қандай шархлайсиз. Сиёсатда ахборот омилига мисоллар келтириңг.

2. «Информацион хатар», «информацион таҳдид», «информацион хавф», «информацион хавфсизлик» тушунчаларига берилган таърифларни кўриб чиқинг. Уларнинг фарқли ва ўзига хос жиҳатларини дафтарингизга қайд қилинг.

3. «Ахборот хавфсизлиги – шахс, жамият ва давлат ҳаётий мұхим миллій манбаатларининг бириңчидан, ахборотнинг түлиқсиз, кечиккан ва ишончсизлиги ё салбий ахборот таъсирида, иккинчидан, ахборот технологияларининг салбий фаолияти, учинчидан, ахборотнинг рухсатсиз тарқатилиши натижасыда етказилиши мүмкін бўлган зарап кўламини минимал даражага тушириш орқали ҳимояланганлик даражаси ҳолати» жумласини изоҳланг. «Ахборотнинг түлиқсиз, кечиккан ва ишончсизлиги»ни қандай аниқлаш мүмкин?

4. «Информацион уруш – миллій стратегия манбаатлари йўлида ахборот устунлигига эришишга қаратилган ҳамда бир вақтнинг ўзида ўз ахбороти ва ахборот тизимларини ҳимояланган ҳолда рақиб ахбороти ва ахборот тизимларига таъсир кўрсатиш йўллари орқали амалга ошириладиган ҳаракат» жумласини Сиз қандай тушунасиз? Фикрингизни асослашга ҳаракат қилинг.

5. Қонунда белгиланган «махфийлик» ва «ахборот олиш ҳуқуқи» ўртасидаги мутаносиблик қандай бўлиши лозим? Мутахассисларнинг «Глобаллашув шароитида ахборот хавфсизлигини таъминлаш жуда мушкул ёки деярли мүмкин эмас», деган фикрларига Сиз қандай қарайсиз?

6. Ахборот хавфсизлиги концептуал моделининг компонентларини қўллаган ҳолда бирор бир мисол ёрдамида ахборот хавфсизлиги моделини яратинг.

7. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мұхим масалалари ва вазифаларини ўрганиб чиқинг ва уларнинг асосий жиҳатларини конспект қилиб олинг. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг асосий жиҳатларини бирор-бир давлат мисолида кўриб чиқинг.

8. ««Информацион психологик уруш» ... бугунги кун манбаатлари билан эмас, балки яқин истиқбол манбаатларига йўналтирилган ... ҳукумат доираларида ва жамият онгига муносабатларнинг ушбу шакллари истиқболда ривожланиб, самарали бўлиши, ҳамда анъанавий қуролли қарама-қаршиликни умуман сиқиб чиқаришини назарда тутилади» жумласига бирор-бир амалиётдан мисол келтиринг.

9. Информацияни муҳофаза қилиш борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ўзлаштириб олинг.

Тест жавоблари:

- | | | | | | | | | | |
|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|------------|
| 1. | 2. | 3. | 4. | 5. | 6. | 7. | 8. | 9. | 10. |
| г) | б) | а) | б) | в) | а) | в) | в) | б) | а) |

III БҮЛІМ. МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК

7-мавзу. Минтақавиный хавфсизликнинг асосий жиҳатлари

Таянч атамалар:

минтақа, минтақавильташув, регионализм, минтақавиный хавфсизлик, минтақавиный хавфсизлик тизими, минтақавиный хавфсизликнинг объекті ва субъектлари

- 7.1. Минтақавиный хавфсизликнинг назарий масалалари**
- 7.2. Хавфсизликнинг минтақавильташуві**
- 7.3. Минтақавиный хавфсизлик түшүнчесі**
- 7.4. Минтақавиный хавфсизлик тизими**

7.1. Минтақавиный хавфсизликнинг назарий масалалари

Хозирги замон халқаро муносабаттарынинг мазмун ва мөхиятини белгилашда қуидаги уч омилнинг ўрни мұхым: глобаллашув, минтақавильташув ва миллиатчилик. Ушбу тенденциялар давлатлараро муносабаттарын деярли барча жиһаттарига ўз таъсирини күрсатмоқда. Мазкур бўлим халқаро ҳамжамиятнинг энг мұхим аъзолари – суверен давлатлар хавфсизлигини таъминлашда - минтақавиий жараёнлар, минтақавиный хавфсизлик ҳамда минтақавиий механизmlар фаолиятига бағишиланади.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, постбиполяр дунёда минтақаның давлатлараро муносабаттарда конфликт ва ҳамкорлик, хавфсизлик тадқиқотларида - хавфсизликнинг мұхим таҳлил дарајаси сифатидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Ушбу фикрнинг тасдиғи сифатида, XX асрнинг иккінчи ярмидан бошлаб, асосий мезони минтақавиий ёндашув бўлган қатор хавфсизлик концепцияларининг вужудга келганини таъкидлаш мумкин. Ҳусусан, «хавфсизлик режимі» («security regime»), «хавфсизлик комплексі» («security complex»), «хавфсизлик ҳамжамияти» («security community») каби назарияларнинг барчасида давлат хавфсизлиги минтақа ва минтақавиий жараёнлар асосида талқин этилади.

Маълумки, муайян илмий муаммони ўрганишда унинг асосий категорияларини билиш ва улар мөхиятини англаб етиш мұхим назарий-методологияк асос бўлиб хизмат қиласади. Минтақа, минтақавильташув ва регионализм (минтақачилик) – минтақавиный хавфсизлик ҳодисасини тадқиқ этишда бирламчи аҳамият касб этувчи категориялар, билимлар сирасига киради.

Минтақа түшүнчесі

Минтақа – бу географик, табиий, иқтисодий, цивилизациявий ва бошқа ҳусусиятларга эга бўлган ер шарининг муайян

бир қисмини ташкил этувчи макондир. Ушбу жиҳатлар минтақа-нинг фундаментал хусусиятлари бўлиб, улар минтақа давлатларининг ўзаро фаол алоқалари натижасида намоён бўлади.

«Минтақа» тушунчасини таҳлил этишда унинг «макон» тушунчаси билан ўзаро мутаносиблигига тұхталиб ўтиш лозим. Агар минтақа худудий ва табиий конструкция бўлса, макон мазкур тузилмани ташкил этувчи обьектларнинг ўзаро жойлашувини белгилаб берувчи тушунча ҳисобланади. Макон ва минтақа алоқадорлигининг муҳим элементи, мантикий боғловчиси - масофадир. Давлатлар ўзаро жойлашувининг – оралиғи - узоқ ва яқинлигини белгилаб берувчи масофа омили улар алоқадорлиги ва муносабатларининг даража ва сифатини белгилаб берувчи муҳим кўрсаткич вазифасини бажаради.

Ушбу ўринда давлатларнинг географик яқинлиги уларнинг ўзаро муносабатларида икки хил маъно касб этиши мумкинлигини алоҳида қайд қилиб ўтиш лозим. Бир томондан, географик яқинлик кўшни давлат билан ўзаро фойдалы савдо-иктисодий, маданий, гуманитар ва бошқа алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантариш имкониятини беради. Иккинчи томондан, географик яқинлик, худуд ва чегара билан боғлиқ муайян муаммоли вазиятнинг мавжудлиги боис, конфликтни «юзага келтирувчи шарт-шароит» сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Муайян минтақа давлатлари учун яқинлик омилиниң ёрқин ифодаси француз олими Р. Ароннинг «Халқлар ўртасидаги тинчлик ва уруш» номли фундаментал асарида ифода этилган. Муаллиф Лотин Америкаси мамлакатларига Куба инқилоби таъсирини таҳлил қиласа экан, нима сабабдан Лотин Америкасида Хитой инқилобидан кейин эмас, балки Куба инқилобидан сўнг «ер зирқираган» деган саволга жавоб қидиради. «Бунинг сабаблари содда ва дунё каби қадимдир, - деб ёзади Р. Арон, - на транспортнинг янги воситалари, на янги қирғин куроллари инсониятнинг масофани ҳис этиши, тарихий қариндошлиқ ва маконий яқинликни йўқ қила олмади ... Узоқда, бошқа ирқ ва киллари томонидан амалга оширилган инқилоблар бундай иштиёқни юзага келтира олмайди. Эҳтимол, инсоният ягона ҳисоблансада, бироқ, халқлар ўз ягоналигини англаб етмайдилар. Минтақавий ҳамжамиятлар умуминсоний ҳамжамиятга қараганда анча барқарор бўлиб қолмоқда».

Географик омиллар минтақавий ташкилотлар фаолиятининг халқаро-хуқуқий асосини белгилашда, БМТ - универсал ташкилот тизимида халқаро ва минтақавий манбаатлар мувозанатини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг нодоимий аъзоларини сайлашда «адолатли географик тақсимот» принципи (БМТ Низомининг 23-моддаси) асосий мезон сифатида бел-

гилаб қўйилган. Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилишга оид замонавий мунозараларда унинг доимий ва нодоимий аъзоларини танлашда минтақа бошлангич нуқта сифатида кўрилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, минтақадаги ҳар бир давлат учун мазкур минтақада жойлашган ўзга давлатларнинг ҳулқ-автори ва хатти-ҳаракати (улар хоҳ ҳамкорлик хоҳ антантонистик руҳда бўлсин) уларнинг ташқи ва хавфсизлик сиёсатини шакллантиришда муҳим детерминант ҳисобланади (Ж.Най). Халқаро муносабатлар субъектларининг географик жиҳатдан ўзаро яқинлиги икки томонлама ва кўптомонлама алоқаларни ўрнатиш учун замин яратади. Ўзаро алоқалар ва борди-келдилар қанчалик интенсив бўлса, улар ўртасидаги муносабатлар шунчалик барқарор бўлади. Ўз навбатида, давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги минтақавий хавфсизлик ҳолатини англатади.

Минтақавийлашувнинг мазмуни

Минтақавийлашув - ҳосила тушунча бўлиб, минтақа унинг мазмунини очиб беришда бошлангич нуқта ҳисобланади. Минтақавийлашув тушунчасининг энгнейтрал тавсифи давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари фаолиятининг минтақа даражасида намоён бўлиши тарзида изоҳла ниши мумкин. Минтақавийлашув тушунчасининг мазмуни, одатда, фаолият, ташкиллаштириш, минтақа давлатлари ўзаро алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш билан белгилана ди. Давлатлараро алоқаларнинг муайян соҳаларини минтақа даражасида ихтисослашуви ва муайян тизимга солиниши ҳам минтақавийлашувнинг муҳим жиҳатларини очиб беради.

Минтақавий акторларнинг ўзаро муносабатлари, асосан, уч омилга асосланади: умумий муаммоларни ҳал этиш; умумий таҳдидларга қарши курашиб; умумий манфаатларни ҳимоя қилиш ва амалга ошириш. Охир оқибатда минтақавийлашув минтақа чегараларини шакллантиради, унинг хусусиятлари, алоҳидалиги ва автономлигини мустаҳкамлайди.

Минтақавийлашув - якуний натижа эмас, балки жараён дир. У замонавий халқаро муносабатларнинг объектив тенденцияси бўлиб, минтақа давлатларининг яратувчанлик, тартибга солиш ва ривожланишга қаратилган мақсадли фаолиятини ифодалайди. Минтақавий ташкилотлар, минтақавий мансублик (идентичность), минтақа ҳақидаги билимлар мазкур жараённинг моддий кўриниши сифатида намоён бўлади.

Регионализм - минтақанинг функционал-институционал жиҳатдан намоён бўлиши

Регионализм - минтақавий (умумий) манфаатлар негизида муаммоларни ҳал этиш, мақсад ва вазифаларга эришиш

ҳамда давлатларо ҳамкорлик механизмини шакллантириш ғояси/ёндашувдир. Миллат учун миллатчилик қандай аҳамият касб этса, миңтақа учун регионализм шундай мазмунга эга. Мазкур ўринда регионализм миңтақавий мансублик, яъни инсонларнинг муайян миңтақага мансублиги, шунингдек, тарихи, маданияти, анъаналари, дини ҳамда манфаат, муаммо ва таҳдидларининг умумийлигини англаб этишлари билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилади.

Юқорида қайд қилиб ўтилган омилларнинг биринчи гуруҳини (mansublik omillarini) объектив омиллар, иккинчисини эса ҳосила, яъни бевосита биринчи гуруҳдан келиб чиқувчи миңтақавий омиллар деб баҳолаш мумкин. Ушбу омиллар йигиндиси миңтақа халқларини мазкур миңтақани «ўзлариники» сифатида қабул қилишга оид индивидуал ва колектив онгни шаклланишига ҳисса қўшади. Бошқача айтганда, регионализм – бу турли акторларнинг – индивидлар, халқлар, давлатлар, миңтақавий институтлар, нодавлат ташкилотларнинг муайян фундаментал қадрият ва мезонларнинг умумийлигига рози бўлишидир.

Регионализм – «давлат томонидан амалга оширилувчи лойиҳа»: унинг ғояларини амалга оширувчи асосий иштирокчилар миңтақа давлатлариdir. Регионализм миңтақа манфаатлари негизида иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, жумладан, хавфсизлик муаммоларига ёндашув асосларини барпо этади. Миңтақавий ташкилотлар, давлатлар иттилоғини жорий этиш, умумий бозор ва эркин савдо механизmlарини яратиш ушбу ҳодисанинг институционал тарзда намоён бўлиши ҳисобланади. Уларнинг натижасида «давлат ўзининг монополистик хусусиятини йўқотса ҳам», бу давлат суверенитети ваколатларининг кескин равишда чегараланишига олиб келмайди. Аксинча, регионализм миллий манфаатларнинг миңтақа даражасида (давлат томонидан) амалга оширилиши учун тегишли ташкилий-хукуқий асосни яратади.

Регионализм ҳодисасига муайян парадокс хос. Бир томондан, ривожланиб келаётган аксарият давлатлар айнан миңтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, чукурлаштириш ва миңтақавий интеграцияни мустаҳкамлашни глобаллашув шароитида уларнинг манфаатларини самарали муҳофаза қилиш воситаси сифатида кўрадилар. Бошқача айтганда, регионализм – глобаллашувдан ҳимоя воситасидир. Иккинчи томондан, миңтақавий ҳамкорликни ривожлантириш «Фарб устун бўлган глобаллашув тартиботи, ўзаро таъсир воситаси, сиёсий қарорлар қабул қилиш ва кун тартибини ўрнатиш»да иштирок этишга йўл очиб беради.

Демак, регионализмга «барча миңтақавий муаммо ва таҳдидларга даво» сифатида қарамаслик керак. Бироқ, у ривож-

ланиш ва ички мінтақавий барқарорлыкни таъминлаш салоҳиятига эга. Мінтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш орқали давлатлар мінтақані жаҳон сиёсати обьектидан унинг акторига айлантиришлари ва глобал жараёнларга таъсир кўрсата олиш салоҳиятини оширишлари мумкин. Шу боис ҳам регионализмнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритганда, халқаро ҳаётда глобаллашув билан боғлиқ ва мазкур жараёнга бевосита таъсир кўрсатувчи муқаррар воқеликни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас.

Шундай қилиб, мінтақа – бу икки ўзаро боғлиқ ва бирбирини тўлдирувчи: мінтақавийлашув (жараён) ва регионализм (фоя/қараш/натижа) ҳодисалари учун ўзига хос материя ҳисобланади. Мінтақавийлашув мінтақанинг шаклланишига ва чегараларининг белгиланишига хизмат қилса, регионализм – мінтақавий ҳамкорликнинг институционал ва ҳукукий асослари яратилганинги англатади.

7.2. Хавфсизликнинг мінтақавийлашуви

Хавфсизликнинг мінтақавийлашуви – ҳозирги замон халқаро муносабатларининг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб, миллий хавфсизликнинг барқарор (томир отиб улгурган) чегараларининг «емирилиши» ҳамда халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлашда мінтақа ва мінтақавий хавфсизликни макон ва хавфсизлик даражаси сифатидаги аҳамиятини ўсиб бораётганинги кўрсатувчи ҳолат. Мазкур тенденция хавфсизликнинг анъанавий талқини, уни таъминлашнинг услугуб ва воситалари тўғрисидаги қарашларни моҳиятан ўзгаришига ҳамда мінтақавий хавфсизликни суверен давлатлар барқарорлигини таъминлашнинг муқаррар босқичи эканлигини англаб етишга турткি берди.

XX асрнинг 60-йилларида Осиё ва Африкада янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ҳамда улар ўртасида ҳудудий, миллатлараро конфликтларнинг вужудга келиши, ўз навбатида, ушбу қарама-қаршиликларни бартараф этувчи мінтақавий механизmlарни яратиш заруриятини белгилади. Мінтақа давлатлари мавжуд муаммоларни ҳал этишда «Африка муаммоларига – африкача ечим», яъни «мінтақавий муаммоларга – мінтақавий ечим» тамойили асосида ҳаракат қила бошладилар.

Икки кутбли тизимнинг барҳам топиши қудратли давлатларнинг мінтақавий жараёнларга «Қизиқиши»ни нисбатан камайтирди. Икки мағкуравий тизим қарама-қарши турган пайтда мінтақа уларнинг миллий манбаатларини амалга оширишда плацдарм/арена сифатида керак эди. Шу билан бирга, қудратли давлатлар манбаатлари кўламининг торайиши мінтақавий давлатлар салоҳиятини ортишига, уларнинг нисбатан мустақил

сиёсат олиб боришиларига имкон яратди. Минтақавий сиёсат-нинг кун тартибини белгилашда минтақа давлатлари манфаатлари ва регионализм тоғасы йўналтирувчи роль ўйнай бошлади.

«Совуқ уруш»дан кейинги давр ҳалқаро ҳаётнинг борган сайин регионализм ва институционаллашув фойдасига ўзгараётганидан далолат бермоқда. «Бизнинг глобал қўшничилигимиз» маърузасининг муаллифлари: «Минтақавий ҳамкорлик бутун дунёда энг кучли интилишлардан бири бўлиб қолмоқда», - деб ёзадилар. Айни пайтда минтақавий ҳамкорликнинг ўсиши билан бир қаторда шунга мутаносиб равишда минтақавий ҳамкорлик соҳаларининг миқёси ва йўналишлари ҳам кенгайиб бормоқда. Хусусан, минтақавий сув ресурсларини самарали тақсимлаш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, чегара ва худуд билан боғлиқ низоларни, миллатлараро ва конфессиялараро можароларни ҳал этиш бундай ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўлиб бормоқда.

Хавфсизликнинг минтақавийлашуви давлатлар ички ишларига «гуманитар аралашув»нинг кучайиши, ички давлат конфликтларининг ўсиб бориши шароитида анъанавий куролли низолар «аҳамияти»нинг пасайиши, шахс хавфсизлиги ўлчамининг кучайиши, икки кутбли дунёнинг барҳам топиши ва шу каби жараёнларнинг натижаси ўлароқ шаклланди. Ушбу тенденциялар, ўз навбатида, регионализм (тоғаси)нинг кучайишига ҳамда замонавий таҳдидларга нисбатан «суверен жавоб»нинг самарасизиги ва аксинча «коллектив (минтақавий) жавоб»га асосланиш заруриятини кун тартибига кўйди.

7.3. Минтақавий хавфсизлик тушунчаси

Минтақавий хавфсизлик нима? Мустақил давлатлар миллий хавфсизлигига эришишга қўмаклашувчи хавфсизлик даражасими ёки хавфсизликнинг автоном тизими? Умуман, хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва тизимлилигини тасдиқлаб, унинг автономлиги ҳақида сўз юритиш қанчалик мақсадга мувофиқ? Тадқиқотчи бирор-бир ижтимоий ҳодисани ўрганишга қўл уриши билан юзага келувчи ушбу одатий ҳолат - дилемма билан тўқнаш келади.

Минтақавий хавфсизлик уч элемент: минтақа, минтақавийлашув ва регионализмнинг органик бирлигини ифодалайди. Бу мавжуд таҳдидларнинг умумийлиги, хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва унинг комплекс хусусиятларини минтақавий давлатлар томонидан тан олинишидир. Шунинг учун минтақавий хавфсизлик минтақа давлатларининг умумий сиёсат олиб боришилари, давлатлараро ҳамкорликни мувофиқлаштиришнинг институционал ва хукукий асосларини яратишга нисбатан эҳтиёж сифатида белгиланади.

Хавфсизлик даражаси нұқтаи-назаридан мінтақавий хавфсизлик – бу миллій ва халқаро хавфсизлик орасыда жойлашған хавфсизлик даражасидір. Ушбу тезис унинг оралиқ ва тизим ости хусусиятларини очиб беради. Мінтақавий хавфсизликкінг хусусияти шундаки, у миллій хавфсизликка нисбатан оралиқ ақамият касб этади. Зоро, мінтақавий жараёнларни ҳаракатлантирувчи күч давлатларнің миллій манбаатларидір. Иккінчи бир томондан, мінтақавий хавфсизлик БМТ ялпи халқаро хавфсизлик тизимінің таркибий қисми ҳисобланади.

Хавфсизликкінг мінтақавий мұхити халқаро тінчлик ва барапқарорлықтың таъминлашында колектив чора-тадбирларни амалға ошириш макони бўлиб хизмат қиласди. БМТ Низомида халқаро ва мінтақавий хавфсизликкінг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири масалалари мінтақавий битимлар ва органларнің БМТ билан ҳамкорлиги/шерикчилиги нұқтаи-назаридан қаралади. Халқаро хавфсизликка нисбатан тизим ости ва миллій хавфсизликкінг автономияны, бир бутунлиги ва тизимлигі намоён бўладиган мұхит билан ажралмас боғлиқлигини қўрсатади.

Мінтақавий даражада хавфсизлик сиёсатини моделлаштириш ва структуравий асосини белгилашнинг ўзига хос жиҳати мінтақа давлатлари манбаатлари, муаммолари ва таҳдидларининг умумийлиги ҳисобланади. Айнан мазкур учликтің умумийлиги мінтақа давлатлари хавфсизлик сиёсатининг мазмуни ва йўналишини белгилаб берувчи ҳамда хавфсизлик соҳасида мінтақавий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи күч сифатида намоён бўлди. Зоро, ушбу омиллар мінтақавий ташкилотлар, альянс ва иттифоқларнің тузилиши, мінтақавий битимларнің имзоланиши, тінчликпарвар операцияларнің амалға оширилиши негизида ётади. Уларнинг табиатидан келиб чиқиб, мінтақавий ҳамкорликкінг асосий тамойил ва устувор йўналишлари белгилаб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «ҳар бир мінтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари нисбатан мавхум (абстракт) ақамият касб этмайди. Ва ҳар бир мінтақаның ўз хусусияти, ўзига хос хавфсизлик манбалари ва хавфсизликни таъминлаш омиллари мавжуд».

Шундай қилиб, мінтақавий хавфсизлик мінтақа давлатларинің муносабатлари ҳолати бўлиб, у давлатнинг суверен ривожланиши учун энг мақбул (хукукий, институционал, иқтисодий ва бошқа) шарт-шароитларнің яратилганлиги билан изоҳланади.

Мінтақавий хавфсизлик тушунчасынинг энг мұхим элементи – бу шарт-шароит ҳисобланади. Шарт-шароитларга хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи барча сиёсий-хукукий ва

халқаро-хуқуқий инструментларни киритиш мүмкін: хавфсизликнинг минтақавий механизмлари, битим ва шартномалар; таҳдидларга қарши курашни мувофиқлаштирувчи марказлар (ШХТ МАТТ, МДҲ АТМ); мұлоқот гурухлари (мисол учун, "6+3") ва бошқалар. Улар минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг моддий асосини ташкил этади. Одатда, минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарадорлиги минтақавий хукуматлар, бириңчи нағылайда, ҳарбий ва иқтисодий жиһатдан минтақаның құдратлы давлатларининг сиёсий иродасига боғлиқ.

7.4. Минтақавий хавфсизлик тизими

Минтақавий хавфсизлик тизими – бу халқаро-хуқуқий ва институционал асосни яратиши орқали минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатлараро муносабатларнинг ички тузилиши ва ташкил этилиши услубидир. Минтақавий хавфсизлик тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор элементлар: хавфсизлик субъектлари ва обьектлари, халқаро-хуқуқий ҳужжатлар, хавфсизликни таъминлашнинг куч ва вositалари мажмуудан иборат.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг мавжудлиги давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги ва минтақа давлатлари хавфсизлик сиёсатининг изчиллигидан далолат беради. Ўзаро ишонч, мавжуд мұаммоларни ҳал этиш борасида нұқтаи-на зарларнинг муштарақлиги, ўзаро муносабатлар табиатининг узок муддатлилiği ва бошқалар самарали хавфсизлик тизими яратилишининг мұхим шарти ҳисобланади.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг функционал вазифаси минтақа давлатлари ва ташкилотларнинг БМТ Низомига биноан тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилған ўзаро чоратадбирларни амалга оширишдан иборат. Минтақада тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи мұайян вазият: минтақавий конфликт, куролли ҳужум, ҳудудий низо ва бошқалар минтақавий тизим доирасида қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг бош мақсади минтақавий хавфсизлик обьектлари – суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузумни, яъни минтақавий давлатлар мавжудлигини белгиловчи фундаментал асосларни/манфаатларни самарали ҳимоя қилиш механизмини яратишдан иборат. Ушбу манфаатларнинг амалга оширилиши универсал ва минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда минтақа давлатлари томонидан тузиладиган битимларда қайд этиладиган халқаро-хуқуқий чора-тадбирлар тизими орқали таъминланади.

Мақсад минтақавий хавфсизлик тизимининг самарадорлигини таъминлашга қаратилған бир қатор вазифаларни ўз ичига олади. Уларга қуйидагиларни киритиш мүмкін:

биринчидан, миңтақа давлатларининг мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги миллий стратегияларини мувофиқлаштириш;

иккинчидан, миллий хавфсизлик соҳасидаги миллий қонунчиликнинг уйғуныгина таъминлаш;

учинчидан, миңтақавий хавфсизликнинг халқаро-хукуқий асосларини яратиш, күч ва воситаларини белгилаб олиш ва бошқалар.

Миңтақавий хавфсизлик субъектлари асосан миңтақа давлатлари (бирламчи субъектлар), миңтақавий ва халқаро ташкилотлар (хосила субъектлар) ҳисобланади. Бундан ташқари, миңтақа миқёсида фаолият юритаётган партиялар, масалан, Европада «Яшиллар» партияси, айрим давлат ва жамоат арбблари ҳам муайян маънода миңтақада тинчликни таъминлаш ва саклашга кўмак бериши, давлатлараро низоларни бартараф этишда амалий иштирок этиш орқали воқеалар ривожига бевосита таъсир кўрсатишлари мумкин.

Миңтақавий хавфсизлик соҳасидаги давлатлараро муносабатлар одатда халқаро-хукуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Халқаро-хукуқий ҳужжатларга, аввало, БМТ Низоми, миңтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари, халқаро шартномалар, халқаро одат – давлатлараро амалиёт ва бошқаларни киритиш мумкин.

Миңтақа давлатларининг хавфсизликнинг долзарб муаммолари ва устувор йўналишларига оид қарашларини билиш ҳам муҳим. Миллий хавфсизликка оид қонунлар, стратегия ва концепциялар, давлат раҳбарининг баёнотлари ва ташқи сиёсий ташаббусларида давлатнинг миңтақавий хавфсизликка нисбатан халқаро-хукуқий нуқтаи-назари ўз ифодасини топади.

Таъкидлаб ўтилган фикрларга қўйидагича якун ясаш мумкин:

биринчидан, ички ва ташқи таҳдидлар орасидаги чегараларнинг ювилиб кетиши, миллий, миңтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги, трансмиллий таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар давлат хавфсизлигини таъминлашнинг миңтақавий ўлчами аҳамиятининг ортишига олиб келди ҳамда уни хавфсизлик тадқиқотларининг устувор йўналишига айлантириди;

иккинчидан, регионализм – бу барча муаммо ва таҳдидларга «малҳам» эмас. Бироқ у ички миңтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш салоҳиятига эга. Айнан миңтақавий ҳамкорлик ва интеграция орқали миңтақа давлатлари жаҳонда кечеётган иқтисодий ва сиёсий жараёнларга нисбатан самарали жавоб чораларини ишлаб чиқишлиари мумкин;

учинчидан, «совук уруш»дан кейинги давр миңтақавий давлатлар учун нисбатан мустақил сиёсат олиб бориш имкониятими яратди. Миңтақа давлатлари, уларнинг манбаатлари мин-

тақа даражасида хавфсизлик борасида давлатлараро муносабатларни ҳаракатга келтирувчи кучга айланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. По пути безопасности и стабильного развития. – Т.: Ўзбекистон, 1998. Т. 6. – 428 с.
2. Арон Р. Мир и война между народами. /Под общей ред. к.полит.н. Даниленко В.И. – М.: NOTA BENE, 2000. – 456 с.
3. Касымова Н.А. Соединенные Штаты Америки в региональных интеграционных процессах. Политико-экономический аспект. – Т.: Ташкентский государственный технический университет, 2001. – 416 с.
4. Наше глобальное соседство. Доклад Комиссии по глобальному управлению и сотрудничеству. – М.: «Весь Мир», 1996 – 403 с.
5. Buzan Barry and Ole Waever. Regions and Powers. The Structure of International Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003.
6. David A. Lake and Patrick M. Morgan. The New Regionalism in Security Affairs /In: Regional Orders: Building Security in a New World. - University Park: Penn State University press, 1997.
7. Starr Harvey. Territory, Proximity, and Spatiality: The Geography of International Conflict // International Studies Review, Vol. 7, 2005.
8. Diehl Paul. Geography and War: A Review and Assessment of the Empirical Literature // International Interaction, Vol. 17, 1991.
9. Nye S. Joseph. International Regionalism. – Boston: Little, Brown, Co. 1968.
10. The Penguin Dictionary of International Relations // Graham Evans and Jeffrey Newnham. – London: Penguin Books, 1998.
11. The World Order Politics of Regionalization //In: The United Nations and Regional Security: Europe and Beyond /Michael Pugh and Waheguru Pal Singh, eds. – London: LYNNE RIENNER Publisher, 2003.
12. Haas Michael. International Subsystems // American Political Science Review 64 (March). – P. 98-123.
13. Hurrell Andrew. Regionalism in Theoretical Perspective //In: Regionalism in World Politics: Regional Organization and International Order /Louise Fawcett and Andrew Hurrell, eds. - Oxford: Oxford University Press, 1995.

Тестлар:

1. Замонавий ҳалқаро муносабатлар тизимида жаҳон сиёсатини шакллантирувчи кучлар – бу:

- а) глобаллашув, макроиктисодиёт, терроризм
- б) глобаллашув, экология, давлат
- в) глобаллашув, минтақавийлашув ва миллатчилик
- г) давлат, миллат, элат

2. Географик, табиий, иқтисодий ва маданий хусусиятларга эга бўлган ер шарининг муайян бир қисмини ташкил этувчи макон - бу:

- а) минтақа
- б) минтақавийлашув
- в) минтақачилик
- г) макон

3. Матнда тушириб қолдирилган сўзларни топинг:
«Минтақавийлашув – бу миллий муаммоларнинг минтақавийга айланиши ҳамда умумий муаммо ва таҳдидларни ҳал этиш/ олдини олишга нисбатан ... ёндашувни шакллантиришга уриниши жараёни»

- а) хукукий
- б) колектив
- в) минтақавий
- г) минтақачилик

4. Минтақавий хавфсизлик – бу:

- а) минтақа давлатларининг хавфсизлик масалаларига нисбатан ягона қараши
- б) миллий ва халқаро хавфсизлик орасида жойлашган хавфсизлик даражаси
- в) интеграциявий жараёнлар моҳиятини очиб берувчи ҳолат
- г) минтақанинг умумий ривожланишини назарда тутувчи фоялар тизими

5. Минтақа давлатлари хавфсизлик сиёсатининг мазмани ва йўналишини белгилаб берувчи, хавфсизлик соҳасида минтақавий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи куч – бу:

- а) минтақа давлатлари манфаатлари, муаммолари ва хавф/ таҳдидларининг умумийлиги
- б) ноқонуний қора дори савдоси
- в) ташқи хавфлардан ҳимояланганлик ҳолати
- г) террористик ва экстремистик кучлардан ҳимояланганлик ҳолати

6. Қайси ҳолатлар минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг моддий асосини ташкил этадилар?

- а) хавфсизликнинг минтақавий механизmlари, битим ва шартномалар;
- б) таҳдидларга қарши қурашни мувофиқлаштирувчи марказлар, мулоқот гурӯхлари;
- в) тўғри жавоб а) ва б) бандларда берилган;
- г) тўғри жавоб йўқ.

7. Минтақавий хавфсизлик тизимининг таркибий элементлари – бу:

- а) объект ва субъект, давлатлараро муносабатлар;
- б) норматив/шартномавий-хуқуқий асос, куч ва воситалар;
- в) тўғри жавоб а) ва б) бандларда берилган;
- г) тўғри жавоб йўқ.

Топшириқлар:

1. «Минтақа», «минтақавийлашув» ва «регионализм» атамаларининг ўзаро мутаносиблигини кўриб чиқинг.

2. «Халқаро муносабатлар субъектларининг географик жиҳатдан ўзаро яқинлиги икки томонлама ва кўптомонлама алоқалар ўрнатиш учун замин яратади. Ўзаро алоқалар ва бордикелдилар қанчалик интенсив бўлса, улар ўртасидаги муносабатлар шунчалик барқарор бўлади. Ўз навбатида, давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги минтақавий хавфсизлик ҳолатини англатади» жумласини изоҳлаб беринг.

3. Регионализм «кишиларнинг муайян минтақага мансублиги, уларнинг тарихи, маданияти, анъаналари, дини, шунингдек, манфаатлари, муаммолари ва таҳдидларининг умумий эканлигини англаш деган фикрни» Сиз қандай изоҳлайсиз? Бугунги кундаги сиёсий жараёнлар моҳиятини ушбу омил билан изоҳлаш мумкинми?

4. Глобаллашув ва минтақалашув жараёни кечайтган бир даврда давлатчилик тамоилилари зарар кўрмайдими? Мазкур масала борасида фикрингизни билдиринг.

5. «Хавф ва таҳдидларга «суверен муносабат»нинг самарасиз эканлиги ҳамда колектив ёндашувни ишлаб чиқиш зарурияти» ҳамда «XXI асрда ҳеч қайси давлат ўз кучига таяна олмайди» жумлалари тўғрими? Сиз бунга қандай қарайсиз?

6. «Регионализм – глобаллашувдан ҳимоя воситаси» жумласини изоҳлаб беринг. Сиз мазкур фикрга қўшиласизми? Фикрингизни асослаб беришга ҳаракат қилинг.

7. Агар Сизга Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлаш жараёнида иштирок этиш ваколати берилса, у ҳолда Сиз ўз фаолиятингизни нималардан бошлаган бўлар эдингиз. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигини таъминлаш механизми Сизнинг фикрингизча қандай бўлиши лозим?

Тест жавоблари:

- | | | | | | | |
|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| 1. | 2. | 3. | 4. | 5. | 6. | 7. |
| в) | а) | б) | б) | а) | в) | в) |

8-мавзу. Минтақавий ташкилотларнинг шаклланиши ва ривожланишининг халқаро-хуқуқий асослари

Таянч атамалар:

минтақавий ташкилотлар, Европа концерти (концерт тизими), Миллатлар Лигаси, БМТ Низоми, минтақавий ташкилотларнинг халқаро-хуқуқий мақоми, Хавфсизлик Кенгаши

8.1. Минтақавий ташкилотларни шакллантиришнинг шарт-шароитлари

8.2. БМТ Низомида минтақавий ташкилотлар

8.3. Минтақавий ташкилотлар фаолиятининг замонавий тенденциялари

8.1. Минтақавий ташкилотларни шакллантиришнинг шарт-шароитлари

Минтақавий хавфсизлик тизимида минтақавий ташкилотлар муҳим ўрин тутади. Хукуматларо минтақавий институтларнинг вужудга келиши суверен давлатлар томонидан минтақа миқёсида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича кўп томонлама ҳамкорликка бўлган эҳтиёжнинг намоён бўлишидир. Мазкур ташкилотлар минтақавий хавфсизлик концепциясининг мазмунини белгилайди ҳамда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг муҳим воситаси сифатида намоён бўлади.

«Европа концерти» каби дипломатик тузилмалар ўзаро мақсадга эришишда, аввало, дипломатик, сиёсий ва ҳуқуқий асосларга таянган. «Европа концерти» ёки «концерт тизими» – пост-наполеон Европасида вужудга келган дипломатик инқизозни ҳал этиш мақсадида Европанинг кудратли давлатлари томонидан чақирилган *ad hoc* конференциялар ҳисобланиб, расмий институционал структурага эга эмас эди. Бироқ шундай бўлсада, у аниқ маъмурий мақсадни, яъни Европада ўзаро маслаҳатлар орқали кучлар мувозанатини таъминлашни кўзда тутган.

«Европа концерти» халқаро хавфсизликни таъминлаш меҳанизмининг ривожланишига, хусусан, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш қоидаларининг ҳамда халқаро арбитраж институтининг яратилишига салмоқли ҳисса қўшди. «Концерт тизими» хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда давлатлар манфаатларининг муштараклиги қанчалик муҳим эканлигини намойиш этди. Мазкур тизимга хавфсизлик режимини ўрнатишдаги дастлабки уринишлардан бири сифатида қаралади. Бир неча ўн ийллар мобайнида статус-квони таъминлаб берган ва уруш-

ларнинг юзага келишини бартараф этган мазкур тизим фаолиятининг асосий принциплари: ҳокимиятнинг оқилона тақсимланиши; таҳдидларни бартараф этишдаги умумийлик; қудратли давлатлар зиммасига алоҳида имтиёз ва масъулиятнинг юклатилиши ва бошқалар ҳисобланади.

Минтақавий ташкилотларнинг яратилиши халқаро ташкилотлар ривожланиши жараёнининг ажралмас қисмидир. XX аср халқаро муносабатларида энг аҳамиятли ташаббус сифатида баҳоланган Миллатлар Лигасининг тузилиши халқаро муносабатларнинг институционаллашувида муҳим ўрин тутади. Ташкилотнинг кун тартибига тури мінтақавий гурӯҳ ва органлар билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш масаласи ҳам қўйилди. Хусусан, Лига Статутининг 21-моддасида мінтақавий шартномалар тинчликни таъминлаш учун қўлланилиши қоидаси қайд этилган. Ушбу ҳолатни мінтақавий-халқаро ҳамкорликнинг ибтидоси сифатида кўриш мумкин.

Халқаро ва мінтақавий ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий асослари универсал халқаро ташкилот ҳисобланган БМТ Низомида ўз ривожини топди. Бироқ шуни қайд этиб ўтиш жоизки, ташкилотнинг аксарият аъзолари мінтақавий тузилмаларни «буюк давлатларнинг гегемонлигини тийиб туриш воситаси» сифатида кўрдилар.

Тарихий парадокс шундаки, совук уруш даврида икки мағкуравий тизимнинг қарама-қаршилиги тури мінтақавий хавфсизлик механизmlарининг яратилишида муҳим роль ўйнади. Яна бир тарихий факт – мазкур механизmlар, биринчи навбатда, дунёning етакчи давлатлари сиёsatини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланиб келинди. Шу боис ҳам улар мінтақа муаммолари ва мінтақа давлатларининг манфаатларини амалга оширувчи тўлақонли механизмга айлана олмади. Бошқача айтганда икки мағкуранинг қарама-қаршилиги даврида мінтақа давлатларининг туб манфаатлари халқаро муносабатлар етакчи акторларининг геосиёсий иродалари курбонига айланди.

Деколонизация жараёни хавфсизлик муаммоларининг мінтақа даражасида автономлашуви ва институционаллашувида муҳим хисса қўшди. Янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, улар ўртасида ҳудудий, чегаравий ва этник низоларни келтириб чиқарди. Бу эса ўз навбатида уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини яратиш заруриятини қўйди. Мінтақа давлатлари мавжуд муаммоларнинг узвийлиги ва ўз тақдирларининг умумийлигини тушуниб етдилар. Нати-

жада, Африка бирлиги ташкилоти (2003 йилдан Африка иттифоқи), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси ва бошқа шу каби мінтақавий ташкилотлар вүждуга келди.

Мұстамлака тузумининг инқизорзи билан биргә «совук уруш»нинг барҳам топиши ҳам хавфсизлик муаммоларининг мінтақавийлашуви жараёнини тезлаشتirdи. Иккі қутбلى тизимнинг қулаши натижасыда сөбік Иттифоқ республикаларининг мустақилликни құлға киритиши постсовет маконида мінтақавий ташкилотларнинг тузилишига янги түрткі берди. Мінтақавий хавфсизлик механизмлари МДХ, ЕврОсИХ, КХШТ ва ШХТ каби ташкилотлар ҳисобига бойиди.

Шундай қилиб, мінтақавий хавфсизлик механизмларининг пайдо бўлишини, аввало, ҳалқаро муносабатларда юз берадиган мұхим воқеа ва ҳодисаларнинг, хусусан, мұстамлака тизимнинг инқизорзи ва янги суверен давлатларнинг вүждуга келиши, «совук урушнинг» барҳам топиши ва бошқаларнинг ўзига хос натижаси сифатида кўриш мумкин.

8.2. БМТ Низомида мінтақавий ташкилотлар

Таниқли ҳуқуқшунос олим Г.И.Тункиннинг фикрига кўра, «давлатлараро ташкилотлар роли ва обрўсининг тез суръатлар билан ўсиши – замонавий ҳалқаро муносабатларнинг характерли жиҳатидир». Ҳозирда улар ҳалқаро ҳаётнинг доимий ва ўта мұхим омилига айланди. Бугунги кунга келиб, мінтақавий ташкилотлар ваколатлари доирасини авваллари давлатларнинг ички ишлари ёки иккى томонлама ҳамкорлик предмети ҳисобланған мавзуларга нисбатан ҳам кенгайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Улар универсал ташкилот – БМТ бошлилигига ҳалқаро хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми ва ҳалқаро муносабатларнинг воқелигига айланди.

Мінтақавий ташкилотлар фаолиятини ўрганишда БМТ Низомининг VIII боби алоҳида ўрин тутади. Ҳужжатда белгиланишича, «Низом ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга таалуқли бўлган ва мінтақавий ҳаракатларга тўғри келадиган масалаларни ҳал этиш учун мінтақавий битимлар ёки органларнинг мавжуд бўлишига ҳеч бир тўсқинлик қилмайди, лекин бундай битим ёки органлар ва уларнинг фаолияти Ташкилотнинг Мақсад ва Принциплари билан ҳамоҳанг бўлиши шарт» (52-модда). Шунингдек 52-модданинг 3-бандига мувофиқ, «Хавфсизлик Кенгаши маҳаллий низоларнинг шундай мінтақавий битимлар ёки шундай мінтақавий органлар ёрдамида ё манфаатдор давлатлар ташаббуси билан ёки ўз ташаббуси билан тинч ҳал этилишини рағбатлантириши лозим».

Халқаро ҳуқуқда халқаро ҳамда минтақавий ташкилотларнинг юридик табиатига оид етарлича илмий изланишлар амалга оширилган. Ушбу изланишлар натижаларига асосланиб, минтақавий ташкилотларни маълум географик ҳудуд ҳукуматлари томонидан минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида шартнома асосида ташкил қилинган давлатларнинг ўюшмаси сифатида таърифлаш мумкин.

Ҳозирга келиб, минтақавий ташкилотлар замонавий халқаро ҳуқуқнинг муҳим субъектига айланди. «Минтақавий ташкилот» атамаси халқаро-ҳуқуқий тадқиқотларда томир отиб улгурди. Ваҳоланки, БМТ Низомида «минтақавий ташкилот» ибораси ўзининг бугунги талқинида мавжуд эмас. Минтақавий ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий мақомини таҳлил қилишда мурожаат этиладиган Низомининг VIII боби «Минтақавий битимлар» деб номланади.

Бугунги кунда минтақавий ташкилотлар имконияти халқаро ҳавфсизликни таъминлашда БМТ томонидан фаол равишда фойдаланиб келинмоқда. Бош Котиб – Минтақавий ташкилотлар ҳамда Ҳавфсизлик Кенгаши – Минтақавий ташкилотлар форматидаги икки томонлама ҳамкорликнинг ўрнатилиши улар ҳамкорлигининг бурилиш палласи бўлди.

БМТ Низомининг VIII бобида сўз халқаро тинчлик ва ҳавфсизликни қўллаб-кувватлаш мақсадида тузилган минтақавий ташкилотлар ҳақида боради. Шу боис Низомнинг мазкур боби таҳлилида ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг мақомини аниқлаш масаласи ҳам мухимдир. Авваллари БМТ Бош Ассамблеяси минтақавий кўп мақсадли ташкилотлар ва ҳарбий-сиёсий иттифоқлар ёки альянслар ўртасида фарқнинг мавжудлигига эътиборни қаратган эди. Ҳарбий-сиёсий иттифоқлар БМТ Низомининг VIII бобига мувофиқ минтақавий ҳавфсизлик механизмига тегишли эмас деб баҳолаган. Халқаро-ҳуқуқий мақомига кўра, улар мудофаа иттифоқлари бўлиб, аъзо давлатларни ташки ҳарбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида тузилган. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, коллектив мудофаа ташкилотлари ўз фаолиятини Низомнинг 51-моддасига мувофиқ амалга оширади. Ҳусусан, Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти таъсисчилари Вашингтон шартномасини имзолаш вақтида альянс ўз фаолиятида БМТ Низомининг 51-моддасига асослашиши ва VIII боб қоидаларидан ташқарида фаолият юритишини таъкидлаб ўтадилар.

Бироқ дунё ўзгармоқда, табиийки, мудофаа иттифоқларининг одатий вазифалари ва мақсадлари ҳам ўзгаришга юз тутган. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб, бу каби иттифоқлар-

нинг фаолият доираси кенгайиб, одатий ҳарбий-сиёсий ўлчам чегараларидан чиқа бошлади. Муайян маънода уларнинг БМТ Низомининг VIII боби қоидаларига мос равишда тўлақонли минтақавий ташкилотларга айланиши жараёни кузатилмоқда. Ушбу трансформация БМТ амалиётида ўз аксини топди.

1990 йилларнинг ўрталаридан бошлаб, БМТ Котибияти минтақавий ташкилотларга нисбатан функционал ёндашув йўлини тута бошлади. Вақтида Низомнинг VIII боби бўйича минтақавий ташкилотлар сифатида тан олинмаган ҳарбий-сиёсий иттифоқлар бугунги кунда муҳим минтақавий хавфсизлик механизmlар деб қаралмоқда. Хусусан, Косово бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1244-сонли резолюциясида (1999 й. 10 июнь) НАТО айнан шу мақомда кўрилган. Бундан ташқари, БМТ амалиётида мазкур минтақавий институтларнинг ўз мандати остидаги худудлардан ташқарида тинчликни сақлаш операцияларини ўtkазишга қаратилган ҳаракатлари рағбатлантирилмоқда. Ушбу ўринда яна бир далил сифатида шуни айтиб ўтиш мумкинки, НАТО ва КХШТ – анъанавий ҳарбий-сиёсий иттифоқлар – ЕИ, МДХ, АДТ, АИ каби кўп мақсадли минтақавий ташкилотлар қаторида БМТ ва минтақавий ташкилотларнинг олий даражадаги учрашувларининг доимий иштирокчиларига айланди.

Шундай қилиб, «минтақавий битим ёки органлар» қаторига киритиш мўлжалланган минтақавий хавфсизлик механизmlари доираси борасида ҳозирги вақтда муайян келишувга эришилган. БМТ Бош котиби маърузасида минтақавий юшмалар ва ташкилотлар таркибига қўйидагиларнинг кириши белгиланган:

биринчидан, БМТ ташкил этилишидан аввал ёки кейин таъсис этилганидан қатъий назар, шартномалар асосида тузилган ташкилотлар;

иккинчидан, ўзаро хавфсизлик ва мудофаани таъминлаш мақсадида ташкил этилган минтақавий ташкилотлар;

учинчидан, минтақани умумий ривожлантириш ёки муайян фаолият соҳасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида тузилган ташкилотлар;

тўртингчидан, долзарб аҳамиятга эга бўлган аниқ сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида ташкил этилган давлатлар юшмаси.

Минтақавий ташкилотлар фаолиятига оид таҳлилларга таянган ҳолда уларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми юзасидан қўйидаги хуносага келиш мумкин:

биринчидан, минтақавий ташкилотлар умумий халқаро хавфсизликнинг ажралмас қисми;

иккинчидан, миңтақавий ташкилотлар миңтақа даражасидаги маҳаллий низоларни тинч йўллар билан ҳал этишнинг муҳим механизми бўлиб хизмат қилади. Мазкур хавфсизлик механизмлари, биринчи навбатда, кўп мақсадли миңтақавий ташкилотларни ва ҳарбий-сиёсий иттифоқларни ўз ичига олади.

учинчидан, юқоридаги фикрларга асосланиб, БМТ Низоми VIII боби «миңтақавий битимлар» эмас, балки «миңтақавий ташкилотлар» деб номланиши мақсаддага мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

8.3. Миңтақавий ташкилотлар фаолиятининг замонавий тенденциялари

Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг замонавий ҳолати ва эҳтиёжлари БМТдан унинг миңтақавий хавфсизлик механизмлари билан ўзаро муносабатларида янгича ёндашувни талаб этмоқда. Уларнинг ўзаро муносабатлари туб моҳиятини халқаро хавфсизликни таъминлашда «меҳнат ва маъсулият тақсимоти» тезиси билан изоҳлаш мумкин.

БМТ Низомининг VIII бобига мувофиқ, «маҳаллий низолар» миңтақавий ташкилотлар юрисдикциясига киритилган. Тинчликка таҳдид, тинчликнинг бузилиши ва агрессия актлари каби халқаро хавфсизликка оид жиддий масалалар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг алоҳида ваколатлари доирасига кириб, Низомининг VII бобига мувофиқ тарзда тартибга солинади. Бироқ бу халқаро хавфсизликка оид ўзга ишларни кўриб чиқишда Хавфсизлик Кенгашининг ваколатлари чекланганлигини англашмайди. Низомнинг 52-моддасига биноан, «Хавфсизлик Кенгашига оширгунга қадар уларни шундай миңтақавий битимлар ёки шундай миңтақавий органлар ёрдамида тинч йўл билан ҳал этишга эришиш учун бор кучларини сафарбар этишлари керак». Бу каби ҳолат Хавфсизлик Кенгаши ва миңтақавий ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар бўйсунишга асосланганлигини англашади. Бу бир томондан, халқаро хавфсизлик соҳасида Хавфсизлик Кенгашининг етакчилик ролини тасдиқлайди, иккинчидан - миңтақавий ташкилотлар БМТ универсал хавфсизлик тизимининг ташкилий қисми эканлигини белгилаб беради.

БМТ амалиётida «баъзи кечикириб бўлмайдиган вазиятларда» Хавфсизлик Кенгаши санкциясисиз ҳам ҳудудий операцияларни ўтказиш мумкинлиги ҳақида айтиб ўтилган. Демак, бундай вазиятларда миңтақавий ташкилотлар вазиятга тезкор равишда муносабат билдириш мақсадида олдини олувчи ҳарбий чораларни қўллаши лозим бўлган санкцияни эса мазкур операциялар бошлангач олиши мумкин.

Одатда, БМТ Хавфсизлик Кенгаши рухсатисиз қуролли кучлардан фойдаланишга фақатгина индивидуал ва колектив ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳолатларидағина рухсат этилади.

Минтақавий хавфсизлик механизмлари иштирокидаги ўз-ўзини мудофаа қилишга ёрқин мисол сифатида Толибон ҳукуматига қарши олиб борилған ҳарбий ҳаракатларни келтириш мүмкін. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сүңг бирдан уч минтақавий ташкилот – НАТО, АДТ ва АНЗЮС – ушбу ҳолатни БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ деб баҳолашди ва колектив ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи доирасида фаолият юритдилар.

Минтақавий ташкилотлар иштирокида ҳалқаро муносабаттарда күч ишлатилишига яна бир мисол – бу собиқ Югославияга нисбатан құлланилған амалиёттір. Одатда минтақавий ташкилотлар фаолиятининг замонавий тенденциялари түғрисида сөз кетганида алоҳида олинған ташкилотларнинг бир томонлама ҳаракат қилишга интилишлари таъкидлаб ўтилади. Ҳусусан, собиқ Югославия ва Ироқ атрофидаги воқеаларда ўз манбаатларига эришиш йўлида АҚШ-НАТО биргаликда ёки ўз итифоқчиларининг *ad hoc* коалициясидан фойдаланғанлигини келтириб ўтиш мүмкін.

Ушбу ҳолат, аввало, БМТнинг объектив заифлиги билан изохланади. У универсал ташкилот сифатида алоҳида олинған геосиёсий худудларнинг манбаатларини етарли даражада таъминлаб бера олмади. Бу каби ҳолатни белгиловчи омиллар сифатида – тинчликпарварлик операцияларини амалга оширишда ҳарбий контингентларни ажратиш билан боғлиқ муаммоларни, молиявий ва моддий ресурсларининг чекланғанлиги, ҳал этилиши лозим бўлған муаммоларнинг турли-туманлиги ва ранг-баранглиги кабиларни келтириш мүмкін. Ушбу омиллар, ўз навбатида, минтақавий ташкилотларга ҳалқаро тинчлик ва барқарорликни сақлаш операцияларида фаол иштирок этиш имкониятини берди.

Бироқ бошқа тарафдан, бу каби ҳолат, яни ҳалқаро муаммоларни ҳал этишда минтақавий ташкилотлар ролининг ҳаддан зиёд ошиб кетиши БМТ доирасида колектив хавфсизлик тизимиға путур етказиши, сифат жиҳатидан янги ҳалқаро муносабатлар тизимидағи лаёқатининг пасайишига ҳамда ривожланаётган давлатларда ўз хавфсизлиги кафолатлари юзасидан ишончсизликнинг кучайишига олиб келиши мүмкін.

Хозирги кунда низо ва ҳарбий конфликтларни бартараф этишда минтақавий ташкилотларга муҳим ўрин ажратилмоқда.

Шунингдек, чегара ва худудий ҳамда миллатлараро низоларни ҳал этишда минтақавий ташкилотларнинг мавжуд меъёр ва қоидалари, имконият ва амалиёти алоҳида аҳамиятга эга. БМТ хужжатларида «норматив стандартларни ишлаб чиқишда минтақавий ташкилотлар БМТдан анча ўзиб кетди», деб алоҳида таъкидлаб ўтилади. БМТ миллий ва диний озчилик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда, ҳукуматни ноконституциявий йўл билан эгаллашга интилиш каби ҳаракатларни бартараф этиш борасида Европа Иттифоқи, Америка давлатлари ташкилоти ва Африка иттифоқи каби минтақавий институтларнинг амалиёти ва тавсияларидан фойдаланмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар борасида қўйидаларни хулоса қилиш мумкин:

Биринчидан, минтақавий хавфсизлик тизими – бу халқаро хавфсизликнинг таркибий қисмидир. Минтақавий ташкилотлар - умумий хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизми ҳисобланади;

Иккинчидан, БМТ Низоми халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда бош масъулиятни Хавфсизлик Кенгашига юклаган. Халқаро тинчлик ва барқарорликни сақлашда минтақавий ташкилотларнинг фаолияти Низом қоидаларидан келиб чиқиши ва уларга мувофиқ бўлиши ҳамда Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлиги остида амалга оширилиши лозим;

Учинчидан, замонавий халқаро муносабатларда минтақавий ташкилотларнинг ваколатини кенгайтириш масалалари алоҳида ўрин тутмоқда. Ушбу ўринда минтақавий ташкилотларни нафақат БМТ Низомининг VI ва VIII боблари, балки VII боби доирасида кўзда тутилган операцияларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тункин. Г.И. Теория международного права. Под общей ред. проф. Л.Н.Шестакова. – М.: Издательство «Зерцало», 2000.
2. Лукашук И.И. Международное право. Особенная часть / Институт государства и права, Академ. правовой ун-т. – М.: Волтерс Клувер, 2007.
3. Ушаков Н.А. Правовое регулирование использования силы в международных отношениях. – М.: Институт государства и права РАН, 1997.
4. Арбатов А.Г. Трансформация российской военной доктрины – уроки Косово и Чечни // Европейский центр изучения

вопросов безопасности им. Джорджа Маршалла. Публикация №2. 2000.

5. Ван Экелен, Виллем. Повестка дня в области безопасности на 1996г. Предпосылки и предложения. – Центр исследований Европейской безопасности. Доклад № 94. 1995.

6. Эскотт Рейд. Времена страха и надежды: заключение Североатлантического договора, 1947-1949 гг. – Торонто, 1977.

7. Fawcett Louise. The Evolving Architecture of Regionalization //In: The United Nations and Regional Security: Europe and Beyond /Michael Pugh and Waheguru Pal Singh, eds. – London: LYNNE RENNER Publisher, 2003.

8. Hilaire McCoubrey and Justin Morris. Regional Peacekeeping in the Post-Cold War Era. – The Hague: Kluwer Law International, 2000.

9. Simma Bruno. The Charter of the United Nations: A Commentary. – Oxford and New York: Oxford University Press, 1995.

10. Katzenstein, Peter J. Re-examining Norms of Interstate Relations in the New Millennium. – Kuala Lumpur: Paper for the 14th Asia-Pacific roundtable, 2000.

Тестлар:

1. «Ad hoc» – бу:

а) халқаро хукуқда «мазкур ҳолат учун» деган маънони англатувчи тушунча

б) етакчи давлатларнинг ўз манфаатларини таъминлашга қаратилган муайян ташкилий тузилма

в) маҳсус вакиллар, ташкилотлар ва миссиялар фаолиятини уйғунлаштирувчи хукуқий тузилма

г) фақат минтақа масалаларини мухокама этувчи маҳсус ташкилот ва миссиялар

2. Миллатлар Лигаси Статутининг 21- моддасида нима қайд этилган?

а) тинчликни сақлаш мақсадида минтақавий тузилмаларни таъсис этиш

б) низоларни фақат музокараплар орқали ҳал этиш

в) минтақавий шартномаларнинг тинчликни сақлаш учун кўлланиши

г) минтақавий хавфсизлик институтларини тузиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш

3. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тұғрисидаги Вена конвенциясининг 2-моддасындағы «шартнома» түшунчаси қандай таърифланади?

- а) икки ва ундан ортиқ давлатлар томонидан ўзаро манфатларни мувофиқлаштириш мақсадида ёзилган ҳуқуқий манба
- б) давлатлар ўртасида, бундай битим бир, икки ёки бир не-ча ўзаро алоқадор ҳужжатлардан таркиб топғанлыгидан ҳамда унинг аниқ номланишидан қатый назар ёзма рационалитеттің түзилгандығынан жарияланады
- в) муайян мінтақа давлатлари томонидан муайян ижтимо-ий, іктисодий, сиёсий мақсадларга әришиш мақсадида ҳамда ўзаро мажароларни ҳал этишга қаратылған ҳуқуқий ҳужжат
- г) тұғри жавоб йүк

4. БМТ фаолиятининг самарасизлигини белгиловчи омыллар – бу:

- а) тинчликпарварлық операцияларни амалга оширишда ҳарбий контингент ажратыш масалалари, молиявий ва моддий ресурсларнинг чекланғанлыгы
- б) етакчи давлатларнинг ушбу ташкилотни инкор этиши
- в) сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг номукам-маллиги
- г) тұғри жавоб йүк

5. БМТ Низомида «халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш бўйича бош масъулият» унинг қайси органига юклатилилган?

- а) Бош Ассамблеяга
- б) Хавфсизлик Кенгашига
- в) БМТ Котибиятига
- г) Хавфсизлик Кенгashi тарафидан түзилған ва ваколат юклатилилган органга

6. Ўзбекистон Республикаси БМТга қачон аъзо бўлди?

- а) 1991 йил 2 декабрь
- б) 1992 йил 2 февраль
- в) 1992 йил 2 март
- г) 1992 йил 2 апрель

7. Қайси банд БМТ Низоми бўйича мінтақавий колектив хавфсизлик механизmlariiga қўйиладиган талабларга кирмайди?

- а) мінтақавий битим ва ташкилотлар фаолиятининг мазкур мінтақа чегараси доирасида бўлиши

- б) мазкур хатти-ҳаракатларнинг БМТ Низомида қайд этилган мақсад ва тамойилларга мос келиши
в) минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуролли кучларни барпо этиш ва мустақил фаолият юритиш
г) минтақавий ташкилотларнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган режадаги ва амалга оширилаётган барча хатти-ҳаракатлар түғрисида маълумот берилшари.

Топшириқлар:

1. Минтақавий ташкилотларни юзага келишининг асосий шарт-шароитлари нималардан иборат? Минтақавий ташкилотлар қандай мақсадларда барпо этилади?
2. «Минтақавий ташкилотлар минтақавий хавфсизлик концепциясининг мазмунини белгилайди, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг муҳим воситаси ҳисобланади» жумласини изоҳлашга ҳаракат қилинг.
3. Марказий Осиёдаги мавжуд минтақавий ташкилотлар низомлари билан танишиб чиқинг ва уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини топинг.
4. «Минтақавий ташкилотларнинг тузилиши суверен давлатлар томонидан минтақа миқёсида тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-куватлаш бўйича кўп томонлама дипломатия асосларини шакллантиришнинг муҳимлигини англаб етишнинг тўғридан-тўғри натижаси ҳисобланади» деган фикрга қўшиласизми?
5. БМТ Низомида Хавфсизлик Кенгashi ваколатлари билан танишиб чиқинг ва асосий жиҳатларини конспект қилинг.
6. Нима сабабдан БМТ амалиётида «норматив стандартларни ишлаб чиқиша минтақавий ташкилотлар БМТдан анча ўзиб кетди» деган фикр таъкидлаб ўтилган?

Тест жавоблари:

- | | | | | | |
|--------------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| 1. 2. | 3. | 4. | 5. | 6. | 7. |
| а) в) | б) | а) | б) | в) | в) |

IV БҮЛІМ. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК

9-мавзу. Халқаро хавфсизликни таъминловчи замонавий күптомонлама механизмлар

Таянч атамалар:

коллектив хавфсизлик, коллектив мудофаа,
кооператив хавфсизлик, хавфсизлик комплекси,
хавфсизлик механизмлари, халқаро ташкилотлар

9.1. Асосий жиҳатлар

- 9.2. Коллектив хавфсизликнинг мазмун ва моҳияти**
- 9.3. Коллектив мудофаа механизмлари**
- 9.4. Кооператив хавфсизликнинг асосий жиҳатлари**

9.1. Асосий жиҳатлар

Халқаро хавфсизликни таъминловчи замонавий күптомонлама механизмлар ривожланиши ўз тарихига эга. Хавфсизликнинг замонавий күптомонлама механизмлари Вена конгресси, Европа концерти, альянслар ва давлатлар иттифоқларининг тұлақонли вориси ҳисобланади. Сиёсий реализм нұқтаи-назарига күра, анъанавий ва замонавий хавфсизлик институттарининг мақсад ва вазифалари үхшаш: улар халқаро муносабатларда күчлар мувозанатини таъминлаш ва давлат сиёсатининг инструменти сифатида күрилади. Мазкур қараш хавфсизлик тадқиқотларыда устувор бўлиб қолмоқда. Бироқ, бу замонавий давлатлараро муносабатлар тизимида ўз тузилиши, табиати ва мазмунига кўра мураккаб кўринишга эга бўлган институтларни тавсифлаш учун етарли эмас.

Хавфсизликнинг коллектив механизмлари қатор омиллар, хусусан, таъсисчи давлатларнинг хавфсизлик мұхити ва таҳдидларнинг умумийligини англаши ва тан олиши негизида шаклланади. Давлатлар хавфсизлигига реал таҳдидларнинг мавжудлиги хавфсизлик тузилмаларини яратышда ўзига хос бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қиласи. Мисол учун, ўз вақтида Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти собиқ Совет Иттифоқи тимсолидаги таҳдидга қарши туриш мақсадида тузилган бўлса, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсис этилишида «уч ёвуз иллат» - терроризм, экстремизм ва сепаратизм – манфаатдор давлатларнинг жипслашувида мухим роль ўйнади.

Коллектив хавфсизлик механизмларининг турли шакллари мавжуд: альянс (коллектив мудофаа); давлатлар иттифоқи; кол-

лектив хавфсизлик; хавфсизликнинг плюралистик ҳамжамиятлари; хавфсизлик диалоги ва можароларни бошқаришга оид механизмлар ва бошқалар. Тадқиқот мақсадида уларни уч гурӯҳга ажратиш мумкин: коллектив мудофаа, коллектив хавфсизлик ва кооператив хавфсизлик институтлари.

Уларнинг сиёсий-хукуқий табиатини таҳлил этишда ва таснифлашда қуйидагилар муҳим ҳисобланади: хавфсизлик муҳити; бирлаштирувчи омиллар (муаммолар, таҳдидлар ва манфаатларнинг умумийлиги); хавфсизликни таъминлаш усул ва услублари, инструментлари (куролли кучлар, куч билан таҳдид қилиш, кучлар мувозанати, превентив дипломатия, мулокот, ишонч чоралари ва ҳ.к.); ташкилий-хукуқий мақоми (ҳарбий-сиёсий иттифоқ, кўпфункцияли халқаро минтақавий ташкилот, хавфсизлик мулокот механизмлари) ва бошқалар.

9.2. Коллектив хавфсизликнинг мазмун ва моҳияти

«Коллектив хавфсизлик» тушунчаси юридик жиҳатдан ilk бор Миллатлар Лигаси Статутининг 10-моддасида ўз аксини топди. Бироқ, Статутнинг қоидалари коллектив хавфсизлик тизимишининг халқаро-хукуқий мазмунини торайтириб, уни қўллашни агрессияни олдини олиш ва бартараф қилиш ҳолатлари билан чеклаб қўйди. Ушбу ўринда коллектив хавфсизлик категорияси урушни олдини олиш, яъни агрессорга қарши бирлашган ҳолда ҳаракат қилишга қаратилган.

Шартномага мувофиқ, коллектив хавфсизлик механизмининг ҳар бир иштирокчисига нисбатан содир этилган қуролли ҳужум шартноманинг барча томонларига нисбатан амалга оширилган агрессия сифатида қаралган, яъни агрессия коллектив хавфсизлик механизмини ҳаракатга келтирувчи омил ҳисобланган. Бу каби тор ёндашув замонавий хавфсизлик тадқиқотларида коллектив мудофаа тизимишининг мазмунига мос келади.

БМТнинг ташкил топиши давлатлараро муносабатларда коллектив хавфсизлик фоясининг ривожланиши ва кенгайишида ижобий роль ўйнади. БМТ Низомининг норма ва принципларига асосланган коллектив хавфсизлик тизими бугунги кунда умумий халқаро хавфсизлик архитектурасининг асосини ташкил этади.

Коллектив хавфсизлик – бу халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ва тиклаш бўйича БМТ Низомида белгилаб қўйилган ҳамда универсал ва минтақавий ташкилотлар доирасида амалга ошириладиган чора-тадбирлари тизимиdir.

Коллектив хавфсизлик концепциясининг моҳияти шундаки, давлатларнинг хавфсизлик дилеммаси алоҳида олинган дав-

лат ёки кучлар мувозанати билан эмас, балки коллектив мажбуриятлар институти воситасида бартараф қилинади. Үнга күра, ҳар бир давлат иттифоқчиларнинг худудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига таҳдид солувчи давлатга қарши амалга ошириладиган ҳамкорликдаги хатти-ҳаракатларга қўшилиш мажбуриятини олади. Коллектив хавфсизлик «бир киши ҳамма учун – ҳамма бир киши учун» принципига асосланади.

БМТ Низоми руҳидаги коллектив хавфсизлик – бу, биринчи навбатда, ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган коллектив чора-тадбирлар тизими бўлиб, у аввалдан ташкилотнинг бирор-бир аъзосига қарши қаратилмаган ҳамда муайян «душман тимсоли»ни назарда тутмайди. Коллектив хавфсизлик доирасидаги чора-тадбирлар биргаликда яшаш ва мавжуд бўлиб қолиш тартиб-қоидаларини бузган мазкур ташкилотнинг аъзосига қарши қаратилган бўлади.

Шунингдек, коллектив хавфсизлик ҳалқаро ҳуқук нормаларини ҳаётга татбиқ этишининг марказлашган тизими ҳисобланади.

Коллектив хавфсизликка доимийлик хос, яъни у тизим сифатида ҳалқаро ҳуқук нормаларини бузувчининг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъий назар доимий равишда фаолият юритади. Бошқача айтганда, коллектив хавфсизликнинг аҳамияти нафақат реал ёки эҳтимолдаги таҳдидларга жавоб беришида, балки келгусида давлатлараро муносабатларда кучни қўллаш имкониятини бартараф этувчи зарурӣ шарт-шароитларни яратишда намоён бўлади.

Коллектив хавфсизлик – бу бир вақтнинг ўзида ҳалқаро ҳамжамиятнинг ҳам кучли ҳам кучсиз аъзолари манфаатларига мос келувчи тизимидир: нисбатан кучсиз давлатларга «коллективга аралашиб кетиши» ҳамда «бир давлат-бир овоз» принципи асосида фаолият юритиш орқали унинг тўлақонли аъзосига айланиш имкониятини берса, кучли давлатларга - тизимда устунлика эришиш ва «коллектив қарорлар»га ҳавола этиб, ўз хатти-ҳаракатларига қонуний тус бериши имкониятини яратади.

Коллектив хавфсизликнинг концептуал муаммоси «бир киши ҳамма учун - ҳамма бир киши учун» принципига риоя этиш жараёнида намоён бўлади. Бир томондан, коллектив хавфсизлик тизимининг мухим шарти агрессия ҳолатида ҳарбий ёрдам кўрсатилиши, яъни *racta sunt servanda* – «мажбуриятлар бажарилиши лозим». Бошқа томондан эса, давлатлар ҳалқаро муносабатларга киришар экан, биринчи галда ўз миллий манфаатларини кўзлайди. Шунингдек, кимни қўллаб-қувватлаш кераклиги борасидаги танлашда манфаат ва мажбурият орасида

зиддият юзага келиши мумкин: ушбу тизимнинг элементи/мазкур ташкилот иштирокчиси ҳисобланган агрессорими ёки агрессия курбони бўлган давлатими? Дж.Йоффенинг таърифича, бу ҳал қилувчи паллада колектив хавфсизлик тизими иштирокчилари манфаатларининг «кўтблашуви» («биполяризация») юз беради.

Шунингдек, коллектив хавфсизлик ташкилий-хуқуқий, яъни уни имплементацияси билан боғлиқ камчиликларга ҳам эга. БМТ Низомига мувофиқ, коллектив хавфсизлик тизими Хавфсизлик Кенгашининг доимий беш аъзоси розилиги мавжуд бўлганда гина ҳаракатга келтирилиши мумкин. Бироқ уларнинг бирор-бирининг вето хуқуқидан фойдаланиши ҳар қандай қарорни қабул қилинmasлигига олиб келади. Табиийки, доимий аъзолар ўз манфаатларига мос келмайди деб хисоблаган ҳар қандай қарорни кўллаб-кувватламайди. Бу БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларига нисбатан универсал коллектив хавфсизлик юрисдикциясининг тааллуқли эмаслигини англатади.

Бу икки жиҳат «мутлақ суверенитет» даври ўтган бўлишига қарамасдан қудратли давлатлар коллектив хавфсизлик тизимининг асосий элементи бўлиб қолаётганидан далолат беради.

Коллектив хавфсизлик доирасида құлланиладиган чоратадбирлар коллектив мудофаага қараганда анча кенг. У, шуннингдек, ўзаро хавфсизликни таъминлашда ноҳарбий – дипломатик, иқтисодий, гуманитар ва бошқа воситалардан фойдаланади: куролли кучлардан фойдаланишга сүнгги чора сифатида қаралади.

Коллектив хавфсизлик тизими фойдасига билдирилаётган фикрлар қуидаги асосга эга. Замонавий таҳдидлар миллий чегараларни кесиб ўтади, бир-бири билан боғлиқ ҳамда глобал, минтақа ва миллий даражада бартараф этилиши лозим. Ҳеч бир давлат, у қанчалик қудратли бўлмасин, мустақил ра-вишда замонавий таҳдидлардан ўзини самарали ҳимоя қила олиш қобилиятига эга эмас.

9.3. Коллектив мудофаа механизмлари

Коллектив мудофаа – бу биш мақсади ташкилот аъзоси ёки шартнома иштирокчиси ҳисобланган давлатга нисбатан қуролли ҳужум ёки агрессия акти амалга оширилганда ҳарбий ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи хавфсизликнинг анъана-вий механизмиdir. Тахдидни бартараф этишнинг ягона ва ишон-чи воситаси – бу қуролли кучлар ҳисобланади. Коллектив му-

дофаа тизимининг институционал-хукуқий намоён бўлишига ёрқин мисол сифатида альянслар ёки ҳарбий-сиёсий иттифоқларни келтириш мумкин. Бу икки ва ундан ортиқ давлатларнинг уруш холатида ўзаро ёрдам тўғрисидаги формал келишувдир. Альянслар, одатда, шартнома асосида тузилади. Уларнинг муҳим функцияси у ёки бу минтақада кучлар мувозанатини таъминлаш билан изоҳланади.

Коллектив мудофаа механизмларининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчи, анъанавий коллектив мудофаа тизимларининг фарқли жиҳати - «душман тимсоли»нинг мавжудлигидир, яъни коллектив мудофаа тизими муайян мақсад - таҳдид ва қуролли хужумни олдини олиш ҳамда бир-бирига ҳарбий ёрдам бериш мажбуриятини амалга ошириш мақсадида тузилади;

Иккинчидан, коллектив мудофаа тизимлари ҳар доим ҳам институционал асосга, яъни доимий фаолият юритувчи органларга эга эмас. Шунинг учун ҳам улар формал ёки ноформал турларга ажратилиши мумкин. Биринчисига мисол сифатида НАТО, АНЗЮС каби минтақавий тузилмаларни, иккинчисига - давлатлар иттифоқи, мудофаа тўғрисидаги ўзаро шартномаларни (мисол учун, АҚШ ва Япония ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномани келтириш мумкин. Формал ёки ноформал минтақавий альянслар одатда эксклюзив ҳисобланади, яъни манфаатлари уйғун ва ташки ҳарбий таҳдидларга қарши кураш бўйича ўзаро мажбуриятлар олишга ўз розилигини билдирган давлатлар билан чекланган.

Жозеф Йоффенинг фикрига кўра, анъанавий коллектив мудофаа - бу, бошқача айтганда, «гурухбозлик»дир. «Гурухбозлик, - унинг фикрича, - бу номи доимо ҳам ошкор этилмайдиган муайян душманинг мавжудлигини назарда тутувчи, аниқ мақсад асосида тузилган давлатлар уюшмасидир. Гурухбозлик албатта $(A+B+n)$ $(X+Y+n)$ га қарши тамойили асосида ҳамда душманни масофада ушлаб туриш, шунингдек, муайян обьект ёки географик минтақани мудофаа қилиш ёки босиб олиш мақсадида тузилади».

Коллектив мудофаадан фарқли ўлароқ коллектив хавфсизлик тизими аввалдан белгиланган душманга қарши давлатлар иттифоқини назарда тутмайди. Бу борада формула қуйидаги кўринишга эга бўлади: $(A+B+X+Y+n) Z$ га қарши». Бунда Z - агрессор ёки халқаро ҳукуқнинг асосий тамойилларини бузувчи, яъни таҳдид манбаи сифатида қаралади. Шундай қилиб, агар коллектив мудофаа тизимида белгиланган таҳдид ҳақида

тап борса, коллектив хавфсизлик механизмини потенциал таҳдид ҳаракатга келтиради.

Коллектив хавфсизлик фаолияти доираси нафақат ташки хавф ва таҳдидлар, балки ички хавфларни ҳам қамраб олади, яъни у мазкур тизим қатнашчилари ўртасидаги юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятлар ва конфликтларни тартибга солади, превентив дипломатия билан шуғулланади, хавфсизликнинг ноанъанавий таҳдидларига қарши чора-тадбирларни амалга оширади.

Шундай қилиб, коллектив мудофаа – шартнома асосида давлатлараро уюшмалар доирасида аъзо-давлатларни ташки ҳарбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида амалга ошири-лувчи коллектив ҳарбий чора-тадбирлар тизимири.

9.4. Кооператив хавфсизликнинг асосий ҳолатлари

Кооператив хавфсизлик – хавфсизлик тадқиқотлари ва халқаро муносабатлар назариясида нисбатан янги концепция ҳисобланади. П.А.Цыганковнинг фикрига қўшилган ҳолда, мазкур концепцияни ишлаб чиқиша АҚШда фаолият юритаётган «ақлий марказлар»дан бири - Брукингс институти тадқиқотчиларининг салмоқли ҳисса қўшганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, А.Кarter, Ж.Нолан, У.Перри ва бошқалар мазкур таҳлил муассасасининг ёрқин намояндлари ҳисобланади.

Одатда, кооператив хавфсизлик ўзаро уйғун халқаро муносабатлар ва ҳамкорликни ўрнатиш йўли билан хавфсизликни таъминловчи нисбатан тинчликпарвар ва идеалистик ёнда-шувни таърифлаш учун қўлланилади.

Кооператив хавфсизликнинг моҳиятини умумий хавфсизликка эришиш учун ҳамкорлик заруриятини белгиловчи ўзаро боғлиқлик омили билан изоҳлаш мумкин. Жаҳон ҳамжамияти аъзолари бўлган давлатларнинг хавфсизлиги бўлинмасдир, яъни алоҳида олинган хавфсизлик соҳаси, мисол учун, иқтисодий хавфсизлик сиёсий, ижтимоий, экологик ва бўшқа шу каби соҳаларда кечеётган жараёнларни таҳлил қилиш ва инобатга олиш орқалигина самарали таъминланиши мумкин.

Кооператив хавфсизлик хавфсизликнинг «ҳарбийлашмаган» концепциясидир, яъни унинг доирасида куч ишлатиш хавфсизликни таъминлашнинг одатий воситаси ҳисобланмайди. Кооператив хавфсизлик ҳамкорлик, мулоқот, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга таянади. Унинг асосий қоидалари кенг жамоатчилик томонидан қонуний деб тан олинадиган асослардан келиб чиқиши лозим. Шу билан бирга, кооператив хавфсизлик «шахс хавфсизлиги» ва умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш

омилидан келиб чиқиб, «гуманитар интервенция»ни, яъни гуманитар мақсадларда куролли кучларни қўллаш ғоясини инкор этмайди.

Кооператив хавфсизликнинг асосий жиҳатлари сифатида қўйидагилар ажратиб кўрсатилади: 1) агрессорни қўрқитиш эмас, балки агрессияни бартараф этишнинг қатъий кафолатларини яратишга йўналтирилганлик; 2) иттифоқлар сиёсатига муқобиллик; 3) хавфсизликнинг барча соҳаларида ривожлашини таъминлашга эришиш.

Кооператив хавфсизликнинг асосий минтақавий механизmlари сифатида «хавфсизлик ҳамжамияти» ва «хавфсизлик мулокоти борасидаги ташкилотлар» («security dialogue organizations») ажратиб кўрсатилади. Кооператив хавфсизлик институтига мисол сифатида EXХТни келтириш мумкин. Марказий Осиёда кооператив хавфсизлик механизмига Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш мисол бўлиши мумкин.

* * *

Давлатлашаро амалиёт ҳозирги даврда хавфсизликнинг ҳар уч механизmlарига эҳтиёж мавжудлигини тасдиқлади. XXI асрда коллектив хавфсизликнинг анъанавий институтлари -- коллектив мудофаа ва коллектив хавфсизлик ҳалқаро муносабатларда ўз мавқенини сақлаб қолмоқда. Ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг трансформациясига ёки уларнинг замонавий талабларга мослашувига қарамай давлатлар ўзаро муносабатларида кучлар мувозанатини таъминлаш воситаси сифатида уларнинг хизматидан воз кечишга ҳали тайёр эмасликларини кўрсатмоқда. Бироқ шу билан бирга хавфсизликнинг бўлинмаслигини ва давлат улар тақдирининг ўзаро боғлиқлигини чуқур англаш ва янги таҳдидлар хавфига нисбатан ожизлик кооператив хавфсизлик механизmlари аҳамиятининг ўсиб боришини англатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Цыганков П.А. Теория международных отношений: Учеб. пособие. – М.: Гардарики, 2004. – 590 с.
2. Josef Joffe. Collective Security and the Future of Europe: Failed Dreams and Dead Ends // Survival (Spring 1992). – P. 36-50.
3. Carter A., Perry W. and Steinbruner J. A New Concept of Cooperative Security. – Washington DC: Brookings Institution, 1992.
4. Global Engagement: Cooperation and Security in the 21st Century /Janne E. Nolan, ed. – Washington DC: Brookings Institution, 1994.

5. Security Communities /Emanuel Adler and Michael Barnett, ed. - Cambridge: Cambridge University Press, 1998.
6. Dewitt D. Common, Comprehensive and Cooperative Security // The Pacific Review. 1994. - №7:1.

Тестлар:

- 1. Сиёсий реализм нұқтаи-назаридан тарихий ва замонавий хавфсизлик институттарининг вазифалари – бу:**
 - а) халқаро муносабатларда етакчи давлатларнинг гегемонлигини бартараф этиш
 - б) халқаро муносабатларда кучлар мувозанатини таъминлаш ва уни давлат сиёсатининг инструменти сифатида қўллаш
 - в) муайян минтақада ҳарбий-сиёсий блокларни тузиш
 - г) тўғри жавоб йўқ
- 2. Ташқи ҳарбий таҳдидларга қарши туриш мақсадида тузилган давлатлар уюшмаси – бу:**
 - а) колектив хавфсизлик
 - б) колектив мудофаа
 - в) кооператив хавфсизлик
 - г) хавфсизлик комплекси
- 3. Бирор-бир аъзога нисбатан амалга оширилган қуролли ҳужумга жавобан коллектив равишда жавоб қайтариш мажбуриятини белгиловчи давлатлар уюшмаси – бу:**
 - а) коллектив мудофаа институтлари
 - б) иқтисодий ва молиявий ташкилотлар
 - в) кооператив хавфсизлик
 - г) хавфсизлик комплекси
- 4. «*Pacta sunt servanda*» иборасининг маъноси қайси бандда тўғри берилган:**
 - а) «мажбуриятлар бажарилиши лозим»
 - б) «шартномалар тинчлик кафолати»
 - в) «тинчликни истасанг урушга тайёрлан»
 - г) «музокаралар мажбуриятларни белгилайди»
- 5. Бош мақсади қуролли ҳужум ёки агрессия пайтида ҳарбий ёрдам кўрсатиш бўлган хавфсизликнинг анъанавий механизми – бу:**
 - а) стратегик ҳамкорлик
 - б) тинчликпарвар операциялар
 - в) кооператив хавфсизлик
 - г) коллектив мудофаа

6. Кооператив хавфсизлик – бу:

- а) халқаро муносабатларда күчлар мувозанатини таъминлаш ва уларни давлат сиёсати инструменти сифатида қўллаш
- б) «ноҳарбийлашган» хавфсизлик концепцияси
- в) минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида қуролли күчларни барпо этиш
- г) тўғри жавоб йўқ

7. Кўйида келтирилган бандлардан қайси бири кооператив хавфсизликнинг элементларига кирмайди?

- а) агрессорни қўрқитишга эмас, балки агрессиянинг олдини олишга қатъий кафолатларни яратишга йўналтирилганиги
- б) сўнгги чора сифатида куч ишлатиш
- в) қуролли күчларнинг мавжудлиги
- г) ишонч чоралари

Топшириклар:

1. Коллектив хавфсизлик, концерт тизими ва стратегик ҳамкорлик тушунчалари ўртасидаги фарқлар нималардан иборат? Ҳар бир ҳолатга алоҳида мисоллар келтиринг.

2. БМТ Низоми билан танишиб чиқинг. Унинг асосий жиҳатларига, айниқса, минтақавий ва халқаро хавфсизликка оид қоидаларига алоҳида эътибор беринг.

3. «Коллектив хавфсизлик кучсиз давлатларга «коллектив»га сингиб кетиш ва «бир давлат – бир овоз» тамойили асосида ҳаракат қилиш, қудратли давлатлар учун эса «коллектив қарор»га биноан тизимда устунлик қилишга имконият яратиб беради» жумласини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

5. «Коллектив хавфсизлик», «коллектив мудофаа» ва «кооператив хавфсизлик» тушунчалари орасидаги фарқлар нималардан иборат. Ҳар бир тушунчага мисоллар келтиринг.

Тест жавоблари:

- | | | | | | | |
|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| 1. | 2. | 3. | 4. | 5. | 6. | 7. |
| б) | б) | а) | а) | г) | б) | в) |

10-мавзу. Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг институционал-хукукий асослари

Таянч атамалар:

халқаро хавфсизлик, миллий хавфсизлик,
минтақавий хавфсизлик, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти,
Хавфсизлик Кенгаши, халқаро ташкилотлар

10.1. Халқаро хавфсизлик тушунчаси

10.2. Миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро мутаносиблиги

10.3. Халқаро ташкилотлар ва халқаро хавфсизлик

10.4. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ва замонавий дунё

10.1. Халқаро хавфсизлик тушунчаси

Халқаро хавфсизлик тушунчасига оид турли таърифлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар уни етакчи давлатларнинг манфаатлари мувозанати деб баҳолашса, иккинчи бир гуруҳ (реалистлар) фикрига кўра, халқаро хавфсизлик – бу анархик дунёда кучлар мувозанатининг таъминланганлигидир. Учинчи бир таъриф умумий ёки ялпи халқаро хавфсизликни урушларни вужудга келишига барҳам берувчи давлатлараро муносабатларни ташкил қилиш тарзида изоҳлайди. Кенг тарқалган яна бир таърифга кўра, халқаро хавфсизлик – бу ҳар қандай шаклда бўлишдан қатъий назар, умумий тинчлик, халқлар хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этувчи давлатлараро муносабатларнинг ҳолатидир.

Мазкур ўкув қўлланмаси муаллифлари халқаро хавфсизликни давлатларнинг суверен ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш имконини берувчи халқаро муносабатларнинг ҳолати сифатида таърифлайдилар. Таъкидлаб ўтиш жоизки, давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги ва шарт-шароитлар ўзаро боғлиқ ҳодислардир. Давлатлар ўртасида барқарорликка эришиш хавфсизликнинг мухим шарти ҳисобланади. Ўз навбатида, тегишли ташкилий-хукукий шарт-шароитларнинг яратилганлиги халқаро ҳамжамият аъзолари муносабатларининг барқарорлигини англатади.

Халқаро муносабатларнинг мавжуд воқелигидан келиб чиқиб, халқаро хавфсизликка нисбатан кучлар мувозанти деб берилган таърифга тўхталиб ўтамиз. Сиёсий реализм тараффорлари тасдиғига кўра, ким халқаро маконда етакчилик қилса, у халқаро хавфсизлик тизимининг мазмунини белгилайди. Ху-

сусан, мазкур мактаб вакилларидан бири француз тадқикотчи-си Р. Арон «...айрим ҳамжамиятлар, ўз ўлчамлари ва қудрати боис амалда бутун тизим устидан ҳукмронлик қиласди», деб ёзади. Яъни халқаро хавфсизлик деб номланган бино иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қудратли бўлган давлатлар томонидан яратилади. Халқаро хавфсизлик тизими давлатлараро тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Давлатлараро тизим Р.Ароннинг фикрича, давлатлар ўз хавфсизлигини таъминлаш учун бири иккинчисининг фаолиятини диққат билан кузатиб бориши учун шароит яратувчи тизимдир.

10.2. Миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро мутаносиблиги

Миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимида миллий хавфсизлик бирламчи характерга эга. Бу бир қатор омиллар билан изоҳланади. Энг муҳими – бу давлат суверенитети фоясидир. Ҳозирги замон халқаро муносабатларида суверентитетнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида билдирилаётган турли, ўзаро қарама-қарши фикрларга қарамасдан, давлат ҳам ички ҳам ташқи муносабатларнинг бирламчи субъекти бўлиб қолмоқда. Шунингдек, халқаро муносабатларнинг мазмуни, аввалимбор, давлатларнинг фундаментал манфаатлари билан белгиланади. Айтиш жоизки, миллий манфаатлар халқаро муносабатлар тизимини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади.

Миллий хавфсизлик – бу аниқ бир давлатнинг хавфсизлиги. Ушбу маънода, халқаро ва минтақавий хавфсизликдан фарқли равишда миллий хавфсизликнинг норматив-ҳуқуқий асосини миллий қонунчилик нормалари ташкил этади. Минтақавий ва халқаро хавфсизлик соҳасидаги муносабатлар халқаро ҳуқук нормалари: халқаро шартномалар, халқаро одат, БМТ Низоми нормалари билан тартибга солинади. Бирок, миллий хавфсизликка оид қонунчилик халқаро шартномалар, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига мувофиқ келиши шарт. Миллий хавфсизлик ҳуқуқи доирасида конституция нормалари олий юридик кучга эга. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг ўзига хос концепцияси ҳисобланади.

Шундай қилиб, халқаро хавфсизлик универсал мазмун касб этиб, минтақавий ва миллий хавфсизлик - хавфсизликнинг бошқа икки даражаси – унинг таркибий қисми ҳисобланади. Халқаро хавфсизлик барча давлатлар томонидан умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқнинг норма ва принципларига риоя қилинишига таянади ҳамда халқаро-ҳуқуқий воситалар тизими орқали таъминланади.

10.3. Халқаро ташкилотлар ва халқаро хавфсизлик

Халқаро ташкилотлар – бу суверен давлатларнинг миллий манфаатларини амалга ошириш ва мувозанатини таъминлашга хизмат қилувчи институционал воситадир.

Халқаро ташкилотлар – халқаро муносабатлар тизимида нисбатан янги ва ўзига хос давлатлараро ўюшмалардир. XIX асрнинг охири XX аср бошларида халқаро ҳамжамият аъзоларининг манфаатлари мунтазам фаолият юритувчи мувофиқлаштирувчи давлатлараро тузилмаларни таъсис этишни тақозо этди. Бу даврда уларнинг фаолияти соҳавий характер касб этиб, ваколатлари доираси давлатлараро муносабатларнинг алоҳида соҳаларини тартибга солишга қаратилган эди: почта ва телеграф хизматини мувофиқлаштириш (Халқаро телеграф ўюнмаси – 1865 й., Бутун жаҳон почта ўюнмаси – 1874 й.), меҳнатни ташкил этиш (Халқаро меҳнат ташкилоти – 1919 й.).

Универсал халқаро ташкилотларнинг таъсис этилиши ва ривожланиши бевосита халқаро муносабатларнинг муҳим воқеалари, хусусан, жаҳон урушлари билан бевосита боғлиқ. Биринчи жаҳон урушининг аянчли оқибатлари тинчлик, хавфсизлик ва халқаро ҳамкорликни таъминлаш асосий вазифаси ҳисобланган кўп мақсадли ҳукуматлараро ташкилотни тушиб заруриятини белгилади. АҚШ ва Европа давлатларининг саъй-ҳаракатлари натижада 1919 йилда Миллатлар Лигаси ташкил топди.

Голиб давлатлар манфаатларини таъминлашга оид кафолатларни ўрнатиш, жаҳон урушининг сабабачи-давлатлари томонидан янги агрессиянинг юзага келишини олдини олиш, худудий ўзгаришларни мустаҳкамлаш ва бошқалар Париж тинчлик конференцияси натижаси ўлароқ тузилган Версаль шартномасининг мақсади эди. АҚШ президенти В.Вильсоннинг ташаббуси билан Миллатлар Лигаси Статути (Низоми) Версаль шартномасининг таркибий қисми сифатида қабул қилинди.

Миллатлар Лигаси ҳарбий конфликтларни олдини олиш ва жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида тузилган илк универсал ҳукуматлараро ташкилот эди. Ассамблея, Кенгаш ва Буш котиб бошчилигидаги доимий Котибият Лиганинг асосий органлари ҳисобланган. Лига Кенгаши Буюк Британия, Франция, Италия ва Япониядан иборат тўрт доимий аъзодан ташкил топган.

Низомда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга оид қоидаларнинг бузилганлиги учун халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик сифатида колектив санкцияларни кўллаш назарда тутилган. Лиганинг барча аъзолари ҳуқуқни бузган аъзо-давлат билан унинг қарорига мувофик, барча савдо ва молиявий муносабатларни тўхтатиши лозим эди. Миллатлар Лигаси аъзолари ўртасида

вужудга келадиган низоли вазиятлар ҳакамлик суди ёки Кенгаш томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида иттифоқчи давлатлар – Буюк Британия, СССР, АҚШ ва Франция – янги халқаро ташкилотни ташкил қилишга қадам қўйишиди. 1945 йилда ғолиб давлатлар ташаббуси билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил қилинди. «Бирлашган миллатлар» ибораси илк бор 1942 йил 1 январда Вашингтонда имзоланган «Бирлашган Миллатлар Декларацияси»да қўлланилди. Москва ва Техрон конференцияларида (1943 йилнинг октябрь ва декабрь ойлари) мазкур ташкилотнинг пойдевори қўйилган бўлса, Думбартон-Оксдаги (Вашингтон) конференция унинг тузилмасини муҳокама қилувчи маҳсус гуруҳнинг тузилиши ва унинг дастлабки учрашувининг ўтказилиши билан якунланди. БМТ Низоми 1945 йил 26 июнь куни Сан-Францискода имзоланиб, 1945 йилнинг 24 октябрида кучга кирди. Шу боис 24 октябрь БМТ ташкил топган кун сифатида кенг нишонланади.

БМТнинг ташкил топиши Вена конгресси ва Версаль тизимида нисбатан сезиларли олға силжиш бўлди. Халқаро хавфсизлик тизими шаклланишида барча субъектларнинг тўлақонли иштироки учун имкониятлар яратилди. Бошқа томондан, хавфсизликни таъминловчи мавжуд универсал механизм урушдан кейинги дастлабки йиллар кайфияти, ғолибларнинг устунлиги мағкурасини ўзида акс эттиради.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатлари асосида халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ҳамда мустаҳкамлаш инструменти сифатида тузилган. БМТ Низомининг муқаддимаси халқаро тинчликнинг асосларини ўрнатди.

Булар:

- ♦ урушга барҳам бериш;
- ♦ асосий инсон ҳуқуқларига нисбатан ишончни мустаҳкамлаш;
- ♦ халқаро ҳуқуқнинг аҳамиятини ошириш;
- ♦ ижтимоий тараққиёт ва яшаш шароитларини яхшилашга кўмаклашиш;
- ♦ қўшни давлатлар билан тинч-тотув яшаш;
- ♦ халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун кучларни бирлаштириш;
- ♦ қуролли кучлар фақатгина, умумий манфаатлар йўлида қўлланилишини белгиловчи тамойилларни қабул қилиш ва бошқалар.

БМТ Низомига кўра халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш умум тан олинган тамойиллар ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида қурилиши ва бу соҳада ваколатлари аниқ че-

гарапанган асосий органлари, биринчи навбатда, Баш Ассамблея, Котибият ва Хавфсизлик Кенгashi томонидан амалга оширилиши керак.

Баш Ассамблея халқаро тинчлик ва хавфсизликка таалукли бўлган ҳар қандай масала ёки ишни муҳокама қилиши улар юзасидан давлатлар ва Кенгашга муҳокама қилишдан олдин ёки кейин тавсиялар бериши мумкин.

Хавфсизлик Кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизлик юзасидан бош масъулият юклатилган (24-модда). Хавфсизлик Кенгashi БМТ, шунингдек, унга аъзо давлатлар номидан зарур ва олдини олувчи чоралар кўриш хукуқига эга бўлган БМТ тизимидағи ягона орган ҳисобланади. Низомга мувофиқ, Ташкилот аъзолари Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига бўйсунишга ва уларни бажаришга розилик берадилар (25-модда).

Тинчликка таҳдид, тинчликни бузиш ва агрессия акти ҳолатларида Хавфсизлик Кенгашининг ҳаракатлари вазиятни квалификация қилишдан, яъни баҳолашдан бошланади. Хавфсизлик Кенгashi Низомининг 39-моддаси бўйича қарори унинг тинчликни таъминлаш бўйича келгуси ҳаракатлари учун юридик асос бўлиб хизмат қиласи.

Масалан, 1966 йил 16 декабрдаги 232-сонли резолюцияда Хавфсизлик Кенгashi Жанубий Родезия томонидан қабул қилинган мустақиллик декларациясини озчилик томонидан қабул қилинганилигига асосланиб, тинчликка таҳдид деб баҳолади. Эрон-Ироқ конфликтида Хавфсизлик Кенгashi, кечикиб бўлса ҳам, вазиятни халқаро тинчликнинг бузилиши деб баҳолади (1987 й. 598-сонли резолюция). 1990 йилнинг август ойида содир этилган Ироқнинг Кувайтга қуролли ҳужуми ҳам худди шундай квалификация қилинди (660-сонли резолюция).

БМТ Низоми Кенгашга вазиятнинг янада чукурлашиб кетишини олдини олиш учун, 40-моддага мувофиқ, вақтинча чоралар кўриш хукуқини беради. Бундай чоралар манфаатдор тарафларнинг хукуқларига зарар етказмаслиги ва вазиятнинг кескинлашувини олдини олишга қаратилган бўлиши керак. Мазкур чоралар, Кенгаш қарорига мувофиқ, манфаатдор давлатлар томонидан амалга оширилади.

Вазиятнинг ёмонлашуви кузатилса, Кенгаш Низомининг 41-моддасига кўра, қуролли кучлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган чоралар кўриш хукуқига эга. Уларга иқтисодий муносабатларни, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф, радио ва бошқа алоқаларни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш, шунингдек дипломатик муносабатларни тўхтатиш кабилар киради.

Хавфсизлик Кенгashi ўз амалиётида бир неча бор Низомининг 41-моддасига мувофиқ «ноҳарбий» санкцияларни кўлла-

ган. Хусусан, 1966 ва 1968 йилларда Жанубий Родезияга нисбатан (232 ва 253-сонли резолюциялар ҳам иқтисодий ҳам сиёсий аҳамиятдаги умумий санкцияларни қўллашни талаб қилган); 1977 йилда Жанубий Африка республикасига нисбатан (418-сонли резолюция ЖАРГа қурол ва ҳарбий материалларни етказиб бериш юзасидан эмбарго ўрнатиш тўғрисида); 1990 йилда Ироқقا нисбатан (661 ва 670-сонли резолюцияларда кенг кўламли иқтисодий ва молиявий санкциялар белгиланган); 1991 йилда Югославияга нисбатан (713-сонли резолюция ва кейинги қарорларида Югославияга қурол етказиб бериш юзасидан эмбарго ўрнатилди, иқтисодий санкциялар тайинланди); 1992 йилда Ливияга нисбатан (748-сонли резолюция ҳаво эмбаргоси ва Ливияга қурол етказиб бериш юзасидан эмбарго жорий этилди) ва бошқалар.

Қуролли кучларни кўллаган ҳолда чоралар кўриш 42-модда билан тартибга солинади. Унга кўра, «агар Хавфсизлик Кенгаши 41-моддада кўзда тутилган чораларнинг етарли бўлмаслиги мумкин ёки етарли эмас деб топса, у ҳаво, денгиз ёки қуруқлиқдаги кучлар ёрдамида халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ёки тиклаш учун зарур чоралар кўришга вакил қилинади». Бу Хавфсизлик Кенгаши 41-моддада кўзда тутилган чоралар кўрилганидан кейин ёки дастлабки чора сифатида қуролли кучларни қўллаши мумкин деган маънони англатади. Бироқ, Хавфсизлик Кенгаши ўз фаолияти давомида 42-модда ва VII бобнинг бошқа қоидаларида белгиланган тартибга тўлиқ риоя этгани ҳолда қуролли кучлардан фойдаланмаган.

1950 йилда икки Корея урушига БМТнинг аралашуви ва 1990 йилда Ироқقا қарши куч ишлатишга рухсат берилиши Низомнинг 42-моддаси бўйича колектив хавфсизлик қоидаларига тўлиқ мос келади деб ҳисобланилади. Аслида Кореядаги урушда АҚШ ва унинг иттифоқчилари таъсири катта бўлган. Ҳарбий ҳаракатлар БМТ мандати (байроби) остида АҚШ томонидан молиялаштирилган коалицион кучлар томонидан амалга оширилган. Ушбу ҳаракатларда иштирок этган ҳарбий кучларнинг тўқсон фоизи АҚШ ва Жанубий Корея қуролли кучларини ташкил этган.

Бу икки аралашув ўртасида бир аҳамиятли фарқ мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим. 1990-1991 йилларда колектив хавфсизлик механизми четлаб ўтилмай, бевосита ҳаракатга келтирилган. Низомда белгиланганидек, Хавфсизлик Кенгаши томонидан барчанинг розилигига асосланган резолюция қабул қилинди. Шунинг учун Форс кўрфазидаги урушни колектив хавфсизликнинг амалда намоён бўлиши сифатида баҳоланади.

Бироқ, ушбу ҳолатнинг таҳлили вазият бир қадар ўзгача эканлигини кўрсатмоқда. Форс кўрфазидаги уруш даврида «ха-

лқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида бош масъулиятни», БМТ Низомининг 24-моддасида белгиланганидек, Хавфсизлик Кенгаши эмас, балки АҚШ ўз зиммасига олди. 678-сонли резолюция ижросини жаҳон ҳамжамияти органи эмас, балки «Кувайт ҳукумати билан ҳамкорлик олиб борувчи давлатлар уюшмаси» таъминлади. Хавфсизлик Кенгаши *ad hoc* коалицияга ҳарбий ҳаракатларни амалга оширишга рухсат берди. Бироқ уни ташкил этиш ва бошқаришда бевосита иштирок этмади.

Низомнинг VII боби доирасида куч ишлатилиши бутун талабларга жавоб бериши учун у Низомнинг 43, 47-моддалари қоидаларига ҳам мос келиши лозим. 43-модда БМТ аъзолари томонидан: Кенгаш билан БМТга аъзо давлатлар ўртасида тузилган маҳсус битим ёки битимлар асосида; Хавфсизлик Кенгашининг талаби билан, яъни унинг қарори асосида Кенгаш тасарруфига зарур қуролли қучларни, ёрдам, хизмат воситаларини бериш тартибини белгилайди.

Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларнинг бирлашган штаблари бошлиқлари ёки уларнинг вакилларидан ташкил топган Ҳарбий Штаб Кўмитасининг (ХШК) маслаҳатларига таянган ҳолда қуролли қучларни ташкил этиш ва уларни қўллаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиши керак (47-модда). Бироқ Низомнинг бу икки қоидаси ҳалқаро амалиётда қўлланилгани йўқ. Тадқиқотчилар бу ҳолатни бевосита доимий аъзоларнинг манфаатлари тўқнашуви ҳамда Хавфсизлик Кенгашининг ўз ваколатларини ўзга бир органга юлаш истагининг йўқлиги билан изоҳлайдилар.

Ўтган вақт мобайнида тинчликни таъминлаш бўйича БМТ механизмининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва самародорлигини оширишга қаратилган бир қатор ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улардан Ҳалқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларация (1970 й.), Агрессия таърифи (1974 й.), Бош Ассамблеянинг 1989 йил 15 ноябрда қабул қилган БМТ Низомига мувофиқ барча соҳаларда ҳалқаро тинчлик, хавфсизлик ва ҳалқаро ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги резолюцияларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

10.4. БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши ва замонавий дунё

Постбиполяр дунёда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ваколатлари Низомнинг VII боби доирасида, унинг имкониятларига мос равишда кенгайиб бормоқда. Ҳозирда Кенгаш ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи ҳамда VII бобда кўзда тутилган чораларни қўллашга олиб келувчи вазиятларни ква-

лификация қилиш бүйича қатый чораларни амалга оширмоқда. Таъкидлаб ўтиш муҳимки, айнан иккى қутбли дунёнинг барҳам топиши мазкур универсал ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини унинг Низомида белгиланган тарзда амалга ошириш учун тегишли имкониятларни яратди.

Мисол сифатида Кенгаш амалиётининг қуидаги жиҳатларини келтириш мумкин:

- ♦ бевосита ички низоларни вазиятни кескинлаштирувчи ва халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид соловучи фаолият ёки жараён сифатида баҳолаш (Руанда);
- ♦ инсон хукукларининг бузилишини халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид сифатида баҳолаш (Босния, Камбоджа);
- ♦ террористик актларни тинчликка таҳдид деб баҳолаш («Локерби иши», 2001 йил 11 сентябрь воқеларидан сўнг қабул қилинган резолюциялар) ва ҳ.к.

Ушбу тенденциялар Хавфсизлик Кенгашининг авваллари фақат давлатнинг ички иши деб ҳисобланган фаолият соҳаларига кириб бориши/аралашувининг кучайишидан далолат беради. Айтилганларга қўшимча сифатида алоҳида олинган давлатнинг жиноий юрисдикцияси ва судлови соҳасида *ad hoc* трибуналларнинг тузилиши; тегишли давлатларнинг розилигисиз бундай юрисдикцияни халқаро ҳамжамиятга берилиши; давлатларга жиноят содир этишда айбланаётган фуқароларини ўзга бир суверен давлатга бериш тўғрисида кўрсатмалар берилиши (Ливия, Судан) ёки уларни Халқаро трибуналларга топшириш тўғрисида қарорлар қабул қилиши (Югославия); алоҳида олинган миллий қонунчилик ҳужжатларини бекор қилиниши талаб этилиши (Хорватия) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Сўнгги йилларда Хавфсизлик Кенгashi амалиётида унинг қарорларини жорий этилишини таъминлашга хизмат қилувчи ёрдамчи органларни тузиш кенг томир отиб бормоқда. Бу ҳолат, аввало, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида намоён бўлмоқда. Халқаро терроризм БМТ Низомида белгиланган колектив хавфсизлик чегараларини кенгайтириш ва унинг имкониятларидан кенг фойдаланишини тақозо этмоқда. Хусусан, 1999 йил 1269-сонли резолюция билан ҳисоб рақамлари музлатиб қўйилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини тузиш вазифаси юқлатиган қўмита таъсис этилди. Хавфсизлик Кенгashi 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин 1373-сонли резолюция талабларини бажарилишини таъмин этишга қаратилган Аксилтеррор қўмитасини таъсис этди. «Ал-Қоида» ва «Толибон» ҳукуматига нисбатан қабул қилинган санцияларнинг бажарилишини таъмин этиш мақсадида тузилган БМТнинг санк-

циялар бўйича қўмитаси қатор гурухларни БМТ санкциялари кўлланилиши лозим бўлган ташкилотлар рўйхатига киритди.

Маълумки, Хавфсизлик Кенгаши халқаро шартнома асосида тузилган халқаро ташкилотнинг органи ҳисобланади. Табиийки, у ўз ваколатларини амалга оширишда БМТ Низомининг мақсад ва тамойилларига мувофиқ тарзда ҳаракат қилиши керак. Унинг белгиланган чегарадан чиқиши эса Кенгаш учун *ultra vires* ҳаракатни амалга оширишни англатади деган фикрлар мавжуд.

Мазкур ўринда таъкидлаб ўтиш муҳимки, Хавфсизлик Кенгаши фаолияти доирасини белгиловчи барча ҳаракатларнинг БМТ Низомида *de jure* акс эттирилмаганлигига қарамасдан, улар Низом руҳи ва мазмунига тўлиқ мос келади. Низомнинг тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга оид қоидаларида Хавфсизлик Кенгашига «бош маъсулиятнинг» юклатилганлиги (24-модда), Кенгаш зарур деб топган ҳолатларда халқаро хамжамият номидан мажбурий чораларни кўриш ваколати (40-42 модда), ёрдамчи органларни тузиш хукуки ва бошқалар Хавфсизлик Кенгаши фаолиятининг ҳозирги замон тенденциялари халқаро-хукукий асосга эга эканлигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Колесов Ю.М. и Кривчикова Э.С. Действующее международное право. В 3-х т. – М.: Издательство Московского независимого института международного права, 1997. Т. 2. – 832 с.
2. Бэттер А. Национальные интересы, национальная и международная безопасность // Полис. – Москва, 2002. - № 4. - С. 146-159.
3. Виллем ван Экелен. Повестка дня в области безопасности на 1996г. Предпосылки и предложения. Центр исследований европейской политики. Доклад № 94. 1995.
4. Рахманов А.Р. Проблемы безопасности: на национальном, региональном и глобальном уровнях (международно-правовые аспекты). – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 100 с.
5. Турсунов А., Нурназаров Р. Национальная безопасность Республики Узбекистан и правовое регулирование ее обеспечения. – Т.: Ижод дунёси, 2004. – 47 с.
6. Арон Р. Мир и война между народами. /Под общей ред. к.полит.н. Даниленко В.И. – М.: NOTA BENE, 2000.
7. Шатуновский-Бюрно С.В. Совет безопасности ООН и современный мир // Политика и право. – Москва, 2000. - №12. – С. 98-105.
8. Шаши Тхарур. Следует ли ООН в ее усилиях по поддержанию мира вернуться к «основам»? //Survival, Vol. 37. No. 4. (Spring 1995-96). – Р. 52-64.
9. Giandomenico Picco. The UN and the Use of Force //Foreign Affairs. Vol 3. No 5. (September/October 1994).

Тестлар:

1. Қайси бандда «халқаро хавфсизлик» түшүнчесиңе берилганды таъриф нотүгри?

а) халқаро хавфсизлик – етакчи давлатларнинг манфаатлари мувозанати

б) халқаро хавфсизлик – бу ҳар қандай шаклда бўлишдан қаттий назар, умумий тинчлик, халқлар хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этувчи давлатлараро муносабатларнинг ҳолатидир

в) буюк давлатлар томонидан ривожланаётган давлатларни назорат қилиб туришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуйи

г) халқаро хавфсизлик – бу анархик дунёда кучлар мувозанатининг таъминланганлигидир

2. Қайси сиёсий мактаб вакиллари «миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимида миллий хавфсизлик бирламчи характерга эга» деган гояни илгари суралдилар?

а) сиёсий реализм

б) сиёсий идеализм

в) глобалистлар

г) феминистлар

3. Миллатлар Лигаси қачон ташкил топган?

а) 1918 йилда

б) 1919 йилда

в) 1920 йилда

г) 1921 йилда

4. БМТ Низоми қайси конференцияда имзоланган?

а) Москва конференциясида

б) Крим конференциясида

в) Лондон конференциясида

г) Сан-Франциско конференциясида

5. БМТ Низоми қачон кучга кирган?

а) 1945 йил 22 июнь

б) 1945 йил 26 июнь

в) 1945 йил 24 октябрь

г) 1946 йил 2 апрель

6. Лига Кенгашининг доимий аъзоларини топинг.

а) Буюк Британия, Франция, Италия, АҚШ

б) Буюк Британия, Франция, Испания, АҚШ

- в) Буюк Британия, Франция, Канада, АҚШ
г) Буюк Британия, Франция, Италия, Япония

7. «Бирлашган миллатлар» атамаси биринчи маротаба қағон мұомалага киритилған?

- а) 1942 йил 1 январда
б) 1942 йил 15 мартда, Вашингтон Декларациясида
в) 1943 йил 22 июнь, Москва Декларациясида
г) 1945 йил 26 июнь, Сан-Франциско конференциясида

8. БМТ Низомининг қайси моддасида Хавфсизлик Кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизлик юзасидан бош масъулият юқлатылғанлиги қайд этилған?

- а) 21-модда
б) 24-модда
в) 48-модда
г) 53-модда

9. БМТ Низомининг қайси моддаларида Хавфсизлик Кенгаши зарур деб топған чораларни күриш имконияты ҳақида ғап боради?

- а) 21-22-моддалар
б) 24-28-моддалар
в) 27-31-моддалар
г) 40-42-моддалар

Топшириқлар:

1. «Ким халқаро мұносабатлар геостратегик маконида етакчилик қылса, у халқаро хавфсизлик тизимининг мазмунини белгилайди» деган фикрни изохлашша ҳаракат қилинг.

2. «Халқаро хукуқнинг меъерлари билан тартибға солинадиган халқаро мұносабаттарнинг мазмуни, авваломбор, мазкур суверен субъектларнинг фундаментал манфаатлари билан белгиланади» деган фикрни Сиз қандай тушунасиз?

3. БМТ Низомининг муқаддимаси билан танишиб чиқинг ва унда көлтирилған асосий ҳолатларни конспект қилинг.

4. Илмий адабиётларда БМТнинг ташкил топиши тарихи билан танишиб чиқинг ва унинг асосий босқичларини конспект қилиб олинг.

5. БМТ Низомида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ваколатлари билан танишиб чиқинг ва унинг асосий жиҳатларини конспект қилиб олинг.

Тест жағоблары:

1. 2. 3. 4. 5. 6. 7. 8. 9.
в) а) Б) г) в) г) а) б) г)

11-мавзу. Халқаро муносабатларда куч ишлатишни хукуқий тартибга солиши

Таянч атамалар:

куч ишлатиш, ўзини-ўзи мудофаа қилиш хукуқи, таклиф бўйича интервенция, гуманитар интервенция, олдини оловчи ёки бартараф этувчи зарбалар

- 11.1. Куч ишлатишга нисбатан халқаро тақиқлар**
- 11.2. Давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш хукуқи**
- 11.3. Таклиф бўйича интервенция**
- 11.4. Гуманитар интервенция**
- 11.5. Халқаро терроризм ва унга қарши куч ишлатиш**

11.1. Куч ишлатишга нисбатан халқаро тақиқлар

ХХ асрда жаҳон ҳамжамияти халқаро муносабатларда куч ишлатишни тақиқлаш бўйича катта йўлни босиб ўтди. Аср бошида «уруш хукуқи» ҳукмрон бўлиб, уруш давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг қонуний услуби, суверен давлат ташкисиёсатининг ва ўзаро конфликтларни ҳал этишининг тан олинган воситаси сифатида кўрилган. Бироқ, Биринчи Жаҳон урушининг оқибатлари бу каби қарашни гумон остига олди. Голиб давлатлар келажакда бу каби ҳолатларнинг қайтарилишини олдини олиш мақсадида Миллатлар Лигасини тузди. Аммо ташкилот Статутининг қоидалари урушни тўғридан-тўғри тақиқламади.

1928 йилнинг 27 августида Парижда АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия, Бельгия, Канада, Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Африка, Ирландия, Хиндистон, Польша, Чехословакия ва Япония вакиллари томонидан имзоланган «Миллий сиёsatнинг воситаси сифатида урушдан воз кечиш тўғрисида»ги шартнома халқаро ва, биринчи навбатда, Европа хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган хужжат эди.

Бу шартнома тарихга *Париж пакти* ёки *Бриан-Келлог пакти* сифатида кирди. Бриан-Келлог пакти – бу урушдан миллий сиёsatнинг қуроли сифатида воз кечиш тўғрисидаги шартномадир. Пактни тузиш тўғрисидаги фоя Франция ташки ишлар вазири А.Брианг тегишли бўлиб, у АҚШ давлат котиби Ф.Келлог томонидан қўллаб-куватланди. Унинг муаллифлари тинчлик учун Нобель мукофоти соҳиблари хисобланади (А.Бриан 1926 й.да ва Ф.Келлог 1929 й.да). 1938 йилнинг охирига келиб 63 давлат, яъни бу даврда мавжуд бўлган деярли барча давлатлар Бриан-Келлог пактига қўшилдилар.

Бриан-Келлог пакти халқаро муносабатларда куч ишлатиши тақиқлашга қаратилған илк уринишлардан бири ҳисобланади. Мазкур ҳужжат уни имзолаган барча давлатлардан урушни миллий сиёсатнинг қуроли сифатида воз кечишига ундаған, барча низоларни тинч воситалар билан ҳал этилишини мустаҳкамлаб қўйди. Пакт ғоялари кейинчалик БМТ Низоми қоидаларида ўз ривожини топди. Шунингдек Пакт Нюрнберг жараёни учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди.

Ҳужжат уч моддадан иборат бўлиб, биринчи моддада халқаро низоларни тартибга солиш ва миллий сиёсат қуроли сифатида урушдан воз кечиш тўғрисида сўз кетади. Иккинчи моддада ҳар қандай баҳс ва конфликтларни тинч йўл билан ҳал этиш зарурияти белгиланган. Учинчи моддада эса мазкур шартномага қўшилиш, ратификация қилиш ва ратификацион ёрлиқларга оид қоидалар белгиланган.

БМТ Низоми Миллатлар Лигаси Статути ва Бриан-Келлог пактида белгиланган тақиқлардан кенгроқ бўлган, куч ишлатишига нисбатан қатъий талабларни ифода этувчи янги қоидаларни мустаҳкамлади. БМТ Низомининг 2-моддасида (4-банд) қўйидаги қоида белгилаб қўйилган: «*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирон-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тиядилар*». Мазкур принцип халқаро ҳуқуқ принциплари тизимида марказий ўринга эга.

БМТ Низомида «уруш» ибораси ўрнига «куч» атамасининг ишлатилиши халқаро муносабатларда кучни қўллашни тақиқловчи доирани янада кенгайтиради. Низомининг 2-модда (4-банди) кейинчалик БМТ Бош Ассамблеясининг декларация ва резолюцияларида ривожлантирилди ва янада аниқлаштирилди. Ҳусусан, Давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияда (1970) Низом қоидаларида тақиқланган ҳаракатлар аниқ белгилаб қўйилди.

Булар:

1. Агрессив урушлар.
2. Мавжуд халқаро чегараларни бузиш (жумладан демаркацион чизиқлар ва тинчлик ўрнатиш чизиқларини) ёки халқаро низоларни ҳал этишда куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш.
3. Куч ишлатиш орқали репрессалиядан фойдаланиш.

4. Ҳалқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш мақсадида куч ишлатиш.

5. Бошқа давлат худудидаги ички конфликтлар ва террористик актларни ташкил этиш, гиж-гижлаш, ёрдам бериш ёки уларда иштирок этиш ва бошқалар.

Кўп йиллик мунозаралардан сўнг 1974 йилда Бош Ассамблеяянинг 29-сессиясида *Агрессия таърифи* қабул қилинди. Мазкур хужжат унда нафақат «тинчликка қарши жиноят» ҳисобланган ҳаракатлар белгиланганлиги билан аҳамиятли, балки шу билан бирга у 2 (4)-модданинг мазмунини ривожлантириш нутқи-назаридан ҳам муҳим ҳисобланади. Агрессия таърифи барча давлатларни ҳар қандай агрессия актини содир этишдан ўзини тийиб туришга чақиради ҳамда ҳар қандай давлатнинг БМТ Низомини бузиб биринчи бўлиб қуролли куч ишлатиши *prima facie* агрессия акти далили бўлиб ҳисобланишини белгилаб беради.

Мазкур хужжатга кўра, агрессия – бу бирор-бир давлатнинг бошқа давлатнинг суверенитети, худудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши ёки ўзга бир тарзда БМТ Низомига зид равишда қуролли кучларни қўллашдир. Агрессия таърифи БМТ Низомининг 39-моддасида белгилаб берилган «агressия акти» атамаси мазмунини янада бойитиб, қўйидаги хатти-ҳаракатларни ҳам агрессия акти сифатида баҳолади:

a) бирор-бир давлат қуролли кучларининг бошқа бир давлат худудига бостириб кириши ёки ҳужуми, ёинки ҳар қандай мувакқат ҳарактерига эга бўлишига қарамай бундай бостириб кириш ёки ҳужум оқибатидаги ҳар қандай ҳарбий оккупация, ёинки бошқа давлат худуди ёки унинг қисмини куч ишлатиш орқали аннексия қилиш;

b) давлат қуролли кучлари билан бошқа давлат ҳудудини бомбардимон қилиш ёки бир давлатнинг бошқа бир давлат худудига қарши ҳар қандай тарзда қурол ишлатиши;

c) бошқа давлат томонидан ўзга давлат портлари ёки қирғоқларини қуролли кучлар ёрдамида қамал қилиш;

d) бир давлат қуролли кучларининг бошқа давлатнинг куруклик, денгиз ёки ҳаво кучлари, ёки денгиз ва ҳаво флотига ҳужуми;

e) имзоланган шартнома асосида бошқа давлат худудида жойлашган бирор-бир давлат қуролли кучларининг мазкур шартномада белгиланган шартларни бузиш орқали қўлланиши ёки шартнома муддати тугаган бўлишига қарамай ушбу давлат худудида белгиланган муддатдан ортиқ туриб қолиши;

f) давлатнинг ўзга бир давлатнинг унга берилган худудидан учинчи бир давлатга агрессия актини содир этиш учун фойдаланишга имконият бериш билан боғлиқ хатти-ҳаракати;

g) давлат ёки давлат номидан бошқа давлатга қарши юқорида санаб ўтилган ҳолатларга тенглаштирилган, оғир салбий оқибатларни юзага келтириш ёки ушбу жараёнларда сезиларли даражада иштирок этиш мақсадида қуролли күчларни құллаш актларини амалга оширувчи қуролли тұдалар, гурухлар ва мунтазам күчлар ёки ёлланма шахсларни юбориш.

Ушбу үринде қайд қилиб ўтиш лозимки, мазкур ҳолатлар агрессия актини белгиловчи якуний рүйхатни ташкил этмайди. Бош Ассамблеяның номи тилга олинган ұжжатынинг 4-моддаси БМТ Хавғасызлик Кенгашига бошқа ҳолатларни ҳам агрессия акти сифатида квалификация қилиш ваколатини беради. Агрессия таърифи лойиҳасини ишлаб чиқыш жараёнида Учинчи дүнё давлатларининг «иктисодий аралашув»ни ҳам «агressия» акти сифатида күриш лозимлиги борасидаги таклифи инобатта олинмади.

Агрессия таърифидан келиб чиқадики, давлат мазкур халқаро жинояттыннинг ягона субъекти сифатида эътироф этилади. Ушбу үринде иккى ҳолатта эътиборни қаратиши лозим: бириңчидан, қуролли күчлар институт сифатида суверен давлатта тегишлилиги; иккінчидан, агрессия объекти - суверенитет, худудий дахлсизлик ва сиёсий мустақиллик - үз навбатыда давлатнинг мавжудлигини белгилаб берувчи фундаментал манфааттар ҳисобланади.

Бирок Агрессия таърифининг 3-моддаси өз бандига мувофиқ иррегуляр күчларга «қуролли тұдалар, гурухлар ва мунтазам күчлар ёки ёлланма шахслар» киради. Бугунғи кунда улар қатерига агрессия актига тенглаштириладиган даражада жицдий ахамият касб этувчи ҳаракатларни содир этган террористик ташкилотларни ҳам киритиш мүмкін. Билвосита/тұғри ёки эгри/бевосита агрессияның хусусияти шундаки, инглиз тилида *proxies* ибораси билан изохланувчи «учинчи күчлар» үзге бир давлатта қарши агрессия актини муайян давлат номидан ҳаракат қылғани ҳолда амалга оширади. Иррегуляр күчлардан фойдаланиш давлатларга душман билан тұғридан-тұғри ҳарбий тұқнашувга киришмаслик ёки у билан кенг қамровли ҳарбий ҳаракатларни олиб бормаслик имкониятини беради.

11.2. Давлатларнинг үз-үзини мудофаа қилиш ҳуқуқи

Халқаро муносабатларда күч ишлатишнинг умумий тақиқидан үзини-үзи мудофаа қилиш ҳуқуқи, яғни давлатнинг бошқа давлат томонидан унга қарши ноқонуний күч ишлатишга қарши күчдан фойдаланиш ҳуқуқи истисно ҳисобланади.

Үзини-үзи мудофаа қилиш ҳуқуқи – давлатнинг бошқа бир давлат қуролли хужуми натижасида бузилған сиёсий муста-

қиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини тиклаш мақсадида қуролли жавоб чораларини амалга оширишга бўлган ажralmas ҳуқуқидир. БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи «*Ташкилот Аъзосига қуролли ҳужум содир этилган тақдирда*»гина юзага келади ва икки шаклда амалга оширилади: **индивидуал ва колектив.**

Биринчи ҳолатда қуролли ҳужумга учраган давлатнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган жавоб чоралари тўғрисида сўз кетади, иккинчи ҳолатда эса, халқаро шартнома ёки халқаро ташкилот доирасида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги (коллектив) жавоб чоралари назарда тутилади. Ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқининг асосий талаби шундаки, мазкур ҳуқуқни амалга оширишда кўрилган чоралар Хавфсизлик Кенгашига дарҳол маълум қилиниши ва БМТ Низомига мувофиқ, Кенгашнинг тегишли ваколат ва маъсулиятга дахл қиласлиги керак.

Ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи муайян мезонларга жавоб бериши лозим. Зарурият, пропорционаллик (монандлик) ва зудлик/тезкорлик тамойиллари ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқининг энг муҳим (гарчи ягона бўлмасада) хусусиятлари бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтда улар деярли умумеътироф этилган меъёрга айланган.

Зарурият тамоили қуролли ҳужумнинг олдини олиш учун бошқа ҳеч қандай муқобил варианти қолмаган ҳолатдагина куч ишлатиш мумкинлигини англатади. Пропорционаллик ёки монандлик тамоилилига асосан, ўзини-ўзи мудофаа қилишга қаратилган жавоб чоралари қуролли ҳужумни қайтариш ва истиқболда келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа ҳужум таҳдидларини олдини олиш учун зарур бўлган даражадан ортиб кетмаслиги керак.

Мудофаа зарурияти ўйлаш учун ҳеч қандай вақт ва ўзга восита самарасиз бўлганда мавжуд бўлиши мумкин. Мудофаа ҳаракатлари эса «асоссиз ёки ортиқча» бўлмаслиги керак. Вақт ўтиши билан ўзини мудофаа қилиш зарурийлик ва пропорционаллик мезонларига асосланиши керак деган талаб мустаҳкамланиб борди. БМТ Халқаро суди Никарагуа иши юзасидан қабул қилган қарори, шунингдек, ядро қуролларини қўллашнинг қонунийлиги тўғрисидаги консультатив хуносасида мазкур талабларнинг мавжудлигини тасдиқлади.

Низомнинг 51-моддасида белгилаб қўйилган давлатларнинг куч ишлатишга бўлган «ажралмас ҳуқуқи» сиёсатчилар ва тадқиқотчилар ўртасида маълум мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Гап шундаки, БМТ Низомида куч ҳодисаси билан боғлиқ турли тушунчалар қўлланилган: куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилиш, тинчликни бузиш, агрессия акти ва қуролли ҳужум.

Бирок, мазкур барча ҳолатларда ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи юзага келавермайди. БМТ Низоми ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи суверен давлатга қуролли ҳужум содир бўлган тақдирдагина кучга киришини назарда тутади. БМТ Халқаро суд Никарагуанинг АҚШга қарши иши юзасидан қабул қилган қарорида бундай ёндашувни тасдиқлади. Суд давлат фақат қуролли ҳужум қурбони бўлган тақдирдагина индивидуал ёки колектив мудофаанинг қонунийлигини белгилайди. Суд қарорида таъкидланишича, давлат агар қурбон-давлат ўзининг ҳарбий ҳужум обьекти эканлигини эълон қилиб, унга ёрдам кўрсатилиши кераклигини сўрагандан кейингина ушбу давлатни қўллаш учун куч ишлатиши мумкин. Суд давлатга қуролли ҳужум бўлмаган тақдирда жавоб тарзда қурол ишлатиш ҳуқуқига эга эмаслигини таъкидлайди. Суд қуролли ҳужум бўлмаган ҳолда, ҳаттоти зарурият ва пропорционаллик талабларига амал қилинган бўлса ҳам коллектив мудофаанинг ноқонунийлигини маълум қиласди.

Бошқа томондан, агрессия таърифидан келиб чиқилса, қуролли кучларнинг бошқа давлатга нисбатан биринчи бўлиб тўғридан-тўғри ишлатилиши доимо ҳам агрессия акти ёки қуролли ҳужум деб баҳоланишига асос бўла олмайди (мисол учун, чегара инциденти). Чунки давлат томонидан мунтазам ҳарбий кучларнинг ишлатилиши айrim ҳолларда агрессия акти ёки қуролли ҳужум сифатида баҳоланиши учун етарли даражада жиддий характер касб этмаслиги мумкин.

Давлатлар қандай қилиб «қуролли ҳужум» даражасига етмаган, эҳтимолдаги қуролли ҳужум ёки хавфга жавоб беришлари керак?

Бу соҳадаги энг мураккаб ва қарама-қарши масалалардан бири «олдини оловчи ёки огоҳлантирувчи мудофаа ҳуқуқи» (превентивная или упреждающая самооборона/*preventive and preemptive selfdefence*) концепцияси ҳисобланади. Жавоб ҳарбий ҳаракатларини бошлаш учун давлатга қарши ҳужум бошланишини кутиш керакми ёки агрессор биринчи зарбани бериб, устунликка эришиш имкониятини қўлга киритмаслиги учун олдини оловчи ҳарбий амалиётни қўллаш мумкинми?

Олдини оловчи (превентив) ўзини-ўзи мудофаа қилиш – қуролли ҳужумни олдини олиш мақсадида давлатнинг қуролли кучларни қўллаш ҳуқуқи мавжудлигини тасдиқловчи замонавий халқаро-ҳуқуқий концепциядир. Мазкур концепция тарафдорлари ғоят катта тезликка эга бўлган замонавий ҳарбий техника давлатнинг бутун ҳарбий қудратини вайрон қилиши, айrim ҳолларда эса, давлатнинг мавжудлигига таҳдид солиб, қуролли жавоб

қайтариш имкониятини деярли йўқقا чиқаради деб таъкидлайдилар. Халқаро ҳуқуқшунос олимлар превентив ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқи борасида консенсусга келишмоқда ва унинг муҳим шарти сифатида қуролли ҳужумнинг муқаррарлиги ва шубҳасизлигини ҳамда уни бартараф этиш имкониятининг мавжуд эмаслиги ёки ўзга воситаларнинг самарасизлигини тасдиқловчи ишончли далилларнинг бўлишига ургу бермоқдалар.

11.3. Таклиф бўйича интервенция

Таклиф бўйича интервенция ўзини-ўзи колектив мудофаа қилишнинг шаклларидан бири ҳисобланади. Колектив мудофаанинг анъанавий қўринишларидан фарқли ўлароқ унинг мазкур ташкилий шакли, одатда, шартнома ёки ташкилот дорасида амалга оширилмайди. Таклиф бўйича интервенция коллектив ўзини-ўзи мудофаанинг бир қўриниши бўлганлиги боис алоҳида олинган суверен давлатга қуролли ҳужум содир этилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Бир давлат қуролли кучларининг бошқа давлатга кўмак бериш мақсадида таклиф қилинганлигининг ўзи ўшбу ҳаракатларнинг қонунийлигига етарли даражада асос бўла олмайди. Бошқа давлат худудига унинг расмий ҳукумати илтимосига биноан ўзга давлат қуролли кучларининг юборилиши маълум мезонларга жавоб бериши лозим. Халқаро ҳуқуқда мавжуд доктрина асосланиб, уларга қўйидагиларни киритиш мумкин;

1. Ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги расмий сўровнома ҳарбий интервенция бошлангунга қадар юборилган бўлиши шарт. Қуролли кучларни юбораётган давлат интервенция бошланганидан сўнг юборилган сўровномага асослана олмайди.

2. Ёрдам тўғрисидаги сўровнома миллий қонунчилик доирасида мурожаат қилиш ваколатига эга бўлган орган томонидан юборилиши шарт.

3. Агар қўшин коллектив мудофаа ҳуқуқини амалга ошириш учун юборилаётган бўлса, ҳақиқатдан ҳам ўша давлатга қуролли ҳужум бўлганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Қўшин юбораётган давлат ёрдам сўраётган давлат учун ташки таҳдид даражасини баҳолаши шарт.

4. Шунингдек, қўйидаги саволларга жавоб берилиши керак: ушбу интервенция конфликт характерини чигаллаштирмайдими ва унинг тинч йўл билан ҳал этилишига тўсиқ бўлмайдими?

5. Таклиф этилган давлат ҳарбий аралашувининг характеристи пропорционаллик ва зарурият мезонлариiga мувофиқ бўлиши керак. Интервенция қонуний функцияларни бажариш чоғида белгиланган чегарадан четга чиқмаслиги лозим.

6. Ўз қўшинларини бошқа давлат ҳудудига юбораёттган давлат БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, Хавфсизлик Кенгашини зудлик билан хабардор қилиши шарт.

Таклиф бўйича интервенциянинг қонунийлигини текшириш мезонларини қўллаш осон эмас. Ички тартибсизликлар, қўзғонлар ёки фуқаролар урушида қуролли куч билан ёрдам бериш ҳақида сўз юритилганда эса, бу вазифа янада мураккаблашади. Аксарият ҳалқаро ҳуқуқшунослар фуқаролар урушида ҳар қандай томоннинг сўровига биноан қуролли аралашувни ноқонуний деб ҳисоблайдилар. Бу каби ҳар қандай интервенция, у қонуний ҳукумат сўровига биноан амалга оширилган бўлсада, ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормалари га, хусусан, ҳалқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш принципига зид ҳисобланади. Таклиф қилинувчи томон таклиф қилаётган давлатда вужудга келган вазиятни ҳалқаро ҳуқуқ нуқтаи-назаридан тўғри баҳолаши ва шунга мос равишда ҳаракат қилиши керак.

11.4. Гуманитар интервенция

Гуманитар интервенция – инсон ҳуқуқларининг кенг миёсда бузилишини бартараф этиш мақсадида суверен давлатнинг ички ишларига куч ишлатиш орқали аралашишдир. Аралашувнинг бошқа шаклларидан фарқли равища, гуманитар интервенция концепцияси гуманитар мақсадларда қуролли аралашувни назарда тутади.

Ҳалқаро ҳуқуқнинг машҳур намоёндалари Г.Гроций ва Э. Де Ваттель (XVII аср) ҳалқаро ҳуқуқ бундай интервенцияни нафақат ман этади, балки айrim ҳолатларда қўллаб-кувватлайди деб ёзишган. Табиий ҳуқуқ гуманитар интервенция аҳолига унинг етакчилари томонидан амалга оширилаётган ваҳшийликларнинг олдини олиш мақсадида қуролли аралашувнинг мумкинлигини тасдиқловчи маънавий асосга эга деб тасдиқлайдилар.

Мазкур йўналишда муайян ижобий силжишлар «совуқ уруш»дан кейинги даврда содир бўлди. БМТ Бош Котиби Перес де Куэльяр (1991 й.): «Жабрланган ва эзилганларни ҳимоя қилишда давлат чегаралари ёки ҳуқуқий ҳужжатлар тўсиқ бўлмаслиги керак» деган фикрни илгари сурди. БМТнинг яна бир Бош Котиби Бутрос Голий (1992 й.) «Мазкур масала борасида давлат суверенитети янги мазмунга эга бўлиб бормоқда. Суверенитет нафақат ҳуқуқлардан иборат, балки ҳам ташки ҳам ички ишлар учун масъулиятни ҳис қилишни англаради. Давлат суверенитетини бузиш илгари ҳам ҳозир ҳам файриқонуний фаолият ҳисобланади. Бироқ, суверенитетни суистеъмол қилиш инсон ҳуқуқла-

ри ва тинч ҳаётига таҳлика солишга олиб келади. Фуқаролик урушлари фақатгина муайян давлатнинг ички иши бўлмай қолди ва ушбу урушларда амалга оширилаётган ваҳшийликлар дунё халқарини ташвишга солади» деган фикри билдири.

Одатда, гуманитар интервенция доирасида куролли кучларни қўллаш учун интервенция амалга оширилаётган давлат ҳукуматининг розилигини олиш шарт эмас. БМТ амалиётида, агар муайян давлат фуқароларининг ҳаёти бошқа бир давлат ҳудудида ҳавф остида бўлса, ва маҳаллий ҳукумат уларни ё ҳимоя қила олмаслиги ёки ҳимоя қилишни истамаслиги аниқланса, уларни озод қилиш учун кучни қўллашнинг мумкинлиги ўз тасдигини топди. Бироқ, халқаро муносабатларда сиёсий режимларни ўзгартириш мақсадида гуманитар шиорлар ниқоби остида амалга оширилган интервенцияларни ҳам кузатиш мумкин. Ушбу соҳада шаклланган давлатлараро амалиётни инобатга олгани ҳолда таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунда гуманитар интервенциянинг қонунийлигини белгиловчи ҳукуқий мезон БМТ Ҳавфсизлик Кенгашининг қатор резолюциялари ҳисобланади.

БМТ Низомининг 2(4) ва 2(7) - моддаларида ёритиб ўтилган куч ишлатмаслик ва ўзга давлатлар ички ишларига аралашмаслик принциплари Низом қабул қилингунгача мавжуд бўлган гуманитар мақсадлардаги интервенцияга нисбатан ҳар қандай ҳукуқларни йўқقا чиқаргандек кўринади. Гарчи, Низом инсон ҳукуқларини тан олиб, давлатларни инсоннинг асосий ҳукуқ ва эркинликларига ҳурмат билан қарашга рағбатлантириша ҳам (55-модда), бироқ ўзини-ўзи мудофаа қилиш ёки Ҳавфсизлик Кенгаши қарори асосида колектив ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида куч ишлатилишини тан олади.

Гуманитар интервенцияга қарши келтирилаётган аргументлардан бири шундан иборатки, гуманитар мақсадларни сиёсий қарашлардан ажратиш жуда мушкул ва шу сабабли, суистеммол қилиш учун кенг имкониятлар мавжуд. Гуманитар интервенциянинг мақсади бошқа мамлакат ҳукуматини ағдаришга қаратилган интилишларни яширган бўлиши ҳам мумкин. Қатор муаллифларнинг фикрича, сиёсий мақсадларда гуманитар ниятларнинг баҳона қилиниши гуманитар интервенциянинг ҳукуқийлигини тан олишга тўсқинлик қилади.

«Совуқ уруш» тамом бўлганидан сўнг, БМТнинг гуманитар мақсадлардаги уринишларини амалга ошириш борасидаги имкониятлари ортиб бормоқда ва гуманитар аралашувга эҳтиёж камаймаяпти, аксинча, ортиб бормоқда. Халқаро ҳамжамият бир томонлама ва кўп томонлама интервенцияларга таянмаслиги лозим. Бунинг учун БМТ рухсат берган гуманитар интер-

венцияларнинг ҳуқуқийлиги мезонларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш мақсаддага мувофиқ.

11.5. Ҳалқаро терроризм ва унга қарши куч ишлатиш

Шубҳа йўқки, 2001 йил 11 сентябрь воқеалари ҳалқаро хавфсизлик соҳасида янги даврни бошлаб берди. Мазкур воқеалар ҳалқаро ҳамжамият аъзоларидан умумий аксилтеррор стратегиясини ишлаб чиқишида ҳалқаро терроризмга қарши кураш амалиётида куч ишлатиш билан боғлиқ жиҳатларга жиддий эътибор қаратиш зарурлигини белгиламоқда.

2001 йилнинг 12 сентябрида БМТ Хавфсизлик Кенгаши ушбу «ваҳшиёна» ҳужумларни қораловчи ҳамда уларни ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид деб тавсифловчи 1368-сонли резолюциясини қабул қилди. Резолюция АҚШ ва унинг иттифоқчиларига ўзини-ўзи мудофаа қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш ваколатини берди. Ушбу қоида Хавфсизлик Кенгашининг мазкур ҳолатга тегишли бошқа резолюцияларида ҳам қайд этилди (хусусан, 2001 йил 28 сентябрда қабул қилинган 1373-сонли резолюцияда).

АҚШ Хавфсизлик Кенгашини индивидуал ва колектив ўз-ўзини мудофаа қилиш тартибида ҳаракат қилаётганилигидан хабардор қилди. АҚШ ҳукумати ўз хабарномасида «бу ҳужумларда Афғонистондаги «Толибон» режими томонидан қўллаб-қувватланаётган «Ал-Қоида» ташкилоти марказий роль ўйнаганлигини тасдиқловчи аниқ ва ишончли далилларнинг мавжудлигини» таъкидлайди.

«2001 йил 11 сентябрдаги террорчилик ҳужумларини режалаштирган ва содир этган давлатлар ёки шахсларга қарши ёки уларни содир этишда ёрдам берган ёхуд шундай ташкилотларга, шахсларга бошпана берган ёки келгусида Қўшма Штатларга қарши давлатлар, ташкилотлар ёки шахслар томонидан амалга оширилиши мүмкун бўлган ҳалқаро террористик ҳаракатларни олдини олиш учун зарурий ва тегишли барча кучларни ишлатиш» учун президентга ваколат берувчи Конгресс палаталарининг қўшма баёноти қабул қилинди ҳамда мамлакатда амалда ҳарбий ҳолат эълон қилинди. АҚШ президенти бу ҳаракатларни «давлатга қарши агрессия акти» деб тавсифлади.

Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар бошланганидан сўнг, Хавфсизлик Кенгаши қатор резолюцияларни қабул қилди. 14 ноябрда у «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига мувофиқ терроризмни йўқ қилиш бўйича ҳалқаро бирдамлик»ни қўллаб-қувватлашни акс эттирувчи 1378-сонли резолюциясини қабул қилди. Хавфсизлик Кенгаши ўз резолюциясида Афғонистонда Хавфсизликка кўмаклашувчи ҳалқаро кучларни таъсис этди.

Дунёдаги энг қудратли ҳарбий-сиёсий иттифоқ – НАТО ҳам бу борада ўз нұктаи-назарини билдириди. НАТОга аъзо 19 давлат вакиллари, агар мазкур хужумларнинг манбаси АҚШ ҳудудидан ташқарида бўлса, у ҳолда улар уни Вашингтон шартномасининг 5-моддасида белгиланган акт сифатида кўришларини маълум қилдилар. Худди шу тарзда, Америка давлатлари ташкилоти «АҚШга қилинган ушбу террорчилик хужуми – барча Америка давлатлариға қилинган хужум ҳисобланади» деган холосага келгандан сўнг, Рио-де-Жанейрода имзоланган шартномада назарда тутилган коллектив мудофаа қоидасини қўллашга қарор қилинди. Тинч океани хавфсизлиги пакти (АН-ЗЮС) IV моддасига асосан Австралия ҳам худди шундай йўлни тутиб, ўз ҳарбий кучларини юборишга тайёрлигини билдириди.

Россия, Хитой ва Ҳиндистон АҚШ билан разведка маълумотларини алмашишга розилик билдириди. Япония ва Жанубий Корея эса моддий-техник жиҳатдан қўллаб-куватлашини таклиф этди. Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони «Толибон» ҳаракати билан дипломатик муносабатларини узди, Покистон эса АҚШ билан тўлиқ ҳамкорлик қилишга розилик билдириди. Йигирма етти давлат АҚШ ва аксилтеррор коалиция давлатлари иштирокчилариға ўз ҳудудидан учеб ўтиш ва аэродромларидан фойдаланишларига рухсат берди ҳамда АҚШни қўллаб-куватлашга қаратилган 46 та баёнот қабул қилинди.

Хавфсизлик Кенгаши нұктаи-назаридан (1368 ва 1373-сонли резолюциялар) «ўзини-ўзи мудофаа қилиш» тушунчаси но давлат субъектлари томонидан қилинган хужумлардан ҳимояланишни ҳам ўз ичига олади. Бундан ташқари, Хавфсизлик Кенгашининг 7 октябрдан кейин қабул қилинган резолюцияларида аъзо давлатларни «БМТ Низомига мувофиқ терроризмни йўқ қилиш»га ундовчи чакириқлар ҳам учрай бошлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми. –Т., 2008. – 75 б.
2. Черниченко С.В. Теория международного права. В 2-х томах. Старые и новые теоретические проблемы. – М.: Издательство «НИМП», 1999. Т. 2. – 531 с.
3. Бэттлер А. Национальные интересы, национальная и международная безопасность // Полис. – Москва, 2002. - №4. – С. 146-159.
4. Шмитт Н. Майл. Борьба с терроризмом и применение силы с точки зрения международного права //Европейский центр изучения вопросов безопасности им. Джорджа Маршалла. – Гармиш-Партенкирхен, 2001, №5. – 141 с.

5. Джозеф Йоффе. Коллективная безопасность и будущее Европы: не сбывшиеся мечты и тупики// Survival (Spring 1992). – Р. 36-50.

6. Вне конфронтации. Международное право в период после холодной войны. Сборник статей. – М.: Издательство «Спарт», 1996. – 356 с.

7. Политическая энциклопедия. В 2-х т. / Рук. проекта Г.Ю. Семигин. – М.: Мысль, 2000. Т.1. – 750 с.

8. Политическая энциклопедия. В 2-х т. / Рук. проекта Г.Ю. Семигин. – М.: Мысль, 2000. Т.2. – 701 с.

Тестлар:

1. Куч ишлатишга тақиқ белгиланган асосий халқаро-хукуқий хужжатлар:

а) Миллатлар Лигаси Статути, БМТ Низоми, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

б) Миллатлар Лигаси Статути, Бриан-Келлог пакти, БМТ Низоми

в) Миллатлар Лигаси Статути, Инсон ҳукуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси

г) БМТ Низоми, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

2. Давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳукуқи БМТ Низомининг қайси моддасида белгилаб берилган?

а) 51-модда

б) 42-модда

в) 39-модда

г) 24-модда

3. БМТ Низомига кўра давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳукуқи қандай вазиятда вужудга келади?

а) кенг масштабдаги террористик акт содир этилганда

б) давлатга қуролли ҳужум содир этилганда

в) давлат ўзига реал таҳдид мавжуд деб ҳисоблаганда

г) мавжуд низоларни бартараф этишда

4. Давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳукуқи қандай ташкилий-ҳукуқий шаклларда амалга оширилади?

а) кооперация асосида

б) индивидуал ва колектив шаклда

в) индивидуал ва кооператив шаклда

г) факат колектив мудофаа тизимлари доирасида

5. Таклиф бўйича интервенция – бу:

- а) кооператив хавфсизликнинг бир кўриниши
- б) бир давлатнинг бошқа давлатга агрессияси
- в) давлатнинг ички ишларига ҳарбий аралашув
- г) колектив ўзини-ўзи мудофаа қилишнинг бир кўриниши

6. Гуманитар интервенция – бу:

- а) коллектив мудофаанинг бир кўриниши
- б) бир давлатнинг бошқа давлатга агрессияси
- в) давлатнинг ички ишларига ҳарбий аралашув
- г) халқаро ҳамжамиятнинг инсон ҳуқукларини мунтазам ва кенг масштабда бузилишини олдини олиш мақсадида давлатга нисбатан куч ишлатиши

Топшириқлар:

1. Куч ишлатишга нисбатан халқаро тақиқлар ривожланишини таҳлил этинг. Ушбу жараённинг ўзига хос жиҳатларини муҳокама қилинг.

2. Давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқининг мазмун ва моҳиятини, уни амалга оширишнинг асосий мезонларини таҳлил этинг. Давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқини амалга оширишнинг икки ташкилий-ҳуқуқий шаклиниг ўзаро мутаносиблигини очиб беринг.

3. Коллектив ўзини-ўзи мудофаа қилишни БМТ Низомининг 42-моддаси асосида амалга ошириладиган коллектив хавфсизликдан Фарқли жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилинг.

4. Таклиф бўйича интервенциянинг коллектив ўзини-ўзи мудофаа қилишнинг шаклларидан бири эканлигини изоҳлаб, унинг ўзига хос жиҳатларини ажаратиб беринг. Халқаро амалиётдан аниқ мисоллар келтириб, уларнинг қанчалик ушбу концепцияга мос келишини аниқланг.

5. Гуманитар интервенцияни вужудга келишининг асосий шарт-шароитлари ҳамда унинг асосий мезонларини ўрганинг.

6. Халқаро ҳуқуқда терроризмга қарши курашда куч ишлатиш билан боғлиқ нормаларнинг ривожланиб боришини муҳокама қилинг. Ушбу ўринда 2001 йил 11 сентябрь воқеаларига алоҳида эътибор беринг ва АҚШ бошчилигидағи коалицион кучларнинг Афғонистондаги ҳарбий фаолиятига сиёсий-ҳуқуқий баҳо беришга ҳаракат қилинг.

Тест жавоблари:

- | | | | | | |
|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|-----------|
| 1. | 2. | 3. | 4. | 5. | 6. |
| б) | а) | б) | б) | г) | г) |

ЖАХОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

И.И. БОБОКУЛОВ, Х.П. УМАРОВ

**ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ
Ўқув қўлланма**

Оригинал-макет: И.Семенюк

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очиқ нашр этиш ман қилинган маълумотларни оммалаштиргани учун луғат муаллифлари жавобгардир

ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман қилинади

Формат 84x108 1/32. Ҳажми 10 б.т.
Адади 100. Келишилган нарҳда

ЖИДУда чоп этилди
100077, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳ қўчаси, 54.

UWED[®]
PRINT